


577


ISSN 2010-5517

Jahon ADABIYOTI


Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal



May – 2019



Мужгон Чевик Чорбачи. "Олам"



Эврин Сарптунали. "Нигоз"

J

Alisher Navely
nemidagi
O'zbekiston MK

Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal



355
№ 1

Жамоатчилик кенгаси:

Сирожиддин САЙИД
Наим КАРИМОВ
Иброҳим ФАФУРОВ
Эркин АЪЗАМОВ
Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ
Хуршид дўйстмуҳаммад
Абдураҳим МАННОНОВ
Шуҳрат РИЗАЕВ
Комилжон АЛЛАМЖНОНОВ
Алишер ҚОДИРОВ
Баҳодир КАРИМОВ
Зухридин ИСОМИДДИНОВ
Муҳиддин ОМОН

Бош муҳаррир:
Аҳмаджон
МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Амир ФАЙЗУЛЛА
Муҳиддин РАҲИМ
Назира ЖЎРАЕВА
Алимурод ТОЖИЕВ
Алишер ОТАБОЕВ
Даврон РАЖАБ
Жамила АСҚАРОВА
Мафтуна
МУҲАММАДАМИНОВА

МУАССИСЛАР:

РЕСПУБЛИКА МАҶНАВИЯТ
ВА МАҶРИФАТ КЕНГАСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУЧВИЛАР
УЮШМАСИ

Журнал
1997 йил иондан-
чика бошлаган

НАВОЙ САБОҚЛАРИ

- Алишер НАВОЙЙ. Ул паривашким, бўлубмэн...
 (Рус ва инглиз тилларига Н.Лебедев, Қ.Маъмуроев тарж.) 3

ШЕЪРИЯТ МИНТАКАЛАРИ

- Замонавий турк шеъриятидан. Шеърлар (Турк тилидан Х. Рустамова тарж.). 8
 Н. КАРИМ. Туркистон билан мулокот..... 182

НАСР

- А. ШИМШИРГЕЛ. Амир Темур. Рисола. (Турк тилидан Т. Каҳҳор тарж.). 16
 С. КЎЖАГЎЗ. Боткоқлик. Ҳикоя. (Турк тилидан П. Кенжасеева тарж.). 76
 Ҳ. Р. ХАГГАРД. Доктор Терн. Қисса. (Рус тилидан Қ. Мирмуҳамедов тарж.). 82

ДРАМА

- Т. ЖУЖЕН ЎГЛИ. Брут ёхуд Юлий Цезарнинг котили.
 (Турк тилидан О. Вейсал ўғли тарж.) 54

ШАРҚ ТАФАККУРИ ДУРДОНАЛАРИ

- А. НАСАФИЙ. Комил инсон китоби. Рисола.
 (Форс тилидан Н. Комилов, О. Давлатов тарж.) 114

ИСТЕЙДОД ЁЛҚИНЛАРИ

- М. ҚЎШМОҚОВ. Ижод зиёси..... 140

ЭССЕ

- М. ЦВЕТАЕВА. Бальмонт ҳакида сўз. (Рус тилидан О. Суюндиқова тарж.). 151

САНЪАТДАГИ СИЙМОЛАР

- А. ДУНКАН. Сахнадаги Афродита. Эссе. (Рус тилидан Г. Саид Фани тарж.). 158
 Глобус..... 187
 Журнал саҳифаланаётганда..... 193
 Жаҳон хандаси..... 198
 Муқомизда..... 201
 Қомус..... 204
 Журналнинг русча ва инглизча мухтасар мазмуни..... 206



Алишер НАВОЙЙ

(1441–1501)

УЛ ПАРИВАШКИМ, БЎЛУБМЕН...

*Ул паривашким, бўлубмен зору саргардон анга,
Ишқидин олам менга ҳайрону мен ҳайрон анга.*

*Ўқларингдин дам-бадам таскин топар кўнглум ўти,
Бордуур бир қатра су гўёки ҳар пайкон анга.*

*Бир диловардур кўнгулким, ғам сипоҳи қалбида,
Оҳи новак, тоза додигидур қизил қалқон анга.*

*Новакининг парру пайконида рангин тус эрур
Ёки кўнглумдин чу паррон ўтти, юқмиши қон анга.*

*Номай шавқум не нағъ ул ойга еткай, чунки мен
Эл отин ўқур ҳасаддин ёзмадим унвон анга.*

*Хизри хаттингнинг ажаб йўқ сабзу хуррам бўлмоғи,
Лаб-балаб чунким берур су чаимайи ҳайвон анга.*

*Эй хушио, муг кўйиким, рифъат била зийнатда бор
Меҳр анга бир шамсану кўк тоқидур айвон анга.*

*Истамиши булбул вафо гулдин магарким, жсоладин
Багри қотмиши гунчанинг, баским эрур хандон анга.*

*Қилмамиши жонин фидо жононгга етмас дер эмиш,
Эй Навоий, ушибу сўз бирла фидо юз жон анга.*

(“Гаройиб ус-сигар”, 9-газал)

Диловар – кўркмас, ботир, қаҳрамон

Новак – камон ўқ; бу ўринда киприк

Паррон – учаётган

Хатт – ёр юзидаги туклар

Чашмаи ҳайвон – тириклик суви

Муғ – оташпаст руҳоний

Рифъат – кўтарилиш, юксалиш

Шамса – иморатларнинг деворлари ва пештокига қуёшга ўхшатиб айланга шаклида ишланган нақш

Жола – дўл

Кўк токи – осмон гумбази

Байтларнинг насрый баёни

Дилнавоз ЮСУПОВА шарҳи

1. Бир париваш (гўзал)нинг ишкида шундай зору саргардон бўлдимки, бу ишқдан барча менинг холимга хайрон, мен эса у паривашнинг гўзаллигидан ҳайратдаман.

2. Тинимиз ёғилаётган ўқларингдан кўнглим оташи таскин топмоқда. Гўёки ҳар бир пайконинг (кипригинг)да бир томчи сув борга ўхшайди.

3. Кўнглим фам кўшинининг курсовида якка ўзи жанг қилаётган жасур паҳлавонга ўхшайди. Унинг куроли – оҳ, калкони эса янги ҳосил бўлган кип-қизил доғdir.

4. У гўзал отаётган ўқнинг учи ва пати қизил рангга бўялганми ёки кўнглимни тешиб ўтганида унга қоним юқдимикан!?

5. Ёзган мактубим ул ойга қандай етиб борсинки, мен бошқалар унинг исмига назари тушишидан рашк килиб, мактубнинг манзили (унвони)да ёримнинг исмини ёзмаган бўлсам?

6. Лабинг устидаги тукларнинг яшнаб хуррам бўлиши ажабланарли эмас, чунки бу хаттни Хизр каби обиҳаёт чашмаси – оғзинг сугориб туриди.

7. Оташпастлар кўчаси қандай яхши жойки, унинг улуғворлиги ва зийнати олдиди гўё Куёш шамса – иморатнинг пештокига айланга шаклида ишланган нақшга, осмон эса айвонга ўхшайди.

8. Булбул гулдан вафо истабди, бу – қизик, балки очилган ғунчанинг бағри дўл ёғанидан тошдек қотиб, ўзи ҳандон бўлиб қолгани учунмикан?

9. Жонни фидо килмагунча жононга етиб бўлмас, дейдилар, эй Навоий, шу сўзнинг ўзига юзта жонни фидо этса арзиди.

Ғазалнинг умумий мазмун мөҳияти

Алишер Навоийнинг ушбу ғазали ошиқона мазмунда бўлиб, ёшлиқ лирикаси маҳсули ҳисобланади. Шоирнинг ўзи “Холоти Сайид Ҳасан Ардашер” асарида эслаб ўтишича, Сайид Ҳасан Ардашер ёш Навоий-

нинг бир неча шеърлари қатори ушбу ғазалини хуш кўриб, мажлисларда айтиб юрган.

Ғазал матлаъсида келтирилишича, бир паримонанд гўзал ошиқни зору саргардон килган. Атрофдагилар унинг бу ҳолидан ҳайрон бўладилар, ошиқ эса ул паривашиким гўзалигидан ҳайратдадир. Бундан англашиладики, ушбу паривашиким шунчаки оддий гўзаллардан эмас, балки Мутлак гўзаликнинг бир заррасини ўзида мужассам этган илохий мазҳардир. Ошиқнинг ушбу гўзаликдан ҳайратда қолиши, атрофдагиларнинг эса ошиқнинг бу ҳолидан ҳайратда тушиши тасвирида ёзсан ошиқона кўринган ғазалда орифона мазмун ҳам мужассам эканлигини сезиш кийин эмас:

*Ул паривашиким, бўлубмен зору саргардон анга,
Ишқидин олам менга ҳайрону мен ҳайрон анга.*

Иккинчи байтдан англашиладики, ёр ошиқка назар ташлаб, унинг кўнглига ишқ оташини ташлаган, бундан унинг кўнгли ёнмокда. Энди ошиқ мана шу ўт тушишига сабаб бўлган кипприклар қатра сув мисол яна унинг қалвидаги ўтни дам-бадам ўчириб, унга таскин беришини истаяпти:

*Ўқларингдин дам-бадам таскин топар кўнглум ўти,
Бордурур бир қатра су гўёки ҳар пайкон анга.*

Кейинги байтларда ҳам ушбу тасвир давом этади: ёрнинг ошиқ кўнглига қаратада отган ўқлари тасвири бетакрор бадиий тимсоллар воситасида ифодаланади. Шоирнинг тасвирича, ошиқнинг кўнгли ғам қўшинининг куршовида якка ўзи жанг қиласётган бир жасур паҳлавонга ўхшайди. Бу паҳлавоннинг қуроли “оҳ”дан иборат, қалқони эса янги ҳосил бўлган кип-қизил доф мисол...

*Бир диловардур кўнгулким, ғам синоҳи қалбида,
Оҳи новак, тоза додиудур қизил қалқон анга.*

Кейинги байтда тажохули ориф санъати воситасида “ўқнинг уни ва пати қизилмикан ёки ошиқнинг кўнглини тешиб ўтган пайтда унга қизил доф юқдимикан” деган савол кўйиладики, жавоби саволнинг ўзида бўлган бу усул шеърнинг бадиий таъсиричанинги янада оширади:

*Новакининг паррү пайконида рангин тус эрур
Ёки кўнглумдин чу паррон ўтти юқмии қон анга.*

Навбатдаги байтда эса хусни таълил санъатининг бетакрор намунасига гувоҳ бўламиз. Ошиқ ёрини атрофдагилардан рашқ қиласди. Нафакат ёрнинг ўзини, балки унинг исмини ҳам эл кўзидан яширишга ҳаракат қиласди. Шунинг учун ҳам ёзган мактубининг устига (манзил кўрсатиладиган жойга) ёрининг исмини ёзмайди. Ва табиийки, бу хат ёрга етиб бормайди...

*Номай шавқум не ńавъ ул ойга еткай, чунки мен
Эл отин ўкур ҳасаддин ёзмадим унвон анга.*

Ёрининг жамолиу исмини бошқалардан пинҳон тутмоқни истаган ошик маъшуқанинг лаблари устидаги хаттини Хизрга киёслайди. Ва бунга иккита нарсани сабаб деб кўрсатади. Биринчидан, яшинаб турган хатт Хизрдек ҳусн ва ишқ водийсига саргардон бўлғанларга раҳнамолик қилса, иккинчидан бу хатт жон бағишловчи қалом – ёрнинг оғзи устидадир. Байтда ҳусни таълил санъати талмех, истиора, ташбех билан уйғунликда юксак санъаткорликни вужудга келтирган.

Навбатдаги байт орифона мазмун билан зийнатланган. Унинг зоҳирий маъносига кўра, муғ (оташпаратлар руҳонийси)нинг кўчаси шундай юксак жойки, унинг улуғворлиги ва зийнати олдида гўё қуёш шамсага, яъни иморатнинг пештоқига айланана шаклида ишланган нақшга, осмон эса айвонга ўхшайди. Ёки бошқача айтганда, бутун оламни ўз ҳарорати билан қиздиргувчи қуёш оташпарат муғнинг кўчаси олдида оддийгина бир айланана шаклидаги нақш, осмон эса айвон кабидир:

*Эй хушио, муғ кўйиким, рифъат била зийнатда бор
Меҳр анга бир шамсаву кўк тоқидур айвон анга.*

Байтнинг ботиний маъноси эса тасаввуф истилоҳларидан хабардор бўлмокликни талаб этади: пири комил ҳузури шу даражада улуғворки, унга интилган қалблар маънавий мулокотга эҳтиёжмандирлар.

Кейинги байтлар ҳам анъанавий тимсоллар билан зийнатланади. Та-биат ҳодисаси – жала ёғилиши сабаб, ғунчанинг очилиши ва бу холатни (ғунча очилишини) кутиб яшаган булбулнинг армони ўткинчи гўзаллик соҳибларидан вафо кутиб бўлмаслиги хақидаги фикрга боғлаб талкин қилинади:

*Истамиши булбул вафо гулдин магарким, жсоладин
Багри қотмии гунчанинг, баским эрур хандон анга.*

Мактаъда Навоий ҳакиқий вафо тушунчасини фидойилик билан боғлаб талқин қиласар экан, ёрга жонфидо бўлиш муҳаббатнинг исботи эканлигини таъкидлайди ҳамда ўзи ҳам шу йўлда минг жони бўлса ҳам курбон қилишга тайёр эканлигини билдиради.

Ғазал рус тилига мутаржим Н.Лебедев томонидан ўтирилган. Таржима аслият матнидан кўра анча кичик: беш байт ҳажмида амалга оширилган. Афтидан, мутаржим ғазалнинг умумий маъносини ва орифона мазмуни ни яхши англамаган кўриниши, оташпарат муғ (пири комил) талқини билан боғлик байтда бу нокислик яққол кўзга ташланади.

Ғазалнинг русча таржимаси

Таржимон – Николай ЛЕБЕДЕВ

*Я от скорби обезумел, одичал – и потому
Изумился беспредельно мир смятенью моему.*

Успокой мое горенье! Стрелы в грудь мою метни!
Я, как струи свежей влаги, жадным сердцем их приму.

Как письмо тебе доставить! Имя светлое твое
Я, к чүксим глазам ревнья, не доверю никому.

Храм высокий мудрых магов, дом вина – тебе приют,
Небо – кровля, светоч – солнце в радостном твоем дому.

Не достичь тому любимой, кто не жертвует собой,
Навои, отдай сто жизней в жертву взгляду одному.

Ғазалнинг инглизча таржимаси

Таржимон – Қосимбой МАЪМУРОВ

OF THAT ANGEL'S LOVE I GRIEVED...

*Of that angel's love I grieved, wandered with a sigh,
Of her love the world wondered at me, at her so did I.*

*From your eyelash arrows my soul-fire calms oftener,
As if each eyelash arrow seems to have a drop of water.*

*Surrounded by grieve troops a brave soul does pain,
The woe is his arrow; his shield is his red blood stain.*

*Whether the arrow and feather were painted in red,
Or they stained when went through my heart straight.*

*How could my love-letter reach that remote moon?
As I didn't put her name lest folks might read soon.*

*The hair on your lip, no surprise, seems so bright,
As your lips are watering it with alive water right.*

*Fire – idol's look is gloriously designed with decoration,
Before it sun seems a circle paint, sky – its roof fashion.*

*A nightingale was said to ask faith from the flower,
Of hail bud's soul turned stone so did her smile over.*

*The beloved can't be reached if a soul is not sacrificed,
Hey Navoi, for this word let hundred souls be sacrificed.*

ЗАМОНАВИЙ ТУРК ШЕЪРИЯТИДАН

Турк тилидан

Хосият РУСТАМОВА
таржималари

Мөхәмәт НУРИ ПАРМАКСИЗ

1974 ўил Истанбулда туғилган. Гозий университетининг турк филологияси факультетини тамомлаган. "Сел томчилари" халқаро адабий лойиҳаси раҳбари. "Жоҳит Ситқи Тарапчи ва унинг мактублари", "Муғон шеър оқшомлари", "Кўнгилдан ташқарида", "Капалак умри" каби бир қанча шеърий ва илмий асарлари чоп этилган.

ТАШҚАРИНИНГ ХАЁЛИ

На чукурга кетар руҳим, на саёз,
Бир томчидек ерга сингар бу жисим.
Йўллар хароб, йиллар эса жуда оз,
Ичимда ийлагаган бола – болалигим.
Қўлимдадир синган созим симлари,
На чукурга кетар руҳим... на саёз.
Қалбимда ҳасратдан турку сўйлар тажрибасизлик.
На сўздан тушунар, на кўздан руҳим,
Ҳар нафасда ишқдан жўшар, ишқа қочар, менлигим
Ишқ согинчи, ишқ рақсида, ёр ўйнар
Ҳасратдан рашким қўзир,
Хужайрагларимда сенга айланган сенлигим,
Бир ситамида қалб деворим бўлар торумор,
На сўздан англар руҳим, на кўздан...
Ёмғирларнинг ҳовури сўнгсизлик
Ўлим синовида уйқусирад
На ишқа тўяр руҳим,
На ишқа қонар руҳим.
Кўзларимда умид, қўлларимда севинч иштиёқ,
Ўлим, кириши ётилган руҳимни
Шамоллари-ла қўриқлар
Ишқ, согинч-ла, томчининг баҳтли айтган қўшиги
Қалбим тушларида чексизликка кўз тикар.
На ишқа тўяр руҳим, на ишқа қонар руҳим.

ОСОНМИ?

Сендан узоқлашмоқ осонми?
 Ҳар күн юксаклардан ерга тушимоқ каби,
 Ўлмоқ ва тирилмоқ орасидаги нарса бу.
 Ҳар кўринганни сен деб ўйламоқ,
 Ухларкан хаёлларинг билан овунмоқ,
 Ва ҳар доим йўқлигига ишониб,
 Исли пушаймонлик бўлган бу ўлкада,
 Туни бўйи ҳўнграб ийгламоқ,
 Кулайми, шу ҳақда ўйласанг,
 Сендан узоқлашмоқ осонми?

Айт, ахир осонми сени унумтоқ,
 Вужудимга синган ифорни,
 Айирмоқчи бўлган ҳижрону хорни.
 Юзларингдан тараған нурни,
 Юзимдаги ажинларимни
 Бўлмагандай гумонга бормоқ,
 Осонми, шу ҳақда ўйласанг,
 Осонми, сени унумтоқ.
 Ҳалигача ҳеч нарса бўлмагандай яшамоқ.
 Осонми, сени унумтоқ?

ЙЎҚОТАЖАК НИМАМ БОР?

Оловману ёнингда совуқ қотади қўлим
 Жим ўтирма, қизарма – кутмоқ, аслида, ўлим.
 Йўқотажак нимам бор? Айтинг-чи, Худо учун.
 Давосиз дард инсонни ишқитади, шубҳасиз,
 Нафсим кўз ўнгимдаги ийғиммаган бир девор.
 Изтиробим ҳар кеча соям каби чўкар тиз,
 Бу чўлга чиқши йўқми, қайси табибда қарор.
 Норозилик кайфият қонимда кезар ҳар он,
 Жим тургим келмас, аммо, тилим ҳам тугундадир.
 Ёса ҳам ювилмагай
 Ўлимгача мен билан сендан ёпишган бу кир,
 Оловману ёнингда совуқ қотади қўлим,
 Жим ўтирма, қизарма, кутмоқ – аслида ўлим,
 Умид аталган орзу
 Тебранмииш дараҳтларда,
 Йўқотажак нимам бор?

Мұхаббат рашиклирида,
 Йўқотажак нимам бор,
 Йўқотажак нимам бор,
 Айтинг-чи, Худо учун!

Сенсан, Сен

Сен билан сузуб ўтсак, бошқа дунёларга,
Кечалари кетсак умид ирмоқларга.

Нафасимни кесган сенсан,
Ҳамма ерда эсган сенсан!

Сенинг билан гүзал ҳамма күн,
Сен бор учун гүзаллик, мазмун.

Сенинг билан кетсак майли, оролларга,
Бир он бўлсин қайтмасак бу томонларга.

Жўшиқин ҚОРАБУЛУТ

Таникли турк шоири Жўшиқин Қорабулут 1956 йил Карс вилоятининг Сариқамиши шаҳрида туғилган. Xожитепа университетининг социология факультетида таҳсил олган. Бугунги кунда Фатиҳия Санъат марказининг ижрочи директори. “Самолар қадар”, “Не бор бизники бўлган?”, “Ташлаб кет мени”, “Чизги”, “Сўзлар ҳам ўлажак” каби бир қанча шеърий ва илмий китоблар муаллифи.

ҚЎЛИМ БИР АҲВОЛДА

Ҳовучимга тўлмасдинг бир пайт,
Қўлларимни узатсам сенга,
Сен бошқа қўлдамидинг?
Менинг қўлим ҳавода қолди,
Ҳовучларим бўм-бўш бугун ҳам.

ҮЙИНЛАР

Мен осмон юзиман,
Сен ер юзисан,
Менда қанот ўйинлари бор,
Сенда оёқ ўйинлари бор...
Бу дунёни тамомлямиз
Икки тарафдан!

ВАҚТ

О, бу қадар кўп инсон,
Келар ва яна кетар.
Баъзан қолар ортидан –
Озгина обрў... хатар.
Қизиги йўқ аслида,
Вақт қолмаган бу сафар.

ЁЛФИЗЛИК

Ҳаммасини тўғри ўйладим,
Ва ҳар ерда ёлгиз турдим жисим.
Узокларим келди яқинга,
Узоклашиб кетди юрагим...

КЕТ

Телбаларча кетдинг,
Кетсанг, кет...
Ёлгиз кетсанг –
Ҳаётим эмас,
Хотирашар кетар,
Шарафим кетар.
Гурурим кетар.
Гўзаллик, баҳт кетар,
Ҳамма яхши нарса –
Бир-бир кетажсак...

Сенинг алдашинг ва ёлғонинг,
Чиркинликнинг белгиси каби,
Уч тийинлик завқу шавқ учун,
Кетаяпсан сен...
Кетган ёлгиз сен бўлсанг,
Парвойимга келмас, кетавер.
Ичишим мумкин қасам,
Аммо қара, нелар кетмоқда,
Юрак кетар-ку...
Дўстлик кетар-ку...
Инсонийлик қўлдан кетар-ку...
Кетган сен бўлсанг,
Осмон кетар-ку...

ИШОНЧ

Бир ёнда ер юзи,
Чечаклар очилар ернинг юзида,
Дарахтлар мевага кирап
тўрт мавсум.
Бу тарафда Осмон бор –
Бир тик турган дарахти ҳам йўқ...
Бу нима?
Озиқ олсалар-да тутроқдан,
Тебрансалар ҳамки мардона,
Кўк юзига узанур қўллар.
Демак, билар экан улар ҳам,
Ер – ердир,
Осмон ҳам Осмон!

* * *

Сув билади,
Хозиргача мен,
Кўлларимни кирлатмадим
Кўп шукур.
Ҳаммадан қўл ювсам
Сабаблари бор.
Сув борлиги учун эмас асло
Биласиз...

Илтер ЯШИЛОЙ

Анқарада туғилган. Илк китоби “Йиллар ичра йўқолди ишқ” номи билан нашр этилган. Замонавий турк санъати, мусиқаси ва қўшиқчилиги бўйича бир қанча мақолалар муаллифи. “Зайтун ва туз” номли шеърий, “Ёмғир ва туш” ҳамда “Ишқдан воз кечилмас” номли романлари нашр этилган.

ИЧИМДАГИ ОВОЗ

Ичимда бир овоз бор, бир менга маълум овоз,
Ҳар олган нафасимда, келгин дея ёлворар.
Илкларимда айланган бир девона мисоли,
Мени ортга қайтариб олгин, дея ёлворар.

Ким қайга олиб кетди севгимнинг бешигини,
Кеч, дея йўл берганим кўнглимнинг эшигини.
Мусодара қилинган умримнинг қўшигини,
Етти девор ортига қўмгин, дея ёлворар.

На кечанинг қораси, на согинчнинг яраси,
На ичимда ҳайқирган гуруримнинг наъраси.
Кўз ўнгимда ёнганим – икки дунё ораси –
Тиззамга бироз дармон бергин, дея ёлворар.

Бу қалбдан қалбга кетган бир лаҳзалик ёрлиқми?
Бу бир пичоқ яраси, бир санчиқ, бир оғриқми?
Йўқса Тангри даргоҳи тир Юнусга боғлиқми?
Ол, бу унаштироқни, ёрим дея ёлворар.

Оҳ, бу жоннинг жазоси жондан ташқаридами?
Оҳ, меним Сирот узра ўтишим камондами?
Бир бутун икки ярим анорим боячамдами?
Йигиштириб ол мени боғдан, дея ёлворар.

*Мөхнат билан қилинса, миннат түйгуси бўлмас,
Сўз ўзида бўши қолса, илдизи асло тўлмас.
Илдизи ишқ ерида бўлса, ишқ гули сўлмас,
Бу мавзудан воқиф бўл, ёрдам, дея ёлворар.*

*Тилимда Сенинг исминг, севгинг бор тўрт ёнимда,
Ҳам бу кунимда борсан, ҳам кечаги кунимда.
Юз минг марта аминман жумла-олам ўнгида –
Ишонмасане, чормихда қолгин, дея ёлворар.*

*Агар уруши майдони – ҳаёт, деб ҳисобланса,
Жим турса ҳам юрагим – тишим олар аланга.
Агар бўлса дунёда кечиб кетардим анга,
Хузур тўла бир ошён ер бўлса деб ёлворар.*

ҚАЙҒУ ЁМҒИРИ

*Қайгу ҳовучларимга ёгаркан кўк юзиндан,
Бундай ҳолда бурчакда қолмоқ истамайман ҳеч.
Кўлимни мендан тортган у севгининг вужудин,
Кўлимдаги изини артмоқ истамайман ҳеч.*

*Дунё муҳокамаси кўр этса-да кўзимни,
Ич-ичимдан биламан, Сендан келган ўзимни.
Манзилимга кўйгандим, ёди берган сўзимни,
Маломатга кўмилиб қолмоқ истамайман ҳеч.*

*Мен битикда яшабон қиши мисоли эканман,
Хотирадан жой олган ул афсунни деганман.
Юзимдан юз ўгириб мен ўзимга келганман,
Елкамдаги шарф каби тушибоқ истамайман ҳеч.*

*Ханжаримда яширин етти юз эллик гуур,
На мени бош эгдирар, на бош эгмоққа турур.
Бир Сендан воз кечолмас, бир сенга мафтундор У,
Томчига муҳтож экан, пишмоқ истамайман ҳеч.*

*Пол бўлса-да тилларим яна сени тилайман,
Етарки, қўлинг узат, мен ҳеч нарса демайман.
Не ўтмишиим бор бўлса, билмам, яна билмайман,
Сен меники, ҳаддимдан ошмоқ истамайман ҳеч.*

*Колган хотираларим дилимда ҳайрон ўлса,
Нима бўлса ўйлига бош қўйган шу он бўлса.
Келиб менда банд бўлса, қотса, яна тош бўлса –
Сукунатга ҳеч қачон чўммоқ истамайман ҳеч.*

Устига устак яна ҳимояда сирлари,
Кўплигидан элакнинг қўлда қолган бирлари,
Ёвузни тупроқ этган бу панжасада шерлари.
Балки бу қисмат дея тешмак истамайман ҳеч.

Сен ўнгимда йўл очиб, мени йўллаган қудрат,
Сен бор бўлсанг, етарки, етади менга шуҳрат.
Нима келса бошимга фақат сендан иборат –
Агарда сен бўлмасанг яшаши истамайман ҳеч.

Малоҳат ЎЗЧАБОН

Спарталик шоир. Истанбул хорижий тиллар университетининг олмон филологияси факультетини тамомлаган. Ёш истеъоддларни қўллаб-куватлаш жамияти мутахассиси. Шеърлари ўнга яқин тилларга таржима қилинган.

ВАҚТИМИЗ БОР ЭКАН

Истасанг, ўчириб ташла қалбиндан,
Истасанг, узоқ тут кўзингдан, майли.
Пушаймон бўлмагин, тўрт томонингдан,
Чеккан аламларинг мени ўртайди.

Бир куни келарсан – согиниб кетсанг,
Ёмғирдай, ёмғирдай ёғилиб кетсанг.
Оққан кўзёшларим Сени қўймайди,
Фақат эҳтиёт бўл, қоқилиб кетсанг.

Эски дафтарларни очолмайман мен,
Нетай, хотирадан кечолмайман мен.
Йўлингни тўсмайман, майли кетсанг, кет –
Заҳримни дунёга сочолмайман мен.

Фақат шу зайлда ўтар вақтимиз,
Фақат шу зайлда умримиз ўтар.
Мұхаббатсиз ахир биз киммиз, киммиз?
Эрта биз ўтамиз, дунё унтар.

Сунай АКИН

Таникли турк шоири Сунай Акин (тўлиқ исми Шукру Сунай Акин) 1962 йил 12 июнда Трабзон вилоятининг Мачка шаҳрида туғилган. Истанбул университетининг Физика факультетини тамомлаган. Мармара университетининг Нафис санъат бўлимида дарс берган. Айни пайтда Туркия давлат телевидениесида фаолият олиб бормоқда. 2005 йил Истанбулда Ўйинчоқлар музейига асос солди. “Хаёл қаҳрамонлари”, “Кийикли хиёбон”, “Ойпараст”, “Қадим қайгулар” каби бир қанча шеърий китоблар муаллифи.

АЙРИЛИК

Бир поезд иўлининг
 Икки тарафимиз.
 Нимани ҳал этар
 Яқинлигимиз.
 Барибир сўнгида
 Сўнгги бекат бор...

БЕХАБАРЛИК

Пўстлогини арчмасдан
 Олмаларни сўя билдим.
 Ва тузатдим битта ярмини,
 Аммо қаршиимдан чиққунча
 Курт эди олма қуртлари
 Менинг тичоқларим
 Юриши қилгунча
 Унинг юртига...
 Лабингдан қолган улуши
 Пиёлада қолган
 Лабларинг изи каби
 Узоқ қололмайман
 Кўзларингда...
 Қани яқин бўлса
 Кўлларимга қўлларинг.
 Ёнингдаги бетон бинога
 Суянгани каби
 Эски бир уйнинг...
 Сен ахир мих каби
 Миямга қоқилгансан
 Ва бутун дунёning
 Кисқичларини
 Денгизга отганман.
 Энди бошқа иложсимиз
 Йўқдир севгилим!



Аҳмад ШИМШИРГИЛ

АМИР ТЕМУР¹

Турк тилидан
Тоҳир КАҲҲОР
таржисими

МУАЛЛИФ СЎЗБОШИСИ

1989 йил. Ўшандаги Арзиумдаги Отатурк университети адабиёт факультетининг тарих бўлимида биринчи босқич талабаси эдим. Салжукийлар тарихининг таникли билимдонларидан М.Олтой Кўйман Анқарадан келиб бизга дарс ўтар, бир ойлик сабокни бир хафтада бериб, бошкентга қайтиб кетарди. Биринчи дарсида сўзлаганлари, айниқса, “Оллоҳдан биргина тилақ тилақ, Темур жаннат юзини кўрмасин, дея сўрардим”, дегани хеч қачон ёдимдан чиқмайди.

Қаранг, бу кандай тилақ, кандай хусумат-а? Тушуниш кийин. Ўша даврда мактаблар, бошка ўкув юртларида “Тўпол Темур”, “Темурланг”, “Оксок Темур” изборалари нима учун оммалашганини кейинрок англаб етдим.

Ҳа, усмонлилар хоқони Йилдирим Боязид билан Анқара урушида жанг килган ва ғолиб келган Темурни усмонли тарихчилари мудом қоралади ва ноҳақ танқид килди. Яхшиямки, Саъдиддин афанди² каби кейинги давр тарихчилари Амир Темурга ҳаққоният билан ёндаша бошлади ва талай ҳақикатларни юзага чиқарди.

Шунга қарамай, Темур нега бизга асрлар мобайнида нотўғри таништирилди? Аслида-ку, бизнинг наслларга нотўғри англатилган фактат Темургина эмасди. Усмонлилар тўғри тушунтирилдими? Фотих, Ёвуз, Конуний ва Абдулхамидхон Иккинчи ҳам тухматлар дўлидан кутула олмади-ку!

Афуски, Амир Темурга душманлик, унинг шахсига ёвларча караш фактат Туркиядагина эмас, бутун туркий мамлакатларда, ҳатто бутун дунёда кенг ўйилган эди.

Масалан, Амир Темур золим советлар даврида барча туркий жумхуриятларда нукул ваҳший, конхўр шахс сифатида кораланаради. Рус ва совет тарихчилари ҳамда ёзувчилари китобларида Амир Темур шафқатсиз ва ғаддор дея гавдалантирилар, рассомлар асарларида ҳам унинг сиймоси ана шундай кора бўёкларда тасвиirlаниб, оммавий онгни заҳарлашга харакат қилинаради.

¹ Журнал варианти. Бошланиши. Давоми кейинги сонда.

² Хўжа Саъдиддин афанди – усмонли тарихчиси (1536–1599), шайхулислом, мударрис, қозиаскар. “Тож ут-таворих” асарининг муаллифи (тарж.).

1941 йилда Сталин амри билан Темурга нисбатан яна бир хурматсизлик килинди. Ўзбекларнинг ёлвориши ва қўзёшларига қарамай, унинг мозори очилиб, илмий ўрганилиш учун суюклари Москвага олиб кетилди. Бир томонда антропологлар бош чаноғини текширар экан, бошқа томонда унинг тимсоли яратилди. Бу тимсолий ҳайкалда Амир Темур кўркинчли, ваҳший ва ёввойи тарзда кўрсатилди. Афсуски, Туркияда бо силган бир катор китоблар, романлар ва комусларда ҳам ана шу расмдан фойдаланилди. Ўша йилларда турк меъморларининг улуғи Меъмор Синон арвоҳига нисбатан ҳам шунга ўхшаш хурматсизлик қилинганини ва унинг бош чаноғи йўқолганини унутмаслик керак.

Мустабид шўро давридаги зулм зарбалари факат жисмлар эмас, руҳларга ҳам қаратилган бўлиб, Амир Темур ўз ватанида ҳам муносаби даражада танитилмас эди. Шу тарика, ўзбекларни тарихи, маданияти ва анъаналаридан узоклаштиришга уриниларди. 1991 йилда Ўзбекистон мустакиллиги ўзлон этилганидан кейингина Амир Темур номи, шони ва бой мероси, хотираси ва шахсига янгича, ҳақиқий муносабат пайдо бўлди.

Албатта, туркларнинг удуғ зотларига нисбатан бундай душманликларнинг очик ва яширин сабаблари бор. Биз бу ўринда ўша сабаблар хусусида сўзламоқчи эмасмиз. Зоро, бу китобни ўқиганингизда, Темурга карши бутун кину адоватлар каердан пайдо бўлганини осонгина тушуниб оласиз.

Тарихий ҳақиқат шуки, Амир Темур бугун дунёнинг тўрт буюк жаҳонгиридан бири сифатида тан олинмоқда.

У ўзи олиб борган бирор урушда енгилмаган буюк маршалдир.

Амир Темур мўғуллар маҳв этган Туркистон оламини янгидан кучли ва бой ўлкага айлантириди. Ёкилган, йикитилган Ўрта Осиё шаҳарларини Кешдан Самарқандгача, Бухородан Термизгача тиклаб, янгидан жонлантириди, мадраса, масжид, кўпприк, карvonсарой, анхорлар билан Ер юзини безади.

Соҳибқирон ҳар бир ўлка ва миллат фақат илм ахли, кучли насллар билан ҳаётини давом эттира олишини яхши биларди. Шу боис сайид-

Амир Темур – жаҳоншумул шахс: қудратли ҳукмдор, музaffer лашкарбoshi, адолат маёғи ва маданият ҳомийси. Ҳозиргача бу зот ҳақида бир ярим мингдан ортиқ асар яратилган бўлиб, шунинг учдан бири Оврупо ва бошқа дунё тилларида, мингга яқини эса Шарқ тилларида дар. Энг муҳими, бутун инсониятга ибрат бу улуғ аждодимиз ҳақида бугун ҳам тинмай асарлар битилмоқда. Лекин ўтган асрда шўро мағфураси қуткусида Темур шахсига бир ёқлама ёндашилгани, бу тарихий сиймони қораловчи асарлар яратилганини ҳам таассуф-ла ёдга олмок лозим.

Мустақиплик йилларида Темур мавзусида холис ёзилган китоблар нашр этила бошланди. "Темур тузуклари" бир неча бор ўзбек, рус, инглиз ва бошқа жаҳон тилларида чоп этилди, Яздий, Шомий ва бошқа тарихчилар асарлари таржима қилиниб, китобхонларга етказилди. Ҳалқимиз, айниқса, Темур мавзусидаги бадиий асарларга жуда чанқоқ эди. Бу мавзуда, чунонча, Муҳаммад Алиниң тўрт жилдлик, Нурали Қобулнинг ўндан ортиқ жилдлик романлари яратилиши билан айни чанқоқлик бирмунча қондирилди.

Камина ҳам таржимон сифатида Темур мавзусидаги баъзи тарихий ва бадиий асарларни ўзбекчага ўгириб келаман. Турк олими Исмоил Аканинг "Буюк Темур давлати" илмий асари 1996 йил "Чўлпон" нашриётида, Дундар

лар, шайхлар, дарвишлар, олим ва шоирларга доим алоҳида эътибор берарди. У яшаган даврда Темурнинг ватани “Илм ва хикмат аҳли юрти”, дея улуғланарди.

Амир Кулол, Шамсиддин Кулол, Абубакр Тайободий, Мирсаид Барака каби шайхлар, шунингдек, Тафтазоний, Сайд Шариф Журжоний, Қозизода Румий каби олимлар кучли насл яратилишига улуш кўшганлар.

Темур даврида ҳарбий соҳада жуда кўп машхур кўмондонлар етишиб чиқкан.

Темурдан яхши авлодлар колди. Ўғли Шоҳруҳнинг исломиятга килган хизматлари буюkdir. У Ҳиротни бош шаҳарга, дунё марказларининг бирига айлантириди. Невараси Улуғбек эса мингдан ортиқ юлдузлар ҳаракатини ўлчаган олим-султон сифатида жаҳонда донг қозонди.

Шунингдек, Темурнинг олтин насли ва салтанати давом этар экан, Али Кушчи, Алишер Навоий, Ҳусайн Бойкаро, Бобур каби исломият юқалишига, ақлий ва наклий билимлар тараққийсига ва турк тилининг янгидан яшаришига сабаб бўлган давлат арబлари, олим, шоир, адиллар ҳам етишиб чиқди.

Темурнинг ўзига хос ҳаёт дастури бармоғидаги узукка ёзиқлик эди: “Рости русти” (Куч адолатдадир). Бу ифода буюк турк жаҳонгиригининг ҳар ишида одил бўлишни шиор этганини ва бунга мос ҳаракат қилганини, дунёни ҳовучлари орасида тута билганини кўрсатувчи бир васикадир. У ўғилларига ҳам ҳар доим “Одил бўлинг!” дерди.

Туркларнинг жаҳон ҳокимиюти мағкураси Ўғуз коғонда бўлгани каби, Темур ҳам “Олдоҳ кўқда биттадир, султон ҳам ерда бўлиши кепрак, дунё икки ҳукмдор сиғадиган даражада кенг эмас”, дея бутун туркий оламни ҳокимиюти байроғи остида бирлаштирган, турклар бирлигини яратган ҳоқондир.

Нихоят, шунга ҳам ургу беришимиз керакки, Темур ўлкасини энг коронги бир даврдан, зулмнинг аччик гирдобидан ёргулкка чиқарган қаҳрамондир. У бўлиниш, парчаланиш ўлкани қандай фалокатларга олиб боришини яхши англарди. Бу зот ҳукмронлик тажрибасини ўзи битган

Алл қаламига мансуб “Шарқнинг энг буюк ҳукмдори Темур” романи 2013 йил “Жаҳон адабиёти” журнали, 2018 йил эса “Ўзбекистон” нашриётида босилди. Энди, азиз журналхон, профессор Аҳмад Шимширгилнинг ўзбек, турк, араб, форс, рус, урду ва бошқа тиллардаги манбаларга суюниб ёзилган, Туркияди Темур мавзусида чоп қилинган энг янги асарини (Prof. Dr. Ahmet Şimşirgil. Emir Timur. Timaş yayinları, İstanbul, 2017) кўлга олаётурсиз.

Шуни алоҳида қайд этмоқ жоизки, Туркияда буюк Соҳибқирон мавзусида юзларча тарихий китоблар ёзилган. Бироқ усмонличадаги баъзи битикларда, ҳамто XX асрдаги асарларда ҳам, Темур шахсига бир ёқлама ёндашув сезилади. Биз профессор Исмоил Ақанинг китобини холис ёзилгани учун эҳтиром ила ўзбекчага ўғирган эдик. Аҳмад Шимширгил асари ҳам холис яратилган ва шу боис уни ҳам сизга етказмоққа жазм қилдик. Журнал имкониятлари асарни тўлиқ босишга монелик қилгани сабаб, талқин нуқтаи назаридан дикқатга молик, икки бўлум – Амир Темурнинг турк сultontonи Йилдирим Боязид билан муҳорабаси ҳамда буюк Соҳибқирон вафоти ва шахсияти ҳақидаги қисмлар танлаб олинди.

Таржимон

“Темур тузуклари”да абадийлаштириди. Шу битик оркали у барча давлат арабблари, келажак наслларга ўлмас мерос қолдирди. Бу асар халқаро алоқалар ва сиёsatшунослик йўналишидаги талабаларга дарслик сифатида ўқитилиши керак. Тузукларнинг баъзи сахифалари, бўлимлари мактаб ўқувчилари ва талабалар ёд олса арзийдиган олтинга тенг хикмату ўгитларга тўла.

Юртимиздаги турк миллиатчиларининг бош қўмондони, раҳматли Алларслон Туркаш 1996 йилда Турк давлатлари ва ўлкаларининг дўстлик, кардошлиқ ва ҳамкорлик вақғи томонидан ташкил қилинган “Туркистон амири Темурнинг турк ва дунё тарихидаги ўрни” мавзусидаги анжумандада сўзлаган нутқида Темурнинг ўзига хос арбоблик ва хоқонлик сифатларини таъкидлар экан, бундай деган эди: “Темурдек буюк жаҳонгирни етиштирган миллатга мансублигимиздан фахрланишимиз керак. Унинг асарларини, меросини ўрганишимиз, тажрибаларидан фойдаланишимиз даркор. Барча турк зиёлиларига унинг “Тузукот”ини ўқишни тавсия киласман. Турк зиёлилари Амир Темурнинг тарихий ҳаётини, шахсиятини ўрганар экан, “Тузукот”ини ҳам ўқиши, сабоқ олиши лозим”.

Туркия Республикаси президенти Ражаб Тайиб Эрдўғон ҳам 2016 йил 18 ноябрда Амир Темур мақбарасини зиёрат килар экан, ўз туйғуларини бундай ифодалаган эди: “Бугун турк ва ислом дунёси чекаётган дардларни кўраётганлар Амир Темур ўз даврида килган буюк ишлар ва кураш маъносини янада яхшироқ англайди. У турклар ва мусулмонлар бирлиги, тенглиги учун кўзига уйку келмаган, бу йўлда ҳар канака машаққатни тортган, жиҳодда жонфидо буюк сохибқирон эди. Амир Темур ўгитларига, дастурларига амал килишга ҳар замондагидан кўра ҳам бугун жуда катта эҳтиёжимиз бор”.

Иншооллоҳ, кўлингиздаги асар сохибқирон Амир Темурнинг энг тўғри бир тарзда англанишига хизмат килажак.

Бу китобни тайёрлашда ўзбек, араб ва усмонли тилларидаги манбалардан фойдаланилди. Хусусан, Туркиядан Ўзбекистонга бориб, у ерда ойларча кезиб, ўзбекча манбаларни менга олиб келган ва уларни таржима килишда ёрдамлашган кимматли дўстим, хукукчи Ирфон Хаттотўғлига барча кўмаклари учун ташаккур билдиримокчиман.

Тарихидан хабарсиз миллатлар бўйин эгишга, этак ўпишга маҳкумдирлар. Бу маҳкумият ўша ҳалкни ўз аждодининг эмас, балки ётларнинг хизматчисига айлантирувчи қуллик жараёнидир.

Темурнинг ҳаётидан олинадиган шунчалар ибратлар борки...

Проф. Аҳмад ШИМШИРГИЛ

УЧИНЧИ БҮЛİM

ДУНЁ КУЧИ

Дунёда икки ҳукмдор бўлган бирор ер йўқдир. Дунёни яратган Парвардигор ҳам ягонадир. Шундай экан, жаҳонда подиоҳ ҳам битта бўлиши керак.

Шарафиддин Али ЯЗДИЙ

УСМОНЛИЛАР БИЛАН УРУШ АРАФАСИДА

Амир Темур Усмонли давлати билан урушга қарор бергач, ҳукми остидаги барча мамлакатларга чопарлар юбориб, бутун аскарларга кўкламда Қорабоғда ҳозир бўлишни буюрди. Ойма-ой, кунма-кун буюк жангта яқинлашиб борилмоқда эди.

Темурнинг вазиятини тўғри тушунган баъзи беклари ва олимлари Румдиёрига босқин килиш тарафдори эмас эди. Чунки улар Рум элида, яъни Анадўлунинг Оврупо томонида доимо ғазот ва жиход йўлбошчиси бўлган подшоҳга қарши қилич кўтаришни хоҳлашмас эди. Факат ҳукмдоридан андиша килиб, бу ниятини Темурга айтига олмасди.

Нихоят, улар ўзаро кенгашиб, Темур наздида обрў-нуфузи юксак, сўз айтмоқда тенгсиз, фасоҳатли суҳанга уста Шамсиддин ал-Маликийни вакил этишди. У Темур билан мулокот чоғи сўзни шу мавзуга бурдидা, тилакларини ифодалаб, бундай деди: “Уруш ҳакида гап кетар экан, бунда шошилмаган яхшидир, бу – донолик ва улуғлик нуқтаи назаридан, янглиш саналмайдир. Эҳтимол, фитна оташи оловланар ва уни сўндириш мушкуллашар, ўргага чиқадиган зарап ҳам зиёда бўлур. Йилдиримхон ҳам бошдан-оёқ ғайрат кийимига бурканган бир подшоҳ, борлиқ ва мол-мулк эгаси, зафарли ўрдуси бор ҳукмдорdir. Унинг ўтқир киличи фаранглар учун бир балою оғат, дурру гавҳар сочган қўллари эса бир хазинадир. Ғазот ва жиход йўлида ғайрат тизгинини тутган, исломият чегараларини кўриқлашга бошини қўйган подшоҳdir. Шундай шоҳаншоҳ билан савашмоқ – динни дунёга тарқатаётган, пайғамбаримиз ҳукмини амалга ошираётган давлат соҳиби билан жанг қilmоқдир. Бу на сизнинг салтанатингизга лойиқ ва на кудратли бек ва баҳодирларингиз кўнглидаги туйғуларга уйғун. Зафар еллари биз ёқка эсганда ҳам бу иш, аслида, душманларимизнинг севинишига йўл очажакдир. Шу сабаб замон ичра бу давлат йикилар, балки охири йўқ бўлиб кетар...”

Устод Шамсиддиннинг хайрли йўлга бошловчи бундай насиҳатлари ва очиқ гаплари Темурнинг юриши қарорини тўхтатиб, қалбидаги иштиёқ ва қаҳр оташини бостиргандай бўлди.

Шу орада Соҳибқирон Боязидхонга йўллаган элчилар ҳам қайтди ва усмонлилар подшоҳи унинг таклифини рад этганини билдири. Бу хабар Темурнинг сўнаётган иштиёкини яна оловлантириди. Барча кўшинларни тўплатиб, олий ўрду кўригини ўтказди, Боязидхон элчиларига томоша килдири. Бу тарзда ўз кудратини кўрсатиб, ракиблар калбига кўркув солишни истаганди.

Амир Темур Йилдиримхонга яна бир мактуб ўйлаб, юмшоклик билан иш юритмоқчилиги, орзуси сулх эканлиги, фақат бунга терс жавоблар олаётганини билдириб, бундай деди: “Агар раҳмидил ўғилларингдан бирини биз тарафга узрингни англатиш, ярали кўнглимизни душманлик шубҳаларидан қутқариш учун юборсайдинг, бу фитна ўтини ўчиришга кифоят этарди, юрагимизни чекилган аламлар ғуборидан аритарди. Йўлланажак шахзодангта ўз фарзандимиздан ортиқ муносабат кўрсатиларди. Шу тарика, дўстлик, бирдамлик юзага чикарди, айрилик қайғуси учрашув севинчига айланарди, диллардан хафалик кетиб, ҳар иш равон бўларди”.

Айни чаода усмонлилар саройда ҳам амир ва айрим олимлар Темур билан урушмаслик тарафдори эди. Хусусан, ўз даврининг улуғ уламоси ва валийси бўлган Боязиднинг қайнотаси амир Султон урушнинг олдини олиш учун жуда кўп ҳаракат қилди. Икки мусулмон турк ўрдусининг урушмоғини истамаган амир Султон Боязидга ўгит бериб, Темурга мулоимлик кўрсатиш, ўзини унинг талаб ва истакларини қабул қилгандек тутиш, энг муҳими, урушдан узок туришни уқтириди.

Бироқ бу насиҳатлар унга кор қилмади. Наҳотки, амир Султон Анадўлу турклиги учун яқинлашаётган муқаддар оқибатни олдиндан сезган бўлса?

Йилдирим Боязид учун бу муаммонинг энг мушкул тарафи доим бир истак қаршисида тараддуdda колаётгани эди. Темур ҳар бир мактубида Йилдирим қабул кила олмайдиган орзу-тилакларни ўртага кўймокда ва улар адо этилишини талаб этмокда, акс ҳолда зарур чоралар кўрилишини таъкидламоқда эди. Аслида, Темурга тобелик ва унинг ҳокимияти остига кирмоқ Усмонли султони қабул эта оладиган таклиф эмасди. Шу сабабдан ор ва номус туйғуси юксак, файратли, викорли бир подшохга уруш ўйлини танлашдан бошқа табиий ҳол бўлмаса керак.

ЙИЛДИРИМНИНГ ИСТАКЛАРИ

Темурдан келган мактубларда унинг талаб ва истаклари баён этилгани каби, Йилдиримнинг жавобларида ҳам унинг талаб ва истаклари очик айтилган. Темур ўз мактубларида бу кунгача қилган урушлари, қозонган зафарлари борасида ёзар экан, Рум ислом юрти экани, шу сабаб бу ўлкага юришни хоҳламаслигини алоҳида таъкидларди. Румнинг вайрон бўлишидан исломият душманларигина қувонишини уқтирган Темур ўз истаклари қабул этилса, икки орадаги совуклик ўйқолишини билдирав, шунингдек, Қора Юсуф ва Аҳмад жалойирлар ашаддий кароқчи, калласесар талончи эканини ҳам писанда этарди. Бунинг устига, Темур Сивас, Арзинжон ва Камах ҳам ўзига берилишини истарди.

Давлат устунлари ва улуғлари Темурнинг селдай бостириб келувчи отлик кўшинию филаридан, жаҳон мамлакатларида эришган зафар ва муваффакиятларидан сўйлаб, Йилдиримга у билан келишув ўйлини тутишни ташвиқ этса ҳам, бундан ҳеч бир фойда чиқмади.

Шоир айтганидек:

Маслаҳат-ла ҳосил ўлгай ҳар умид,
Маслаҳатсиз боғлидир қўл ҳам қалит.

Жасур ва ғайратли Йилдиримхонга бу талаб ва истакларни қабул этмоқ жуда оғир эди. Шунинг учун Темурга жўнатган жавоб хатида энди қиличлар тилга киришига ишора килгандек, бундай деди: “Бу кўноққа кўнган мусофирга килич ўқталинмас ва бу даргохга сифинган тилак ахлига тегилмас. Агар ўринсиз сўзлар ғавғога сабаб бўлишини кўзда тутсак, шиддатга тўла жумлалар илк бор сизнинг мактубингизда кўринди. Йўқ, биздан таъма ва ялтоқилик кутилмас. Хонадонимиз, сулоламиз Оллоҳдан бошқага ёлвормаган. Фалаба ва мағлубиятнинг иккovi хам сунани авлиёдандир. Ортиқ сўз узайди. Урушга баҳона қидирганинг баҳоналарини тўхтатиб бўлмас. Икки тарафдан ким фитна чикарса, гунохи ўзига. Ҳасбуналлоҳу ва неъматул вакил”.

Темур бу мактубга ўз ҳарбий истеъодини Йилдиримникига муқояса қилган ҳолда жавоб битди. Унда, жумладан, бундай деди: “Бу кунга қадар қайси тарафга юриш килмай, киска вактда у ерни кўлга олдим. Сивасни ҳам оз муддатда эгалладим. Сен Малатйани қамал килдинг, тўрт ой тиришиб, эплай олмай, мажбуран ортга қайтдинг. Синоп қалъасини ҳам аллакачондан бери забт этолмадинг...”

Темур бу каби сўзлар билан ислом дунёсининг ягона ҳукмдор раҳнамоси ўзи эканини таъкидлагани ҳолда, агар Боязид узр ва омон тиласа, авф этишини маълум қилди.

Боязид ҳам жавоб хатида Темурдан ортдан қолмай, ўз ҳарбий даҳосини баён этиб, шунча йиллар давомида кофиirlар билан урушганини таъкидлаб, Сивасдаги қатлиоми сабаб Темурни мусулмонларга тажовузда айблади.

Соҳибқрон Қорабоғдаги қароргоҳида, кўмондонлари ва беклари иштирокида усмониллар билан жанг қилиш мавзусини муҳокамага кўйди. Амир Темурнинг ўзи ҳам бу борада бир оз тараддууда эди, ҳали тўла бир қарорга келмаганди. Зоро, Боязиднинг Можористонга қадар кофиirlарга омон бермасдан юриш қилгани ва зафарлар козонганини у ҳам яхши биларди.

Ўша кунлари кўкда ғарбдан шарққа учган бир қўйрукли юлдуз кўринидики, мунахжимлар буни ғарбга юриш муҳаккак ғалаба келтиришига ишорат, деб англади. Шундан кейин Темур дарҳол сафарга чиқишига қарор берди.

У Қорабоғдаги қишлоғ маконига 1402 йил 12 марта етиб келди-да, ундан ғарбдаги Мингқўл сари илгарилади. Шу ерда навбатдаги мактубини қаламга олиб, Йилдирим кофиirlар билан урушанидан хабардорлигини таъкидлаб, ўзи ҳам гуржи кофиirlар билан жанг қилганини баён этди. Сўнг шу фикрларга, агар Боязид Миср билан иттифоқ тузса, бу маъқул эмаслигини қўшиб кўйди. Талабларини бирма-бир санади ва элчилари чегарада кутаётганини писанда этди.

Дарҳақиқат, ўша чоғда Рум элчилари Мисрда музокара олиб бораётган эди. Темур шундан икки ой ўтиб, Йилдирим элчиларини қабул қилди. Боязид Темурга йўллаган мактубида Аҳмад жалойир ва Қора Юсуфни кай сабабдан унга топширмаслигини, Хулакухондан мисоллар келтириб, кисқача баён этган ва агар Темур Сивасдан чекинса, буни яхшиликка деб билиши, агар чекинмаса, урушга шай экани ва ҳеч кимсадан кўркмаслигини уқтирган эди.

Бу хатни ўқиб, Темур яна бир мактуб йўллади, сўнг Камах қалъаси кархисига келиб тўхтади. Ўн кун қамал қилиб, қалъани истило этди.

Мутаххартанни янгидан хокимиятга кўйиб, Сивасга караб йўлга тушди. Ниҳоят, 2 июля бу кентга етиб борди.

Темур сўнгти мактубида, жумладан, бундай деган эди: "...Хозирга қадар сулх тузишга уриндим ва ниҳоят Сивасга келдим. Кофирга фурсат яратмакдан, ислом диёрларини хароб этмакдан андиша айлаб, Шом тарафга юриб, Миср азизидан интикомимизни олдик... Факат сиз бизнинг йўклигимизни фурсат санаб, бизга боғлиқ Арзинжонга кириб, волиймизни ранжида этдингиз. Одамимиз Мутаххартан сулхни саклаш ниятида сизнинг пушмаймон эканингизни бизга ёзганди. Биз хам ишондик ва сулх учун аҳд айлаш умидида бир неча бор мактублар йўлладик. Аммо сиз тобора катъйлашиб борган бир тутумда бўлдингиз. Ҳаттоқи, биз ва аскарларимиз ҳақида кофир ва кофиридан баттар деб айтган сўзларингиз хар ерга тарқалди. Элчиларингиз Сунгур ва Ахмад анча замондир ёнимиздадирлар. Мусулмонлигимизни ва эътиқодимизни кўриб-билиб юрибдирлар. Истагимиз Арзинжонга бормасимиздан ва лашкаримиз шаҳарларингизга кирмасидан аввал Сивас, Малатия, Албистон, Арзинжон ва Камах бизга берилганини соғлом бир аҳднома ила билдиримагингиздир. Сулҳга қарши эмасман, аксинча, тарафдорман. Бу сулҳнинг бир нусхаси Маккаи мукаррамада, Бобулхарамда яширин ҳолда муҳофаза килинсинки, кимнинг сулҳ шартларини бажаргани ёки бажармагани холис ўргата чиқсан".

Боязид бу мактубга мўътадил жавоб йўллаб, ўзи хам сулҳ тарафдори экани, факат Қараманли фитначилар сулхни бузиш максадида сохта мактублар ёзгани, буни ялтоқланishi дея ўйламаслик кераклигини таъкидлаб, урушдан хеч қачон кочмаганини уқтириди.

Темур бу мактубни ўкир экан, Боязид бўйин эгмаслигини тушуниди. Ўша чоғдаёқ Сивас ташкарисида, Йилдирим элчилари кўз ўнгидаги ўрдусининг харбий кўригини ўтказди. Бундай тантаналар кўшин учун жуда муҳим хисобланарди. Бу расмий анъана тинчлик замонида аскарий тартиб-интизомни назорат килишга хизмат килса, уруш пайтида душман кўнглига кўркув солиши, ваҳима тарқатиши максадида амалга ошириларди. Кўрик, одатда, икки кун давом этарди, бу гал ҳам шундай бўлди.

ЙИЛДИРИМ БОЯЗИДХОН

Йилдирим 1360 йил Бурсада туғилди. Отаси Мурод Худовандигар, онаси Гулчечак хотундир. Ёшлигидан бошлаб ўша даврнинг энг етуқ олимларидан бўлмиш Бурса қозиси хўжа Маҳмуддан, қозиаскар Халил жондорлидан, мулла Рустам қараманлидан илм олди. Ҳукмдор отасининг атоқли қўмондонларидан харбий таълим кўрди, кўшин тузиш ва уни бошқариш сирини ўрганди.

У ёшлигидан урушларда ҳам катнашди. Шаҳзода бўлгани боисми, туғма қўмондонлик фазилатига эга эди. Қаҳрамонлиги ва жасорати туфайли донг қозонди. Барчадан жасурлиги билан ажralиб турарди. Отаси Мурод Худовандигар уни дини исломни дунёга тарқатувчи ва Усмонли салтанати байробини юксалтирувчи баҳодир қилиб тарбиялади. Қисқаси, унинг болалиги ва ёшлиги жасур ва доно турк қўмондонлари ёнида ўтди. Йигирма бир ёшида у Кутахъя вилоятига волий этиб тайинланди.

Қараманлилар билан урушда у ўзини кўрсатди. Урушнинг энг таҳликали чоғида отасининг, шонли хукмдор Мурод Худовандигарнинг хузурига келиб, “Султоним! Менга йўл кўрсатинг, сабрим колмади. Қараманлиларнинг конини, Оллоҳ буюрса, тупрокка корайин!” деди. Қисқаси, Қараман урушида шундай жасорат ва мардлик кўрсатди, жангларда чақмоқдек тез ҳаракат қилиб, ёвни қириб ташлагани учун Йилдирим номини олди.

Овруподаги, Кўсўвадаги уруш пайтида, ҳарбий кенгаш асносида, тұяларни илгарига ҳайдаб, ёғийни chalғитиш таклифи муҳокама этилар экан, отаси унга сўз навбатини берганда йигитчасига бундай деган эди: “Жаноби Ҳак жиход йўлида сермалган киличларни ва эгаларини ҳар доим кўриклаган. Тұя-муя дегандай жўн ишларга бош уриш Оллоҳ Таоло хузурида қалб чуруклигини кўрсатур. Душман қанча кўп бўлса бўлсин, у билан юзма-юз курашмоқ миллатимизга шараф берур!”

Ғайратли ва кўрқмас шаҳзода Кўсўва урушида ҳам ёгий устига тушган чақмоқдай жадал жанглар қилиб, душманга омонсиз зарбалар берди. Ана шундай қаҳрамонликлари сабаб, 1389 йили Усмонли салтанати таҳтига ўтириб, қисқа муддатда Анадўлу бекликларини ўз ҳокимияти остига киритди. Бир ҳамлода Афлокин турк юртига айлантириди. Турк ғозиллари Оврупони кесиб ўтган Тұна дарёси сувларини ичиб, таҳорат ола бошлади.

Боязидхон фавқулодда тез ҳаракат қилиши билан донг қозонган эди. Қўшинини ҳам истаган ерига жуда жадал етказар, хеч кутилмаганды душман қаршисидан чиқарди. Йилдирим унвонига мос иш тутарди. Аммо феълан, табиатан асабий эди.

Ниғбўлуда Оврупо насронийларининг хочли ўрдусини тор-мор этган Йилдирим Боязид энди Анадўлуга қайтиб, бу минтақада ҳам атрофни фатҳ этишга киришди. 1389–1392 йиллар орасида, уч йил ичиде Саруҳон, Ойдин, Така, Манташа, Гармиён элларини, 1392 йилда Жондор юртини, 1397 йилда Қараман ва Қайсари бекликларини, 1398 йилда қози Бурхониддин давлатини, 1399 йилда Тулкодирўғи беклигини кетма-кет мағлуб этиб, бу ўлкаларни ўз салтанатига кўшиб, Анадўлуда сиёсий бирлиқ яратди. Шу туфайли Боязидхонни ҳазрат халифа султони иқлими Рум (аввалги Рим салтанати ерларининг подшохи) унвони билан улуғлади ва у шундай қилиб салжуқийлар меросига эга чиқди.

Боязидхон тасодифлар қаршисида ўзини йўқотмас, совукконлигини саклар, дархол қарор бериб, керакли ишни жадал бажара оларди. У қатъий хужумлар уюштириб, Анадўлудаги майда ҳокимиятларга барҳам берди, ғарбда Эгей денгизи соҳилларига, бу ёқда эса Самсунни забт айлаб, Қораденгиз кирғокларига чиқди. Анадўлуда “турк бирлиги” тушунчисига мос ҳокимият яратса олди.

Айниқса, унинг Овруподаги, Ниғбўлуда қозонган зафари машҳурдир. 1396 йилда Оврупо давлатларининг юз ўттиз минг кишилик бирлашган насроний ўрдуси хочли сафарига чиққанда, Боязидхон улар устидан Ниғбўлуда қозонган порлок ғалабаси билан тарихга кирди. Ўша муҳорабада кўшинни жангга ташлаб, уни идора этиши, душманни енгишдаги маҳорати Боязидхон забардаст кўмондон эканини кўрсатди. Шунингдек, Кўсўвадаги ғалабаси билан ҳам у Болконларга жойлашган турк нуфуси эътиборини юксалтириди.

Боязидхон юришлари акс этган тарихларда кўшинга ҳам, халққа ҳам ниҳоятда адолатли муносабатда бўлгани таъкидланади. Кўнё камалида,

Сивас олинганида, Румэли фатхида унинг доим адолатли иш тутгани ибрат қилиб кўрсатилади. У ҳар куни маълум бир пайтда белгиланган ерга, тўрт ёндан бир хилда кўзга ташлануви тепаликка чикар, ҳар қандай одам тўрт томондан келиб, бемалол шикоят ва арзини изхор кила оларди. Ҳаксизликка учраганларга дарҳол ҳакини қайтариб бердиран эди. Аммо қозилар ҳукмига асло аралашмас, бошқаларни ҳам аралаштирасди.

Боязидхон олимларни ҳурмат қилас, давлат ишлари ва масалаларини улар билан кенгашар эди. Оллоҳ Таолонинг буюрганлари ва такиқлари ҳакидаги сўзларни жон-жон деб қабул этарди. У хиддати ва шиддатининг баландлиги, улуғворлиги ва викори, ҳужумкорликдаги ўта устунлиги билан барчадан ажралиб турарди. Бирор кимсага бош эгиши ҳеч кимнинг ҳаёлига келмас мағрур хон, қаерга сафар этса, у ўлкани эгаллаган қўймондон эди.

Боязидхон даврида турк лашкари Бўсна, Херсек ва Можористонни забт этди ва илк бор Австрия салтанати ҳудудига кириб борди. Тирнўва, Салоник ҳам фатх этилди. Анадўлуда эса Караманўғиллари ва кози Бурхониддин ўлкалари, Кора денгиз соҳиллари бирма-бир эгалланниб, Анадўлуда турклар бирлиги яратилди ва Мамлук салтанати билан қўшничилик бошланди.

Йилдирим замонида Истанбул тўртинчи бор қамал этилди, шахар таслим бўлишига бир баҳя колди.

Ибни Ҳожар уни дунёнинг энг нодир қўймондонларидан бири ҳисоблаб, бундай деган: “Усмон ўғли Боязид Ер юзидағи ҳукмдорларнинг энг яхшиларидан биридир. Ундан кўркишади. Илм ва уламони яхши кўради. Мамлакатининг ҳар тарафида омонлик ва амният шу даражада мавжудки, бир одам ёлғиз ўзи, мол ва ашёси, юклари билан ҳеч балога учрамай саёҳат қилиши мумкин. Қоҳирадаги халифадан “Рум ўлкасининг султони” деган увонни олган. Бу икки сифат, яъни салжуқий меросхўри ва Рум султони экани жаҳон ҳукмдорлиги йўлидаги ҳамлали одимларидан биридир”.

Француз тарихчиси Меноист Мечин “Йилдирим Боязид бутун тарихнинг энг буюк қўймондонларидан биридир”, деган. Руминиялик тарихчи Жўрганинг айтишича, “Йилдирим дунё ҳокимияти сари борганини унинг ўлкасидаги темир интизом, мукаммал қонунга асосланган осойишдан ҳам билса бўлади”.

Қисқаси, ўзига ортиқча ишонгани ва ғурури унинг йилма-йил кучайиб бораётган салтанатини бир дунё кучи, яъни жаҳонгир Темурга карамакарши қилиб кўйди. Аслида, бу таҳлиқадан мулоҳимлик билан кутулиб кетиши мумкин эди. Зотан, Шаркнинг бу жаҳоний қудрат соҳиби Йилдирим аждодлари етишган Туркистон фарзанди эди. Ўрдуси ҳам турк ва мусулмонлардан иборат эди. Бирлик ва баробарликдан яралган катта куч билан зафарли одим отарди. Умри жангда ўтган Темурнинг энг муҳим сифатларидан бири ҳам унинг бирорта урушда енгилмагани, дунёнинг ҳар бир ўлкасида қатъий ғалаба қозонганида эди.

СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР

Айни чоғда, Анадўлу тупрокларидан мингларча чакирим узоқда бошқа бир турк ва мусулмон ҳукмдори порламокда эди. 1336 йилда дунёга кел-

ган сохибқирон Амир Темур тинимсиз кураши натижасида 1369¹ йилда Мовароуннахр таҳтини эгаллади. Хонликда тартиб-интизом ва назоратни йўлга кўйиш билан бирга ўлкасининг тўрт тарафига ҳарбий юришлар уюштириди. Кўшни мамлакатларни ўз ҳукмронлиги остига киритди: яъни 1371–1379 йилларда мўғулларни, хоразмликларни тобе килди; 1382–1387 йилларда Эрон, Ирок Озарбайжони, шаркий Анадўлуни забт этди. 1391–1396 йиллар орасида эса икки бор Қипчок дашти, яъни Буюк Татаристон ва унга кўшни рус ерларини, Ирок ва Эронни такрор итоатга келтириб, салтанати чегараларини Ҳиндистондан Анадўлугача кенгайтириди. Барча Оврупо давлатлари бу тўфон шимол бўйлаб ўзи сари оқаётганидан ваҳимага тушди.

1400 йилларда Темур салтанатининг худудлари шарқда Мўгулистон ва Тибет, жанубда Хоразм, Орол ва Ҳазар дengизи, Мўскўва атрофларидан Кафказ тоғларигача, ғарбда Фирот дарёсидан Сивас ҳавзаларигача, жанубда Мисргача, Уммон дengизигача, Басра кўрфазигача ва ундан Ҳинд дengизигача, Ҳиндистонда эса Дехлигача чўзилган эди.

Шу тарзда Темур салтанати шарқдан ғарбга тўрт минг километр, шимолдан жанубга минг саккиз юз километрлик минтақани эгаллаганди. 1368 йилдан бошлаб Темур давлати ўттиз тўрт йил – қисқа бир вактда эришган ўн икки милийён квадрат километрлик майдони билан Усмонли давлатига нисбатан ўн икки-ўн уч баравар катта эди.

Шу нуктаи назардан, Темур ўрдуси сўнгги етти йил давомида ўз мамлакатидан жуда олисларда – иклими ўзгарувчан, борди-келди йўллари тор ва нокулай, ҳалқи эса батамом ёт ўлкаларда уруш олиб бормоқда эди. Бу кўшин энди шундай яна бир катта уруш олдида туради. Темур олтмиш олти, Йилдирим эса кирқ икки ёшда эди.

Йилдирим Боязид ўн уч йиллик ҳукмронлик даврида ўттиз бор ҳарбий юриш килиб, зафар-ла қайтган, йигирма икки ўлкани ҳукмдорлиги остига киритган эди. Шу ўн уч йил мобайнида ўта жадал харакати туфайли ният ва мақсадларидан бир нечасига эришганди.

Бироқ ўзи фатҳ этган ўлкаларда усмонлилар ҳукмини қатъий-лаштиргани, тартиб ва қонунларни тўла ўрнатгани борасида ҳали бир нарса дейиш қийин эди. Айниқса, Анадўлудаги юришлари ва фатхлари сабаб бу минтақадаги кичик ҳоким ва беклар Темурдан мадад кутувчи ноҷорларга айланганди. Зотан, шарқда ўз салтанатини кучайтирган ва кенгайтирган сохибқирон Амир Темур борлигини барча биларди.

УРУШ ЙЎЛЛАРИ

Амир Темур, барча сафарларида бўлгани каби, Анадўлуда ҳам, аввало, айғокчилардан мохирона фойдаланди. Йилдирим Боязидга қарши харакат бошлашдан олдин Анадўлу ҳалқи орасида ўз фойдасига тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борди. Шу билан бирга, жосуслари ёрдамида Йилдирим насроний хотинларга уйлангани, сарой ахли ахлоқан бузилгани борасида гап-сўзларни кўпайтириди. Усмонли мамлакатидаги татарларни (яъни мўғул-татарларни) ўз томонига оғдириш учун уларнинг амирларига мактублар йўллади. Хатларида улар нафсониятини кўзғотадиган “Нега

¹ 1370 йилда ҳам дейилади(тахр).

Салжук ўғли қулликдан озод этган кишилар авлодидан бўлмиш одамнинг қулига айландингиз?” деган фикрни алоҳида таъкидлари ва Усмонли хонлари паст табакадан чиққани, мўғул-татарлар устун экани, шу боис улар Анадўлуда хукмрон бўлиши лозимлигини такрор-такрор айтиб, бу билан уларнинг бошини силагандай эътиомд қозонмокка интилди.

Амир Темур, бундан ташқари, Анадўлудаги муҳофаза нуқталарининг нечоғли соғломлигини, усмонлилар қандай ҳимоя воситаларига эгалигина, уруш олдидан кўрилган тадбирларни пистирма ва тузокли ерларигача айғокчилар кўмагида бирма-бир ўрганди. У барча зарур маълумотларни тўплади-да, бирма-бир текшириб чиқиб, қандай йўл тутиш борасида аник карорга келгач, яъни узоқ вакт тайёргарлик кўргачгина Боязид устига юриш бошлади. У сафар учун зарур барча юмушларни битиргандан кейин ҳам ишончини янада мустаҳкамлаш учун охирги марта Анадўлудаги сиёсий вазият ва янгиликлар ҳақида батафсил маълумот сўради. Айғокчи ва маслаҳатчилар сўзи билан кифояланмай, бу борада энг нозик фикрлар айтиши мумкин бўлган Мутаҳартанни хузурига чакириди. Ундан ўзи зарур деб билган маълумотларни эшилди.

Юриш хозирлигини якунлаган Амир Темур Йилдирим Боязидга қарши хужумга ўтиш мақсадида Арас кирғоғида кўр тўкди. Лашкарлар учун чодир ва капалар қурдирди. Айғокчилари Темур қўшини келгуси кўкламда Кипчоклар ўлкасини истило қилишга кетиши ҳақида гап-сўзлар тарқатди. Жосуллари унга бир режа бердиларки, эндиgi барча ҳаракатлар шунга мувофиқ амалга оширила бошланди.

Айни чоғда, Амир Темур Боязиднинг барча чора-тадбирларини таъкиб этиб бормокда эди. Унинг Тўқатга жўнагани ва у ерда дарбандларни бер-китаётганини эшилтгач, дарҳол Қайсари йўлидан Анқарага кириб боришга қарор берди.

Боязидхоннинг ўзига хос уруш усулларидан бири – жасурона хужум билан душманни тўзғитиши, икки-уч соат ичида ундан устун келиб, қатъий ғалабага эришишдан иборат эди. Бундай вазиятда душман оркага қараб чекинар экан, икки ёндан ўраб олинниб, чамбардан чикармай кириб ташланарди. Бундай режани амалга ошириш учун кўшин маркази ўта қувватли бўлиши ва асло тўзимаслиги керак эди. Бу орада ён қисмлардаги отлик лашкар ҳам иккى томондан ўраб келиб, ёйига зарба бериши тақозо этиларди.

Бирок бу гал Боязиднинг қархисида унинг уруш усулларини жуда яхши билган, дунёнинг ҳар ерида жанг қилавериб, пишиб кетган, тажрибали, улкан ва музффар ўрду турарди.

Усмонлилар Темур қўшини Анқарага келгунча аниқ бир режага эга эмасди. Темурийлар Сива теварагида тургани ва аввал Тўқатга йўналиб, кейин Анқарага юргани ҳақида хабар олингач, иккита уруш режаси тузилиб, муҳокама этилди. Анқарада ўтган ҳарбий кенгашда вазири аъзам жондорлизода Али пошо илк сўз олиб, душман лашкарининг сони ортиклиги, жанговар филлари борлиги ва отлик қисмлар ниҳоятда кучлилигини таъкидлadi-да, Темур ўрдусини каршилаганда ўзимиз текислик водийга, мамлакат ичкарисига чекинган ҳолда, уларни баланд-пастликлар, даралар, чанглазор ва ўрмонларда, алоҳида-алоҳида гурухлар улароқ жанг қилишга мажбурлашимиз керак, деган фикрни илгари сурди. Ўтмишда бўлганидек, Қилич Арслон Биринчи овруполик хочилилар қўшинини ана шу усулда тўзғитиб, руҳини тушириб енгангга ўхшаш

йўл тутиш даркор, деб уктириди. Вазири аъзам майдон урушига кирмасликни тайинлар экан, шунда усмонлилар лашкари қирилишдан саклаб қолиниши, Темур эса охир-окибат бу ерлардан, Анадўлудан кайтиб кетишга мажбур бўлишини эслатди.

Кейин вазир Феруз сўз олиб, юз эллик минг қўшини бор душманга карши очик майдонда юзма-юз жанг қилинса ҳам, бундан бошкacha йўл тутилса ҳам, барибир, жуда катта талофот кўрилиши, Анадўлу яғмо этилиши, вайронага айлананини айтиб, энг муҳими, нима килиб бўлса-да, ёғийни қириб ташлаш шарт, дея масалани кўндаланг кўйди.

Йилдирим Боязид ҳам Феруз пошо фикрига қўшилди. Унда душман ўрдусининг кўплигидан заррача кўркув йўқ эди. Чунки Боязид олтмиш минг кишилик қўшини билан Оврупода, Ниғбўлуда юз ўттиз минг кишилик хоччилар ўрдусини тўзғитган, қириб ташлаб, зафар козонган эди. Йилдирим лашкари жаҳду жадалда устунлиги билан ҳар кандай ёвни парчалашга қодир саналарди. “Таворихи олий Усмоний” китобида ёзилишича, “Йилдиримхон Малқўч бейдан Амир Темур ўрдуси ҳақида сўраганида, у Амир Темур қўшинини мақтар экан, Боязидхон унга, Темур ўрдуси сени кўркитиб кўйибди-ку”, деган.

Хуллас, Боязид душман ўрдуси сон жихатдан кўплигига эътибор бермаган, у, асосан, лашкарнинг ҳарбий кобилияти ва жасурлигига таянган, қўшинидаги ана шу фазилатларга ишонган, шуни муҳим деб ҳисоблаган.

Амир Темур Анқара каршисига келиб, кўр тўқиб, қароргоҳ қургач, қалъа қўмондони Ёкуббекдан таслим бўлишни талаб килди, у рад жавоби бергач, шаҳарни қамал қилишга буюрди. Лахмчилар ишга тушди, қалъа девори остидан ўйиклар очилди. Шаҳарга оқиб кирувчи сув Хатиб дарасидан бошланарди, унинг йўли ҳам ўзгартириб юборилди. Темур буйруғига кўра, Анқара сойига ва Қизилча кўй дарасидан келувчи сувга оғу ташланди. Темурий ўрду эса қароргоҳ жойлашган Чубук сувидан ичар эди. Анқара қалъаси олинса, бу водийга бемалол хукмронлик қилиш имкони туғиларди.

Амир Темур Йилдирим ва унинг ўрдуси якинлашаётганини эшитгач, камални дархол тўхтатди. Усмонлилар қўшини ўз қароргоҳига бостириб келиши эҳтимолини назарда тутиб, у шаркий томонда макон қурган эди.

Усмонлилар Амир Темур ҳеч кутмаган томондан, шимолий жабҳадан, Маликшоҳ тарафдан кўккис ёпирилиб келди. 27 июль, кун тушдан оқкан эди. Темур ўрдуси жангта ҳозир эмасди, барча отларни ўтлатиш, сувлатиши билан банд эди. Темур қўшиннинг ҳужум йўналишини бошқа томонга қаратганди. Энди режани ўзгартириб, туманлар, мингликлар, отлик ва пиёдалар, ўқчилар ва жанговар филларни бошқа тарзда жойлаштиришга мажбур эди.

Бу вазият Йилдирим учун омад саналар, айни ҳужум фурсати эди. Беклари унга “Султоним, келинг, булар ғафлатда экан, босайлик!” дейишиди. Аммо Боязидхон бу таклифни кабул қилмади.

Амир Темур ўз ўрдуси учун фоят таҳликали бу аҳволни совукқонлик билан тузатишга киришди. Ҳўжа Аҳмад Яссавий китобини очар экан, ундаги шу мисраларга кўзи тушди:

Ялдо кечасин шамъи шабистон этган,
Бир лаҳзада оламни гулистон этган,

*Бас, мушкул ишим тушибдир, писанд этган,
Эй, барчанинг мушкулини осон этган.*

Амир Темур бундай дегани ривоят килинади: “Султон Боязид аскарида гуч келганимда буни етмиш марта ўқидим, зафар ҳосил бўлди. Ҳар қачон танг ахволда қолсангиз, шу шеърни ўқинг”.

Амир Темур пешиндан эргаси тонгтacha лашкар ўрнини ўзгартириш, жабҳани шимолга қаратиш билан шугулланди. Янги жабҳага мослаб тартиб ўрнатди. Хуллас, киска вакт ичидан заарига бўлган вазиятни фойдасига ўзгартириб, қўшинни жантга шай ҳолга келтирди.

Йилдирим Боязидхон ҳам майдоннинг паст-баландлигидан фойдаланиб, ўзига энг кулаги тепаликларга ўрнашиб, сиртини тоққа тиради. Шу ахволида ягона камчилиги – сувсизлик бўлиб, сувнинг Темур ўрдуси тарафида қолгани эди.

Темур ўрдуси сони ҳар хил манбаларда турлича кўрсатилиб, олти юз минггача чиқарилган. Асосан, унинг юз эллик минг кишидан тузилгани тахмин килинади. Амир Темур ўрдусининг бош кароргохи Самарканда эди. Умуман, икки қўшин Самарканда, бир ўрду Хурросонда, бири Шерозда турарди. Ўрдунинг тури кисмлари Қандахор, Хирот, Дехли, Рай, Табриз, Исфахон каби катта шаҳарларни кўриклар эди. Темур бу юришдан олдин Хурросон ва Шероздаги қўшинларини Самарқандда тўпланишга буюрганди. Улар Самарқандда йигилиб, сўнг бошқа шаҳарлардаги қўшинлар каби, буюрилган пайтга Қорабокқа етиб келганди. Анадўлуга юриши бошланар экан, Арзинжон амири Мутахҳартан, оккуйлилар амири Қора Юлук Усмон ва бошқа майда хокимлар аскарлари билан бирга Темур ўрдуси юз эллик минг кишига етган эди.

Йилдирим Боязид ўрдусининг сўл қанотида Рум эли аскарлари, орка тарафда эса қорататарлар жойлашганди. Ўнг қанот марказини эса Йилдиримнинг ўзи эгаллаганди.

ҚЎШИНЛАР

Темур ўрдусининг асосий кисми Мовароуннахр ахлиниг кирқдан ортиқ уруғига мансуб кишилардан тузилган эди. Ҳар уруғ ўз сонига кўра аскар берар ва бунинг эвазига соликлардан кутилар эди. Шаҳарлардан тўпланган сарбадор кўриклилар ҳам алоҳида пиёда бўлинмасини ташкил этарди. Темур баъзан танг ахволда қолганида, бу бўлинмалар жонини жабборга бериб, унинг корига яраган. Уларнинг кўпчилиги ажамлардан хисобланарди. Забт этилган ўлкалардан ва итоатга кирган давлатлардан олинган аскарлар ҳам ўрдунинг муҳим манбаи саналарди. Туркман, ажам, курд, армани каби элатларга мансуб аскарлар ҳам Темур ўрдусида хизмат килгани маълум. Темур қўшинлари, асосан, татар (мўғул-татар) ва туркмандардан шаклланган бўлиб, Ўрта Осиё турк ҳарбий анъаналирига хос хислатлари билан ислом оламидаги бошқа ўрдулардан ажралиб турарди. Мовароуннахрдаги марказий ўрдуда тартиб ва анъана қандай бўлса, бошқа вилоятлар ва Темур кўл остидаги ўлкалар қўшинида ҳам шундай эди. Отлик аскарларда гарчи енгил зирҳ кўлланилса-да, умуман, қўшинларнинг барчасида зирҳ сифатига катта аҳамият бериларди.

Аслзода отлик аскарлар суюргол¹ эгалари каби безакли, тангали зирхлар киярди. Анадўлуга келган қўшинлар таркибида қирқ минг енгил сувори, йигирма минг оғир сувори ва ўн минг пиёда мавжуд эди. Темур ўрдусининг ўзига хосликларидан яна бири ундаги жанговар филлар эди. Испан элчиси Клавихў буларни “Устларидаги ёғоч тахтиравонда бешолти аскар ташиган вахшнийлар”, дега таърифлайди. Унинг айтишича, бир киши хайвоннинг бўйин қисмига миниб, бошкариб боради. Филнинг қисқартирилган тишларига киличсизмон қуроллар тақиғланган, нозик аъзолари эса зирҳ билан ўралган. Филлар бир хил тезликда илгарилар экан, ёйини тишларига боғланган тиф билан ўтдай ўриб, босиб-тепкилаб бораверади. Устидаги аскарлар ҳам пастдаги душманга тинимсиз ўқ ёғдиради. Арагонлик элчининг тасвирилашига кўра, “Татарларнинг кўзига бир фил минг пиёда аскардай вахимали кўринарди”.

Усмонлилар ўрдусининг миқдори хусусида Нашрий ва Ошикпошозода юз ўттиз минг деган фикрни билдирган. “Темур тузуклари”да тўрт юз минг дейилган. Хаммер юз йигирма минг деса-да, бизнингча, усмонлилар ўрдусида саксон минг аскар бўлган. Усмонли давлати ўрдусининг юз мингдан ошиши сulton Салим замонида юз берган. Ниғбўлу юришида олтмиш-етмиш минг аскар қатнашгани ҳам фикримизни тасдиклайди. Усмонлилар ўрдусининг маркази пойтахт Бурсада эди. Бошка вилоятларда ҳам шаҳзодаларнинг қўшинлари жойлашган эди. Анадўлудаги қўшинлар, марказдан берилган буйруcka кўра, айтилган ерга белгиланган вактда етиб борган. Шунда уларнинг бари саксон минг кишини ташкил этган. Темур ва Боязид урушида эса, аввал қўшинлар Анқара ва Сивасга қараб юрди, сўнг яна ортга қайтиб, Анқара вилояти Чубув водийсида жангта сафланди. Натижада етмиш беш минг кишилик ўрду урушга кирди.

Усмонлилар ўрдусининг энг ишончли кисми қапиқули аскарлари бўлиб, пиёдалар ўлароқ икки гуруҳдан, шунингдек, отликлардан иборат эди. Пиёдалар ўзаро ажамий, йеничери, жебечи, тўпчи ўчоғларидан тузилганди. Отлик қапиқули аскарлари эса сипоҳ ва сипоҳдор бўлинмаларига ажраларди. Қапиқули ўчогининг энг эътиборли аскарлари йеничерилилар бўлиб, улар уруш пайтида хукмдор турган марказ гурухини ташкил этарди. Хукмдор gox уларнинг оркаси, gox ўртасида от устида ўтиради. Йеничериilar подшоҳ муҳофазачиси хисобланарди. Улар орасида сўлак² дейилувчи беш минг кишилик ўқчи бўлинмаси бўлиб, улар ўқ отишда ўта уста эди. Тимарли сипоҳийлар³ эса, асосан, ўнг ва сўл қанотларда урушарди. Уларга давлат ер бергани учун ўзлари ҳам аскар сакларди. Ўрдудаги азаплар⁴ Анадўлунинг турли ерларидан йиғиб келинувчи ёш аскарлар, ўқчи пиёдалар гурухи эди. Улар йеничериларнинг олдиди борар ва илк зарбани қарши оларди.

Турк ўрдуси коришик, яъни ярим Ўрта Осиё, ярим Оврупо ўрдуси ўлароқ кўхна қитъада муҳим зафарлар козонган эди. Анъанавий отлик ўқчилар ўрдунинг ҳар икки қанотидан ўрин оларди. Исломий суворилар ва овруполик суворилар анъаналари бир-бирига қўшилиб, ўртacha зирхли суворилар синфи ҳам яратилган эди. Анадўлу ва Румэли вилоятларидан тўплланган бу тимарлиларга зирхлари боис жебелилар дейилар-

¹ Суюргол – мўгулча сўз, сара ҳарбийларга берилган ер; Туркия туркларида тимар дейиллади.

² Усмонли подшоҳининг йеничери ўчогига оид хос қўриқчи лашкари (тарж.).

³ Ер-мұлқи ҳарбийлар (тарж.).

⁴ Азап – 1) далада ишлайдиган қарол; 2) Анадўлу бекликлари қўшинидаги аскар (тарж.).

ди. Ўша давр манбаларига кўра, бу суворилар йигирма мингга етарди. Капикулилар ўрдунинг марказини, асосий сафларни тўлдирад, улар ақча оладиган ёлланма, мунтазам қисмлар саналарди. Миқдори олти минг йеничери ва мингта сипоҳидан иборат эди. Оврупо манбаларига кўра, енгил зирхдан фойдаланган йеничерилар пиёда жангчилар орасида жанговарлиги ва мохирлиги билан ажralиб турарди. Чунки мукаммал ҳарбий тълим кўрган йеничерилар, ўқдан тортиб болтагача, ҳар қуролни мохирона кўлларди.

Султон кўрикчилари саналган сипоҳилар урушдаги олишувда катнашмасди. Улар оғир сувори қисмига мансуб бўлиб, ўз киёфаси ва мукаммал зирхи билан эътиборни тортарди.

Ўрду марказининг энг бошида борувчи енгил пиёда қисмига мансуб азаплар сони беш минг эди. Улар факат уруш пайтида ўрдуга келиб кўшилувчи, яхши қуролланган, маошли бўлинмалар эди.

Булардан ташқари, тахминан уч мингча серб сувориси ўрду сафларидан ўрин олганди. Улар, асосан, оғир зирхли бўлиб, войник дейиларди.

Тагин беш мингта яқин енгил сувори қисми ҳам бор эди, улар янги фатҳ этилган бекликлардан келтирилган эди. Қорататарлар деб аталган бу бўлинмалар XIII аср ўрталарида мўғул истилоси сабаб Анадўлуга жойлашиб колган мўғул насларидан иборат эди.

Шуни айтиш керакки, икки ўрдунинг кучи орасидаги фарқ жуда катта эди. Боязид аввалги ҳеч бир ракибига ўхшамаслиги, унинг қўшини овруповорий сифатларга эгалигини кўзда тутган Амир Темур Мовароуннахрдаги энг кудратли ва мукаммал зирхли, қуролли қисмларини ҳам келтирган бўлиб, унинг ўрдуси юз олтмиш минг эди.

Усмонли ўрдуси эса, ҳатто қўшиб айтганда ҳам, етмиш беш мингдан ошмасди. Шунинг учун Боязид ўз қўмандонларига ғалаба қозониш учун мумкин қадар фидокор ва файратли бўлишни буюрди.

УРУШ ЙЎНАЛИШИ

Темур ўрдусининг ўнг қанотида мирзо Мироншоҳ, мирзо Абубакр, Тўқал барлос, Али Сулдуз, шайх Нуриддинбек, Бурундуқбек, Али қавчин, Мубашшир, Мутахҳартан, Абдулла Аббос, ҳожи Сайфиддин, Умар Тобонлар; чап қанотида амирзода Шоҳруҳ, амирзода Халил султон, уларнинг қўшинлари ёнида Ҳусайн султон, Али султон ва Муса Тўйбука жойлашган эди.

Марказ ўртасини Амир Темурнинг ўзи эгаллаганди. Унинг ёнида Тоштемир, Юсуф мўғул, ҳожи Бобо Сучу, Искандар Ҳиндубек, ҳожи Али Юсуф, Апарди амирлар ҳозир эди. Йилдиримдан қочган Анадўлу беклари ҳам Амир Темур каватида эди. Марказнинг ўнг томонидан мирзо Муҳаммад султон, мирзо Амиршайх, мирзо Муҳаммад Умаршайх, мирзо Искандар ва бошқа қўмандонлар ўрин олганди.

Усмонлилар ўрдусининг ўнг қанотида Темуртош пошо қўмандонлигидаги Анадўлу сипоҳилари, чап қанотда шаҳзода Сулаймон қўмандонлигидаги Румэли бўлинмалари саф тортганди. Йилдирим Боязидхон ўн минг кишилик йеничери билан ҳар замондагидек марказни тутган эди. Вазири аъзам Али пошо билан шаҳзодалардан Мусо, Исо ва Мус-

тафо Чалабийлар подшох ёнида туришарди. Йеничерининг олдида суворилар ва азаплар терилган эди. Эҳтиёт кувватларига шахзода Махмад Чалабий бошчилик киларди. Ўнг канотдаги эҳтиёт қисмлари орасида серб бўлинмалари, сўл канотдаги эҳтиёт қисмлари ичидаги эса турклашган мўғуллардан тузилган қорататарлар саф тортган эди.

АНҚАРА ЖАНГИ¹

1402 йил 20 июль, сесанба куни тонг соат олтида икки тарафда ўрдулар саф торта бошлади. Аввал байроқлар кўтарилди. Уруш олдидан Амир Темур ҳам, Йилдирим Боязидхон ҳам икки ракат ҳожат намозини ўқиб, сўнг жангчиларига хитоб этди.

Йилдирим Боязидхон ўз ўрдусининг қаҳрамонликлари, зафар қозонган жанглари, садоқат ҳақида сўзлади.

Шу пайтда Амир Темур ҳам ўз лашкарига хитоб этмоқда эди. Сўзини тутатиб, ўрду каршисида икки ракат намоз ўқиб, Оллоҳдан мададу ғалаба тилаб, юзини тупрокка суриб, дуолар килди. Энди тарафлар урушга шай эди. Жангта чорлаб карнайу сурнайлар, бурғу ва қудумлар чалинди.

Тарихдаги энг буюк урушлардан бири – Анкара жангига Темур ўрдусидаги марказ, ўнг ва чап қанот қўшинларининг усмонлиларга бирдан ёпирилиши билан бошланди. Марказ қўшинларига қўмондонлик килаётган амир Махмуд ўғлон, Темур набираларидан мирзо Мухаммад Умаршайх, мирзо Жалол Исломлар усмонлиларининг марказдаги кучларига қаттиқ зарба ёғдирди. Шубҳасиз, Темур лашкари Усмонли ўрдусининг ўртасидан ёриб, уни бўлиб ташламокчи эди. Усмонлилар қўшини марказида мудом жангларда юриб, суяги котган, кучли ва тажрибали йеничери бўлинмалари ва азаплар ўрнашганди. Йеничерилар бошлиғи Ҳасан оға хужумни босиклик ва жанговарлик билан қайтарди – темурий аскарлар тўхтатилди. Қиличбозлик бошланиб кетди. Темур лашкари чекинди. Бу атрофдаги олишувларда тушликкача Темур бўлинмаларининг тўзиши ва жанубга чекиниши кузатилди.

Жанг бошланиши билан вазир хўжа Ферузбек қўмондонлигидаги ўнг қанот қўшинлари Чубук водийси бўйлаб илгари босар экан, шахзода Сулаймон Чалабий бошлиқ усмонлилар ўрдусининг сўл қанотидаги Румэли аскарларига оғир зарба берди. Сўнгра Румэли лашкари ҳам бирдан чақмоқдай ёғилиб, хужумга ўтди ва ўзини кўрсатиб кўйди. Темурийлар ўзининг қандай кояга урилганини англади. Айни чоғда, Темурдан ёрдамга бориш изнини олган миরза Мухаммад қўшини билан кўмакка етиб келди ва аҳволни ўнглашга интилди. Бу орада филлардан хурккан турк отлари усмонлилар ҳаракатини секинлатиб кўйди, отлар устидаги жангчилар ҳам анча қийналди. Темурий аскарларнинг тўлкин-тўлкин ҳолидаги кетма-кет хужуми давом этарди. Бу пайтда Темурнинг ён томонлардан ёғилган бир қисм қўшини усмонлиларнинг сўл қанотдаги биринчи сафини суриб ташлаб, иккинчи катордаги лашкар билан олишувни бошлаб юборган эди.

¹ Анкара жангни хусусида турли манбаларда кўплаб маълумотлар, факт ва рагамлар келтирилди. Уларнинг бაъзиларида бу олишувга сабаб бўлган омиллар ва унинг якунни муаллифларнинг шахсий карашлари асосида баён килинганини сезишиб кийин эмас. Аҳмад Шимширлининг ушбу асарида ҳам шу ҳол маълум маънода кўзга ташланади. Соҳибқорон Амир Темурнинг ғалабаси унинг юксак маҳоратли ҳарбий саркарда эканлиги далолатидир (*Таҳририят*).

Темурнинг ўнг, усмонлиларнинг сўл жабҳаларида уруш омонсиз давом этар экан, усмонлиларга қарши қаратилган бир тасодиф юз берди. Усмонли ўрдусининг сўл қанотига мансуб эҳтиёт қисмдаги қорататарлар мудхиш хиёнат содир этди. Улар темурий лашкар билан тил бириктириб, унинг ўрдуси билан урушаётган отлик усмонлиларга орқадан ўқ ёғдира бошлади. Шу тарзда ҳам олдин, ҳам орқадан зарбалар остида қолган усмонлиларнинг сўл қанотида саросима, вахима пайдо бўлиб, лашкар тўзишга, бошбошдоқликка юз тутди.

Бу даҳшатли ва таҳликали вазиятни кузатиб турган усмонли ўрдусининг эҳтиёт қисмлари кўмандони Маҳмад Чалабий, буйруқни ҳам кутмай, бор лашкари билан қарши хужумга ташланди. Чап қанотда юзага келган тарқоқликни азму шижаот-ла тузатишга киришди.

Қорататарларнинг душман тарафга ўтиб кетиши ва шу қанотда кучлар мувозанати бузилиши усмонлилар ўрдусига катта зарап етказди, умумий вазиятни ўзгартириб юборди. Бу кутилмаган хоинлик аскарларнинг руҳига ҳам таъсир килди, эндилиқда ёғийнинг эҳтиёт қисмлари ҳам жангга кирап экан, усмонлилар қарши хужумда муваффакият қозонолмаслиги аён бўлиб қолди.

Бошқа тарафда, яъни Темур ўрдусининг сўл қаноти билан усмонлиларнинг ўнг қаноти тўқнашувида қонли олишув давом этмоқда эди. Темурнинг ўғли Шоҳруҳ кўмандонлигидаги қўшин бу жабҳада Темурнинг набираси Султон Хусайн қўшини ва амир Сулаймоншоҳ лашкари билан биргаликда хужумга ўтди. Бу жабҳада усмонлилардан Қора Темуртош пошо кўмандонлигидаги Анадўлу тимарли сипоҳилари, Боязиднинг қайнатаси – Сербистон мустабиди Стефан Лазарович кўмандонлигидаги серб аскарлари жанг килмоқда эди. Темурийлар зарбасига қарши усмонлилар ҳам мудхиш зарбалар қайтариб, олишувда жанговарлигини кўрсатди. Анадўлу тимарли сипоҳилари темурий лашкар устига ўқ ёғдирив, қисқа муддатда анча аскарни сафдан чикарди. Серб кучларининг ҳам қўшилиб хужумга кириши ва усмонли қўшинларининг баравар ташланиши натижасида жиддий талофат ва тўзинга учраган сўл қанотдаги амирзода Хусайн лашкари жанубга караб чекинишга мажбур бўлди.

Амир Темур жангнинг боришини кузатар экан, гарчанд ўнг қанот қўшинлари олға босиб, муваффакият қозонса ҳам, марказ ва сўл тарафдаги черикларнинг тўзгийётгани, умуман, марказда ахвол яхшимаслигини кўриб, андишага тушди. Муҳаммад Султон ўз аскарлари билан марказга ёрдамга бориш учун изн сўраганда, Амир Темур уни сўл қанотга юришга буюрди. Бу қанотта Шоҳруҳ қўшинига мансуб амир Сулаймоншоҳ лашкари масъуль эди. Унинг қаршисидаги усмонлиларнинг ўнг қанот ўрдуси хужумга ўтиб, темурийлар сўл қанотининг иккинчи чизигини эгалашга киришди. Амир Темур сўл қанотга мадад кучларини жўнатиб турганига қарамай, Боязидхон аскарини тўхтата олмади. Уруш шиддат билан қизиб борар, усмонлилар устунлиги сезилиб турарди.

Шу пайтда, усмонлиларнинг сўл қанотидаги каби, ўнг қанотида ҳам ғулғулага сабаб бўлган бир ҳодиса юз берди. Темур ўрдусига аввалдан ўтиб кетган Анадўлу бекликлари аскарлари байроқларини ҳилпиратиб, Боязидхон черикидаги собик сафдошларини ўзлари томонга чакира бошлади. Хусусан, Гармиён, Сарихон, Ойдин ва Ментеше бекликлари лашкари ўз байроқларини кўтариб, кўмандонлари номини айтиб, қавмдошларини Темур ўрдусига ўтишга чорларди.

Усмонли ўрдусидаги Анадўлу бекликлари сипохиларидан бир кисми, яъни янги қўшилгани боис ҳалиям усмонлилар давлатига қовушиб кетолмаган аскарлар аввалги кўмондонларининг сўзлари ва байроқларидан таъсиrlаниб, уруш майдонида усмонлиларни тарқ этиб, Темур қўшинлари ёқка ўта бошлади.

Иккинчи тарафда эса Амир Темур бу ҳодисалардан мамнун ҳолда, ёрдам кучларини кетма-кет жўнатиб, хужумни шиддатлантириб борарди. Бирмунча вақт давом этган аёвсиз жанг ва олдинга-оркага силжишлар оқибатида кўплаб лашкаридан айрилган Анадўлу тимарли сипохилари қарши томонга ўтаётганлар ҳисобига анча озайиб колди. Бу ҳолат шундок ҳам чираниб жанг олиб бораётган усмонлилар ва серб лашкарига салбий таъсиr килди. Ярми ўлиб, ярми қолган ва асосий кисми серблардан иборат бўлган усмонлилар ўрдусининг шу қанотдаги қўшини тинимсиз зарбалар остида охири мажбуран чекинишга юз тутди.

Шу чоғда сербларнинг мустабид подшоҳи Лазарович Йилдирим Боязидхон ёнига келиб, “Шаҳаншоҳим, жангни бой бермоқдамиз. Ўрдуларимиз майдонни тарқ этмоқда. Энди бу селга қарши туролмаймиз. Чекинайлик,” дея таклиф киритди.

Йилдирим унга: “Асло!” дея катъий жавоб берди.

Усмонлилар ҳоқони, уруш майдонида енгилиб кочди, деган иснодга қолишни истамасди, албатта.

Серблар сўл қанотда ортга чекинаётган Сулаймон Чалабий лашкари орасидан ўтиб, қонли жанг тепаларини тарқ этиб, Румэлига караб ўйналди ва Сербистон ўйлени тутди.

Бироқ марказдаги жабҳада ёғийни оз бўлса-да, ортга чекинтирган, муваффакиятли урушаётган йеничериilar ва азаплар Темур ўрдусининг энг кучли бўлинмалари ҳисобланган зирхли суворилар қўшинига, ўлим ва даҳшат сочувчи филларига қарши мудофаа чизиғида ўзини аямай, жонли тўсиқ сифатида жанг килди. Айникса, филлар оёғи остига ўзини отиб, жонидан кечиб бўлса-да, бу баҳайбат ваҳшийлар танасини кесиб ташлаётган фидойилар, айникса, қаҳрамонлик кўрсатди. Хиёнатлар сабаб усмонлилар ўрдуси қанотлари заифланиб, очилиб колган, чекиниш давом этар эди. Шунга қарамай, марказ жабҳасидаги лашкарлар ўлим ўқларини ёғдириб, мингларча ёғийни ер тишлатди. Аммо тушдан сўнг барча усмонлилар қўшини мажбуран ортга чекинди. Чунки Темур ўрдусининг пешин олдидан ёппа ҳужуми ва зарбаси тобора кучайди ва оқибатда душманни тўзитди. Марказ ва қанотдагилар жанг майдонини тарқ эта бошлади. Айникса, ён томондаги усмонли аскарлари ракибининг отлиқ лашкари ҳужумига дуч келиб, батамом кирилиб битди, шахид бўлди. Шундай килиб, усмонлилар ўрдуси хиёнат қурбонига айланди, тўзуб тарқала бошлади¹.

¹ Анкара жангига ҳақида тўлароқ маълумот олиш учун қаранг: Mehmed Neşri. *Kitab-i Cihannuma-Neşri Tarihi*. Haz. F. R. Unat, M. A. K.ymen, Ankara 1987, s. 357; Aşiqpaşazade. *Tevarih-i Ali-i Osman*. Ali Bey neşri, İstanbul 1332, s. 77-79; Hoca Sadreddin Efendi. *Tac'ül Tevarih*. C.I. haz. Parmaksizoğlu, Ankara 1992, s. 260-277; Lütfi Paşa Tarihi, s.56-58; Şamli. *Zafarname*, s.313-314; Hadidi. *Tevarih-i Ali-i Osman* (1299-1523), haz. Necdet ÖzTÜRK, İstanbul 1991, s.126-132; İ. H. Uzunçarsılı. *Osmanlı Tarihi*, c.1, Ankara 1972, s. 309-312; Jozeph von Hammer. *Büyük Osmanlı Tarihi*, haz. Erol Kılıç, Mümin Çevik, c.1, İstanbul 1992, s.356-364.

УСМОНЛИ ЎРДУСИННИГ ТАРҔАЛИШИ

Усмонли ўрдусининг сўл қанотига, яъни қорататарларнинг хиёнати сабаб кучизланиб, чекинишга мажбур бўлган жабҳасига вазиятни тузатиш учун Маҳмат Чалабий кўмондонлигидаги эҳтиёт кўшинлари ёрдамга этиб келгач, жанг яна кучайди. Бироқ темурийларнинг қарши хужуми боис бу қанотдаги усмонли лашкари тағин ортга чекинди.

Бу вазиятни кўриб, вазири аъзам Али пошо, йеничерилар бошлиғи Ҳасан оға, Ойна беги ва бошқа кўмондонлар жангнинг бой берилганига амин бўлди-да, “номуси давлатни кутқариш” баҳонасида катта шахзода Сулаймон Чалабийни ёnlарига олиб, колган-кутган Румэли аскари билан майдонни тарқ этди ва чекиниш асносида шимолга йўналди.

Маҳмат Чалабий ҳам, гарчи ёғийга қарши хужум уюштирган бўлсада, муваффакиятга эришолмади. Темур ўрдусининг бу қанотга зарбаси ортгани сайин, айниқса, Румэли лашкарининг майдондан қочгани ортидан Лоласи Боязид пошо ва бошқа умаронинг ташвики билан Маҳмат Чалабий ўз кўшини, яъни Амася-Тўқот-Сивас жангидан омон чиққан минг қадарлик лашкари билан майдонни тарқ этиб, Амася йўлига тушди.

Сўл қанотда кўмондонсиз колган бошқа Румэли лашкари ҳам тўзиб, Сулаймон Чалабий тўдаси ортидан Миро кишлоғига караб от сурди.

Шундай килиб, пешинга боргандга Усмонли ўрдусидаги ўнг қанот ҳам, сўл қанот ҳам буткул тарқалиб кетди. Энди фақат марказда ўзидан устун ёв кўшини билан уруша-уруша ҳолдан тойған, кадам-бақадам ортга чекинаётган қапикули кучлари, яъни салтанатнинг ёлланма, мунтазам кўшини ҳамда улардан сал нарида Йилдирим Боязиднинг бош қароргохи ва унинг бир ховуч кўрикчи бўлинмаси колган эди, холос:

Ёгий ҳам жанг майдонида зарбани кучайтириш, ҳам Йилдирим Боязид гурухини ҳар ёқдан ўраб олишга жаҳду жадал этарди. Шу пайт силоҳдор оғаси, яъни подшоҳ ва вазирларнинг қурол-яроғига масъул Миннатбек Йилдирим Боязид хузурига келиб, бундай деди: “Султоним, атрофда кимса қолмади, душман сизга касд килиши мумкин. Яхиси, киёфани ўзгартириб, бу таҳликали жойдан тезда ташкарига от кўйингки, мен йеничерилар ва бошқа яқинларимиз билан бош кўмондонлик санжоги остида яна бир оз жангни кузатиб турай, сиз бу вақт ичиди соғ-саломат омонликка эришгайсиз”. Бироқ Йилдирим Миннатбекнинг бу таклифига кўнмади. Охири ўрдugoҳи жойлашган Чаталтепада янгидан ҳимояга ўтишга ва душманга зарба ёғдиришга қарор бериб, аста чекинишга киришди.

Йилдирим Боязидхонга Чаталтепадан жанг майдони кафтдагидек кўриниб турарди. Жангтоҳда усмонлилар жабҳасидан асар ҳам кўзга чалинмас, ҳар томонда Темур аскарлари ҳокимликни кўлга олаётганди. Боязидхон тўзиб чекинаётган аскарини ёнига олиб, отлик яёв жангчилари ва йеничериларидан иборат муҳофаза чизигини ташкил этиб, Чаталтепадаги бир баландликка байроғини тикди. Байрокқа кўзи тушган Темур аскарлари бу тепага хужумни янада кучайтириди. Шу чоғда Йилдиримнинг каватида олти минг йеничери бор эди. Бир пайт йеничери бошлиғи сафдошлари фикрини подшосига етказиб, бундай деди: “Султоним, сиз ичимииздан чиқманг, зўраки ғайрат-ла давлатимиз шаънини йиқманг, чи-даб турайлик. Сиз бизга орқа бўлинг, биз олдинда қилич солайлик, душман бизнинг милтиғимизу замбаракларимиз ўқига бардош беролмайди,

кўрасиз. Унинг филлари тоғлардаги селдай ёпирилса ҳам, орамизни ёриб киролмайди. Оқшом яқинлашмокда, биз шу ерликмиз. Улар ғарип ва бегона. Оқшом кирганда, чекинайлик, омон қолурмиз, оптимиздан қувишга журъатлари етмас”.

Вақт пешиндан окканди.

Темур ўрдугоҳида эса зафар эпкини эса бошлаганди. Йилдирим Боязид Чаталтепада озгина лашкар билан танг ахволда ўз кисматини кутиб тургани хабари Темурга етказилгач, у ўғли Шохрухни катта кўшин билан ёғий қароргоҳи сари жўнатди. Кетидан Мироншоҳ, амирзода Хусайн ва амир Сулаймоншоҳ ҳам кўшини билан Чаталтепага караб от сурди.

Афсонавий йеничери кисмлари ҳимоя чизигида шиддатли жанг олиб борди. Улар ҳеч чекинмай, кўркув билмай олишар экан, кўплари шавқ-ла шахидлик шарбатини ичди. Бирок ўзларидан иккى баравар кўп ёғийни ҳам ер тишлатди. Факат ёв канча ўлдирилмасин, улар сони тобора ортиб борарди. Зеро, ортга чекинган усмонлиларни қувиб кетган қисмлар ҳам кайтиб, Чаталтепага кириб келаётган эди. Усмонли лашкарининг ҳозирги чора-тадбири элак билан күмтепани текислашга ёки денгиз сувини ғалвирда ташиб бўшатишга уринишдек бир гап эди. Йилдирим ўрдусидан энди уч минги қолганди, холос. Нихоят, Боязидхон Чаталтепа чамбарини ёриб ўтиб, жанг майдонини тарқ этиш фурсати етганини пайкади. Акс ҳолда, бирга-бир урушиб, ажал топишлари аниқ эди. Ҳар ёндан ёпирилиб, зарба берәтган Темур аскарларига қарши бир ховучгина лашкари билан кун ботгунча қарши курашган Йилдирим коронғи тушган ҳамоно омон қолган отлиғу пиёда аскари ва уч минг чоғли йеничери ҳамроҳлигига душман ҳаракати сустлашган бир тепанинг шимол томонидан кўқис ҳужумга ташланди. Темур аскарлари нима бўлаётганини ҳам англамай қолди. Йилдирим тезлигидаги шиддатли зарба билан ёғий чамбари ёриб ўтилиб, тепанинг юришга энг қулай энишидан пастга ўқдек отилишиди. Чор атрофни зулмат қоплагани сабаб ҳар икки тараф ҳам ғоят қийналиб жанг қиласиди.

Ҳадидийнинг “Таворихи олий усмоний”сида таъкидланганидек:

*Синоҳи душманга девона каби,
Ёнар ўтга тушган парвона каби
Душман марказига ўзини урди,
Черикни сог-омон четга етурди.
Кўринг, не ҳолатдир, деди Темурланг,
Дедилар, Боязид айламакда жсанг.¹*

Йилдирим Боязиднинг жасурларча ёпирилиб, чамбарни ёриб ўтганини эшитган Темур энг жанговар кисмни унинг ортидан қувишга юборди. Йилдирим сафдошлари билан ёвнинг бир неча тўсиғидан ошиб, Чаталтепадан ўн олти чакирим узоклашишга эришди. Кун бўйи давом этган аёвсиз олишувдан ва узок муддатли от суришдан чарчаган, сувсизликдан ҳолсизланган Йилдирим ва сафдошлари Чубук сойи кунботаридаги кияликларда Темур лашкарига тағин бир бор йўлиқди.

Бугунги Махмуд ўғлон кишлоғи атрофидағи тик ва тошлок қиядан тубанга энар экан, Йилдирим Боязидхон минган от кокилди-да, тойиб

¹ Hadidi. Tevarih-i Al-i Osman. Haz. Necdet Öztürk. İstanbul 1991, s. 132.

ағдарилди. Хукмдор отини турғизишга ва бошқа отта алмаштиришга ул-гуролмай, Темур лашкари қўлига асир тушди. Хонни тутқун этган душман қўмондонининг исми ҳозирда қишлоқ номи унинг оти билан аталаётган Махмуд ўғлон эди.

Шу ерда Йилдирим Боязид билан биргалиқда Румэли бекларбеки Хўжа Феруз, шунингдек, Мустафо ва Алибеклар ҳам тутилдилар. Яхшибек ва бошқа баъзи қўмондонлар эса шу кияликдаги олишувда шахид бўлдилар.¹

Йилдирим Боязиднинг асирга олиниши ҳакида турли ривоятлар бор. Усмонли манбаларида, умуман, Гармиён беги ишорасига кўра, кўлга туширилгани таъкидланади. Машхур тарихчи олим Камол Пошозоданинг ёзишича, “Йилдирим Боязидхон оқшом пайти душман филлари устига от суриб борар экан, қарши тарафдаги Гармиён ўғиллари уни таниб колдида, Темурга хонни кўрсатди. Шундан сўнг Темур аскарлари дархол Йилдирим Боязидни ўраб олиб, уни кўлга туширди”.

ИККИ ХУКМДОР УЧРАШУВИ

Амир Темур ўз хузурига келтирилган Йилдирим Боязидхонни тик турганча, камоли ҳурмат билан кутиб олди. Иззат ила уни ўз чодирига таклиф этди ва хонни тўрига ўтқазди. Унинг юз-хотири учун яхши сўзлар айтиб, дўстлик куриш йўлини тутди. Шунинг баробарида бундай воеага сабаб бўлишни хоҳламаганини ҳам таъкидлаб, хонга бундай деди: “Биз тарафдан сулҳга интилиш учун накадар одим отилган бўлса, сиз тарафдан охири ҳужум билан якунланган шу қадар кину кизғинлик содир этилди. Биз ширин сўзлар билан ишни битиришни истадик, сиз ёқдан аччик хабарлар олдик. Магарки, тақдир бизга бу тарзда учрашиб кўришмокни, орадаги совуқлик пардасини кўтартмокни раво кўрибдир. Энди мушкү анбар таратган кўнглимизга кайғунинг ғубори кўнмасин. Ҳаёт боғимизга хафагарчиликнинг совуқ шамоли ораламасин. Замон бошимизга солган аламли ишлардан ўқинмаслик керак. Рум диёрини сизнинг адолатингиз кўланкасидан четда колдиришни кимса ўйлаётгани йўқ. Ҳеч кимнинг баҳтига зомин бўлинмас. Магарки, чораси топилмайдирган илоҳий амр келмаса, бас. Баҳтли кишиларнинг порлок кўзларини факат Оллоҳ истаги илиа коронгилик қоплай олгай...”

Йилдирим Боязидхон Темурнинг бундай назокатли кутиб олишига жавобан “Оллоҳ Таолонинг тақдир қалами бир ўлкага йўқлик ишоратини чизар экан, ишнинг оқибати шундай бўлгай”, деди.

Икки подшоҳнинг учрашуви ҳокимона сўзлар билан безалиб, ўртадаги совуқлик пардалари кўтарилди. Кўнгиллардаги эски кину адоват йўқолди. Боязидхон оталик шафкати ила шаҳзода ўғиллари тақдирини суриштириб билишларини сўради. У салтанатининг эртанги тиргаклари бўлмиш шаҳзодаларга уруш сабаб бирор зарар етишидан андишада эди.

Темур дархол буйруқ бериб, шаҳзодаларни топиш ва чодирга келтириш учун одам йўллади.

Усмонли тарихларида қиёматгача ибрат бўларли ушбу қонли урушда Мустафо Чалабий йўқолиб қолгани қайд этилган. Бунга қарама-карши ўларок, Темур фатҳномаларида, унга бағишлиланган тарихларда Йилдирим

¹ Yezdi. Zafername, s. 393-394.

Боязиднинг икки ўғли асир олингани ҳақида ёзиладики, бизнингча, бу тўғрироқдир.

Йилдирим Боязид вафотидан сўнг шахзода Мусо Чалабийни озод этган Амир Темур Мустафо Чалабийни ўзи билан Самаркандга олиб кетган. Зотан, шахзода Мустафо орадан йигирма йилча вакт ўтиб, кариб унтутилиб кетган бир вактда таҳт давоси билан Муродхон Иккинчи кархисидан чиқкан. Ана шу сабаб соҳта Мустафо деб ҳам аталган.

Амир Темур Мустафо ва Мусо Чалабийларга ўз болалари каби муносабатда бўлди. Илтифот кўрсатиб, ширин сўзлар билан синик кўнгилларига ором берди. Мехрибон оталарига ажратилган мовий гумбазни эслатувчи чодир ёнида улар учун ҳам маҳсус кенг чодирлар қурдири. Шоҳона дастурхон солдириб, мәҳмон қилди.

Жангнинг эртасига Амир Темур ўз қароргоҳини Кечиўран боғларига кўчирди. Анкара қальласи кутволи Ёқуббек ҳам Темур қароргоҳига келиб, унга тобелигини арз этди ва қалъани Алисултон товачига топширди.

ҚУВИШ

Уруш бой берилганини кўриб, чекина бошлаган усмонлилар, асосан, Сулаймон Чалабий кўмандонлигидаги лашкарлардан иборат эди. Тўнгич шахзода Сулаймон Чалабий ёнидаги вазири аъзам Али пошо, фозий Эвронос, Нихолўғли Маҳматбек, Мурод пошо, йеничери бошлиғи Ҳасан оға ва бошқалар билан биргаликда Румэлидаги усмонлиларга тобе юртларни бошқарди.

Сулаймон Чалабий жанг майдонини тарқ этиб, шимоли ғарбга қараб юрди ва Измирга етди. У ердан жадал айлаб, Бурсага борди. Бу ерда туғишганлари Фотма ва кичик шахзода Қосимни, кўлга кирганича молдунёни олиб, кўшинини Бандирма йўли орқали Гелибўлу устидан Румэлига йўналтириди.

Серб аскарлари ҳам Сулаймон Чалабийнинг орқасидан тушиб, аввало, Румэлига ўтди, у ердан Сербистонга кетди. Субоши Ойнабек эса Бурса йўли билан Боликесирга келди ва атрофдаги тоғларга ўрнашди. Ора-сира Темур лашкари жойлашган ерларга босқинлар уюштиришга киришди.

Маҳмат Чалабий эса мингта яқин аскари билан Амася вилоятига келди. Усмонли ўрдусининг бошқа баъзи катта-кичик қисмлари ҳам Истанбул бўғози орқали Румэлига ўтиб кетибгина жонларини куткариб қолди.

Бу орада Амир Темур ҳам бўш турмади: фурсатни бой бермай, жангнинг кетиши ва натижасига кўра, миззоларини Анадўлунинг турли вилоятларига юборди. Невараси Муҳаммад сultonни эса Сулаймон Чалабийни кўлга олиш учун Бурсага жўнатди.

Муҳаммад сulton Абубакр баходир, шайх Нуриддин амир, Жаҳоншоҳ баходирни ёнита олиб, ўттиз минг кишилик кўшин билан жаҳду жадал айлаб, Сулаймон Чалабий изига тушди.

Темур кўшинлари бу ерга келаётганини эшитган бурсаликлар ваҳима ичиди Муданя ва Улугтоғ тарафга қочди. Муҳаммад сulton беш кун ёғийни кувиб, ниҳоят, Бурсага кириб келди ва шаҳар идорасини кўлига олди. Бирок у Сулаймон Чалабийни кўлга туширолмади.

Калья темурийларга ўтиши биланок шайх Нуриддин барча молу жавоҳирлар, инжу ва ёқутлар, накд акчалар, кимматбаҳо буюмлару газла-

маларни кўлга олди, хазиналарни алоҳида ерга ташиттириди. Шунингдек, Бағдод хукмдори Аҳмад жалойирнинг кизини, Сербистон қиролининг синглиси, Йилдирим Боязидхоннинг хотини, шахзода Оливера ва икки кизини ҳам асирга туширди.

Амирзода Абубакр ўн минг отлик қўшини билан Янгишашар устига юрди. Чунки Сулаймон Чалабийнинг бир микдор қўшин билан шу ерда тургани хабари келганди. Аммо Сулаймон Чалабий Гемлик йўли билан денгизга чиқиб, кочиб улгурган эди.

Таъкиб лашкари қўмондони Муҳаммад султон аҳволни Темурга билдириди, юзтacha сара кўрикчилар билан ўлжа ва ғаниматларни, бир қисм асиirlарни Сохибқирон хузурига йўллади. Бу туткунлар орасида, Боязидхоннинг хотини ва кизлари билан бирга Шамсиддин Муҳаммад Бухорий, Шамсиддин Муҳаммад Фанорий, Шамсиддин Жазарий каби таникли уламолар ҳам бор эди. Уларни кейинроқ шайх Нуриддин Амир Темур хузурига олиб кирди.

Кисқа муддат Анқара атрофида қолган Темур шу орада бир дипломатик ишни ҳам бажарди: уруш давомида ёнида бирга юрган испан элчиларини, уларга қўшиб ўз элчиларини ҳам Испанияга жўнатди.

ТЕМУР АНАДЎЛУДА

Кўнё вилоятига йўналган султон Маҳмудхон қўмондонлигидаги қўшинлар Кўнё, Оқсарой, Окшашар, Испарта каби шаҳарларни яғмо айлади. Шунингдек, Ойдин вилоятига юборилган лашкар ҳам бу ерларни талон-тарож этди.

Айни кунларда Амир Темур бир пайтлар Боязидхон эгаллаб олган Қараман, Гармиён, Ойдин, Сарухон, Ментеше ва Ҳамидўғиллари беклиklärини ўз эгаларига кайтариб берди.

17 августда, яъни урушдан уч ҳафта ўтгач, Сарухон беги Маниса шаҳрига тантана билан кириб борди. Шу тарзда Арзинжондан Мунтушуга кадар чўзилган кенгликларда аввалги беклиklär кайтадан тикланди. Қараманўғиллари, айниқса, олдингидан ҳам кучли ҳокимиyатга эга бўлди.

Муҳаммад султон Манисада, Шоҳруҳ Улубўрлу ва Кечибўрлу тарафларда қишлилар экан, Темур ҳам Кутахядан чиқиб, Денгизли, Ойдин, Аясулук, Тира йўли орқали Измирга юрди.

Сохибқирон Измир атрофига яқинлашганда, Муҳаммад султон ҳам ўз қўшини билан унга келиб қўшилди. XIV аср ўрталарида турклардан олиб кўйилган Измир ва унинг теварагидаги баъзи қалъалар 1402 йил 2 декабрда Темур ўрдуси тарафидан забт этилди ва бари Ойдинўғиллари ихтиёрига берилди.

Темур энди Румэли сари йўналмоқ ниятида эди. Зеро, Византия императўри Мануэл Боязиднинг асирга тушганидан роса кувонган, аммо Темур Румэлига ўтмок учун кема тайёрлаётгани ҳакида хат олгач, дами ичига тушиб кетган эди. У Темурнинг ўн беш кунда Измирни камалда тутиб, сўнг забт этганини эшитгач, Истанбулга ҳам худди шу тарзда ҳужум уюштириши мумкинлигини тахмин қилди. Шу фикрга келгач эса, дархол Темурга армуғонлар билан элчилар жўнатиб, унга тобелигини билдириди.

Айни пайтда Темур султон Ҳусайн баҳодир, амир Сулаймоншоҳ баҳодир, Рустам Тогайбуғаларни ўз қўмондонлигидаги қўшин билан

бирга Оқшашар ва Құнё тарафларни забт этишга йўллаб, ўзи ҳам катта күшин билан Сиврихисорга етиб келган ва ўрдugoхини қуриб, шу ерда тўхтаган эди.

Султон Маҳмудхон, Искандар мирзо ва султон Ҳусайн кўмондонлигидаги лашкарлар гарбий Анадўлуга тарқалди. Улар Құнё, Оқсарой, Ҳамидэлинин яғмо айлаб, бир кисм аҳолини асирга олиб, атрофни вайрон қилди. Ойдин ва теварагини эса Сайдхўжа ва Шайхали баҳодир аскарлари хароб этди.

“Зафарнома”да таъкидланишича, Темур қароргохини Сиврихисордан Сайдғозийга, у ердан Афийён-Қорахисор орқали Кутахяга кўчирган ва Кутахяда катта зиёфат берган, унда Йилдирим Боязидни чакириб, илтифотлар кўрсатган. Сохибқирон бир ой Кутахяда қолгач, сўнг Йилдирим Боязид билан бирга Олтинтошга ўтган.

Анадўлуни истило килган Амир Темур ҳар ёкни усмонлилар каршилигидан буткул тозалай олмагач, канчалар орзу этса ҳам, туруми уйғун бўлмагани сабабли Румэли сари юргаган.

Византия императўри Темурнинг Анадўлудаги фатҳ ва ғалабаларини эшигтгач, унга элчи юбориб, дўстлик изҳор айлаб, хирож беришга тайёрлигини билдирган. Темур императўр элчиларини яхши қабул килиб, хирож микдорини тайин этиб, уларга тўнлар кийдириб, иззат-икром билан мамлакатига жўнатган.

Шу чоғда Исфандиёрбек Синопдан мингта от келтириб, Темурга ҳадя қилган. Темур ҳам бунга жавобан Исфандиёрбекка тож, камар, кийим ва олтинлар берган.

Шундан сўнг Темур Денгизли вилоятига борар экан, Адирнада ўз хукмдорлигини эълон этган Сулаймон Чалабий ҳам элчи ва армуғонлар юбориб, Сохибқиронга дўстлик ва хурмат изҳор айлаб, куйидаги хабарни жўнатди: “Отамга кўрсатган илтифоту икромларингиз туфайли мен ҳам сизга итоат этадирман. Буйруғингизни бажараман, агарда амр этсангиз, хузурингизга етиб бораман”.

Темур унга ҳам лутф айлаб, жавобан: “Энди бўлган иш бўлди, бари ўтди, тақдирда борини кўрдик. Биз барини кечирдик, агарда Йилдиримининг ўғли ҳам келиб, итоат этса, унга отасига қилганимиздан ҳам оптиқроқ илтифот ва қарам кўрсатурмиз. Ҳеч ўйлаб ўтирасдан келсин, шу аснода орамиздаги душманлик ва вахшат ҳам кўтарилсин,” дея ҳабар йўллади. Элчига бўрк, зарбоф тўн кийдириди, олтин-ла нақшланган қайиш, акча ва отлар ҳадя этди-да, мамлакатига қайтарди.

Шундан сўнг Йилдирим Боязиднинг ўғли Исо Чалабий юборган Кутбиддин деган элчи ҳам келди, Амир Темурга шаҳзоданинг хурмат ва итоатда эканини арз этди. Ўзи олиб келган қімматбаҳо от ва армуғонларни топшириди. Темур ундан ҳам илтифот ва шафкатини аямади, элчига ва Исо Чалабийга ҳадялар бериб, барчани мамнун этди.

Бу илтифотларга қарамай, Темур ўз қароргохини Кутахядан Олтинтошга кўчирган бир пайтда, Маҳмат Чалабий отаси Йилдирим Боязидни кутқариш учун жосус ва фидойхиларни жўнатди. Улар ер остида лаҳим қазиётган чоғда кўлга тушди ва Темур буйруғига кўра ўлдирилди. Темур бу ишга аралашган дея шубҳаланган Ферузбекни ҳам ўлимга буюрди. Йилдирим Боязидни олиб қочишга уриниш Амир Темурни янада эҳтиёткор қилиб кўйди. Хусусан, ёнида олиб юргани тутқун хукмдорлар

йўлларда турли босқинлар сабаб олиб қочилиши мумкинлигини кўзда тутиб, муҳофазани кучайтириди.

Ўша кунларда Мардин ҳокими малик Исо ҳам Темур қароргохига келиб, ундан афв ва паноҳ сўради.¹

ИЗМИР ФАТХИ

Амир Темур Денгизлида бир муддат тургач, Тирга келди. Бу ерда турклар билан сухбат қуриб, Измир ҳакида тушунча ҳосил килди. Бу ерликлар унга мусулмонлар тинчи ва хузури учун Измир олиниши лозимлигини уқтиришди. Жумладан, бундай дейишди: “Бу – фаранг кўмондонлари тўплланган шаҳар. Унда иккита қалья бор. Бирида мусулмонлар, бошқасида фаранг коғирлар яшайди. Фаранглар қальяси уч томондан денгиз билан ўралган, факат бир тарафи қуруқликдир. Аммо жуда катта ҳандак қаздирилгани учун қуруқлик тарафи ҳам ўта маҳкам. Улар бу ерни мукаддас макон деб биладилар. Ҳар йили мингларча инсон Овруподан келиб, бу қальъани зиёрат этади, ионалар ва садакалар килади. Бу коғирлар Измирнинг мусулмон қальъасидаги ҳалққа тинчлик бермайди, кечакундуз демай мусулмон қишлоқларига ҳужум уюштиради. Улар атрофдан талаб келган ўлжаларини шу қальъада саклайди. Ҳаврлари² ва калисолари обод, мол-мулклари кўп, ҳазиналари тўла. Бугунгача хеч кимга бож-хирож тўлашмаган. Йилдирим Боязидхоннинг отаси Муродхон бир вактлар бу қальъани қамал килган-у, бирор ололмаган. Бу ерни фатх этсангиз, мусулмонлар осойиши топгайлар ва сизни дуо айлагайлар”.

Бу сўзлардан Соҳибқирон анча мутаассир бўлди. Шу атрофни коғирлардан тозалашни вожиб деб билди ва мусулмонларни фаранглар зулмидан кутқаришни ваъда килди. Дарҳол амирзода Пирмуҳаммад билан Нуриддин баҳодирни илғор қисмлар билан Измирга йўллади. Уларга “Аввало суннатга биноан элчи юбориб, уларни исломга даъват этинг. Қабул килмасалар, жузя ва хирож тўласинлар. Шулардан бирига кўнсалар ҳам, етар, уларга ҳужум килманг, яхши муомалада бўлинг,” деди.

Шахзода Пирмуҳаммад ва беклар ўз қўшини билан дарҳол йўлга чиқди. Жаҳду жадал билан қалья қаршисига етди ва элчи жўнатиб, таклифларини билдириди. Бирор қалья ҳокими Магнус элчини ҳакорат килиб, ортига қайтарди. Сўнг эса шу яқиндаги оролларга чопар йўллаб, насроний боёнлардан кўмак сўради. Магнуснинг шу даъвати билан Измир ороларидан икки мингтacha аскар келди, мўл-кўл озиқ-овқат ва қурол-аслаҳа тўпланди.

Магнуснинг кўпол жавоби ва насронийларнинг ёрдамчи кучи ҳакида Темурга хабар етказилди. Соҳибқирон шиддатли ёғингарчиликка қарамай, 1402 йил 2 декабрда Тирадан йўлга чиқиб, Измир қальъасига келди ва ўз қароргохини курди. Темур қўшини тўкмок-ла гумбурлатиб чалинган довуллар товуши жўрлигида тайёргарлигини тутагиб, ҳужумга ўтди ва қалья деворларига уч ёндан ёпирилди.

Соҳибқироннинг нияти қуруқлик ёқдан зарба бериб, қалья деворларидан тешиклар очиб, сўнгра манжаниклардан оловли ўқлар ёғдириб, ёғийни таслим этиш эди. Ҳар икки томон ҳам бир-бирига ўқ, тош, олов

¹ Uzunçarsılı, I, s. 316-319.

² Ҳавра – ибронийча hebhrâh; яхудий топиноғи, синагога (тарж.).

ёғдира бошлади. Аммо қанчалар тиришилмасин, бу уринишдан бир на-
тижа чиқмади. Фаранглар шаҳарни ўлиб-тирилиб ҳимоя қиласарди.

Амир Темур бунақа зарбалар билан қальани олиб бўйласлиги, албат-
та, дengиз томондан ҳам хужум уюштириш кераклигини англади. Шун-
га кўра, харакатга киришди. Ҳисор тевараги бўйлаб тўсик курдирди.
Бу тўсик ва қалья девори орасида унда-мунда, аскарларнинг қальага
чикишини кулайлаштирадиган фиддиракли ёғоч миноралар ясаттириди.
Ҳар бир минорага икки юз лашкар сигарди. Минорани ҳар тарафга силжи-
тиб, қалья деворига яқинлаштириш, узоқлаштириш мумкин эди. Бу орада
ўн мингга яқин лахимчи ҳам анчагина иш килиб улгурди, истехкомлар
казилиб, қалья деворлари ўпирилиб тушишга тайёрланди.

Соҳибқирон бу ишлардан ҳам қоникмай, дengиздан кўмакка келувчи
кемалар йўлини тўсиш мақсадида ички лиманни харсанглар тўқтириб,
ғов ясатди. Шу тарзда ташқаридан яқинлашган кемалар лиманга кириши-
га имкон қолмади. Бу ишлардан хабар топган ёгий кемача ва қайиқлари
тонг отмасдан очиқ дengизга караб кочди ва кириш лимани оғзи тошга
тўлдирилгач, кисувда колиб ёқилишдан кутулди.

Ички лиман оғзи тош билан беркитилгач, куруклиқда курилган тўсик би-
лан дengизда ясалган тўсик бирлаштирилди ва қальани бутунлай ўраб олиш-
га эришилди. Энди бу жабҳадан кучли зарбалар ёғдириш мумкин эди.

Шу чоғда чопарлар фарангларга ёрдам етиб келгани ҳақида хабар ет-
казди. Қамалнинг ўн тўртинчи куни эди. Соҳибқирон ўрдудаги барча
кўшинга ёппа хужумга ўтиш буйруғини берди. Ҳисор остида қазилган
лахимлардаги тирагич ёғочлар ёндирилди ва окибатда қалья девори
чўкиб, ўпирила бошлади. Қальъадаги мудофаачилар нима бўлаётганига
акли етмай, гангид қолди. Ўпирилган ерлардан Темур баҳодирлари шид-
дат билан ёриб кирди ва қальъада кирғин бошланди. Бутун қалья ахли ли-
мандаги кемалар томон кочарди. Бирок лимандаги озгина кема бир пасда
тўлди. Фаранглар энди кемаларга жон ҳалпиди тирмашаётган диндош-
ларини кўпиреб ётган тўлқинлар ичига улоктиради. Кочганлар орасида
қалья қўмондони Магнус ҳам бор эди.

Қальъадаги мудофаачиларнинг бари киличдан ўтказилди. Шундай
килиб, тонг қизариб борар экан, айни шафак пайтида Измир фатҳ этилди.

Шу вактда ёрдамга етиб келган фаранглар мухташам ва мустаҳкам
қалья афдарилиб, харобага айланганини кўриб, лол қолди.

Бу ўлканинг мусулмон аҳолиси Измирнинг шундай қисқа вақт ичida
забт этилганига хайрон бўлди. Барча Соҳибқиронга бу азим ғалаба бошқа
йўлдан келган, бу зафар Оллоҳнинг лутфу инояти, илохий ҳодисадир,
деб сўзлай бошлади.

Амир Темур қалья фатхидан кўлга киритилган барча ўлжа ва
ғаниматларни туркларга тарқатди. Ўша кундан эътиборан Измир бутун-
лай турклар кўлига ўтди. Шу аснода “турк Измир”, “ғавур Измир”¹ деган
айирмачи атамаларга ҳам чек кўйилди.

Амир Темур шундан сўнг Муҳаммад сultonни византияликларга
қарашли Фўка қальяси забтига йўллади. Бу қальъадагилар Измир бошига
тушган даҳшатни эшишиб, кўркувдан ўтакалари ёрилаёзганди. Мўл-мўл
ҳаджалар юбориб, хирож тўлашни бўйининг олиб, омонлик тилаб, жанг-

¹ Ғавур – гайир, гайримуслим (тарж.).

сиз-жанжалсиз қалъани Мұхаммад султонга топшириди.¹ Бундан ибрат олган Сакич ороли беги ҳам аллаканча тортиқлар билан элчи юбориб, бож-хирож тұлашға розилиги ва Темурга итоатда эканини арз этди. Шу тарзда Сакич ороли ҳам хужумдан кутулиб қолди.

ЙИЛДИРИМ БОЯЗИДНИНГ ВАФОТИ

Ибн Арабшохнинг ёзиича, Йилдирим Боязид охирги учрашувида Темурга бундай васият килган: “Эй, Темур, энди сенинг асирингман. Қўлингдан соғ-саломат кутулиб кетолмаслигимни биламан. Сен ҳам бу иқлимда қолмассан. Шу боис сенга уч васиятим бор. Бу ўғитларим икки дунё яхшилиги учун дастурдир.

Биринчиси шулки, зинхор диёри Рум инсонларини ўлдирма. Чунки улар ислом устунларидир. Сен диннинг зафари учун ибрат бўлишинг керак. Зотан, мусулмонлигингни айтиб турибсан. Бугун ҳалкларни амринг остига олиб, коинот жисмига бош бўлдинг. Агар ҳалкнинг тириклигига ва аҳиллигига сенинг душманлигинг воситаси ила бирор зарап келса, Ер юзида фитна ва катта фиску фужур пайдо бўлади.

Иккинчи ўғитим шулки, татарларни бу ерда қолдирма. Чунки улар фиску фасод моддасидирки, ҳатто сен ҳам уларга кўзингни очиброк кара ва доим эҳтиёт бўл. Уларнинг хийлаю найрангларига алданма. Не ёзики, уларнинг ёмонлиги яхшилигидан кўпдир. Рум туродига улардан бирор тасини ҳам қолдирмаки, агарда бунда турсалар, шу ерларни ўз қавмлари оловига тўлдириб, бу ўлка инсонларининг кўз ёшлари ва қонларини дарё каби оқтирурлар. Чунки улар мусулмонларга ва уларнинг маконларига насронийлардан кўра ҳам ортиқроқ зарар берурлар.

Учинчى ўғитим шулдирки, вайрончилик кўлини мусулмонлар қалъаларига узаттирма, уларни яшаб турган ватанидан қувма. Чунки бу хисорлар дин қальаларидир ва дину диенат йўлида ғазот ва жиход айланлар сифнокларидир.

Бу ўғитларим бир омонатдир ва мен уларни сенга топширдим...”²

Амир Темур Йилдиримнинг бу сўзларини тинглаб, унга “Кўнглингни тўқ қил, барча айтганларингни бажараман,” дея сўз берди.

Нашрий ва Ўружбекнинг ҳалқдан ёзib олинган Усмонли солномаларида ҳам бу гаплар бор.

Ҳакиқатан ҳам, Темур ўз юргига қайтар экан, қорататарларни ҳам ёнида олиб кетди. Уларнинг сони тахминан кирк-эллик минг киши зди. Қорататарларни Анадўлудан кўчириш иши Шоҳруҳ мирзо, султон Ҳусайн ва амир Сулаймоншоҳга топширилди. Бу мухим вазифа юклangan кўшин бирор кимсани четта чиқармай, аскарларни ҳам яғмо ё талонга йўналтирамай, тартиби니 саклаган ҳолда йўлда давом этди.

Темур Боязидхонни, бир тарафдан, даволаниши, бошқа тарафдан, тинчланиб, ўзига келиб олиши учун табибу ҳакимлар билан бирга Оқшаҳарга юборди. Энг машҳур икки ҳакими – мавлоно Жалолиддин Арабий ва мавлоно Масъуд Шерозийга подшоҳнинг саломатлиги учун нима лозим бўлса, барчасини адо этишни амр килди. Султонга қаратади “Эй, жасоратли Боязидхон! Сени ҳам Самарқандга олиб кетаман. У

¹ Yezdi. Zafername, s. 402-406; Šami. Zafername, s.318-319.

² Acaib' ul – Makdur, s. 333-334.

ерларни кўрасан, кейин яна мамлакатингга қайтариб юбораман”, дея кўнглини кўтарди.

Бироқ Темурнинг бу меҳрибонларча сўзлари ҳам, икки хозиқ табибининг саъй-харакатлари ҳам Йилдиримнинг дардига дармон бўлолмади. Файрати ичига сиғмаган маҳзун хукмдор фалак ўз бошига соглан фалокатлардан кутулиш йўлида ўлимни хоҳлар эди. Нихоят, у 1403 йил 8 февралда бу ўткинчи дунё билан хайрлашди ва охират оламига кўчди.

Измирни забт айлаган Темур Оқшаҳарга караб юрар экан, бу совук хабарни йўлда эшилди. У оғир қайгуга ботди, афсус ва алам чекиб, бундай деди: “Динимизнинг суюнчлари бўлган Усмонли подшоҳларнинг коғирларга қарши кўрсатган жангу жадалидан, файрату ҳимматидан вokiф бўлгач, мен ҳам уларнинг салтанатини йиқитиш фикридан воз кечгандим. Айниқса, жаннатмакон султон Йилдирим Боязиднинг тубан душманларни форат килиш ва динимизни юксалтириш йўлидаги фидокорона ишларидан, файрату жонбозликларидан хабар топганимдан бўён унга ёрдам беришни, уни кувватлантиришни, кўнглини олишни истадим. Унинг сулоласини кўриклишни эса диндорликнинг бир намунаси деб билдим. Орзу-амалим Рум ўлкасини бутунлай қўлга киритгач, Йилдиримхонни такрор таҳтига ўтказмок, хурмат-иззатини жойига қўймок эди. Ислом сарҳадлари муҳофазаси, ғазот ва жиҳод анъаналари давом этиши учун бу улуғ хоқонга ёрдам кўрсатиш воситасида ўзимдан яхши от ва хайрли хотира қолдиришни ўйлагандим”.

Йилдирим Боязидхон вафот этгач, унинг жасади дориланиб, Оқшаҳардаги Махмуд Ҳайроний ҳазратлари мақбарасига вактинча кўйилди. Темур унинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия билдири, уларга эҳсонлар қилди. Бир мuddат ўтиб Самарқандга қайтаркан, Йилдирим Боязид жасадини Бурсага олиб бориш ва улуғ маросим билан дағн этиш ҳакида кўрсатма берди.¹

БОЯЗИДХОН ЎЗИНИ ЎЗИ ЎЛДИРГАНМИ?

Нашрий тарихида “Бир ҳикоят” номли ривоят бор, унда, жумладан, бундай дейилган: “Темур Рум вилоятини забт этиб, уни Қараман ўғлига берди. Йилдиримхон буни эшитиб, каттиқ хафа бўлди, оғринди. “Душман ҳукми остида хорлангандан, мамлакатни ётлар кўлида кўргандан кўра ўлим яхшидир”, дея узугидаги оғуни ичиб, ўзини ўзи ўлдирди.”

Ошиқпошозода тарихида эса, “Самарқандга олиб кетилишини эшиганидан сўнг ўзича бир карорга келди”, дея интихор этганига ишора килинади.

Нашрий ва Ошиқпошоздалар тарихидаги бунга ўхшаш маълумотлардан таъсирланган, уларга суюнган маҳаллий ва хорижий муаррихлар, романнавис, ҳикоянавис ва бошка ижод ахли ҳам Йилдирим ўзини ўзи ўлдиргани борасидаги фикри илгари суради.

Холбуки, “Нашрий тарихи”да бу воеа баёнидан аввал Боязид ўлимига икки сабаб кўрсатилган. Биринчиси шуки, Йилдирим Боязидхон оғир қайгу-аламга ботиб, безгакка ўйлиқади, касали кундан-кунга кучайиб, вафотига ўйл очади, дейилади.

¹ Ahmet Şimşirgil, *Kayı-I. Ertuğrul'un Ocağı*, İstanbul 2017, s.150-152; *Osmanlı Gerçekleri. Sorularda Osmanlı'yı Anlamak*, İstanbul 2016, s. 128-129; *Yezdi. Zafername*, s. 407-408; *Şami. Zafername*, s. 322-324; *Hadidi*, s. 132-133.

Мавлоно Маҳмат бин Кутбиддин Изникийдан ривоят қилган иккинчи воқеада эса, “Подшоҳнинг иситма оташи ҳеч пасаймагани боис ўлганини эшитгандим,” дейилгани таъкидланади.

Темур тарихчиларидан Шарафиддин Али Яздий ҳам Йилдирим Боязид нафас стишинаслиги ва томок оғриғи хасталигидан вафот этганини ёзган. Низомиддин Шомий эса “Зафарнома”сида Йилдиримхон эски касалининг мағлубият алами таъсирида кўзголиб, бора-бора зўрайгани боис кучдан қолиб, вафот қилганини ёзади. Бу икки тарихчи Боязидхонни даволаган табиблар билан сұхбатлашган бўлиши ҳам мумкин, деган фикрдамиш.

Кейинги тарихчилардан хўжа Саъдиддин афанди подшоҳнинг хасталик оқибатида; Бухиштий хуммали муҳрика, яъни иситмадан; Хаммер фалаждан; Мунажжимбоши хунноқ, зики садр ва иситмадан вафот топган, деб ёзганлар.

Боязидхон билан бир даврда яшаган ибн Арабшоҳ, шунингдек, Боязидга яқин замонда яшаган Шукруллоҳ, Қараманий Маҳмад пошо ва Анварий каби машҳур тарихчилар ҳам ўз асарларида подшоҳ ўзини ўзи ўлдиргани ҳакида бирор оғиз сўз айтмаган ва ўз ажали билан ўлганини таъкидлаган.

Шунча далилларни бир ёнга кўйиб, Нашрийнинг хикоя тарзида ёзилган биргина ривоятига ёпишиб олиш, унга кўра ҳукм чиқариш тарих фани методи нуқтаи назаридан макбул эмас.

Бундан ташқари, Йилдирим Боязидхон замонида ҳам, ундан кейинги даврларда ҳам Усмонли подшоҳларининг урушга кирап экан, узукларида заҳар олиб юргани ҳакида тарихларда бирор жумла ҳам, бирор манба ҳам йўқ. Зотан, Йилдирим Боязиддек жасур қаҳрамон, диндор ҳукмдор жангдан олдин асирикни ва ўз-ўзини ўлдиришни ўйлаши, бунинг учун узугига оғу жойлаштириши тасаввурга сиғмайди. Энг лакма одам ҳам бундай гапга ишонмайди. Ушбу масалани манбаларга суюниб илмий таҳлил этганимизда маълум бўладики, ўз салтанати бошига келган фалокатдан алам чекиш ва шунинг оқибатида турли хасталикларга йўлиқиши буюк турк хокони ўлимига сабаб бўлган.

ТЕМИР ҚАФАС МАСАЛАСИ

Ибни Қози Шуҳба, ибни Арабшоҳ каби баъзи араб тарихчилари Темур Боязидхонни темир қафасга солдириб, эл орасида олиб юргани, сultonнинг хотинини базмда сокий қилдиргани ҳакида ёзган.¹

Бу ўринда шуни айтмоқ жоизки, араб тарихчилари ўз ўлкаларини забт этган Боязид ва Темурни ёқтиримаган, шунинг учун бу икки буюк хокон тўғрисида ярамас ривоятлар тўқиган, бу – айни ҳакиқатдир. Масалан, византиялик тарихчилардан Дукас ва Қалқандил темир қафас ҳакида бирор жумла битмаган. Франзес эса Йилдирим темир қафасга солингани, ҳатто отга минар экан, ундан миниш тоши сифатида фойдаланганини ёзган.

Хуллас, Темурнинг Боязидхонни темир қафасга тиқтиргани ва уни масхара килиб, шаҳарларда сазойи эттиргани хикоя ва романларда ифодалангани, бу воқеалар ҳалқ онигига ўрнашиб қолган машҳур ривоятлар эканини таъкидлашни истардик. Бирор жиддий тарихчилар бу ривоятга эътибор бермагани ҳам маълумдир.

¹ En-Nücumu'z-Zahire, s. 355-356; Acaibu'l-Makdur, s. 316-318.

Темур тарихини кунма-кун ёзган Шарафиддин Али Яздий ва шоир Хотифий Темур Боязидхонга жуда нозик муносабат кўрсатганини таъкидлаган, уларда темир кафас борасида бирорта ҳам жумла учрамайди.¹

Шунингдек, Шарқ тарихчиларининг энг мўътабарларидан саналгувчи Лорий ва Жанобийда ҳам темир кафас ривояти йўқ.

Машхур тарихчи хўжа Саъдиддин афандининг фикрича, бу – тўқимадир, чунки, агар чиндан шундай воқеа юз берган бўлса, Темурни кўкларга кўтариб усмонлиларни ерга урган расмий тарихчи Шарафиддин Али Яздий бу воқеани албатта қайд этарди.

Хаммер темир кафас масаласини усмонлилар, темурийлар ва гарб тарихчилари қарашлари ва накллари асосида тахлил этар экан, бу воқеа уч асрдан ортиқ вакт мобайнида турли маколалар мавзусига айланган афсонадан бошқа нарса эмас, деган тўхтамга келади.

Хўш, унда бу темир кафас масаласи қаердан чиқди?

Усмонли султони йўлда кетар экан, ўз аскарлари нигохи остида йўл босишини истамагани учун бир тахтиравонда бормокни мақбул топган. Подшоҳ фойдаланган бу тахтиравон баъзи манбаларда кафас деб ҳам ёзилган. Зоро, Фотих даврида ҳам девони хумоюнда, сарой йигинларида подшоҳлар мажлисни кузатиб ўтирадиган хосхонага нисбатан қафас таъбири кўлланилгани маълумdir.

Демак, қафаснинг тахтиравон эканини атай рад этган ва пашшадан фил ясашга уринган баъзи романчилар ҳамда Усмонли хоконини қасддан ерга уришни истаган гарблик муаллифлар темир кафас бўхтонини тўкиб чиқарган. Афсуски, айрим турк қаламкашлари ҳам бу тухмат ёилишига улуш кўшган.

Қисқаси, Темур Боязидхонга, у асирга тушганидан то вафот этгунича, ҳатто ўлимидан кейин ҳам подшохона муносабат кўрсатган. Йилдиримининг хотини ҳам асира сифатида олиб келинганида, у эри ихтиёрига топширилган.

Бундан ташкари, Темур Боязид билан қариндош ҳам бўлган. Яни Кутахя шаҳрида турган пайтида Йилдиримининг тўнғич кизини невараси Абубакр мирзога, Малак пошо деган кенжা кизини эса амир Жалолиддин Исломнинг ўғли Шамсиддин Мухаммадга никоҳлаб, тўй килиб берган.

ТЕМУРНИНГ АНАДЎЛУДАН ҚАЙТИШИ

Амир Темур Измирни забт этганидан сўнг Катта Мендерес водийси бўйлаб шаркка караб йўналар экан, йўлда Улуғбўрлу қальясини эгаллаб, тор-мор айлаб, кейин Эгридирига этиб келди.

Эгридири ҳам забт этгач, Эгридири кўли ўртасида барпо этилган Нис (бутунги Яшил) қальясини кўлга киритди. Эгридиридан тўппа-тўғри Оқшаҳарга йўналди. Йўлда Қараман ўғли Маҳматбек Кўнёдан келиб, унга тобелик изхор этиб, омонлик моллари, жумладан, аллаканча бойлик, газлама, от, хачир берди. Темур ҳам унга илтифот ва иззат-икром кўрсатиб, юртига жўнатиб юборди.

¹ Yezdi. Zafername, s. 393.

Окшашарда турганида, Темур хузурига икки Миср элчиси келди, жуда кўп қимматбахо армуғонлар сунди ва Миср султони Фаражнинг унга тобелигини арз этди.

Боязиднинг вафотидан бир ойча ўтганди. Шу паллада, 1403 йил 12 марта Соҳибқироннинг энг яхши кўрган невараси Муҳаммад султон тўсатдан вафот этди.

Муҳаммад султон ўн тўқиз ёшда эди, кўплаб жангларда катнашиб, муваффакиятлар қозонганди. Ниҳоятда кўркмас йигит эди. Темур унга келажакнинг хоқони деб қараб, қаттиқ меҳр кўйганди.

Темур, худди Боязидхон вафотида айтганидай, “Инна лиллаҳи ва инна илайҳи роҗиун” оятини ўқиди ва бошқа хеч бир сўз сўйламади. Давлат арబолари мотам кийимларини кийди, хотинлар аламдан кўксига муштлаб йиғлади. Барча лол колиб, қайғуга кўмилди.

Темур бу фалокатни илохий бир танбех деб ўйладими, ҳартугул, ўрдусига дарҳол Анадўлуни тарк этиш амрини берди.

Султон Боязид васиятига мувофиқ Ўрта Анадўлудаги қорататарларни бутун оиласари, мол-холлари билан бирга қўшинг муҳофазасига олиб, Кўнё-Қайсари-Сивас йўли орқали Анадўлудан олиб чикиб кетди.

Темурнинг Анадўлу сафарида доимо ёнида юрган тарихчи Ҳофизи Абрўга кўра, қорататарлар ўттиз минг чодир эди. Улар Темурнинг кўчиришига истар-истамай кўнган бўлса ҳам, бироқ Эронда, Домғонга етганида исён кўтарди. Бу учун уларга қаттиқ жазо берилди.

Темур 1403 йил кўкламида Шарқка қайтар экан, шу вактда Султонияда бўлган катта хотини Сароймулкхоним, марҳум шаҳзоданинг онаси Хонзодахоним, бошқа оқалар ва хотунлар билан барча яқинларга Авник чегарасига қараб юришини буюрди. Мотамзадалар карвон-карвон бўлиб, йиғлашиб-сикташиб Авникка етиб келди. Бу пайтда орқага қайтаётган Темур ҳам Авник қалъасига етиб, кўр тўқди.

Соҳибқирон оиласи билан кўришиб, невараси Муҳаммад султон руҳига хайру ҳасанот килди. Марҳум неварасига атаб, янгидан мотам уюштириди. Таклидан кўйилган тобут каршисида барча маросимлар бажарилди. Бу маконда бир муддат қолинди ва бутун фуқарога садакалар тарқатилди. Низомиддин Шомий Темурни кўп қайғуга солган бу ходисани бундай тасвиirlаган:

“Марҳум амирзода Муҳаммад султон мотамини янгиладилар. Ер мовий кийингланларнинг кўплигидан кўкка ўхшаб қолди. Осмон ер каби бошига тупроқлар сочди. Ой юзли хотинлар қора кийимларга буркандилар. Чехралари Чўлпондай порлоқ кизлару жувонларнинг кунлари кўёш тутилгандагидай коп-кора бўлди. Тогоу сахролар мотамзадаларнинг фарёду фифонига тўлди. Кўзларидан оккан конли ёшлар боис бу макондаги тоғлару тепалар алвонга бурканди. Ростдан ҳам, шундай шаҳзода ўлади-ю, бу сўнгсиз айрилиққа чидамаган кўзлардан қон ёшлар тўкилмайди, дейсизми. Барчанинг юраги ёнарди. Бу мотам ҳавоси шоирнинг “Агар шу кўзларим кўнглим каби ёниб йиғласайди, кўқдаги қушлар, денгиздаги баликлар ҳам менга ачиниб, фарёд урадди”, деган маънодаги мисраларини ёдга солди.

Амир ҳазратлари марҳум шаҳзода руҳига атаб турли-турли садака ва эҳсонлар қилишга, ҳатми Куръон маросимларини ўтказишга буюрди. Дастурхонлар ёзилди. Фақирларнинг корни тўйдирилди. Қалблар таскин

топиши учун олим ва солиҳларни тўпладилар, икки дунё масалаларидан сухбатлашдилар ва гаму кадардан бирмунча узоклашдилар. Барчага эъзозу икром кўрсатилди, сарполар кийдирилди, сўнгра уйларига қайтмоққа ижозат этилди”.

ГУРЖИСТОН ЮРИШИ

Темур ўрдуси билан Анадўлудан чиқар экан, яна Арзиумга келди. Темурнинг Анқара жангидаги қозонган ғалабаси нафакат Шарқ мамлакатлари, балки Фарб давлатлари саройларида ҳам катта ғулғула уйғотган, ҳалқаро элчилик сиёсатида юзларча ўзгаришга йўл очганди.

Темурийларнинг Усмонли салтанати билан бўлган бу урушида Миср сultonи Фараж Темурни кўллаб-кувватлаган эди. Гуржилар кироли Георгий Еттинчи эса, аксинча, терслик кўрсатганди. У Амир Темурнинг Боязид устидан қозонган зафарини кутламагани етмагандай, кейинги вақтларда мусулмонларга қарши босқинлар қилиб тургани хабари Соҳибқиронга етказилди. Бу ҳол унга ёқмади, албаттa, оқибатда Гуржистон юришига карор қилинди. Анадўлу тупроқлари босиб ўтилгач, ўрду гуржилар чегарасига етиб борди.

Соҳибқирон Мингкўлга бориб тўхтаганида, кирол Георгий Еттинчининг укаси Константин ўлқадаги ички зиддиятлар боис Темурга сигиниб келиб, унга армуғонлар сунди. Темур олға юришда давом этар экан, қаерда тўхтаса, юкоридаги каби ахвол юз берди: ўша атрофдаги волийлар, беклар Соҳибқирон ҳузурига келиб, тобелигини билдиради. Шу орада кирол Георгий Еттинчи ҳам эс-хушини йигиб олиб, Темурга тортиклар жўнатиб, ўзини авф этишини сўради. Аммо Темур унинг бу ишини макбул топмади ва аввал ҳузуримга келсин деб, ҳадяларини қайтириб юборди. Георгий яна унга армуғон ва элчилар йўллаб, Мардин ҳокими, бошқа волийлар, бекларга қилинганидек муносабат кўрсатилишини, яъни аввалига тортиклари қабул этилиши, сўнгра ўзи боришига рұксат берилишини сўради. Аммо Темур бу гал ҳам кирол илтимосини рад этди ва элчиларга бундай деди:

“Унга етказинг, айтар гапим – шу: сенинг масаланг бошқаларникига ўхшамайди. Агар жазодан кутулишни истасанг, ҳеч ўйлаб ўтирмай, тез ёнимга кел, Оллоҳ менинг ҳузуримда сени ўз ёрдамига йўлдош этадир ва сен мусулмон бўладирсан, ана у замон кўрадирсан сенга қанчалар лутфу эҳсон этилганини, буни олам ҳам кўрар ва эшитар. Агар сенга Оллоҳдан тавфиқ этишмаса, унда менинг кўлимдан келадиган бир иш йўқдир. Жаноби Ҳакнинг амрига кўра, сенга факат жузя беришни буораман. Молинг, ор-номусинг, хотин, бола-чақанг маъсум қоладир. Сенга эъзоз ва икром кўрсатиб, мамлакатинг идорасини яна уддангга топшираман. Агар буларга кўнмай, кейин такрор маъзурлик истасанг, узринг қабул бўлмас”.

Элчилар қайтиб кетгач, Темурга гуржиларнинг экинлари пишгани, факат ҳосилни йигиб олишга ҳали эрталиги, бу иш олдидан баъзи юмушлар борлиги баҳона қилинаётгани хабари етди. Шунда Соҳибқирон амирзода шайх Нуриддин баҳодирга илғор қисмлар билан бирга ўлканинг ҳар тарафига тарқалиш ва ҳосилни аскарларга йиғдиришни буорди. Оқибатда кирол ортиқча чиранмай, орқага чекинди.

Бу орада Темур амирлари ўз кўшини билан Гуржистон ўлкасидағи кишлоғу қасабаларга босқинлар уоштириб, яна қароргоҳга қайтди. Улар икки чуқур водий ўртасидаги текисликда боши осмонга туташган юксак тог борлигини маълум қилди. Айтишларича, тоғнинг жануб томони жуда баланд, бошка тарафларига кўра бунда юриш ўта хавфли, нарвонлар во-ситасида ҳам, бошка бирор йўл билан ҳам тепасига чикиб бориш имкон-сиз эди. Тогда тор, айланма бир йўл бор, холос. Водий атрофи бикик, тор-танг бўлгани боис бу ерда ўрду кўр тўколмасди. Тог тепасида курилган қалъя тевараги юз эллик газ баландлигида тош девор билан ўралганди. Бундан ташқари, қальянинг уч томони тубсиз жарлиқдан иборат бўлиб, шу боис қалъя дарвозасига ёвук бормоқ амримаҳол эди. Қальяга бир кўприк оркали кирилар, агар кўприк кўтариб кўйилса, ҳеч ким у ёкка яқинлашолмас эди.

Гуржиларнинг кўпчилиги ана шу хисорга кириб олган, бу ерда сон-саноқсиз жангчи тўплланганди. Зоол деган бириси қалъя кўмондони экан. Гуржилар бу ерда жуда кўп омборлар куриб, ичини озиқ-овқат билан тўлдириб ташлаган, шу боис қальяни узоқ муддат муҳофаза килиб, саклаб турса бўларди.

Бу гапларни эшитган Амир Темур Куртин деган ўша қальяни забт этишга қарор берди. Соҳибқироннинг бу қарорига барча амирлар хайрон колди. Чунки бунчалар қалин ўрду билан қалъя атрофидаги тор ерда қароргоҳ тиклаш мумкин эмас. Иккинчи тарафдан, қалъадаги мўл-кўл заҳира ҳисобга олинса, кичик бир кўшинни ҳисор қаршисига кўйиб, пайт пойлаб ётиш ҳам бехуда эди.

Ҳақиқатан ҳам, ибн Арабшоҳ айтганидек, бу қалъя гуржи қалья-ларининг тоғлардаги икки кўзи эди. Бу кўзлар бой берилса, улар синарди ва ортиқ кутулиш умиди қолмасди. Шунинг учун Амир Темур уни эгаллашга қатъий қарор қилди. Натижада, у 1403 йил 3 август – жума куни Куртин қаршисига етиб бориб, кўр тўқди. Дархол ҳисорни ўраб олди. Манжаниклар ва арратешар каби оловотар, тошотар қуролларни курдирди. Қоратуялар ясалиб, батартиб жойлаштирилди. Темур лаш-кари қалъадаги ёғийларга ўқ ва тош ёғдирлиб, жангга киришди. Шунда Соҳибқирон амир Шоҳмалик ва яна бир неча амирга бу забти оғир қалъя қаршисида икки-уч катор жонли қалқон ясашни буюрди. Чунки агар қалъани зўрлик билан ҳам эгаллаб олишмаса, у чоғда бир қисм аскар шу ерда қолиб, қамални давом эттириши лозим эди.

Айни пайтда кўмондонлардан Пирмуҳаммад кўккисдан ҳужумга ўтди, унга яна бир неча қисмлар эргашди. Пирмуҳаммад жасурона зарбалар билан кўприкка туташ барча йўлларни кесиб кўйди ва охири кўприкни эгаллашга ҳам муваффак бўлди. Гуржилар ўз вақтида кўприкни юқори кўтаришга улгура олмади, асосий тиргак бой берилганидан вахимага тушибиб, қалъя ичига қочди ва дарвозани беркитди. Темурийлар улар устига ўқ ва тош ёғдирди, бу олишувда Пирмуҳаммад ҳам бир неча жойидан яраланди. Айни чоғда Амир Темур отига миниб, лашкар билан ҳисор қаршисига келди ва аскарларга қалъага ёпирилиб зарба беришни буюрди. Куртинга яширинган гуржилар бу ҳужум селини қандай тўхтатишни билолмай, гарант холга келганди. Зотан, водийга туташ тог бурнидан, ягона йўлдан бу ёкка ёпирилиб келаётган ёғийнинг сон-саноғи ўқ, охири кўринмас эди. Шиддатли жанг якунида темурийлар гуржилар устидан

зафар қозонди, қалья эгалланди. Қалъа кўмандони Зоол қўлга олинди ва қатл эттирилди. Гуржиларнинг хотин ва болалари асирга тушди, калисолари бузилди. Бу қальанинг олиниши Амир Темурга бутун гуржилар мамлакатини забт этиш умидини баҳш этди.

Бу ғалаба Темур олдидаги абхазлар йўлини очди ва унинг ўрдуси Абхазияга караб йўналди. Амир шайх Нуриддин ва амир Шоҳмалик кўмандонлигидаги илгор қисмлар олға кетди ва улар йўл-йўлакай аллақанча гуржиларни киличдан ўтказди. Бу ҳолдан вокиф бўлган қирол Георгий, агар Темур ўрдуси абхазлар юртига кирса, бирорта ҳам насронийни қолдирмай кириб ташлайди, деган кўркувда дарҳол чопар юбориб, божу хирож тўлашини изхор этиб, итоатда эканини арз қилди. Ортидан алоҳида мактуб ва турли армуғонлар билан элчиларини жўнатиб, Темурдан авф этишини тилади. Соҳибқирон унинг таклифини рад қилди. Шунда уламо амир ҳазратларига “Агарда қирол солик бермоқни қабул қилдими, унинг ўлкасига кириш шариатга зиддир”, деган фикрни билдириди. Шундан сўнг Амир Темур Ширвон ҳокими шайх Иброҳимга қаратса “Майли, сенинг илтимосинг учун Георгийнинг айбларидан ўтдим,” деди ва сулҳ йўлини тутди.

Бу хусусда қирол Георгийга хабар етказинг деса унинг элчиларига изн берди. Улар бир неча кундан кейин армуғонлар билан қайтиб келди. Ҳадялар орасида ўн саккиз мисқол оғирлигидаги нодир ёкут, турли кимматли идишлар, билтур кўзалар, олтин ва кумушлар, газлама, мингта от ва Темур номига зарб килинган минг ашрафий ақча ҳам бор эди. Амир Темур элчиларга тўйлар кийдириб, қайтишга руҳсат берди.

Темурнинг бу юриши давомида Гуржистоннинг шу пайтгача забт этилмаган қалъалари ўн кунлик камал туфайли эгалланди. Темур тарихчилари ёзганидек, етти юз қасаба ва қишлоқ олинди, сўнгра қирол Георгий таслимият билдиригунинг қадар харобага айлантирилди.

Темур 1403 йил қишини шу маъвода ўтказгач, 1404 йил уни тарк айлаб, Байлаканд шаҳрини янгидан барпо эттиришни дилига туғиб, тўппатуғри Арран, Корабоғ сари йўналди.

Кур дарёсини кечиб, қишимамок учун Коракбокка борар экан, Байлақандга етганида тўхтади ва кўпдан буён вайронга бўлиб ётган шаҳарни қайтадан куришга, Ораз дарёсидан бу ерга канал қазиб келтиришга фармон берди.

ТЎЙЛАР

Қишини Корабоғда ўтказган Амир Темур 1404 йил марта охириларида Самарқандга қайтиш ҳаракатига тушди. Кўприк қурдириб, Ораз дарёсидан кечиб, Наҳри барлос қишлоғидан ўтиб, Нематобод атрофига келганида, ўрдусини тўхтатди. Аввалдан шу ерда тўй беришни ўйлаб кўйганди. Бу тантанали тўйда Хурмuzгача Форс ва Кирмонни, Райдан Озарбайжонгача Ироқи Ажам, Арран, Мугон, Қорабоғ, Гилон, Ширвон, Шамахи, Дарбанд, Гуржистон, Абхазияни; Ҳижозга қадар Диёрбакр ва Араб Ироқини, Истанбулгача Рум диёрини, Искандария ва Нилгача Шомдиёрини Умар мирзога берганини эълон қилди. Форс миңтақаси ва Араб Ироқидаги барча темурий мирзолар, шунингдек, Ширвон шоҳи шайх

Иброхим, Мардин ҳокими султон Исо, Ван ҳокими малик Иззатиддин, гуржи кироли Кўстандил, Урмия ҳокими Дизак, Мароға ҳокими Чолик, Ардабил ҳокими Бистомбек ҳам Умар мирзога тобе экани билдирилди.

Сўнгра Темур Умар мирзога амир Жокунинг ўғли Жаҳоншохни отабек тайинлаб, ёнида баъзи бек ва ўн минг кишилик кўшин ҳам қолдириб, анчагина насиҳатлар қилиб, сўнг Самарқандга қараб йўлга чиқди. Шу билан бирга, Мироншоҳ кўл остидаги беклар, аскарлар ҳам Умар мирзога берилган, хаста Мироншоҳ шу тариқа ўғли қарамоги ва муҳофазасига ўтказилган эди.

Соҳибкирон ўрдуси билан манзилма-манзил йўл босиб, ора-сирада айрим фатху футухотлар билан Жайхун қирғоғига етиб келди. Ундан Кешга борди. У ерда шайх Шамсиддин Кулол мозорини тавоғ айлаб, унинг руҳидан мадад сўради. Бу макондаги яқинлари қабрини ҳам зиёрат этиб, дуолар ўқиди.

Ниҳоят, 1404 йил июль ойида Самарқандга етиб келди.

Амир Темур пойтахтида яна иморат ишлари билан шуғулланди. Охирги Farb сафарида эришган зафарларини кутлаб, тўю тантналар тузди. Бу тўйлар пайтида невараларидан олтитаси, шунингдек, Бурсада асирга олиниб, Самарқандга келтирилган Шамсиддин Жазарийнинг ҳам никохи Самарқанд бош козиси иштирокида ўқилиб, барча расм-руслар ҳанафий мазхаби коидаларига кўра адо этилиб, базмлар давом эттирилди.

ХИТОЙ САФАРИ

1368 йилда Чинда Мўғул ҳукмронлигига барҳам берилиб, хитойлар мустақилликка эришди. Яна Чин ҳукумати мўғулларнинг улуғ хонини ҳам ўз ҳукмронлигига боғлади.

Айни замонда темурийлар чет ўлкаларга уюштирган юришлари натижасида ўз ҳудудини Лубнорга туташтириди ва шу тарзда икки давлат кўшнига айланди.

Чин императури Темурга йўллаган мактубларида унга ўғлим дея муружаат этарди. Зеро, дипломатик тилда бунинг маъноси “Сен менга қарамсан”, дегани эди. Бундан ташқари, Чин ҳукмдори гарб ҳудудларидан ҳак талаб этишини ҳам яширмай, очик айтиб келарди. Шуни ҳисобга олган ҳолда, ҳатто Темурнинг бож тўлашини ҳам иддао этарди. Хуллас, чин кўшинларининг гарбга ҳужум уюштириш палласи яқинлашиб қолганди.

Аслида, Темур бу таҳдидларни аллақачондан бери билиб, шу хақда ўйлаб келарди. Импературнинг хатти-харакатини диккат билан кузатарди. Орани очик қилиб олиш зарурлигини англар, таҳлика эшик ортида турганини ҳам сезарди. Шу боис Анадўлу сафарининг охирроғида қўмондонларидан Оллоҳоддога одам йўллаб, унга Чин ўлкасига оид тўлиқ маълумот тўплашни буюрди. Бердигек, Давлат Темур, Тангриберди каби амирларига Мўғул юрти ҳудудидаги Ашпарага ўн кунлик масофа узоклиқда Бош Хумра деган қалья куришни амр этди. У ерларда дехқончилик қилишни, тўрт йиллик озиқ-овқат жамғаришни буюрди. Темурнинг бундан мақсади Чинга қилинадиган юриш учун захира хозирламоқ ва уруш пайтида юзага кела-диган қаҳатчилик олдини олмок эди.

Амир Темур етти йиллик сафардан сўнг Самарқандга қайтгач, унинг хузурига келган Чин элчилари ўз талабларини кўйди ва Соҳибқиронга Чин юришига йўл очди. Бу хусусда Клавихо бундай деган:

“Чин императўрининг элчилари келганди. Императўр фикрича, Темур унга тегишли айрим ерларни ишғол этганди. Шу боис ўша ерларнинг солигини тўлаши шарт бўлгани холда, етти йилдирки, бу қарзларни ўтамаётган эди. Ана шу етти йиллик соликни императўр талаб килаётганди. Темур Чин элчисига бундай жавоб берди: “Чин хоқони буларни сўрамоқка ҳаклидир. Аммо элчилар етти йиллик бож-хирожни ташиб бориши мушкул. Шунинг учун ўша соликларни тўплаттириб, шахсан ўзим Чинга олиб бораман. Хоқоннинг кўнгли тўқ бўлсин.”

Соҳибқирон Чин хоқонига хаддини билдириб қўйиш пайти келганига амин эди. Самарқандда бир неча кун дам олиб, уруш ҳорғинлигидан кутулган Амир Темур шаҳзода ва беклар билан кенгаш куриб, ўз нияти ва режаси хусусида бундай деди: “Яратган Раббимиз бизга иноят айлаб, шундай куч бердики, қилич кучи билан дунёни фатҳ этдик, Ер юзидағи подшоларни итоатимиз остига киритдик. Оллоҳга шукрки, унинг бизга берган неъмати жуда камдан-кам ҳукмдорга насиб бўлгандир. Кўнглимиздаги ният шуки, бундан кейин ҳам кофирилар устига юриш ясад, ғазот этурмиз, динсизларни Оллоҳ инояти ила иймон йўлига со-лурмиз. Энди Хитой ва Чин сари юрумиз, у ерлардаги бутхоналар, оташкадалар ўрнига масжид ва хонақоҳлар куурмиз.”

Шаҳзода ва беклар Соҳибқироннинг сўзи жуда ўринли ва мақбул эканини айтиб, бу ишга тайёрмиз, дедилар.

Амир ҳазрат шундан сўнг “Товачилар вилоятларга борсинлар, лашкар сонини аникласинлар, аскарларни кўпайтирсинлар”, дея фармон берди. Товачилар, яъни ўрду назоратчилари буйруқни бажариш учун салтанат вилоятларига – жаҳоннинг тўрт томонида забт этилган ўлкаларга қараб кетди. Сал ўтиб, беклар ва шаҳар ҳокимларига ўрду тўплаш амри етказилди.

Соҳибқирон шаҳзода Пирмуҳаммадга тож, камар ва от ҳадя қилиб, Фазна ва Кобулга қайтишига изн берди. Мулозимларига тўнлар кийдирди. Мисрдан келган элчининг ҳам елкасига зарбоп чопон ташлаб, белига олтин тўқали қайиш боғлатганидан кейин юртига кетишга рухсат этди. Бундан ташқари, Соҳибқирон Миср сultonига тож, шоҳона камар, зардўзи либослар, кимматбаҳо кийимликлар ва бошқа тортиқлар жўннаттириди.

Шундан сўнг салтанатини бошқараётган шаҳзодаларга атаб фармон тайёрлатди. Унда, жумладан, бундай улуг фикр ифодаланганди: “Ким қаерда ҳукм сурмасин, у халкининг дардларига дармон бўлсин, адолатни сакласин. Девоналарнинг ва фасод кишиларнинг сўзларини тингламасин. Ҳокимлар доим халқнинг ахволидан вокиф турсинларки, токи киёмат куни разил бўлмасинлар!” Бу фармон нишонлар билан шаҳзодаларга юборилди.

Нихоят, соҳибқирон Темур бутпастларга эсдан чиқмас зарба бериш ниятида Анадўлуга юришидан сўнг, орадан олти ойча ўтиб, Чин сафарига отланди. Жаҳонгир ўғли Пирмуҳаммад ва Умаршайх ўғли Саидаҳмадни Қандахор тарафларга жўнатди. Тошкент, Сайрам, Ашпара билан Чин худудигача барча мўғул вилоятларини Улугбекка, Ан-

дижон, Қашқар, Хўтангача чўзилган ўлкани Иброҳим султонга берди. Чингача жойлашган бошка ўлкаларни эса кичик ўғли Шоҳруҳнинг икки фарзандига атаб қўйди.

Бу карордан кейин хотиржам тортган Амир Темур 1404 йил ноябрь ойида муаззам ва музaffer үрдуси билан Самаркандан Оқсулотга қараб йўлга чиқди. Аммо ҳаволар аввалги йиллардан кўра совукроқ бўлгани боис Оқсулотда бир муддат кишини ўтказмокка буюрди.

Ўша кунларда ҳаво шунакаям совидики, аллақанча инсон ва от ўлди. Айrim одамлар оёқ-кўлини совукка олдириди. Баъзиларининг кулок-бурнини совук урди. Ҳаво доим тунд, кор тинимсиз ёғарди. Бироқ ғазавот хисси Соҳибқирон кўнглини шунчалар асир этгандики, кунлар исиб кетгунча сабр қилишни ақлига сиғдиролмасди. Отларнинг ем, суви масаласини ҳал этиб, Оллоҳга тавакқалайлаб, Оқсулотдан кўзғолди. Навбати билан Узун ота, Йўлхўжа оға, Суткент, Кимэршоҳ ота, Султон шайх, Зарнуқ каби масканларда дам олиб юришни давом эттириди. Сирдарё музлаган экан, унинг устидан ўтди. Дарё шунакаям қаттиқ музлагандики, сув олиш учун уч-тўрт қарич музни ёришга тўғри келди. Ҳатто карвонлар ҳам аравалари билан қаторлашиб, тўда-тўда ҳолда муз устида бормоқда эди. Темур шу пайтда тури шаҳарларда кишини ўтказаётган шахзодаларга ўз кўшини билан келиб, үрдуга кўшилиш ҳакида фармон чиқарди. Даشتি Қипчоқ, Ясси ва Сабронда ҳукмдорлик килаётган шахзода султон Ҳусайнга ҳам чопар йўллаб, киш тугаши биланок лашкари билан етиб келишини буюрди. Нихоят, 1405 йил январь ойи ўрталарида Соҳибқирон Ўтрорга етиб келди.

Илк кўрган чора-тадбири Муса Камолни йўлларни ўрганишга юбориш бўлди. Муса илгари кетиб атрофни, Чин йўналишини обдан ўрганиб, оркага кайтди ва айни паллада йўллар сафарга мос эмаслигини, юриб бўлмаслигини айтди. Шундан кейин Соҳибқирон бошка бир кишини Сайрам тарафларни, Уқбо Қулон йўлини билиб келишга йўллади. Бу одам бир муддатдан сўнг кайтди ва у ёкларни икки найза бўйи кор босганини сўйлади. Бошка йўллар ҳам юришга ўнғай эмаслиги аниқлангач, бир қанча пайт Ўтрорда қолишга қарор қилинди.

Айни кунларда Қипчоқ даشتida санғиб юрган Тўхтамишхоннинг Коҳаҳўжа деган элчиси келди. Уни Соҳибқирон хузурига йўлладилар. Элчи Амир Темурга хон мактубини сунди. Хон хатида, жумладан, бундай деганди: “Нимаики ёмонлик килган бўлсан, барининг касри ўзимга урди, жазоимни тортдим. Агар олийжаноблик айлаб, айбларимдан ўтсангиз, бундан кейин ҳеч ҳам бунака ишлар килмайман ва жоним танимда экан, хизматингизда бўлурман”. Соҳибқирон элчига яхши муомала кўрсатди ва “Хозирда Чинга юрмоқдамиз. Оллоҳ инояти ила бу сафардан қайтгач, Жўжихон улусини унга бергаймиз”, деди.



Тунжер ЖУЖЕН ЎГЛИ

(1944 йилда туғилған)

БРУТ ЁХУД ЮЛИЙ ЦЕЗАРНИНГ ҚОТИЛИ

(Трагикомедия)

Турк тилидан
Ойбек ВЕЙСАЛ ЎГЛИ
таржисимаси

ИШТИРОКЧИЛАР:

**МАРК БРУТ
ЮЛИЙ ЦЕЗАРЬ
ЛОНГИН КАССИЙ
СЕРВИЛИЙ КАСКА
ПОРЦИЯ КАТОНА
СЕВИЛИЯ
ЛУЦИЙ
КАЛЬПУРНИЯ**

– Жумхуриятчи сенатор
– Консул
– Жумхуриятчи сенатор
– Жумхуриятчи сенатор
– Брутнинг хотини
– Брутнинг онаси
– Брутнинг боласи
– Цезарнинг сўнгти хотини
Цезарнинг тансоқчилари,
аскарлар, фукаролар.

Вакт :

14 март – Милоддан аввалги 44-йил, кечаси,

15 март – Милоддан аввалги 44-йил, кундуз.

Воқеа жойи – Рим

I

Кассийнинг гринхонаси

Кассийни ўйнайдиган актёр саҳнада кийимларини ечиб, ўзи ижро эта-
диган образнинг кийимларини кияди ва ролга тайёргарлик кўради. Грин
қилади. Саҳнадаги катта ойнада ўзини обдан кузатади. Кийими ва гри-
мидан мамнун бўлади. Шу кайфиятда саҳна ортидагиларни баланд овоз-
да чақиради.

КАССИЙ. Тайёрмисизлар?!

КАСКА. Ҳозир!

КАССИЙ. Тезрок бўла кол.

КАСКА. Ҳали вакт бор. Тайёр бўлиб қолдим.

КАССИЙ (*Хазил аралаш*). Намунча бегам бўлмасанг. Мен сенатор Касканинг қиёфасини кўриш иштиёқидаман. Аммо сен Кассийга парво ҳам килмайсан.

Каска қиёфасига кирган актёр саҳнада пайдо бўлади. Улар бир-бириning қиёфаларини синчковлик билан кузатишади.

КАСКА. Хайрли тун, сенатор Кассий.

КАССИЙ. Хайрли тун, сенатор Каска.

КАСКА. Хурматли сенатор бу ерга кеч келганимга арзийдиган тайёр-гарлик кўрибманми?

КАССИЙ. Ҳа! Менинг қиёфам-чи, ёқдими?

КАСКА. Бу қиёфангни сенаторнинг салобатли характери билан уйғулаштиранг мукаммал бўлади. Мен негадир ўзимни яхши хис қилмаяпман. Кўл-оёкларим бўшашиб кетмоқда. Классик қиёфада илк ма-ротаба саҳнада роль ижро этиш осон эмас.

КАССИЙ. Иккаламиз ҳам анча тажрибага эга актёрлармиз. Бунга ўхшаш ҳаяжонли онларни кўп бор бошимиздан ўтказганмиз. Лекин тан олиш лозим, мени ҳаяжон босмоқда. “Нега?” деб сўрасанг, айта қолай. Бундай мураккаб, серкирра қиёфани мен ҳам илк маротаба яратмоқдаман. Сенатор Кассий билан менинг характерим бутунлай қарама-қарши. Мен сухбатлашишни ёқтираман. Кассий эса, аксинча, камгап. Мен мазза килиб, оғзимни тўлдириб қах-қах отишни ёқтираман. Сенатор эса факат кулимсираб, оғзини очмай кулади. Яъни, менинг ички дунём ташқарида, у эса ҳаммасини ичида сақлайди, писмик.

КАСКА. Бу муаммолар мен ўйнайдиган образда ҳам бор. Менга айтгин-чи, мен билан Касканинг бирор ўхшаш жойи борми? Каска ҳар бир ишни олдиндан қачон, қай вактда амалга оширишни билади, тартиб-интизомда жуда катъий. Қарорларга жиддий қарайдиган жумхуриятчи сенатор. Мен эса умуман бетайинман. Ҳатто электр хисобини ҳам ўз вактида тўлай ол-майман. Учрашувларга ҳам камдан-кам ҳолда кечикмай етиб бораман. Хуллас, фарқли томонларимиз ҳисобсиз. Буларнинг барчасига қарамай, режиссёrimиз бизларни шу ролларга муносаб кўрди.

КАССИЙ. Режиссёrimиз бекорга ҳар доим тақоррламайди: “Ҳақиқий актёр турли қиёфаларга киришга қодир бўлиши керак” деб. Менинча, у ҳақ.

КАСКА (*Чўнтағидан телефонини чиқаради*). Алло!? Ҳа... Каска ли-босларини кийдим. Грим ҳам қилдим. Ҳа, жоним, спектакль бошланнишини кутаяпман. Йўқ... Ҳали бошлангани йўқ. Спектакль бошланган бўлганида, мен сен билан телефонда гаплашиб туролмасдим. Баъзида га-пираётган гапларингга аҳамият бермайсан, жоним. Йўқ. Ёлғиз эмасман. Ёнимда ким ҳам бўларди... Кассийни ўйнайдиган шеригим бор... Тавба..! Кассий эркак! Брутнинг хотинини ўйнайдиган ёш актриса бу ерда йўқ! У билан бирга ўйнайдиган саҳнамиз ҳам йўқ! Нега безовта бўляпсан? Аёл-ларнинг гримхоналари алоҳида деб неча марта тушунтирдим. Қачон бу аҳмоқона ра什кинг тугайди? Зўрга ёдлаган сўзларимни унугиб, саҳнада расво бўлишимни хоҳляяпсанми? Бўлди, киска қил! Менга омад тилаб, бу

бўлмағур сухбатни тугат. Эй... Билганингни кил! (Жаҳл билан телефонни ўчиради.)

КАССИЙ. Хотинингми?

КАСКА. Бошқа ким ҳам бўлиши мумкин? Репетицияларга баъзан келиб туради. Аслида уни репетиция эмас, янги келган ёш актриса кизиктиради. Ана шу ёш қизчадан мени рашк қиласди. Гўё бир-биримизга тикилиб қолганимизга гувоҳ бўлганмиш. Менга тухмат қилиб, нукул азоб бергани-берган.

КАССИЙ. Менимча, хотининг ҳак. Сенга унча-мунча “пашшахон”лар якинлашолмайди, аксинча, кочишади. Якинлашса борми, сен уларни омон кўймайсан.

КАСКА. Жа унчалик эмас!

КАССИЙ. Бугунги илк намойишга келмайдими?

КАСКА. Премьерага келармиш! Бизни ёлғон ижромизга тоқати йўқ экан. Бир томошани икки марта кўра олмасмиш.

КАССИЙ. Бўлти... Кўй бу гапларни. Спектаклдан олдин тинчланиб ол. Чукур нафас олиб, ичингда бироз ушлаб тур. Кейин аста-секин чикар. Спектакль бошланадиган вақт якинлашиб колди. Ўзингни хотиржам тут. Қани, менга айт-чи, спектаклдаги воқеалар қачон юз берган.

КАСКА. 44-йилнинг 14 марта. Кечаси бошланиб, 15 март эрталаб туғайди.

КАССИЙ. Яхши. Аммо 44-йилга аниклик киритиш керак. Эрамиздан аввалми ёки кейин?

КАСКА. Эрамиздан аввал.

Касканинг чўнтағидаги телефон яна жиринглайди. У телефонни олиб ким эканлигига қарайди. Юзи буришишидан матьлум бўладики, яна хотини телефон қиласяпти. Ҳоҳламай телефонни қулогига тутмоқчи бўлади. Кассий бўнга қаршилик кўрсатишга ҳаракат қиласди.

КАССИЙ. Эрамиздан аввал 44-йилда қўл телефони бўлганмиди? Ё Тангрим! Ўчир шу телефонингни. Умуман яшириб кўй. Ўртага шайтон аралашиб, спектакль пайтида жиринглаб колса-чи? Хушёр бўлиш керак.

Каска телефонни ўчириб чўнтағига солади. Парда орқасидан томоша залига қарагандай бўлади.

КАССИЙ. Томошабинлар жойлашиб бўлишибди. Ҳозир бошлаймиз. Спектаклни бошламасак, томошабинлар карсак чалишни бошлашади. (Иккинчи қўнгироқ янграйди.)

КАСКА. Энди яна камида беш марта чукур нафас олиб, ўзингни ўйинга тайёрла. Бўлакол!

Каска чиқади, учинчи қўнгироқ янграйди. Стол устидаги бир тўп мактубни кўриб чиқмоқчи бўлади, лекин чироқчиларнинг ишиораси унинг эътиборини тортади. Шу пайт томоша залидан қарсаклар эшишилади. Касканинг саҳнага чиқшиши кечикади. Бундан Кассий безовта бўлади. Нихоят актёrlар ўз ролларини ўйнай бошлайди.

КАССИЙ. Каерда колди бу одам? Шунчалик ҳам бепарво бўладими? Қани сенатор Каска?!

КАСКА (Ховлиқиб кириб келади). Ташкаридаги қарсакларни эшиштапсанми? Худди Римдаги Амфитеатрнинг шовқини-я... Ёмғирдан Помпей театрига яширинганим учун сизнинг ёнингизга кеч колиб келдим, хурматли сенатор Кассий.

КАССИЙ. Чакмоқ чакса-ю селлар келса, ҳатто арслонлар кўчаларда юришса ҳам бу иш амалга ошади, Каска. Чунки эртага юриладиган йўлнинг тошларини бугундан териб чикиш лозим бўлади. Албатта, камчилик бўлиб эмас, акс ҳолда натижа биз хоҳлагандай бўлмайди. Энг ёмони, биз чиқмокчи бўлган йўл битта хатолик сабаб фалокатга олиб бориши мумкин. Шахсий хис-туйгулар, хусусий муаммолар четда колиши керак.

КАСКА. Умид қиласманки, бу шошилинч тайёргарлик натижага салбий таъсир кўрсатмайди. Бежизга айтишмаса керак, шошилинч ишга шайтон оралар, деб.

КАССИЙ. Ишнинг шошилинч жойи қолмади. Ўқ ёйдан чиқди. Ҳаммаси режа асосида бўлиши керак. Сен биринчи навбатда мактубларни Брутнинг уйи боғчасига олиб бориб ташла. Ҳар доимгидай... Бирор билмасин. Унутма, Брут ҳали ҳам биз ўйлаган ишга очиқласига кўшилишига карор бергани йўқ. Синглимга уйланган бўлишига қарамай, менга баъзан ишонмайди. Брут бу мактубларни халқдан келганига ишонч ҳосил килса, дарҳол келиб бизларга кўшилади. Чунки, Брут орқасида халқ мадад бўлиб турганига ионсса, биз сиёсатчиларга осон бўлади. Биз ташкил қилган мактубларнинг “меваси” сифатида, у бизни бу кечга уйига таклиф этади. Шундай эмасми?

КАСКА. Фақат Брут хушёрлик килаётгани йўқ, сен ҳам нимагадир унга барча режаларни очик айтмаяпсан.

КАССИЙ. Тўғри. Ўзи секин ҳаммасини тушуниб етсин, ўзи карор беришини кутяпман. Аслида, у ҳам биз сингари жумхуриятчи, лекин у Цезарь учун жонини ҳам беришга тайёр. Ҳозирча. Шунинг учун бу мактублар жуда муҳим. Айнан мана шу мактублар Брутни Цезарга бўлган хайриҳоҳлигини йўқка чиқаради. Тушундингми, Каска?

КАСКА. Кассий, маълумки, мен ўз вазифамни аъло даражада бажаряпман. Бундан кейин ҳам зиммамга тушган барча вазифаларни шундай бажараман.(Мактубларни олади.) Фақат ёмғир тинсин, бўлмаса мактублар хўл бўлиб, ўқиб бўлмас аҳволга келиб қолиши мумкин. Энг муҳими, бу хатларни уй боғчасига шундай жойлаштириш керак бўладики, токи Брут мактубларни халқ қолдириб кетганига ишонсин.

КАССИЙ. Ишимизни ҳар томонлама ўйлаб қилаётганинг жуда яхши.

КАСКА. Биз Брутнинг уйига бориш учун қачон ва қаерда учрашамиз?

КАССИЙ. Тўғри менинг уйимга келасан. Ташкарида кўришиш режамизга зиён келтириши мумкин. Биз уйда кўришиб, тунда, Рим кўчаларига сокинлик чўкканида Брутнинг уйига қараб йўл оламиз. Шундай қилсан, Брут барча мактубларни ўқиб ултуришига имконият яратиб берган бўламиз.

КАСКА. Тушунарли, Кассий. Фақат юрагимда қандайдир ҳадик бор. Аклим жойида эмас. Бироз кўркув ҳам бордек.

КАССИЙ. Сени яхши тушуниб турибман. Рости, менда ҳам хавотир бор. Кўркув инсонга хос туйғу. Бироннинг хаёлига ҳам келмайдиган ишларга киришмоқдамиз. Албатта, осон эмас. Цезардек одамни қатл килишни режалаштириш ҳатто хаёлга ҳам келмайдиган иш. (Оғиздан чиқкан сўзлардан ўзи ҳам кўрқиб кетади.) Тамом! Бошқа бу ҳақда гаплашмайлик. Деворнинг ҳам қулоги бор дейишади... Қани борақол, энди.

КАСКА. Бошладик, Кассий.

Икки сенатор худди оғир жудоликка учрайдигандек бир-бирига қучоқ очиб хайрлашади. Каска мактуб тўла халтани олиб, аста ташқарига чиқади.

Брутнинг уйи

Брут ролини ижро этаётган актёр тайёргарлик күрмөқда. Кийимларини тузата бошлайды. Стол тортмасидан бир маска олиб кияди. Бу маска театр дүнёсига таниш бўлган кулги ва йиги акс этган қиёфадир. Ойнага қараб маска ярашганидан хурсанд бўлади.

БРУТ (Томошибинларга). Мен бу спектаклда сенатор Брут ролини ўйнайман. Ташкарида афишани кўргандирсизлар. Аҳамият берган бўлсангиз, томошанинг номи айнан Брут сўзи билан бошланган. “Брут ёхуд Юлий Цезарнинг қотили”. Қисқаси, Брут – спектаклнинг бош қаҳрамони. Мен шу кунгача театрда факат иккинчи даражали ролларни ўйнаб келгаман. Брут роли мен учун шарафли ва масъулиятлидир. Шу образ менга катта имкониятлар эшигини очади ва мен бундан унумли фойдаланишим керак. Хаёлимга ҳар хил бўлмағур фикрлар келмоқда. Цезарнинг ибораси билан айтганда, “Сен ҳам Брутми?”. Хоинликка чорловчи Брут образи учун янгича талқин топа олармиканман? Брут жумхуритчи сенатор... Шунча эзмалик етар, ишга киришайлик. Томоша қилинглар. Сўнг ролим муваффакиятли чиқдими-йўқми, сизлар баҳо берасизлар. (*Саҳнага Порция чиқиб келади. Порция Брут гапираётганда қотиб туради. Брут томошибинларга гапиради.*) Бу аёл менинг хотиним Порция. Кассийнинг синглиси. Театримизга айнан мана шу роль учун таклиф этилди. Бу актриса ўзининг жозибаси ва “маҳорати” билан театримизда узок колмаса керак. Тез орада бу спектаклдаги Порция ролини кўрган кино режиссёrlар ёки рекламачилар уни илиб кетишса ажабмас.

Саҳнадаги чироқлар ўзгариб, шамол ва момақалдироқ товуши остида тарихий саҳнага ўтилади. Ёмғир овози аста тина бошлайди. Порция ҳаракатсиз ҳолатдан жонланади ва Брутнинг орқасидан келиб қучоқлайди. Брут ўз хаёлларига чўмиб тургани учун бу кутимаган ҳаракатдан чўчиб тушади.

БРУТ. Оҳ!

ПОРЦИЯ. Римнинг энг келишган, навқирон сенатори. Менинг Брутим.

БРУТ. Кўркитиб юбординг, Порция! Юрагим ёрилиб кетай, деди. Ёмғир ҳам тинди, кўчаларни тўлдириб оқаётган сувлар тўхтади. Қулоқ сол... Атроф жим-жит... Сукунат.

ПОРЦИЯ. Инсонни безовта киладиган оқшом.

БРУТ. Тўгри, бугун бошқача бир кечани ўтказяпмиз.

ПОРЦИЯ. Кун бўйи сени ўйладим Брут. Сендай турмуш ўртогим борлигидан хурсандман. Барчанинг хурматига сазовор, кўп китоб ўқибдиган, файласуф, бирорни хафа килмайдиган умр ўйлдошим борлиги менинг баҳтим. Мен жуда ҳам севадиган инсоннинг битта камчилиги шундаки, у мендан кўра Римни кўпроқ севади. (*Кўлишади.*)

БРУТ. Сен ҳам худди шундайсан. Севги ва хурматга сазоворсан. Бошқаларга ўрнак бўладиган инсонсан. Ҳар кандай тадбирда ўзини кандай тутишни, муносиб кийинишини, факат керакли сўзларни гапиришни яхши биласан. Яқин сафдошим, дўстим Кассийнинг синглиси бўлишинг ҳам муносабатларимизга ўзгача завқ бағишлиайди. Хуллас, камчиликлардан йироксан, гўзалим.

ПОРЦИЯ (*Кулади*). Ҳар доим ҳам бундай “тарбияли” бўлиш қўлимдан келмаслигини яхши биласан.

БРУТ. Биламан... Чунки ўзимда ҳам камчилик йўқ эмас. Луций шу атрофдами?

ПОРЦИЯ. Луцийда нима ишинг бор?

БРУТ. Мехмонлар келишини била туриб, нега у уйда эмас? Сен кўрмадингми уни?

ПОРЦИЯ. Богчада дараҳтларнинг тагидаги нималарнидир йигиштираётганди.

БРУТ. Мен унга эшикнинг олдида туриб келадиган икки дўстимни кутиб олишини айтгандим.

ПОРЦИЯ. Ким экан у икки дўстинг?

БРУТ. Иккиси ҳам сенатор. Аканг Кассий билан Каска.

ПОРЦИЯ. Мен бир ойдан бери акам билан кўришганим йўқ... Лекин нимагадир мени эмас, сени кўргани келяпти? Сизлар сенатда кўришганларинг етмайдими? Энди уйни ҳам ишхонага айлантирмоқчимисан? Балким, бир нималарни режалаشتираётгандирсизлар?

БРУТ. Боя айтдим-ку, жуда ҳаяжонли кеча бўлади, деб.

ПОРЦИЯ. Мени соғинмадингми?

БРУТ. Бу нима деганинг? Сени канчалар севишимни биласан-ку.

ПОРЦИЯ. Унда нега мендан ўзингни олиб кочяпсан?

БРУТ. Жуда муҳим ишимиз бор.

ПОРЦИЯ. Ҳар куни муҳим иш чиқади.

БРУТ. Ҳаёт шундай, жоним...

ПОРЦИЯ. Қанақа муҳим иш экан мендан сир тутадиган?

БРУТ. Бундай саволлар билан мени безовта кильма.

ПОРЦИЯ. Бу нима деганинг? Мен сени хотинингман, ҳаммасини билишим шарт.

БРУТ. Бўлди, бу мавзуни тутатдик.

ПОРЦИЯ. Ёки... Ҳаёлингда бошқа аёл ҳам борми?

БРУТ. Нималар деяпсан?

ПОРЦИЯ. Ўзингни билмасликка олма. Саволимга жавоб бер. Ҳаёting-да бошқа аёл борми?

БРУТ (*Ўйланиб*). Жоним, сендай чиройли ва жозибали бошқа аёл борми Римда? Гапирсанг-чи? Агар сендан гўзал аёл бўлганида, шундай савол беришга ҳаққинг бўларди.

ПОРЦИЯ (*Бу гаплар унга ёқади. Мулойим бўлиб*). Гапларингда жон бор. Бу фикрларинг менга ёқиб тушди. Брут, сен аёлларнинг ички дунёсими яхши биласан. Менинг ҳақиқий баҳомни ва кадримни билганинг учун ҳам айнан сени танлаганман.

БРУТ. Унда бўлса бошқа бундай бўлмагур саволларни берма?

ПОРЦИЯ. Холам нуқул бир нарсани таъкидлардилар: “Эринг Брут сени жуда севади. Факат шуни эсингдан чикарма. Кўшнининг товуги ҳар доим ғоз бўлиб кўринар экан...”

БРУТ. Бундай фикрлар билан узокқа боролмайсан, Порция.

ПОРЦИЯ. Атрофингга яхшилаб назар сол. Бегона аёлларга илакишиб юрмайдиган эркакни Римда топиш мушкул. Ҳеч бир эркакка ишониб бўлмайди, чунки хиёнат килиш уларнинг... баъзи бирларининг конига сингиб кетган.

Эшикдан хурсанд ҳолда Луций кириб келади. Кўлидаги патнисни секин ўртадаги столга қўймоқчи бўлади.

БРУТ. Нима, мева олиб келдингми?

ЛУЦИЙ. Ҳа афандим... Бу “мевалар” худди маҳсус белгиланган ерларга сочиб ташлангандай... Энг муҳими, шундай даҳшатли ёмғирда бир-иккитасини ҳисобга олмасак, бошқалари намланмабди ҳам. Буларни йигиб олиш осон бўлмади. Агар тўгри санаган бўлсан, йигирма иккита экан. Сўнгти бир ҳафтада боғдан йигиб олинган ҳатларни бир ерга йигсак, катта китоб бўлиши мумкин.

Саватдаги ҳатларни ўртадаги столга ёйиб ташлайди ва чиқмоқчи бўлади. Уни бирдан Брут тўхтатади.

БРУТ. Тўхта! Шошилма. Айтадиган гапим бор.

ЛУЦИЙ. Эшитаман.

БРУТ (*Порцияга паст овозда*). Мени ранжитма, Порция. Мехмонларим кетганидан кейин, бу масалаларни гаплашиб оламиз. Учрашув узоқ давом этмайди. (*Кулоқларига пичирлайди*.) Бу кеча сен ҳоҳлагандай бўлади.

ПОРЦИЯ. Яхши, севгилим. Келишингни кутаман. Яна битта гапим бор, факат жаҳлинг чиқмасин. Баъзан сенсиз қолиб кетаман деб, ҳавотирга тушаман. Шунинг учун рашк киласман. Агар сени йўқотсан, яшай олмайман, Брут.

БРУТ. Ҳавотир олма, ҳозирча ўлиш ниятим йўқ. Аммо... охир-оқибат ҳаммамиз ўламиз.

ПОРЦИЯ. Хўп... Дўстларингни меҳмон килиш учун керак бўламанми?

БРУТ. Йўқ, жоним. Бор-йўғи шароб ва мева тановул қиласмиз. Бизга Луций ҳамроҳлик килади.

ЛУЦИЙ. Ҳаммаси тайёр бўлди, афандим. Шароб йигирма йиллик, маҳсус жойда сақланган. Меваларнинг энг сараси ҳозир узиб олиб келинди.

БРУТ. Ташаккур, Луций.

ПОРЦИЯ. Сизларга яхши кайфият тилайман, севгилим. Акамга саломларимни айт. Имконини топиб бизлар билан ҳам кўришсин. Давлат ишлари тугамайди.

БРУТ. Айтаман.

ПОРЦИЯ (*Чиқаркан Луцийга қараб*). Мен ичкарида бўламан, агар бирор нарса керак бўлса, ҳабарим бўлсин, Луций.

ЛУЦИЙ. Хўп бўлади!

Порция чиқади. Брут патнисдан битта мактубни олиб Луцийга беради.

БРУТ. Қани мана буни ўки-чи, Луций. Факат шошилмасдан.

ЛУЦИЙ (*Мактубни ўқиди*). Хурматли сенаторим, Брут. Бу сатрларни, қалбимдан келган сўзларимни самимият ила ёзаяпман. Мени тушуниб, фикрларимни қўллаб-кувватлашингизга ишонаман. Чунки сиз аклли, узокни кўра оладиган инсонсиз. Ҳалқимизнинг, айниқса, камбағал ва ўртаҳол оилаларни фаровон яшаши учун олиб бораётган ишларингизни яхши биламиз. Адолатли сенатор эканлигинингизга шубҳа йўқ. Менинг кимлигимни билмоқчи бўлсангиз, мен оддий хунармандман. Сиз бизларни ҳар томонлама ҳимоянгизга олганингиз, муаммоларимизни ижобий ҳал қилишингизни эътироф этамиз. Барча хунармандлар сизни қўллаб-кувватлашга тайёр эканлигини билдирган ҳолда мактубимни тутатаман. Чексиз хурмат ва эҳтиром ила бир юртдошингиз.

БРУТ. Кейинги мактубни ўқишинг мумкин.

ЛУЦИЙ. Хўп бўлади, афандим. (*Мактубни олиб ўқий бошлайди.*)

“Муҳтарам Марк Брут... Сатрларимни ўтмишдаги бир ноҳуш воқеани эслашдан бошлаганим учун узр сўрайман. Дунё гўзали онангиз ва ҳурматли отангиз тилларда достон бўлгулик баҳти яшаганини сиз ҳам яхши хотирлайсиз. Римда барчага намуна бўладиган оила эди... Токи... Цезарь жангдан навбатдаги ғалабаси билан қайтиб келгунича. Бу зафарни нишонлаш учун таклиф килинган Римнинг энг ҳурматли инсонлари орасида отангиз ҳам бор эди. Бу зиёфат тонг отгунга қадар давом этди. Эрталабгача Цезарнинг зафарига оғаринлар айтилиб, тўхтовсиз шароблар ичилиди... Эрталаб отангиз уйга қайтиб келганида сиз онангиз билан бирга уни қаршиладингиз. Отангиз сархуш эди. Нукул “Цезарь буюк одам... буюк аскар, у ҳаёт экан, хеч ким Римга ёмон кўз билан карай олмайди...”, дерди. Кейин, сиз отангизни ётоғига олиб кириб қўйдингиз. Ўзингиз ҳам хонангизга кириб, дам олмокчи бўлиб турганингизда, бирдан отангиз ётган хонадан онангизнинг кўркинчли ҳайқириғи эшитилди. Бориб не кўз билан кўрингки, отангиз вафот этганди”. (*Жим бўлади.*)

БРУТ. Нима бўлди? Нега жим бўлиб қолдинг, Луций? Бу воқеани биламиз. Давом эт.

ЛУЦИЙ (*Ўқишида давом этади.*). “Эртаси кун Цезарь уйингизга келиб, таъзия билдириди. Отангизнинг жанозаси энг юкори талабларда бажарилди. Аммо, Цезарь сизларникига келиб туришда давом этди. Орадан бироз вақт ўтиб, онангиз Цезарь билан биргага яшай бошлади. Бу гапларни ёзишига мажбурман, ҳурматли Брут. Қолаверса, бу воқеаларни сиз мендан ҳам яхши биласиз... Аммо, бу яқинлик, узок давом этмади. Раҳмисиз Цезарь онангизни ташлаб, бошқа маъшукалари билан манишат килишда давом этади”. (*Мактубни ўқишидан тўхтайди.*)

БРУТ. Луций, мактубни ўқиб тутаг.

ЛУЦИЙ. “Муҳтарам сенаторим. Сизга яхши таниш бўлган бу хикояни яна бир марта хотирангизда янгилашга мажбур бўлганим учун узр сўрайман. Аммо сиз билмаган баъзи бир ҳолатларни билдиримокчиман. Отангизнинг ўлими сабабини ҳакимлар “захарланиш”дан деган экан. Гўё емак заҳарланган эмиш. Сизга савол шуки, ҳурматли Брут, агар ҳакиқатан ҳам емак заҳарланган бўлса, нега бошқалар шу таомлардан тановул қилишса-да, заҳарланмадилар?! Цезарнинг чиройли аёлларга бўлган эҳтиросини сиз ҳам яхши биласиз. Қолаверса, Цезарь отангизнинг ўлимидан олдин ҳам онангизни ёқтиргани сир эмас. Шуни ҳам унутмангки, ҳурматли Брут, Цезарь ўз максадига эришиш учун ҳар томонлама ўйланган режа билан иш кўради. Мен бу ҳакиқатни билишингизни ва адолатли бўлишингизни хоҳлардим. Ҳурмат билан римлик бир фукаро. (*Бир муддат сассиз қолишади.*) Афандим, кейинги мактубни ўқишида давом этайми?

БРУТ. Кўявер... Ташаккур. Мен ўзим қолганларини кўриб чикаман.

Луций ташқарига чиқади. Брут ташвишланади. Саҳна чироқлари ўчид-ёргулашади. Саҳна воқеалари ҳозирги замонга ўтади. Брут актёр сифатида томошабинларга мурожсаат қилади.

БРУТ. Бу нима дегани? Ўйлашга, фикрлашга мажбур киладиган саволлар берилди. Худди Ҳамлет сингари файласуфларча фикрлашга тўғри келади. Дунёнинг энг буюк драматурги Шекспир “Юлий Цезарь”ни ёзар-

кан, бу воқеаларга эътибор бермаслиги мумкинмиди? Ёки бу воқеаларни ундан бир йил сўнг ёзилган “Ҳамлет” трагедияси учун асос қилиб саклаб кўйдими?

Саҳна чироқлари ўчиб, яна ёришади ва тарихий спектакль воқеалари тўхтаган жойидан давом этади. Брут мактубларни ўқиёди. Безовта бўлади. Ташиқари эшиги очилиб, Луций кўринади. Брутнинг онаси Севилия кириб келади.

СЕВИЛИЯ. Хайрли кеч, Луций.

ЛУЦИЙ. Хайрли кеч, хоним афандим.

СЕВИЛИЯ. Ўғлим уйдами?

ЛУЦИЙ. Ҳа, хоним афандим, марҳамат.

СЕВИЛИЯ. Йўқ. Ичкарига кириб келганимни айт. Агар банд бўлмаса, олдига кираман. Акс ҳолда, Порциянинг ёнида кутиб тураман.

ЛУЦИЙ. Хўп бўлади. (*Ичкарига киради*). Афандим.

БРУТ (*Ўрнидан туради*). Келишдими?

ЛУЦИЙ.. Йўқ, афандим. Онангиз Севилия хоним, келдилар.

БРУТ. Онамми?

ЛУЦИЙ. Агар банд бўлса, Порциянинг ёнида кутиб тураман, дедилар.

БРУТ (*Луцийни кутмасдан, ўзи тезда эшикни очади*). Келинг, онажон. (*Онасини ўтади*). Хуш келдингиз.

СЕВИЛИЯ. Хайрли окшом, Брут.

ЛУЦИЙ. Хоним афанди бирон амрингиз борми?

СЕВИЛИЯ. Йўқ, ташаккур.

БРУТ. Мехмонлар келишса, хабарини бергин. Онажоним бегона эмас.

ЛУЦИЙ. Хўп бўлади, афандим. (*Чиқади*.)

СЕВИЛИЯ. Мехмонларинг кимлар, Брут?

БРУТ. Икки сенатор.

СЕВИЛИЯ. Қизиқиб қолдим. Кимлар экан?

БРУТ. Кассий ва Каска...

СЕВИЛИЯ. Ҳа, шу Кассий, қайнабиродаринг. Цезарь уни ҳечам ёкитирмасди. Пасткаш ва ишончсиз дерди. Кассий Цезарга ҳар доим ҳасад килиб келган. Ҳатто Цезарга нафрат билан қарашини ҳам биламан. Аммо, Цезарь даҳо... Каска... Касканинг ҳам ҳукмдорликка иштиёқи баланд.

БРУТ. Кассий аклли... Нима қилишини яхши билади, онажон.

СЕВИЛИЯ. Сен ҳар вакт ҳақсан. Кеч бўлиб колди. Қандай муҳим иш эканки, тунда келишяяпти...

БРУТ. Мана, сиз ҳам кеч бўлишига қарамай келибсиз.

СЕВИЛИЯ. Бу ер ўғлимнинг уйи... Хоҳлаган пайтда келишим мумкин. Шундай эмасми?

БРУТ. Шубҳангиз борми онажон? Мен сизни бутунлай бизникида колишингизни хоҳлаган эдим, лекин ўзингиз рад этдингиз.

СЕВИЛИЯ. Бир уйда икки буйруқ берувчи бўлмайди. Алоҳида яшаганимиз яхши. Нега тунда йигилаясизлар, айтмадинг.

БРУТ. Эртага бўладиган сайлов хусусида келишиб олмоқчимиз. Қилинадиган ишларни белгилаб оламиз.

СЕВИЛИЯ. Тунда, маҳфий йигилиш шартми?

БРУТ. Шарт бўлиб колди, онажон. Ҳа, айтгандай, сизни шундай кучли ёмғир ёғаётганига қарамай, бу ерга келишингизга нима сабаб бўлди?

СЕВИЛИЯ. Менинг бу ерга келишимга ҳеч қандай ҳаво қаршилик қила олмайди. Бир хафтадан бери ғалати тушлар кўраяпман. Отанг тушимда нукул: “Брут огох бўлсин! Хато ишларга киришмасин!”, деб асабийлашади. Брут, мендан ҳеч нарсани яширма. Цезарни севмаслигингни ва хатто, ундан нафратланишингни биламан, ўғлим. Сени тушунаман, ундан интиқомингни олмокчисан. Мени ташлаб кеттанига сабр килолмайсан. Лекин, огох бўл. Цезарни ҳеч ким менчалик билмайди. У жуда хавфли... Раҳмсиз...

БРУТ. Хотиржам бўлинг. Цезарь менга ишонади. Аксинча, у мени хурмат қиласди ва яхши кўради, деб билади. Нафақат Цезарь, балки бошқалар ҳам мени, садоқатли дўсти деб билади. Чунки мен ҳақиқатни – нафратимни ичимга кўмғанман. Тушунтира олдими? (*Мактублар орасидан отасининг ўлими ҳақидагисини танлаб олади.*) Мана бу мактубни ўқинг.

СЕВИЛИЯ (мактубни ўқиёди). Буни ким, нима ниятда ёзган бўлиши мумкин?

БРУТ. Сиз нима деб ўйлайсиз?

СЕВИЛИЯ. Маълумки, буни ёзган кимса, сенинг Цезарга бўлган нафратингни яна ҳам кучайтиришни хоҳлаган. Очикчасига, у сени гижгижламоқда. Брут, хабаринг бор, отанг ўлимидан олдин оғир касал эди. Бироз юрса нафаси бўғилиб, йўтал тутиб коларди. Нахот бу холатларни хотирламасанг? Ўша фожиа юз берган куни, ортиғи билан шароб ичган экан. Шундан вафот этди. Унинг вафотида бирорларни айблама. Мана бу мактубда ёзилган гапларда ҳақиқат йўқ. Сени ёлғонлар билан Цезарга карши ракиб қилишларини қалбим сезганди.

БРУТ. Нега бунчалик ўзингизни ҳақ деб биласиз, она. Фол очишни машқ киляпсизми?

СЕВИЛИЯ (актриса қиёфасига кириб, авансаҳнага ўтиб томошабинларга мурожсаат қиласди). Ёзувчилар – ажойиб инсонлар. Асарларидағи қаҳрамонларнинг характерлари феъл-авторини асосан ўзларидан, бъзи холларда эса танишларидан келиб чиқиб ёзишади. Жужен ўғли ҳам менинг ролимни ўзининг бошидан ўтган воқсалардан келиб чиқиб ёзган бўлса керак. Бир пайтлар ёзувчимиз ишсиз, пулсиз эди. Бошқа шаҳарда ўқиётган қизига пул юбориб туриши керак эди. Кечаси билан ухлай олмай, эрталабгача ётоқда у ёқдан бу ёққа ағанаб чиқарди. Эрталаб бошқа шаҳарда яшайдиган онаси, унга пул юборибди. Телефондаги суҳбатда “Қаердан билдингиз пулсиз колганимни, онажон?” деган саволига онаси шундай жавоб берибди: “Оналар ўғилларини ҳар замон хис қилишади”.

БРУТ (саҳнадаги тарихий воқеа давом этади). Она, сиздан сўрадим. Нега ўзингизни ҳақ деб биласиз?

СЕВИЛИЯ. Оналар ҳамиша ҳақ...

БРУТ. Хотиржам бўлинг... Бирон бир таҳликали ҳаракат килмайман.

СЕВИЛИЯ. Брут... Цезарь жуда ҳам кучли. Уни қўллаб-кувватлайдиган легиони, аскарлари бор. У қаттиккўл, шафқатсиз... Маслаҳатим – Цезарь билан алоқаларингни бузма, аксинча, яна ҳам яхшилашга ҳаракат қил. Тушундингми?

БРУТ. Тушундим... Огоҳлантирганингиз учун ташаккур. Бу кеча шуерда қоласизми?

СЕВИЛИЯ. Биласан-ку, мен факт ўз ўрнимда ухлай оламан. Ўзи шу кунларда бироз чарчаганман, уйкүсизман. Мен сени огохлантиридим. Энди күнглим тўлди. Мен борай.

БРУТ. Порция билан кўришмайсизми?

СЕВИЛИЯ. Яна келарман. Порцияга саломларимни айтиб кўй. Хайрли кеч, ўғлим.

БРУТ. Яхши боринг.

СЕВИЛИЯ. Айтганларимни унутма, ўғлим.

БРУТ. Унутмайман, она.

Севилия чиқади. Брут уни кузатиб қўяди. Кассий ва Каска кириб келади.

ЛУЦИЙ. Хуш келдингиз, афандим.

КАССИЙ. Хуш кўрдик.

КАСКА. Хуш кўрдик.

ЛУЦИЙ. Марҳамат, буюринг, афандилар.

БРУТ. Хуш келдингиз, дўстларим.

КАССИЙ. Хуш кўрдик, дўстим.

КАСКА. Хуш кўрдик, Брут.

КАССИЙ. Бироз ушланиб қолдик. Кўчалар сокин бўлишини кутдик.

БРУТ. Яхши қилдингиз. Марҳамат ўтиринглар. Отамдан мерос колган, ийигирма йиллик шаробим бор. Энг яқин дўстлар учун олиб қўйгандим. Сизларга насиб этиби.

КАСКА. Шароб айни муддао бўларди.

КАССИЙ. Асабларимиз жойига тушади.

БРУТ. Эсимдан чиқмасдан айтиб кўйяй, Кассий. Порциянинг сизларга саломлари бор. Давлат ишларини бир четта кўйиб, зиёфат қиласлик, дейди.

КАССИЙ. Рост айтиби. Тезроқ ишимизни тугатиб, машнатни бошлилик.

БРУТ. Жуда яхши. Ишимизни битириб, биратўла кутлаймиз. (*Луцийга*)
Кани, маҳоратингни кўрсат.

ЛУЦИЙ. Амрингиздаман, афандим. (*Чиқади.*)

БРУТ. Гапни нимадан бошлишни билмай қолдим.

КАССИЙ. Шошиладиган жойимиз йўқ. Бироз шаробдан ичайлик, кейин гаплашаверамиз.

КАСКА. Ҳеч ким халақит бермайдиган хонага ўтсак.

КАССИЙ. Тўғри. Келишиб оладиган масала ўта маҳфий.

БРУТ. Ҳаммаси тайёр.

Луций қўлида катта паднисни кўтариб кириб келади. Олиб келган ичимлик ва егуликларни столнинг устига қўяди. Шаробнинг катта шишин зўрга очади. Аввал ўзи синов учун шаробдан қуйиб секин ичади.

ЛУЦИЙ. Ёкимли иштаҳа...

БРУТ. Ташаккур, Луций.

Луций бошқаларга ҳам шаробдан қуйиб беради. Брутнинг ишораси билан уларга таъзим қилиб чиқади. Колганлар шароб ичиб, машнатини бошлишади.

БРУТ. Режаларимиз амалга ошиши учун ичамиз. (*Ичишади.*)

КАССИЙ. Бунчалар ажойиб шаробни илк бор ичяпман десам, муболаға бўлмайди, Брут.

КАСКА. Мен ҳам айни шу фикрдаман. Ҳақиқатан ҳам шаробнинг ажойиб мазаси бор экан.

БРУТ. Ош бўлсин, дўстлар.

КАСКА. Хоҳласангиз, якинда гувоҳи бўлганим – бир воқеани гапириб бермокчиман.

БРУТ. Марҳамат, сенатор Каска.

КАСКА. Икки кун олдин бозор майдонидан ўтиб кетаётгандим. Била-сизлар, ўша ерда битта каҳвахона бор. У ерда чамаси етти-саккиз киши, март ойи бўлишига қарамай, ташкарида куёшда исиниб ўтиришарди. Мен ҳам секин келиб уларнинг ёнидаги столга жойлашдим. Хоҳламасдан уларнинг қизғин сухбатларига гувоҳ бўлдим. Сиз ҳақингизда гапиришаштанди, хурматли дўстим. “Брут мукаммал бир инсон” дейишаётганди. Улар мени сезишмади. Мен уларни биринчи марта кўришим, нотаниш инсонлар эди.

БРУТ. Ташаккур дўстим. Бундай гапларни эшитиш, албатта, кувонч баҳш этади. Жуда кўп инсонлардан мактублар ҳам оляпман. Сўнгги ҳафтада келган мактубларнинг сони икки юзтадан кўпроқ. Бугуннинг ўзида йигирма иккита мактуб олдим. Агар адашмасам...

Каска билан Кассий ўзаро сирли қараб қўяди.

КАССИЙ. Брут, сени халқимиз жуда яхши кўришини биламан. Сен билан ҳаммамиз фурурланамиз.

БРУТ. Қизиқ, бугун боғимизга ташлаб кетилган мактублар кимлардан экан? Шунчалик мақтovларга йўғрилган сатрларнинг муаллифлари кимлар бўлиши мумкин? Имзо? Бир ватандош... Римлик бир фуқаро. Яна имзо... савдогар... халқдан бири... дўкончи... Аҳамият бердингизми, биронта ҳам исм йўқ. Бу ғалати эмасми? Сизларни бу исмсизлик шубҳалантиrmайдими, дўстлар?

КАССИЙ (Хавотирга тушиб). Тушунмадим.

БРУТ. Тушунмайдиган бирон нарса йўқ. Бу дегани оммани, халқни жиддий олмаслик керак. Агар мақтovларни ёзиб, ўз номини ёзмаган бўлса, билингки, демак, қандайдир кўркув бор. Бу омма, Рим халки, уларни ким бошкарса, ўшанга тобе бўлишга мойил. Ёки шундай кўринишни хоҳлашади. Бу ҳолат, сизнингча ғалати эмасми? Энг ёмони, бу инсонлар, агар фойдасини кўришса, ҳақсизликка, адолатсизликка ҳам кўз юмишади.

КАССИЙ. Яъни, бирон ноконуний иш юз берса, суриштирув талаб килинмайди, шундайми?

БРУТ. Шундай! Ахир ўз ишларидан, яшаш тарзидан, хузур-халоватидан ажралишни ҳеч ким хоҳламайди.

КАСКА. Яъни айтмоқчисизки, оломон юкоридагилар нима деса, шунга бўйсунади, шундайми?

БРУТ. Йўқ, унчалик эмас. Баъзан, халқ кўзғалса, уни тўхтатиб бўлмайди. Уларга уч танга берилишини айтсангиз, ҳар қандай тўполонга кодир бўлади. Омма деганимиз, яъни, фуқароларни яхши яшashi учун барча муаммо ва тўсиклар ҳал этилишига ишонтирилса бўлди, улар ҳар қандай кўзғалонга тайёр бўлади. Уларнинг тушунчалари, фалсафаси жуда оддий – кўлларидаги бир күш, дараҳтдаги икки қушдан кўра яхши. Яъни, оч көрним – тинч кулогим. Бир сўз билан айтганда, бу хатдаги мақтovлар мени заррacha қизиқтиrmайди.

КАССИЙ. Лекин фуқаролар орасида Римнинг ҳақиқий жонкуярлари бор. Унинг истиқболи учун ҳар қандай мужодалага, тўқнашувга киришга, ҳатто курбон бўлишга ҳам тайёрлари бор. Ёки мен хато сўзлаяпманми?

БРУТ. Албатта, ҳақиқий ватанпарварлар топилади. Лекин улар жуда камчиликни ташкил этади. Шунга қарамай, шу “озчилик” ўз ҳаракатлари билан ғолиб чыкса, “күпчилик” уларни тан олиб, күллаб-кувватлайди... Келинглар, биз ўз ишимишни ҳал этайлик. Эртага биз ва Рим учун мухим күн бўлади. Сайловда Цезарь мағлуб бўлади. Биз жумхуриятчилар нима қилишишимизни аник белгилаб олишимиз керак. Кассий бу борада қилинадиган ишлар бўйича аник бир режамиз борми?

КАССИЙ. Ҳа, бор!

БРУТ. Нега менинг бундан хабарим йўқ?

КАССИЙ. Брут дўстим, ҳозир ҳаммасини яна бир марта келишиб оламиш. Цезарни сенга бўлган ҳурмати бошқаларни бироз шошилтириб кўйди. Лекин ҳаммамиз сен биз томонда бўлишингни хоҳлаймиз.

БРУТ. Ҳаммамиз деганинг кимлар?

КАССИЙ. Олтмиш уч сенатор – жумхуриятчи биродарларимиз. Яна битта биз билан ҳамфирк сенатор бор. Факат у қариб қолган ва бироз хаста. У хам охиригача ёнимизда туришини билдириди.

БРУТ. Бу жуда яхши хабар. Қандай қилиб улар бу ишга рози бўлишди?

КАССИЙ. Брут, сенинг хабаринг бор, сенат ҳайъати Цезарга тақдим этилган марта ва унвонни бериш учун Вена якинидаги лагерга сафар уюштиришган эди. Ўшанда Цезарь қандай йўл тутганди? Юксак мақомдаги сенаторлар хайъатини ҳурматсизларча ўтирган ўрнида қарши олди. Бу ҳолат барча сенаторларни ғазабга келтириди. “Цезарь ҳозирдан кибрга берилиб, шундай ҳурматсизлик килса, сайловларда ғолиб чиккандан кейин ўзини қандай тутгади?”, деб ҳавотирга тушишди. Шундан сўнг сенаторлар сайловда Цезарга карши овоз берадиган бўлди.

БРУТ. Лекин бу етарли эмас. Цезарь ҳокимиятни осонликча бериб кўймайди.

КАССИЙ. Тўғри, бу етарли эмас. Асл ниятимизни сен режамизга қўшилишга рози бўлганингдан кейин айтамиз.

БРУТ (Кулимсираб). Хўш... Мен рози бўлдимми?

КАССИЙ. Биз шуни билиш учун келдик. Хўш, биз билан бирга бўлишга розимисан, Брут?

БРУТ. Агар биз бугун, шу ерда бир карорга келсак, юкорида айтилган барча сенаторлар бизга кўшиладими?

КАССИЙ. Шубҳасиз!

БРУТ (Чироқлар ўчib-ёнади. Брут актёрга айланиб, томошабинларга мурожсаат қиласди). Қайнинбидарим бўлишига қарамай, менга охиригача ишонмаяпти. Агар бу ишда бирон бир хато кетса, яна мени айборд қилишдан тоймайди. Лекин, мен бу вазиятдан унумли фойдаланишим керак. (Чироқлар яна ўзгариб, актёр Брутга айланади.) Очиқ гаплашайлик. Аввало шуни эътироф этишимиз керакки, Цезарь – буюк инсон. Қаҳрамон! Ўзига ишонган жасур кўмондон. Яна бир қатор ютуқлари бор. Лекин унинг камчиликлари, заиф томонлари ҳам мавжуд. Кибри, ўзига ўта юкори баҳо бериши, аёлларга бўлган хушомади унга зиён келтириши мумкин. Аммо, бу нуқсонлари у билан курашиш учун етарли эмас. Қисқа килиб айтиганда, уни жиддий айблаш учун бизда хеч қандай асос йўқ.

КАССИЙ (Бруттинг бу сўзларидан Кассий умидсизликка тушиб қолади). Ундан бўлса, энди нима қиласиз? Қандай қилиб ҳақ эканлигинизни исбот қиласиз?!

БРУТ. Дўстлар, яхшилаб ўйлаб кўрайлик. Агар, бордию эртага сайловларда Цезарь ғолиб чиқса, нима бўлади? У факат ғолиб бўлиб тахтга ўтирумайди!

КАССИЙ. Тушунмадим?

БРУТ. Тахтга ўтириди дегани, унинг оғзидан чиқкан ҳар қандай фикр қонунга айланади, ҳар қандай хоҳиши амалга ошади, дегани. Бошқача айтганда, у диктаторга айланади. Мутлақ ҳокимият ҳар қандай мулойим, раҳмдил инсонни ҳам золимга айлантиради. Катта кучга эга бўлади. Бу сиёсий жараёндаги энг катта хавф – Цезарь умрининг охиригача иқтидорда, ҳокимиятда колади... Шундайми?

КАССИЙ. Биз ҳам шундай фикрдамиз, Брут.

КАСКА. Энг хавфлиси, Рим халқи аста-секин унинг талабларига кўнишиб, Цезарнинг бўйрукларни хеч қандай каршиликсиз бажаришга киришади. Бу Рим Республикасининг тугаши демакдир.

БРУТ. Ҳа... Мен Цезарни яхши кўраман дўстлар, лекин Римни ундан кўпроқ яхши кўраман!

КАССИЙ. Яъни!?

БРУТ. Яъни, бошка йўл йўк. Мен битта одамнинг оғзидан чиқкан бўйрукларга бўйсуниб яшолмайман. Рим кўпчиликнинг фикри билан бошқарилиши керак. Бу Республиканинг асосий ва бош конуни.

КАССИЙ. Мен ҳам шу фикрдаман!

КАСКА. Хўш, агар ҳаммамиз бир фикрда эканмиз, нима карорга кела-миз?

БРУТ. Цезарнинг диктатор бўлишига, якка ҳокимликка қарши курашмоғимиз лозим.

КАССИЙ. Эртага сенатда бўлиб ўтадиган сайловда қарши чиқа ола-мизми? Бу мумкинми, Брут?

КАСКА. Албатта, бу мумкин эмас. Унинг тарафдорлари кўп. Сенаторларнинг кўп кисми унга яхши кўриниб, ўзларининг муаммоларини ҳал килиш ниятида Цезарга овоз беришади.

КАССИЙ. Нима килишимиз керак, Брут?

БРУТ (Бироз ўйланиб). Ўлдирилиши керак! Ҳа, Цезарь ўлдирилади!

КАССИЙ. Бу фикр ҳозиргача хеч ерда очиқ айтилмаган эди, лекин кўплаб жумҳуриятчи сенаторларнинг хаёлларида айланниб юрганди. Бу жуда тўғри фикр. Биз ҳаммамиз сен билан биргамиз! Режа қачон амалга оширилади?

БРУТ. Шу ондан эртанги сайловгача бўлган вақт ичидаги ўлдирилиши ке-рак. Чунки сайловгача бу ишни амалга оширмасак, у тахтга ўтирганидан кейин, унга яқинлашишнинг имкони бўлмайди.

КАССИЙ. Бу қандай юз беради, Брут?

БРУТ. Бундай вазиятларда энг мақбул, синалган йўл – бу заҳарлаш! Лекин бунинг учун на вақтимиз етарли, на имкониятимиз бор. Олдимизда ягона йўл қолмоқда – ханжар или суиқасд.

КАСКА. Ким бу ишни бажариши мумкин!?

БРУТ. Бундай жиддий ва масъулиятли ишни бир кишининг зимма-сига юклаб бўлмайди. Цезарнинг моҳир жантчи эканини унутманлар. Қолаверса, ёнида кўриқчилари ҳам бор. Хавотир олма, бу ишни сенга топширмаймиз.

КАССИЙ. Кўпчилик бўлиб ҳужум киласизми?

БРУТ. Ҳа, тұда бўлиб ҳаракат килишимиз керак. Бир ханжардан кутилиб қолса, бошқаси ўз ишини қилиши керак. Бу жараёнда, ўша кекса сенатордан бошка ҳамма иштирок этсин. Жумхурият, ҳурликка факат ханжар, курол билан эришиш мумкин.

КАССИЙ. Бу режани қаерда амалга оширамиз?

КАСКА. Ва қачон?

БРУТ. Ҳаммага маълум, тонгда Цезарь одатига кўра, очик ҳавода айланышга чиқади. Мана шу сайр вақти режамизни амалга ошириш учун энг кулай пайтдир. Энг асосий масала сунқасдда иштирок этувчиларнинг бир жойга яшириниб, пайт пойлашидан иборат. Бу ишни бошқариш сенинг зиммангда, Каска.

КАСКА. Бу ердан чиқишим билан ҳаммани огоҳлантираман. Хотиржам бўлинг. Ҳар бирининг қўйнида ханжари тайёр турган бўлади.

КАССИЙ. Брут, баъзи биродарларимиз эрталабки сайрда иштирок этишади. Мен ҳам баъзан иштирок этаман. Бу сафар тонг отишидан аввалорк бокка кираверишда кўришамиз.

КАСКА. Бизникиларнинг ҳаммаси келишилган ерда тўпланади.

БРУТ. Жуда яхши. Цезарь келишидан олдин бизникилар белгиланган жойда тайёр бўлиб туришсин. Маълумки, Цезарь қўрикчилардан олдинда боради. Бурилишда, ёнимиздан ўтиши билан ҳаммамиз бирданига ҳамла киламиз. Икки дақиқада ҳаммаси тугайди...

КАССИЙ. Жуда яхши ўйланиди. Табриклайман.

КАСКА. Шундай қилиб диктатордан кутиламиз.

БРУТ. Қўшимча фикрингиз борми?

КАССИЙ. Йўқ. Ҳаммаси яхши ўйланган.

КАСКА. Биз эмас, энди ханжарларимиз гапирсин.

БРУТ. Ундай бўлса, энди режани амалга оширишга киришамиз.

КАССИЙ. Тўғри. Бугун ухлаш йўқ. Бироздан кейин тонг ота бошлайди.

КАСКА. Менинг ҳали қиласиган ишларим кўп.

Кассий ва Каска хайрлашиб чиқишиади. Брут шароб ва идишиларни олиб, Порциянинг хонасига ўтади.

ПОРЦИЯ (*Кўлига шароб тўла идишини олиб*). Брут сенинг борлигинг учун.

БРУТ. Режаларимиз амалга ошиши учун.

Улар қадаҳларини кўтаради. Саҳна қоронгилашади.

III

Рим. Сайр хиёбони

Тонг отмоқда. Атрофда сокинлик. Брут томошибинлар орасидан секин саҳна томон келади. Юзида маска бор. Хиёбоннинг бир четидан Касканинг боши кўринади. Каска Брутнинг келганини кўриб, ҳаракатга тушади. Яширинган сенаторларга нималарнидир уқтириб, аста Брутга яқинлашади.

БРУТ. Хайрли тонг, Каска.

КАСКА. Хайрли тонг, Брут.

БРУТ. Ахволлар қалай?

КАСКА. Бизникилар келишилган жойда кутяптилар.

БРУТ. Ҳамма келдими?

КАСКА. Ҳа. Факат кекса сенатордан ташқари барча шу ерда.

БРУТ. Кассий қаерда?

КАСКА. Сенаторлар билан бирга. Уларни хотиржам қилиб, тўқнашувга тайёрламоқда. Бу сенаторларнинг орасида факат иккитаси жанг майдонида иштирик этган, холос. Қолганлари ханжарни ишлатишни ҳам яхши билмайди.

Күёши кўрина бошлайди. Брут Каска билан суҳбатини давом эттириб, Цезарнинг келиши йўлини кузатади.

БРУТ. Цезарь яқинлашмоқда. Уни кўришинг билан ўз жойингни эгалла. Мен уни шу ерда қаршилаб, секин сизлар томонга бошлаб бораман. Тайёр бўлиб туринглар, бирданига ташланасизлар. Бирон бир хато бўлмаслиги керак.

КАСКА. Кўп яша, Брут. Сен бор жойда ҳаммаси яхши бўлади.

БРУТ. Ташаккур, Каска. (*Бирдан Цезарни кўриб қолади.*) Ана, у келмоқда, ўз оёклари билан ўлимига қараб келмоқда. Бошида тожи... Ишонч ва гурур ила одим ташламоқда. Бироздан сўнг бу киёфадан асар ҳам колмайди. Бу тожни кўтариб турган бош ҳам танасидан жудо бўлади.

Узоқдан Цезарнинг келишини кузатиб турган Каска, унинг атрофида бирга келаётган кишиларнинг ҳаракатларидан гашланади.

КАСКА. Эрталабдан нима ҳакида гаплашибди булар?

БРУТ. Халқнинг талаблари тугамайди. Бири боласини қамоқдан чикиришни сўраса, бошқаси сургундаги эрини қайтиб келишига изн берилиши учун ёлворади. Балки биронтаси иш топиш дардидадир. Яқинлашганда ўз жойингга бориб, бошқалар билан тайёр бўлиб тур. Мен Цезарни сизларнинг пистирмангизга бошлаб бораман.

Цезарь ва ёнидагилар яқинлашиб келаркан, бирданига чақмоқ ургандай Цезарь ўзини ерга ташлаб, типирчилай кетади.

БРУТ. Эй воҳ! Тутканоги тутиб қолди.

КАСКА. Энди нима қиласиз?!

Цезарнинг ёнидагилар шошиб қолиб, унга ёрдам бершига ҳаракат қилишибди. Цезарни титроқ босиб, оғзидан кўпик кела бошлайди. Кўриқчилар уни маҳкам тутишга уринади.

БРУТ (*Каскага*). Тангрингта дуо қил, шу кетишда қайтиб келмасин. Қўлимиз ҳам қонга бўялмасди.

КАСКА. Цезарнинг оғзидан кўпик келиб, ерда типирчилаб ётишини ҳеч кўрмаган эканман.

БРУТ. Бу ҳолат бироздан кейин ўтиб кетади. Кутишдан бошқа чора йўқ.

КАСКА. Чўзиб ўтирасдан, пистирмадагиларни чакириб, шу ернинг ўзида Цезарни бўғизлаб кўя колсак-чи?

БРУТ. Ақлинг жойидами? Бу оломон ичиди Цезарни севадиганлар, фидойилар бор. Буларнинг кўз ўнгига ўлдира олмаймиз. Тарихда қотил бўлиб қоламиз. Ақлингни йиғиб ол, Каска. Мен ҳозир унинг ёнига бораман. Унга ёрдам бергандай бўламан. Ўзига келганда қайғурганимни, унга ёрдам берганимни кўради. Ҳозир биз хоҳлагандай бўлмайди. У одатдагидай уйга бориб дам олиши керак бўлади.

КАСКА. Яъни?

БРУТ. Бориб одамларимизга тушунтири, тарқалишсин. Лекин биздан кейинги хабарларни кутишсин.

КАСКА. Вакт жуда кам колди. Тушдан кейин сенатда сайлов бошлади. Нима қиласыз?

БРУТ. Ҳеч умидсизланма. Нима бўлганда ҳам бу иш сайловгача битади. Бор Кассийга етказ, бироздан кейин Римнинг энг катта хиёбонда кўришамиз. Бехосдан кўришиб қолгандай бўламиз. Ўша ерда нима килишимизни келишиб оламиз. Тушунарлимиз?

КАСКА. Тушунарли, Брут. Кўришгунча...

БРУТ. Кўришгунча...

Каска сенаторлар яшириниб турган томонга қайтади. Брут эса Цезарь томонга шошиб кетади. Цезарга ёрдамлашади. Цезаръ ўзига келиб, тоғисини қидиради. Уни топиб бошига кияди.

БРУТ. Шифосини берсин, улуг Цезарь.

ЦЕЗАРЬ. Ташаккур, дўстим Брут. Душманлар севинмасин, дўстлар кайғурмасин, менга ҳеч нарса бўлгани йўқ. Яхшиман.

БРУТ. Шубҳасиз. Факат уйга бориб бироз дам олишингиз керак. Тушдан кейин қиладиган анча ишларимиз бор.

ЦЕЗАРЬ. Тўғри уйга боришим керак. Факат дам олиш учун эмас, балки сайловдан сўнг гапириладиган ғолиблик нутқини ёзиш учун.

Саҳнага қоронгилек тушади.

IV

Рим. Катта боғ

Кассий ва Каска қарама-карши томонлардан келиб, боғ дарвозаси орқасида кўришадилар. Бироздан кейин бу ерга Брут ҳам етиб келади.

БРУТ. Кутиб колмадингизми?

КАССИЙ. Йўқ.

КАСКА. Биз ҳам энди келдик.

КАССИЙ. Шу томонга юрамизми?

БРУТ. Керак эмас. Ортиқча эътиборни тортмайлик. Шу ерда гаплашайлик. Ишимизнинг охирига келдик. Чўзиб ўтирумай, эндиги ишларни тезрок келишиб олайлик.

КАСКА. Хўш... Нима килишимиз керак?

БРУТ. Аввал бўлиб ўтган воқеалар билан сизларни танишитирай. Цезарни уйигача кузатиб кўйдим. Мен, ҳар вакт унинг ёнида эканлигимни айтдим. Унинг менга бўлган ишончи яна ҳам ортди. “Мен ҳар доим сенга ишониб келганман...” деди. Хайрлашар эканмиз, у мени ичкарига даъват этди. Мен “Тушликкача сизни олдингизга келаман ва биргаликда сенатга борамиз”, дедим. У ҳам рози бўлди. “Агар бирга сенатга кириб келсан, мухолифатдаги сенаторлар ҳам кимга овоз беришни яхшилаб ўйлаб кўришга мажбур бўлади”, дедим. У эса “Жуда акллисан”, деди. Тушуняп-сизларми?

КАССИЙ. Жуда яхши бўлиди.

КАСКА. Сизга қойил, Брут.

БРУТ. Энди гапларимга дикқат билан кулоқ солинглар.

КАССИЙ. Марҳамат. Айтаверинг.

БРУТ. Мен ҳозир айтганимдай, Цезарни уйидан олиб, Сенатга бирга бораман. Йўлнимиздаги Помпей театрига етиб келганимизда, омма ичидан бир киши келиб Цезарга хат узатади.

КАСКА. Хатда нима ёзилган бўлади?

БРУТ. Гўё, фукаролардан бирни ўз муаммосини хал этиш учун мурожаат қилган бўлади. Аслида хатнинг матни мухим эмас. (*Ёнидан бир хатни олиб Каскага узатади.*) Мана бу хатни яхшилаб саклаб кўй. Бирон бир ишонарли одам топиб, Цезарь театрнинг олдига келганда, унга беришини уқтири. Тушундингми?

КАСКА. Цезарь хатни олмаса-чи?

БРУТ. Ундан бўлса, хатни мен оламан. Цезарга театрнга кириб, актёлар билан кўришишни таклиф этаман. Цезарь театрчилар билан яхши алокада бўлиши кераклигини билади. Уларни ўзига қарши бўлиб қолишини ҳечам хоҳламайди. Сен эса олдингидай, барча жумхуриятчи сенаторларни театр биносининг ичидаги ҳамма килишга тайёр килиб кўясан. Цезарь ичкарига кириши билан ҳамма унга ташланади. Шу билан ҳаммаси ниҳоясига етади.

КАСКА. Яхши. Лекин театрнга кирмаса-чи?

БРУТ. Киради. Ҳозир айтдим-ку, актёлар билан муносабати ёмонлашишини хоҳламайди. Сен менинг айтганларимни қил. Факат шуни эслаб қол – мени театрнинг олдига кўришинг билан, “ҳаммаси жойида” деган маънода ўнг қўлингни кўтариб кўй. Мен ҳам сенга жавобан қўлимни кўтараман. Кейин кўздан ғойиб бўласан. Тушунарлими?

КАСКА. Қандай килиб кўздан ғойиб бўламан?

БРУТ. Ичкарига кириб кетасан. Буни нимасини тушунмадинг?

КАСКА. Тушундим, Брут.

КАССИЙ. Цезарнинг ёнида ҳар доим қўрикчи аскар бўлади.

БРУТ. Агар аскар ичкарига киришга ошикса, у ҳам ўз интиҳосини топади.

КАССИЙ. Лекин аскарлар жуда кучли.

КАСКА. Ундан бўлса, аввал кўмондон бўлган сенаторнга аскарлар билан шугулланишни топширамиз.

БРУТ. Яхши, Кассий сен ичкарида туриб бу ишларни бошқарасан.

КАССИЙ. Кўнглингиз тўқ бўлсин. Демак, мен ҳам олдиндан театрнинг ичига жойлашиб оламан.

БРУТ. Ҳаммаси тушунарлими? Саволлар борми?

КАСКА. Мен ҳаммасини тушундим.

КАССИЙ. Бўлмаса мен сенаторларни бу мудхиш жараёнга тайёрлай. Бироқ, мени кийнаётган бир масала бор. Агар, борди-ю, ишлар биз ўйлаганчалик кетмай, Цезарь тирик қолса, унда нима бўлади, Брут?

БРУТ. Нима ҳалакит бериши мумкин?

КАССИЙ. Борди-ю, уйдан чиқмаса-чи?

БРУТ. Чикиши аник. Бундай фурсатни кўлдан чикармайди. Ҳозир у сенатдаги нуткини ёзмоқда.

КАСКА. Бошқа йўлдан кетса-чи?

БРУТ. Мен ҳаммасини ўйлаб кўйганман. Ҳар қандай шароитда ҳам у бугун кати қилинади.

КАСКА. Мен бунга ишонаман.

КАССИЙ. Мен ҳам.

БРУТ. Омадимизни берсин. Кани бошладик.

Бир-бирларига қўл ташлашиб, тарқалишиади. Саҳна қоронгайлашиади.

Юлий Цезарнинг уйи

Цезарь стол устида нутқ ёзиш билан овора. Кальпурния сассиз кириб келиб, унинг ёнига ўтиради. Цезарнинг ёзишини бироз кузатиб эҳтиёткорлик билан уни сухбатга тортади.

КАЛЬПУРНИЯ. Безовта қимайпманми, Цезарь?

ЦЕЗАРЬ. Йўқ, Кальпурния... ишларимни тугатдим.

КАЛЬПУРНИЯ. Балки кўнглингиз ичимлик истар.

ЦЕЗАРЬ. Йўқ. Ташаккур... Брут келганда ичармиз.

КАЛЬПУРНИЯ. Яхши. Ўзингизни кандай хис қиляпсиз, мени Цезарим?

ЦЕЗАРЬ. Қандай бўлсин? Мендан баҳтли инсон бу дунёда топилмаса керак. Бугун қирол бўлишим эълон қилинади. Яна менга нима керак. Бугун бу хабардан дўстларим курсанд, душманларим эса хафа бўлишади. Мана бу коғозда эртадан кандай муҳим ишларни амалга оширим кераклиги режасини тушиб чиқдим. Илк қиласиган ишими, менга содик инсонларни мукофотлаш. Биринчи бўлиб дунёга келишимга сабабчи бўлган ҳакимни мукофотлайман.

КАЛЬПУРНИЯ. Жуда яхши ўйлабсиз, Цезарим. Мен шундай буюк турмуш ўрготим борлигидан фаҳранаман.

ЦЕЗАРЬ. Айтганимдай, мукофотлаш борасида бағрим кенг, лекин душманларни жазолашни ҳам яхши биламан. Галани яксон этдим. Фалабамиз учун зиёфат бошланганида бирдан кўшик янгради. Бу кўшикни айтаётган аскарлар – “Цезарь Галани забт этди, лекин ўзи Никомедга мағлуб бўлди...” деб такрорлашарди. Мени ҳакорат килган бу кимсаларни кечира олмайман. Нега жимсан, Кальпурния?

КАЛЬПУРНИЯ. Нима тўғрилигини ўзингиз биласиз, менинг Цезарим.

ЦЕЗАРЬ. Ҳаётимда жуда кўп кийинчиликларга учрадим. Инсонларнинг фаркига бораман.

КАЛЬПУРНИЯ. Айнан мана шу кийинчиликларни енгиг, шундай марта бага эришганингиз учун ҳам ҳалқимиз ва мен сиз билан фаҳранаман.

ЦЕЗАРЬ. Бир пайтлар адвокат бўлиб хизмат қилган чоғларимда мени ўзларининг фойдасига ишлатмоқчи бўлишарди. Лекин мен ҳар доим ҳакиқат, адолат ва қонун талабларидан ташқарига чиқмадим. Ҳозир ҳам айнан шундай, қонун нима деса, шуни бажариш тарафдориман.

Эшикдан ичкарига Брут кириб келади.

БРУТ. Айбга буюрмайсиз Цезарь, рухсатсиз ичкарига кириб келганим учун.

ЦЕЗАРЬ. Брут сен учун рухсат шарт эмас. Дўстим учун эшикларим ҳар доим очиқ.

КАЛЬПУРНИЯ. Сизга ҳам чой олиб келай.

БРУТ. Ташаккур, хоним афанди. Вақтни ўтказмай чиқишимиз керак. Сайлов бошланишидан олдин сенатга этиб боришимиз керак бўлади. Бу жуда ҳам муҳим. Цезарим, агар дам олган бўлсангиз ижозатингиз билан ўйлга чиқишимиз кераклигини эслатмоқчи эдим.

ЦЕЗАРЬ. Мен ижод қиласиганман, дам оламан, Брут. Сенатдаги нуткимни тайёрладим.

БРУТ. Эҳтимол, яна бироз дам оларсиз? Бугун ишимиз кўп бўлади.

КАЛЬПУРНИЯ. Сиз ҳам борасизми, Цезарим?

ЦЕЗАРЬ. Менсиз сенат йигилиши бўлиши мумкин эмас. Бу кунни анчадан бери кутаман. Бугун мен учун байрам. Ахир шунчалар шижаот билан ёзган нутқимни Брутга бериб кўймайман-ку, Кальпурния? Бугун мен ва Рим учун жуда муҳим кун. Бу тарихий кунни борлигича хис этишни хоҳлайман. Шундай эмасми, дўстим Брут?

БРУТ. Шубҳасиз шундай, буюк Цезарь! Ҳаммаси сиз хоҳлаганингиздай бўлади, афандим!

ЦЕЗАРЬ (*Сенатга бориишга тайёрланади*). Эшлишимга қараганда, жумҳуриятчи сенаторлар ҳарбий лагеримда уларни ўрнимда ўтириб карши олганимдан норози бўлиб, менга карши овоз бермоқчи эмишлар. Шу гаплар ростми, Брут?

БРУТ. Шунга ўхшаган гаплар менинг ҳам кулоғимга етиб келди.

ЦЕЗАРЬ. Мен жумҳуриятчиларни тик туриб карши олмаганимнинг сабаби оёқларимда оғриқ борлиги ва бундан қаттиқ афсусда эканлигимни етказишларини сўраган эдим. Ёки уларга менинг узрим етиб бормадими, Брут?

БРУТ. Етиб борди, афандим. Лекин бир-иккита қайсар жумҳуриятчилар учрашувдан кейин сизнинг ҳеч нарса бўлмагандай, бемалол туриб уйга кетганингизни гапиришаётганди.

ЦЕЗАР. Ўша сенаторларнинг исмларини менга айта оласанми, Брут?! Уларни ҳам мукофотламоқчиман.

БРУТ. Бу ҳолга жиддий қарамаганингиз маъкул, буюк Цезарь. Зотан, улар ҳам айтганларидан пушаймонлар.

КАЛЬПУРНИЯ. Сенат бормоқчимисиз, Цезарим. Бугун ташкарига чикмасангиз яхши бўларди.

ЦЕЗАРЬ. Нега энди??

БРУТ. Кўнглим нотинч, яхшиси бугун ташкарига чикмаганингиз маъкул. Чунки фол очганимда, Цезарь учун бугун – 15 март куни ташкарида хавф борлигига ишоратлар кўрдим...

ЦЕЗАРЬ. Тўғри бугун эрталаб мен учун хавфли бўлди. Кутилмаганди тутқаногим тутиб колди. Ҳаммаси ўтиб кетди. Мана кўряпсан, касалимдан асар ҳам қолмади. Энди сенатга бориб мен учун баҳтли кунни яшамоқчиман. Сени тушуниб турибман. Менга сункасад килишларидан кўркяпсан. Бунга ўхшаган гаплар менга ҳам етиб келди. Лекин бу асосиз гаплар сенаторлар ва менинг орамга низо солиш учун қилинган. Ҳатто бу муноғиқларнинг рўйхатида Брутнинг ҳам исми борлигига қандай ишонай, Кальпурния? Мен бу рўйхатдагилардан Брут, факат сенинг кайнинбиродаринг Кассийдан кўрқаман. Чунки у кўпроқ эшишиб, камроқ гапиради. Ичida нима борлигини билдирамайди. Соҳта кулимсирайди.

БРУТ. Кассий аклли. У Цезарга карши чиқиши – бу маҳв килиш эканини яхши билади. У сизга бўйсунади, сизни хурмат киласди.

ЦЕЗАРЬ. Яъни, сен айтмоқчисанки, бу рўйхатда кўрккулик одам йўқ.

БРУТ. Шундай.

БРУТ. Ундей бўлса, мардларча уларнинг қаршисига чикишим лозим. Кўрқувдан ҳар куни ўлгандан кўра, бир марта ростмана ўлган яхширок, шундай эмасми, Брут? Қани, юр дўстим, менинг байрамимга кетдик!

КАЛЬПУРНИЯ. Брут сизнинг дўстингиз. Бундан кўнглим тўқ. Кеча тушимда бир тўда одамлар Цезарга ташланганини кўрдим. Кўрқувдан ўйғониб кетдим ва тонгтacha ухлай олмадим.

БРУТ. Тушларнинг тескариси бўлади, дейишади. Демак, ўнларча сенатор Цезарни ғалаба билан олкишлашади. Агар Цезарь сенатга бормаса, ишлар тескарисига кетиши мумкин.

ЦЕЗАРЬ. Акклисан, Брут. Бекорга сени дўстим демайман.

КАЛЬПУРНИЯ (*Йиги аралаш Цезарнинг кетишига қаршилик қилмоқчи бўлади*). Ёлвораман, кетма Цезарь! Қалбимга кулоқ сол, у мени ҳали хеч қачон алдамаган! Сенга қарши тузок бор!

ЦЕЗАРЬ (*Хотинини тинчлантиради*). Бўлди энди, фолга ишониб, шундай кунда мен бу ерда ўтира олмайман.

Цезарь ва Брут чиқади.

VI

Рим. Помпей театрни олди

Театрнинг асосий эшиклари олдида Кассий ва Каска асабийлашиб кутишмоқда. Касканинг ёнида Цезарга хатни берадиган “халқ вакили” хам кутиб турибди. Бироз вакт ўтиб, томошибинлар залидан Брут ва Цезар ёнларида икки кўрикчи билан кела бошлайди. Каска хатни Цезарга берадиган фукарони ундейди. Кассий театрнинг ичкарисига киради. Шу пайт Каска Брутга караб келишилганидай ўнг кўлини кўтариб, “хаммаси жойида” ишорасини қилади. Брут хам кўлини кўтариб кўяди. Каска хотиржам тортиб ичкарига киради. Бироздан кейин Каска театр эшигидан эҳтиёткорлик билан бошини чиқариб мўралайди. “Халқ вакили” Цезарь юриб келаётган йўлда тиз чўкади.

ФУҚАРО. Буюк Цезарь...

БРУТ. Нима бўлди?!

ФУҚАРО. Мана бу хатни Цезарга бермокчиман.

БРУТ (*Гўё фуқарони узоқлаштирмоқчи бўлгандаи*). Бу ерда нима ёзилган? Ёки бирор мухим сир ёзилганми?

ФУҚАРО. Жуда хам мухим хабар. Бу хатда буюк Цезарь билиши шарт бўлган хабар бор... Жуда мухим...

БРУТ. Менга бер. Етказаман.

ЦЕЗАРЬ. Кўйиб юбор, Брут. (*Фуқарога*) Қани бер-чи.

Аскар хатни фуқаронинг кўлидан олиб, Цезарга узатади.

ФУҚАРО. Буюк Цезарь бу хабарни ҳозирок ўкинг. Мен фуқаролик бурчимни бажармоқдаман. Билишингиз керак бўлган зарур хабарни ҳозирок ўкинг. Кейин мендан миннатдор бўласиз.

ЦЕЗАРЬ. Сен нима дейсан, Брут.

БРУТ (*Овозини пасайтириб*). Менимча, бу хатни зудлик билан ўкишингиз керак. Агар хоҳласангиз, каршимиздаги театрга кириб, хотиржам ўқиб оласиз. Қолаверса, театр олдидан ўтиб, актёрлардан хабар олмасангиз, улар хафа бўлишади. Сизни театрчиларга бўлган эътиборингизни улар яхши билишади. Жамиятда театрчиларнинг ўрни мухимлигини ўзингиз кўп бор такрорлагансиз, афандим.

ЦЕЗАРЬ. Сенатга кеч колмаймизми?

БРУТ. Вактимиз бор. Бор-йўғи ўн-ўн беш дакика вақт кетади, холос. Назаримда, ҳақиқатан хам сиз билишингиз керак бўлган мухим хабар бордек, бу хатда.

ЦЕЗАРЬ. Шундай деб ўйласанми, Брут. Яхши... Бўлмасам бу фуқарони хам ёнимизга олайлик, балки унга берадиган саволларимиз пайдо бўлар. Кани юр, дўстим Брут...

Олдинда Цезарь, кейин Брут ва фуқаро, уларнинг ортидан эса икки аскар театр эшигига яқинлашаадилар. Биринчи бўлиб Цезарь эшикдан ичкарига киради. Эшикнинг орасида Каска қўлида ханжасари билан Цезарга ҳамла қўлгани кўринади. Яраланган Цезарь даҳшат мичида ҳайқиради. Кассий ҳам ханжасарини Цезарнинг кўкрагига уради. Брут ҳам ханжасарини қўлига олади. Ҳар томондан ханжарлар Цезарга урилади. Цезарь ўзини ҳимоя қўлмоқчи бўлади, сўнгги зарбани орқадан Брут уради. Цезарь орқага ўғирилиб Брут қўлидаги ханжарни кўриб, бор кучини йигиб, даҳшат мичида ҳайқиради.

ЦЕЗАРЬ. Сен ҳамми, Брут!

БРУТ. Ҳа! Сен бундай ўлимга лойик эдинг!

Ханжарлар зарбасидан ҳолсизланган Цезарь йиқилиб жон беради. Каска, Кассий ва Брут қўлларида қонга бўялган ханжарлар билан театр эшигидан ташқарига чиқади. Бу орада даҳшатли қотилликни кўрган аскарлар қочиб кетишган эди. Каска қонли ханжарни юқорига кўтариб томошибинлар залига, гўё римликларга мурожсаат қўлгандай ҳайқиради.

КASCA. Римликлар! Золимнинг иши битди! Унинг жонсиз жасади ичкарида ётиби!

КАССИЙ. Тангрининг ўрнини эгалламоқчи бўлганнинг қисмати ўлим!

БРУТ (саҳна олдига келиб). Огох бўлмок лозим. Кураш давом этаверади. Чунки, яна янги Цезарлар дунёга келиши мумкин. Хушёр бўлинг! Унутмангки, дарахтнинг курти ўз танаси ичидан яшайди.

БИЛАНГИЧИ, СЕН АДАМ! БИЛАНГИЧИ, СЕН АДАМ! МАДДА ЧАЗИ, КИНОН
БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ! БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ! КИНОН БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ!
ПАРДА
БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ! БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ! КИНОН БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ!
БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ! БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ! КИНОН БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ!
БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ! БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ! КИНОН БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ!
БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ! БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ! КИНОН БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ!
БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ! БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ! КИНОН БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ!
БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ! БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ! КИНОН БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ!
БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ! БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ! КИНОН БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ!
БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ! БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ! КИНОН БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ!
БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ! БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ! КИНОН БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ!
БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ! БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ! КИНОН БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ!
БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ! БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ! КИНОН БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ!
БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ! БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ! КИНОН БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ!
БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ! БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ! КИНОН БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ!
БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ! БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ! КИНОН БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ!
БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ! БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ! КИНОН БИЛАНГИЧИ, НАДАСИДАМ!



Самим КҮЖАГҮЗ

(1916–1993)

БОТҚОҚЛИК

*Түрк тилидан
Пошиажон КЕҢЖАЕВА
таржисимаси*

Юсуф титрок күллари билан бутазорни оралади. Күзларини goх юмбі, goх очиб дарёнинг иккала кирғогини хам сузиб ўтди. Ботқоқлик күрінди, унда йигилган лойка сув туташган дарё ярим орол шаклини эслатарди. Ботқоқликда тұшалиб ётган күм зарралари офтоб нұрида товланиб ялтиради.

Юсуф атрофга узоқ тикилди. Юраги уришдан тұхтаёзди. Күзларини чирт юмди, очганида икки томчи ёш оппок соқолига думалади. Базур олдинга икки қадам ташлади, тиззалари дағ-дағ титради. Мадорсизланиб чўқкалади, титрок күлларини тиззасига кўйди. Вужудидаги титрок пасайди, хозир у хайкал мисоли дарёға тикилганча тош коттан эди.

Юсуф уч кундан бери хўқизини кидиради, сўрамаган одами, изламаган жойи қолмади. У аввалига хўқиз бироннинг даласини пайхон килган бўлса, мираблар оғилга қамаб кўйишган деган хаёлга борганди. Аммо хўқизнинг бундай одати йўқ эди. На ўзи, на хўқизи ҳаром лукма емаган.

Юсуф хўқизнинг қаерга гойиб бўлганини энди тушунди, у далани пайхон килмаган. Уч кундан бери кишлоққа яқин дала, кир-адирларни ке-зиз чиқди, одамлардан сўраб-суриштириди. Аммо хўқиз дарёнинг нариги томонига ўтиши хаёлига хам келмаган эди. Ўғли билан хўқизни нариги соҳилдан кидиришга тушди.

Юсуф узоқ вақт бир жойда миқ этмай туриб қолди, ўғли келиб ёнига чўқкалаганда ўзига келди. Йигитча отасига тикилди ва бўғик овозда:

– Тополмадим ота, – деди. Ота ботқоқлик устида чарх ураётган бургутларни кузатарди.

– Мен топдим! – минғирлади у. Йигитча отанинг фикрини англади. Жаҳл билан:

– Ботқоқликда нима бор экан-а, ҳайвон ҳайвонлигига боради-да! – дей гулдуради.

– Дарёнинг нариги кирғогига ўтмоқчи бўлган, – деди ота.

– У томонда нима қиласы? – сўради ўғил.

– Муборак мавсумда бекорчиликни хуш кўрмасди жонивор. Зериккан бўлса керак. Сарик хўқизга ўхшамасди...

Йигитча ўрнидан турди, дарёнинг чор атрофини эгаллаган ботқоқликка синчилкаб назар солди.

- Бўғилганга ўхшамайди, унда сув оқизиб кетган бўларди.
- Бўғилмаган... Қорнигача лойга ботган.
- Бечора хўқизимиз харом ўлибида.
- Хой бола, нодонлик қилма, хўқиз тириклайн шоқолларга ем бўлган.

Йигитча атрофига аланглай бошлади.

- Тавба шу ҷоққача шоқолнинг хўқиз еганини эшиитмаган эканман.
- Мен кўрганман. Хўқиз нариги соҳилга ўтиш учун ботқоқликка келган. Ўтаётги оёқлари ботқоқка ботган. Тунда шоқол тўдалашиб хўқизга ёпишган. Улар хўқизгинамнинг корнини ёриб, ичак-чавогини паккос туширишган. Хўқиз бечора на кимиirlай олган, на уларнинг чангалидан қочиб кутула олган. Ўлгунича қўйналган жонивор. Тонг ёришганда қолган-күтган жойлари бургут, қарға-кузгунларга ем бўлган.

Йигитча бир отасига, бир хўқиз ётган жойга аланглади. У гапини яна тақрорлади:

- У томонда нима бор экан-а?
- Бекорчиликдан зериккан дедим-ку...

Юсуф уф тортди, соколлари титраб кўзларига ёш келди. “Балки у жонидан безгандир... Гўё мен безмагандек... Бу хўқиз била туриб шоқолларга таслим бўлган...”

Улар бир зум жим колишиди. Сал нарида ботқоқлик ичидаги ётган кекса хўқизнинг бош томонида иккита бургут чарх уриб айланарди. Майин шабада ўлик хўқизнинг бадбўй ҳидини атрофга таратарди. Юсуф ўзини кўлга олди. Соқолини силади: “Нима бўлганда ҳам ачинарли ўлим, ботқоқка ботиб жон бериш... Кутулишнинг иложи йўқ. Ўзини химоя кила олмайди. Душманнинг кўзига тикилганчча... Қандай душманга денг? Шоқол деган бир чақага киммат кўрқоқ душманга! Туф! Аллоҳ жазосини берсин... Мана, кирк йил бўлибдики, мен ҳам шундай ботқоқка ботиб келдим... Бирорларнинг даласида ишлашдан мен ҳам тўйдим, кекса хўқизим ҳам... Жонивор мендан кўра аклли экан, мендан кучли экан... Бундай хаётдан воз кечди...”

Йигитчанинг кўзлари катталашиб отасининг гапига кулок солди. Ҳаяжондан нафаси тезлашиб, кўллари мушт ҳолга келди. Зўрға гапирди:

- Энди нима қиласиз?..

Юсуф ўғлининг саволига елка қисди. Унга қараб: “Менинг қиладиган ишим йўқ... Сени билмадим...” – деди. Ботқоқлик томонга юра бошлади. Йигитча ҳам ота изидан борди. Улар ўлик хўқизнинг ёнига келишиди. Юсуф сувда оқиб келган дараҳт шохини ушлаб олди. Бурнини беркитиб хўқизга тикилди: корни тешилган, қовурғалари кўриниб турарди. Кўзи осмонга тикилганча котиб колган.

Юсуф кўлидаги шоҳ билан хўқизни дарёнинг тиник сувларига итарди. Ўғил отасига ёрдам берди. Ота-бала хўқизни дарёга оқизишиди. Хўқиз бирлаҳзода кўздан фойиб бўлди, кейин сув юзига қалқиб чиқди. Сув хўқизни Юсуфдан узоқлаштира бошлади. Ота-бала узоқ вақт хўқизнинг ортидан караб колишиди.

- Жонивор бўйинтуруқдан халос бўлди, – деди Юсуф.

Ота-бала ботқоқликдан бутазорга қараб йўл олди.

Фирузан ва Севинч Чўкум: Аёл руҳияти қирралари

Турк хикоячилигининг таникли аёл ёзувчиларидан бири Фирузан (Селжук)дир. Фирузан хикоялари мазмунан кенг, сюжети мушоҳадага чорловчи воқеалар асосига курилган. Асар қаҳрамонлари руҳиятидаги кечинмалар янги услуб ва поэтик фоя асосида очиб берилади. Фирузан хикояларининг мавзулар кўлами ниҳоятда кенг.

1956 йилда “Сечилмиш хикайелер” журналида чоп этилган хикояси билан адабий жараёнга кириб келган Фирузан шу бугунгача хилмажил мавзуларда кўплаб хикоялар ёзди. Унинг “Бепул интернат” номли хикоялар тўплами 1971 йилда нашр этилган бўлиб, бу тўплам 1972 йилда Саид Фоик мукофотига лойик кўрилди. Ёзувчи эса танқидчилар томонидан “юксак мукофотга сазовор бўлган илк турк адабаси”, дея эътироф этилди.

Адибанинг “Бепул интернат” (1971), “Қамал” (1972), “Менинг фильмларим” (1973), “Гул мавсумидир” (узун хикоя, 1973), “Туннинг бошка юзи” (1982), “Мухаббатга тўла ёз” (1999) каби хикоялар тўплами нашр этилган. Фирузан турк адабиётшунослари назарига тушган фаол ва истебдодли хикоянавислар сирасига киради. Унинг ижоди, хусусан, хикоялари ҳакида бир қатор тадқикотлар, илмий-тахлилий мақолалар ёзилган. Ёзувчининг ҳаёт йўли, асарлари турк адабиётшуноси У.Лекесизнинг “Янги турк адабиётида хикоя” номли китобида атрофлича тадқик этилган. Олим Фирузан ижодининг ижтимоий-биографик манбалари, бадиий жиҳатдан ўзига хослиги ҳакида шундай хуносани илгари суради: “Хикоянавис Фирузан ижоди менинг назаримда, “Эдирненинг кўприклари”дан бошланади. Ундан олдин ёзилган хикоялари “Эдирненинг кўприклари”га хозирлик кўриш эди. Уларнинг баъзиларида бой мушоҳада, тафсилот маҳорати, ҳаёт ҳакиқати, инсоний самимийлик кузатилади, бироқ бу хикоялар ҳали хикоя жанри талабларига тўлалигича жавоб беради, деб айтиш кийин. “Эдирненинг кўприклари” билан Фирузан хужжатли фильмдан бадиий фильмга ўтган режиссёрга ўхшайди: тафсилотлар, хайраттга солувчи монтаж маҳорати бир бутунликни яратган. Хикоя худди шеърий жанрни эсга солади. Биттагина сўзни ҳам олиб ташлолмайсиз. Уларда ҳаёт ҳакиқати батамом санъат ҳакиқатига айлантирилган”.¹

Дарҳақиқат, олим таъкидлаганидек, Фирузаннинг ушбу тўпламга кирган хикояларида кичик-кичик ҳаётий фрагментлар, қаҳрамонлар турмушининг мўъжаз эпизодлари маҳорат билан бир ракурсга йигилади, бадиий монтаж килинади. Эпик баён лиризм ва драматизм билан уйғунлашиб кетади. Қаҳрамонлар бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга қандай табиий, сезиларсиз ўтса, эпик, лирик, драматик пафосга хос услуб оҳанглари ўргасидаги муносабатлар ҳам шундай тутунсиз ифода этилган. Шу сабаб Фирузан хикоялари ўкувчини ўзи билан қаҳрамон ички дунёсига етаклаб кетади, ҳаяжонга солади, кенг мулоҳазага чорлайди. Фирузан хикояларининг реал дунё, конкрет воқелик билан муносабати мана шундай мураккаб тамойилларга таянади. Фирузан аксарият ҳолларда аёл

¹ Lekesiz Ö. Yeni Türk Edebiyatında Öykü / (1. Baskı). Kakanüs Yayınları, İstanbul-2001. -S.144.

қалби, унинг юрагини эзайтган дардни бадиий воқелик сифатида жонлантиради. Камситилган, хақоратланган, аммо барча машаққатларга қарамай оиласини мүкаддас билган, ҳәё ва номусини гард юктирмасдан асрабавайлашга, фарзанди учун жонини фидо килишга тайёр фидойи аёл образи Фирузан бадиий идеалининг ёрқин тимсолидир.

Фирузан хикояларида кекса ва ўрта ёшли аёллар образи кўпчиликни ташкил этади. Ўрта ёшли аёлларнинг аксарияти эри ўлиб бева қолган, баъзилари эса ташлаб кетилган. Бу аёлларнинг бари хикояларнинг бош қаҳрамонлари хисобланади. Шу сабабли ҳам аёл қаҳрамонлар воқеалар ривожида муҳим аҳамият касб этади. “Туннинг бошқа юзи”, “Биринчи ёз кўшиклари”, “Иккинчи ёз кўшиклари”, “Муҳаббатта тўла ёз”, “Куршов”, “Сайд”, “Бандаргоҳ паркларида”, “Бепул интернат” хикояларидаги аёллар қисмат тақозоси билан умр йўлдошларидан жудо бўлишган.

Адибанинг “Бепул интернат” хикоясида фарзанди камоли учун ҳар қандай кийинчиликларга тайёр она образи гавдалантирилади. Она кизининг таълим олиши учун касалхонада фаррошлиқ қилишга ҳам рози. Ишсизлик, иктиносий танглик ҳар қандай инсоннинг оилавий ҳаётига таъсир ўтказмай қолмайди. Айни чоғда, оғир турмуш синовлари аёл маънавиятига ҳам хавф солади. Ҳикоядаги асосий қаҳрамонлар – она ва кизининг ташвиш-у изтироблари, хатти-харакатлари асосида қашшоклик, пул топиш илинжи туради. Аёлнинг мақсади битта – фарзанди текин интернат имтихонларидан албатта муваффакият билан ўтиб, ўқишга қабул килинса, бас. Акс ҳолда фарзанди саводсиз бўлиб қолади. Пуллик мактабларда ўқитишга имкони йўқ.

Адибанинг шу мавзудаги хикояларидан яна бири “Бандаргоҳ хиёбонида” деб номланади. Асар воқеалари хиёбонда кечади. Қаҳрамоннинг ҳаёт уммонидан олинган кичик бир томчиди Фирузан она-бала психологияси, характеристери ва ҳаёт тарзини кўз ўнгимизда гавдалантиради. Она ҳаёлан ўз-ўзи билан сирлашади. Ўз дунёсида нисбатан онанинг эрқин ички нутки хикоя бадиий ғоясини очишга хизмат қилиши билан бирга, асардаги ифода услубини жозибадор қилади. “Бепул интернат” хикоясидаги она образи ҳаётда интилувчан, тиришқоқ, курашчан этиб тасвирланган бўлса, бу хикоя қаҳрамони ўйчан, серандиша, иккиланишга мойил, бироз иродасиз ва тушкун кайфият эгаси сифатида намоён бўлади.

Фирузан хикоялари турк адабиётшунослари томонидан замонавий турк хикоячилигининг сара намуналари деб тан олинган. Шу боис ҳам унинг хикоя тўпламлари хусусида шундай залворли фикрлар айтилган ва ҳозир ҳам айтилмоқда: “Фирузан уч йил ичиди учта хикоялар тўпламини нашр этди. Адабиётимизга янги образлар, янги усул ва рух олиб кириб, кенг китобхонлар оммасини хурсанд қилди. Учта тўпламдаги йигирма тўртта хикоядан камида олтита-еттитаси ҳозирда хикоялар антологиясига киритилмоқда. Бу ёзувчи учун улкан муваффакият ҳисобланади”¹. Ёзувчи ижодий услубининг шаклланиши адабиётда гўзал ижод намуналари пайдо бўлишига олиб келади. Унинг ҳаётни қандай кўриши, тушуниши ва ифода этишига караб услубий ранг-баранглик ҳосил бўлади. Фирузан қаҳрамонлари кўпроқ кучли руҳий ғалаёнлар, чексиз маънавий таназзуллар исканжасида акс эттирилади. Ҳикояларида ҳаётнинг аччик

¹ Lekesiz Ö. Yeni Türk Edebiyatında Öykü. Cilt.4. (1. Baskı). Kakanüs Yayınları. İstanbul–2001. –S.150.

зарбалари, турмушнинг аёвсиз синовлари натижасида шахслиги, маънавий олами имтихондан ўтаётган аёллар ҳаётини кўрсатиш аносисида адаба турк хикоячилигида янги қаҳрамонлар силсиласини вужудга келтиради.

1960–1980 йиллар турк хикоячилигини атрофлича ўрганиш шундай хулосага олиб келадики, бу даврда аёл ҳикоянавислар сон жиҳатдан қанчалик ортган бўлса, асарларининг салмоғи ҳам ундан қолишимаган. Турк адабиётшуноси У.Лекесиз қуйидаги фикрни ўртага ташлайди: “Бу давр хикоячилигида аёллар сони ортиб борди, лекин улар эркак ёзувчилар ижодига эргашмади, аксинча, адibalар шахсан ўzlари жорий килган, тўғри деб билган ижодни яратишга харакат килгани кузатилди”¹. Ҳақиқатан ҳам, Ойхон Бўзфират, Селчуқ Барап, Адолат Оғаўғли, Нозли Эрой, Пинар Кур, Тезер Ўзлу, Инжи Арал сингари аёл ёзувчилар 60–80 йиллар турк хикоячилиги тараққиётига улкан хисса кўшидилар. Замонавий турк хикоячилигининг ана шундай моҳир вакилаларидан бири Севинч Чўкумдир.

С.Чўкум турк халқи ҳаётини, айникса, аёллар дунёсини синчилаб кузатади, яқиндан ўрганади. Чунки ҳар бир ижодкор ўзига кучли таъсир киладиган воқеа-ҳодиса ҳамда ҳолатларни зўр иштиёқ-у, маҳорат билан тасвирлайди. Табиий таъсирланиш, эркин фикрлаш ва истаганидай ифода этиш ёзувчи услугбининг шаклланишида катта аҳамиятга эга. Севинч Чўкум ҳикоянавис сифатида мана шундай ўзига хос қирраларини намоён ён этди. Унинг илк асари “Ҳисор” журналининг 1972 йил февраль сонида босилган. Ҳикоя “Эски кўча овози” деб номланиб, нашр этилган илк кунлариданоқ турк хикоянавислиги яна бир янги овоз билан бойиганидан далолат берган эди. Севинч Чўкум шундан бери самарали ижод килиб келади.

С.Чўкум хикояларининг аксариятида гўзаллик ва унинг бебақолиги ҳакидаги теран фалсафа акс этади. “Ҳозир” ёки “буғун” деган замон бирлигига яшаётган қаҳрамонлар учун гўзаллик фақат ўтмишда, хотиралар қатида сакланиб колган ноёб тушунчадир. Шунингдек, баҳт ҳам олис ёшлиқда колиб кетган. Бугунги ҳаётида баҳт тополмаган қаҳрамонлар киндик қони тўкилган, ўсиб-улгайган қишлоғига қайтиб, бир пайтлар ўша жойларда яшаб, хис килган гўзалликни топишга умид киладилар. Аммо ўша пайтлардаги кўчалар, қишлоқлар, шаҳарчалар бутунлай ўзгарган, гўзаллик вақтнинг бешафқат тегирмонига тушиб майдаланиб, йўқ бўлиб кетган. Ойдин ҳаёт ва баҳт излаб келган қаҳрамонларнинг топганлари эса фақат хотира. Биргина илинж, биргина таскин шу.

Ёзувчининг аксарият хикояларида хотиралар асар воқеаларига, қаҳрамонлар ҳолатига кўчирилади. Ўтмиш ва бугун кечинмалари бирбири билан боғланади. Унинг “Кадимда” хикояси ҳам ана шундай бугун ва ўтмиш кечинмалари асосида ёзилган хикоялардан. Асар қаҳрамонининг кўз ўнгига ёшлиги, бирга улғайган дўстлари, кўни-кўшнилари ва кекса яқинлари гавдаланади. Уларнинг самимийлиги, дилкашлигини эслаб, чукур ҳаёлга толади. Эски уйлар, кўчалар, маҳалласини, у ердаги одамларни кўмсайди. Ёшлигига бошидан кечган воқеаларни бирма-бир эслайди, бაъзи одамлар билан ҳаёлан сухбатлашади. Асаддаги темиричи болғасидан чиққан “така-тук” овозлари қаҳрамоннинг ҳаёlinи ўғирлайди ва бутун асар давомида унинг ҳаёлот-хотира курилишига олиб келади.

¹ Lekesiz Ö. 70'lı Yillarda Türk Öykücülüğu // Hece Öyü. 2 Sayı: 7 Şubat-Mart 2005. –S.38.

Хотирасида қолган оғир кунлар, изтиробли ҳолатлар билан болаликнинг баҳтиёр дамларини қиёсий планда акс эттиради. Гүё ёмонликлар ичида кечган болалик хотиралари ҳам қаҳрамон учун “тотли”. Болаликнинг беғубор онлари қаҳрамонни ўз “муҳофазасига” олади. Қаҳрамон факат ўша дунёда ўзини даҳлсиз, баҳтиёр хис этади. Бутуннинг одамлари ҳам бир лаҳза “ён кўшниси”, қалбидаги эзгу ҳиссиётлар оғушида муҳрланиб қолган яқинларини эслатади гўё. Асарда ўтмиш билан бугуннинг нафаси коришиб кетгани сезилиб туради. Бир қараща ўтмиш ҳаётини тасвирлаган бу ҳикоя бугуннинг муммомлари ва замондошлар руҳиятига хос жиҳатларни ҳам ўзида мужассам этган. “Ҳикоя жанрига бир нечта замон ва маконларни чатиштириб ифодалаш, у билан ўкувчини таништириш ёки воқеаларнинг ҳаёлий тасвири билан кириб келган ёзувчи (С.Чўкум – таъкид бизники) ўртаҳол турк инсонини, маълум анъана ва ахлоқий нормаларга эргашган инсонлар ҳаётини, ички оламини аёллик сезимлари билан моҳирона қаламга олган. Ҳикояларида оғир-босиқ, истарали, ғамгин лекин кулиб турган ҳикоячи тимсоли бор”, – деб ёзди бу ҳақда адабиётшунос У.Лекесиз.¹

Ўтмишдан ҳозирги кунга қадар турк аёли жамият ичида турли вазифаларни ўз зиммасига олган. Баъзан уйида болалар тарбияси билан шуғулланган уй бекаси, баъзан эса майдонда умр йўлдоши ёнида олишган аскар киёфасида намоён бўлади. Аёл турли вазиятлар фонида бадиий асарларда ҳам ўзига жой топди. “С.Чўкум ҳам аёл мавзусида атрофлича ижод қилган ва бугунги аёлнинг жамиятдаги ўрнини танқидий нуктаси на-зардан қаламга олган... Модернлашиш жараённида аёл бошидан кечирган ўзгаришлар ва бегоналашув Чўкум қаламининг асосини ташкил этади. Шу жараён ичида аёлнинг иккиланиши, ўз-ўзини излаш ва топиши кураши кузатилади. Шунга асосан аёлнинг шахс сифатида шаклланиши дикқатни торгади”, деган фикрларни ўқиймиз, турк адабиётшуносларининг С.Чўкумга оид тадқикотларида.²

Кўринадики, С.Чўкум турк ҳикоячилигига замондош аёлнинг мураккаб психологик ҳолатлари, изтироб ва армонларини хотиралар ёрдамида бадиий жиҳатдан кашф этиб, турк аёллар ҳикоячилигини янги босқичга олиб чиқди. Аёл руҳиятининг нозик қирраларини сўзга муҳрлашга эришиди. Шу тариқа янги ҳикоя, янги қаҳрамон, янги ҳолатлардан иборат бадиий оламга асос солди.

Пошибажон КЕНЖАЕВА,
Тошдши доценти,
Вали САВАШ ЕЛУҚ,

Анқара Ҳожи Байрам Вали университети доценти

¹ Lekesiz Ö. Öykü Izleri / Hoca Yayımları, Ankara-2000. –S.513.

² Kaynak L. Değerler Eğitimi Bağlamında Sevinç Çöküm'ün Hikayelerinin Analizi. Yüksek Lisans Tezi. Akdeniz Üniversitesi. Antalya-2012. –S.59; Saymaz E. Sevinç Çöküm'un Romanlarında Kadın İzlegi. Yüksek Lisans Tezi. Fatih Üniversitesi. İstanbul-2011. –S.251.

Хенри Райдер ХАГГАРД

(1856–1925)

ДОКТОР ТЕРН¹

(Кисса)

Рус тилидан

Қодир МИРМУҲАМЕДОВ
таржимаси

VI БОБ

Мен Рубикондан ўтдим

Менинг чечак эмлаш кироллик комиссияси хузурига экспер特 сифатида боришим Денчестер ахолиси кўзи олдида обрўйимни кўтариб юборди. Энди мен яна амалиётимнинг кенг таркалиб, тез ривожланаётгани ва ишлаб топаётган пулим ўз эҳтиёжимни кондириш учун етарли экани билан мақтанишим мумкин эди.

Бундан уч йил бурун суд залидан қайтиб келиб, ционид кислотаси куйилган рюмка каршисида шўптайиб ўтирганимда Стефан Стронг қабулхонамга қандай кириб келган бўлса, бугун ҳам у кутилмаганда шундай кириб келди.

Қабулимга жуда кўп bemорлар келаётгани сабабли, у қабулхонамда бир соатча кутиб ўтиришга мажбур бўлиди.

— Мана, ишларингиз анча бошкача тарзда юришиб кетди, доктор, — деди у кабинетимга кира солиб, — қабул қилишингизни бир соат кутдим, у ерда яна олтига одам ўтирибди. Самуэлснинг болаларини даволаган пайтингиздан бери баҳт кулиб боқа бошлади сизга. Айтинг-чи, бугун нега келдим хузурингизга-а?

— Ўзингиз очигини айтаверинг, мен одамлар дилидаги гапни топишга нўнокман, — дедим.

— Ҳа, яхши, бўлмаса эшитинг. Сиз кечаги газетада кекса пивопазимиз Хикснинг пэр² унвонига кўтарилаётгани ҳақида ўқидингизми? Биласизми бунинг сири нимада? Хикс, агар бу олий мартабага эришишим муддатини яна кейинга суриб, мени кутдираверсаларинг, партиям фонди хисобига ажратиётганим одатий взносни бошқа тўламайман, дебди. У тўлайдиган взнос эса, йилига 5000 фунт! Хуллас, партия раҳбарлари буни эшитиб ти-пирчилаб қолишибди ва парламент креслоси ўзларида колади деб умид

¹ Охири. Бошланиши ўтган сонда.

² Пэр – Англиядаги парламентнинг юқори палатаси (яъни лордлар палатаси) аъзоси.

килиб, Хикснинг талабини кондиришга шошилибдилар. Лекин улар янглиштилар, сабабки, агар парламент аъзоси бўлишга муносиб одамнинг номзодини биз кўрсата олсан, радикаллар бу сафар ғолиб чиқадилар.

— Ким экан ўша муносиб одам? — сўрадим мен.

— Жемс Терн, эсквайр, тиббиёт доктори, — деб бамайлихотир жавоб берди Стефан Стронг.

— Ие, нималар деяпсиз ўзи? — деб юбордим мен. — Ахир қандай килиб факат битта сайловнинг ўзига 1000 ё ҳатто 2000 фунт пул тўлай оламан, кейин ҳар турли обуналар учун ҳам йилига шунча пул тўлашим керак бўлади; бундан ташқари, қандай килиб бир вактнинг ўзида ҳам даволовчи доктор, ҳам парламент аъзоси бўла оламан?

— Шошилманг, доктор, биласизми, кеча радикаллар кенгашида сизнинг номзодингиз тилга олинганида мен бу айтган гапларингиз масаласида бир тўхтамга келиб қўйганман. Зоро, сизнинг бу эътиrozларингизни мен олдиндан кўз олдимга келтирган эдим. Энди менинг гапимни эшитинг: сиз ёшсиз, ақллисиз, салобатингиз ҳам бор, яна гапга чечан нотиксиз, турган гапки, элга танилишни, обру-эътибор қозонишни истайсиз, лекин маблафингиз йўқ. Сиз фақат меҳнат қилиб топган пулингиз хисобига кун кечиравсиз; агар парламент аъзоси бўлсангиз, унда шу ишлаб топаётган пулингиздан ҳам айрилиб қолишингиз мумкин. Ва лекин биз, ҳамонки сиздек одамга мухтоҷ эканмиз, бажарадиган хизматингиз учун ўзимиз ҳак тўлашга тайёрмиз.

— Йўқ, йўқ, мистер Стронг! — дедим мен эътиroz билдириб. — Мен радикалларга кул бўлишни, улар буюрган ишни мажбуран бажаришни хоҳламайман, ҳа, мен ўз касбим бўйича хизмат қилишни ва ўз докторлик амалиётимга содик бўлишни афзал кўраман.

— Йўқ дейишга шошилманг, йигит! — деди кария гўё насиҳат килаётгандек сўзимни бўлиб. — Ҳеч ким сизни кул қилмоқчи эмас. Лекин, масалан, агар парламент аъзоси бўлишингиз учун сарфланадиган пулнинг энг охирги центигача тўлашга кафил бўлсалар ва бундан ташқари, сайловда ютиб чиққанингизда, йилига 1200 фунт маош ва борди-ю мағлубиятта учрасангиз ёки бошқа бирон сабаб билан парламентдаги ла-возимингиздан воз кечишга мажбур бўлсангиз, 5000 фунт мукофот пули олишингизга кафолат берсалар нима деган бўлардингиз?

— Унда мен, эҳтимол, рози ҳам бўлардим бу шартга, агар ўша кафолат берувчи одамнинг мени шунча маблағ билан таъминлаши аниқ эканлигига ишонсан ва бундан ташқари, қайси одамнинг қўлидан пул олишга рози бўлишимни билсан.

— Бу ёги энди ўзингизга ҳавола! — деди сухбатдошим. — Ўша одам — мен, Стефан Стронгман ва шартимизга розилик билдириб имзо чекишингиздан олдин сизнинг номингизга 10 000 фунт қўяман банкка. Йўқ, мендан миннатдор бўлманг, бундай иш тутишимга сабаб, биринчидан, менинг болаларим ҳам, қариндошларим ҳам йўқ, сиз бўлсангиз, бир кўрганимдаёқ кўнглимга ёкиб қолдингиз. Одамлар сизни таҳкирлаб абраҳиллик қилишди. Шунинг учун, мен сизнинг бадавлат, бообру инсон сифатида ҳаммадан юксакроқ бўлганингизда, сизни бадном қилган ўша олифта боёнлар келиб этигингизни ялашларини истайман. Бу менинг сизга ёрдам килаётганимга биринчи сабаб; иккинчи сабаб шуки, бутун Денчестерда парламентга биздан вакил бўлиб сайланишга лойиқ ягона

одам сизсиз ва агар биз анави ўзларини доно деб ҳисобловчи мутаассиб ториларга¹ панд бера олсак, ўша айтганим 10 000 фунт пулни айни энг керакли ишга сарфланди, деб ҳисоблейман. Энди менга бирон бир қатъий жавоб берингиздан олдин, сиздан баъзи нарсаларни сўрамоқчиман... Айтинг-чи, ҳар битта одамга унинг даромадига мутаносиб тарзда солик солишини маъқуллайсизми?

– Ха, албатта, ҳар бир одам олаётган даромадига мувофиқ солик тўлаши шарт – бу адолат талаби.

– Энди парламент аъзоларининг цензурани чеклаш масаласида нима дейсиз?

– Турган гапки, мен парламент эшикларининг факат бойларгагина эмас, шунингдек, ҳар битта ҳурматга сазовор нуфузли одам учун ҳам очик бўлишини талаб қиласан.

– Хўп, яхши! Ундан кейин, ўзингизга маълумки, биз ҳаммамиз флотимизни ривожлантириш тарафдоримиз, бинобарин, сиз ҳам шу фикримизни кўллаб-кувватлагайсиз, деб умид қиласан. Мана, бўлди... Факат битта масала колди, бу антивакцинация² масаласи. Сиз нима килиб бўлса ҳам, бу масалани албатта кувватлашингиз ва амалга оширишингиз керак!

– Мен ҳеч қачон ҳеч кимга, бу масалани кувватлашим ҳакида гап очмаганман! – дедим.

У менга ажаблангандек тикилди.

– Шунака дeng? – деди у. – Лекин кувватламайман, деб ҳам гапирмаган-сиз. Бирок биз ҳозир узил-кесил бир битимга келишимиз керак. Бу масала бизнинг, Денчестеримизда бошқа жамики масалалардан ҳам муҳимроқ ҳисобланадики, агар парламент креслосини сақлаб колиш бизга насиб этса, бу ютукка факат шу антивакцинацияни² яхши тарғиб қилганимиз шарофати туфайли эришган бўламиз. Бу бизнинг энг муҳим, энг ҳаётий масаламиздир. Шунинг учун ҳам бизнинг бутун умидимиз факат сиздан; сиз бу масалани пухта ўргангансиз ва бу борада энг йирик ва нодир мутахассисиз, лекин агар бу масала юзасидан сизда қандайдир шубҳа уйғонаётган бўлса, очик айтаверинг, унда биз бу ҳақда бошқа гап очмаймиз. Мистер Стронгнинг бу гапи мени сескантириб юборди. Аниқки, чечак эмлаш оқибатида содир бўлган айрим ҳолдаги касалликларни текшириш мен учун жуда кизиқарли иш бўлган эди, шунга кўра, бу ишга мен бажонидил киришган эдим. Лекин ахир мен қандай килиб чечакнинг олдини олиш учун қилинаётган эмлаш жараёнига қаршилик кўрсатаётган антивакцинация тарафдори бўлган нодон тарғиботчилар билан бир сафда турай, нега энди мен бу энг улуғ халоскор кашфиёт – эмлашни топтаб йўқ қилиб ташлай?

Агар Стронгнинг таклифини қабул қилсанам, ўз эътиқодимга, олган билимларимга хиёнат килган бўламан-ку. Йўқ, йўқ, мен бундай қилолмайман!

Лекин шуниси ҳам борки, менинг ахволимга тушган одам ҳеч қачон ғарибона ҳаёт машакқатларидан кутилиб, яна бир марта бундай баҳтли кунга мушарраф бўла олармиди? Ҳали гўдак бола бўлган пайтимдаёқ менинг энг эзгу орзуим парламент аъзоси бўлиш эди.

Мана бутун менга шу бебаҳо орзуимга эришишни таклиф қилмоқдалар. Агарда мен азал-азалдан мутаассиб торилар уяси бўлган бу шаҳарни ра-

¹ Торилар – Англияда консерватив партия аъзолари.

² Антивакцинация – чечак эмлашга қарши.

дикаллар томонга оғдира олсан, ўша заҳоти мартабам кўтарилиб кетарди. Мен ўзимни ҳалитдан шаҳарнинг нуфузли бойи, ҳалкнинг иззатли вакили сифатида тасаввур қила бошладим... яна, ким билади-ю, эҳтимол ҳали пэр унвонига кўтарилиган депутат ҳам бўларман... Мана энди мен ўзимни иззат-хурматда, шон-шуҳратда яшаб кексайганимни ва беҳисоб мол-давлатимни ворисларимга мерос килиб қолдираётганимни кўз олдимга келтира бошладим.

Лекин борди-ю, Стефан Стронгнинг таклифиға рози бўлмасам, бугун менга тавсия қилинаётган баҳтли ҳодиса бошқа хеч қачон такрорланмайди. Ана унда, ҳам Стефан Стронгнинг, ҳам унинг саҳоватли хотини – миссис Стронгнинг менга бўлган ихлосларидан ва яна уларнинг менга кўрсатаётган дўстона муносабатларидан маҳрум бўлишим эҳтимолдан холи эмаски, натижада менинг бутун ҳаётим бир бурда нон топиш учун курашиш билан ўтади. Хуллас қалом, бу фикр дастлабки пайтда менга ниҳоятда даҳшатли бўлиб туйилган бўлса ҳам, лекин келажакдаги фароғатли ҳаётимни сотиб олишлари учун таклиф қилинаётган нарх унчалик йирик эмас, яъни мендан талаб қилинаётган бу вазифалар ўз партияси томонидан зиммасига юкланган барча ғоя ва талабларни, ёкласа ёкламаса, тарғиб килишни ўз бурчи деб депутатлик фаолиятини амалда бажараётган ҳар битта парламент аъзосининг айтарли унча муҳим бўлмаган одатий бир дастури-да, деган қарорга келдим.

Мунозара узоқ чўзилмади ва менинг аҳволимга тушган одам нима дея олса, мен ҳам шундай жавоб қилдим. Эвоҳ, кошкийди, бу қилмиш им нима билан яқунланишини олдиндан билолсам! Лекин ўшандан мен фақат ўзимнигина ўйлагандим.

– Хўш, нима дейсиз? – деб сўради Стронг бир оз кутиб тургандан кейин.

– Хўш, нима дей? – дедим мен. – Шу танланган йўлдан то охиригача боришига тайёрман.

Лекин овозимда ланжлик акс этди шекилли, бу мистер Стронгни сал ранжиттандай бўлди.

– Менга қаранг, доктор, – деди у, – мен диёнатли, тўғри сўз одамман. Бинобарин, ҳақ бўлсан ҳам, ноҳақ бўлсан ҳам, барибир, вакцинациянинг одамлар учун жуда хавфли ва зарарли эканига қатъий ишонаман, биз буни бўлажак парламент сайловида энг муҳим масала сифатида кўтариб чиқмоқчимиз ва сайловни шу масала замирида ўтказмоқчимиз. Агар сиз, мен кўзлаганимдек, антивакциначи бўлолмасангиз, унда бу ишдан воз кечганингиз ва ўргамизда бўлган ҳамма музокараларни гўё бўлмагандек хисоблаганингиз маъкул. Тўғри, сиз бизнинг энг сўзамол воизимизиз, шунга кўра, ўзимизнинг порлок умидимизни амалга оширишни сиздан илтимос қилмоқчи бўлгандик; бас, шундай экан, кўз остимизга олиб кўйган яна уч-тўртта ишончли одамимиз бор; мен ҳозирнинг ўзида бу ердан чикиб ўша одамлардан бирининг олдига боришим ва у билан барча масалалар юзасидан келишиб олишим мумкин! – Шундай деб у кўлига шляпасини олди-да, кетишига чоғланди.

Мен у эшик олдига боргунича индамай туравердим; лекин унинг тутқичга кўл узатиши билан, кимдир мени гўё туртгандай бўлди-ю бирдан тилга кирдим:

– Ҳайронман, мен ҳақимда бундай хаёлга боришига ким мажбур қиляпти сизни? Ахир мен вакцинация тарафдори эмаслигимни асосли далиллар билан исботлаб бердим-ку сизга!

– Бу билан нима демокчисиз, доктор?

– Демокчиманки, менинг яккаю-ёлғиз фарзандим, суюкли қизалогим, мана, түрт ёшга кирайтган бўлса ҳам, вакцинация операциясини бошидан кечирмаган!

– Ростданми? – сўради Стронг ишонқирамай.

Худди шу пайт кизим Женни билан сайр килгани зинадан тушиб келаётган энаганинг овозини эшигидим. Мен кабинетим эшигини очиб жажжи қизалогимни ёнимга чакирдим. Унинг сочи очсариқ, шахло кўзлари йирик-йирик, анордек қип-қизил лаблари чиройли жилмайиб турарди.

– Мана, ўзингиз кўринг, – дедим мен Женнининг енгларини шимариб, иккала кўлчасини очарканман, – кўряпсизми, хеч ерида ўша лаънати белги йўқ! – Сўнг қизчамни ўпиб, яна энага олдига чиқариб юбордим.

– Бу ишингиз жуда яхши, албатта, доктор, лекин шуни унутмангки, кизингизни бундан кейин ҳам хеч қачон эмлатмаслигингиз керак!

Стронгнинг бу гапларини эшиганимда, кандай фалокатли ишга розилик билдирганимни бирдан тушундим-у юрагим шув этиб кетди. Лекин энди қарорим қатъий эди, агар анирок қилиб айтадиган бўлсам, ўша эсимни еб кўйган пайтимда қарорим менга шундай туйилган эди.

– Кўнглингиз тўқ бўлсин, – дедим мен, – хеч қачон хеч кандай мараз оғу қизимнинг конига кўшилмайди!

– Мана, энди ишонаман сизга, доктор, – деди Стронг, – зеро, биронта ҳам одам ўзининг ёлғизгина жигарбанди – фарзанди ҳаётини бундай хавф остига кўйгани журъат эта олмасди. Мен бу жавобингизни қўмита кенгашига етказаман ва кенгаш парламент сайловида радикалларнинг депутатликка номзоди сифатида сизга ўзининг расмий таклифини юборади! Яхши қолинг. Энди мен парламентдаги кресломиз ўзимизда қолишига аник ишонаман!

Эртаси куни эрталаб барча маҳаллий газеталар, бўлажак парламент сайловларида эсквайр, тиббиёт доктори Жемс Терн радикалларнинг ишончли вакили сифатида нутқ сўзлайди, деб хабар қилдилар. Ва яна: “Вакцинациянинг ашаддий душмани бўлган доктор Терн, бир неча бор таъкиб қилинган бўлишига қарамай, ўзининг ёлғизгина фарзандини эмлашларига қатъий қаршилик кўрсатган”, деб ёзибдилар.

Шу газетанинг ўзида сал пастроқда сэр Томас Колфорднинг консерваторлар партияси номзоди сифатида мазкур сайловга кўйилиши ўлон қилинди.

Шундай қилиб, мен қатъий қарор қабул килган, яъни Рубикондан ўтган эдим¹.

VII БОБ

Балли, антивакциначилар

Бир хафтадан кейин кураш авжга минди. О, бу шундай қизғин кураш эдики, ҳатто Денчестер ҳакида ёзилган энг қадимий ривоятларда ҳам бундай жўшқин кураш ҳакида хеч бир хабар ёзилмаган эди.

Сэр Томас Колфорд жуда катта бой эди; буни ҳамма биларди ва шаҳарда таркалган миш-мишларга караганда, у, агар сайланса, бундай

¹ Рубикондан ўтган эдим – бу ибора, инсон ҳаётида мутлақо кескин бурилиш ясашга қодир бўлган биринчи қадам қўйилганини билдиради.

иззат-хурмат ва ишонч-эътиқодлари учун шаҳар аҳолисига беҳад улкан миннатдорлик билдиражагини айтганмиш, яъни: шаҳар госпитали ўз қанотида битта янги флигел бўлишини кўпдан бери орзу килиб келаркан; сэр Колфорд ўз хисобига ана шундай флигел қуриб, уни барча керакли анжомлар билан жиҳозламоқчи бўлибди. Бундан ташкари, сэр Колфорднинг 40 акр¹ серунум ери шаҳарнинг истироҳат боғига келиб туташган эди; одамларнинг гапига караганда, сэр Колфорд гўё: “бу 40 акр ер мендан кўра кўпроқ шаҳарга зарурроқ ва умид қиласманки, бир кун келиб у албатта, шаҳарнинг ери бўлгай”, деб шама қилганмиш.

Шундай гап-сўзлардан кейин, турган гапки, маҳаллий матбуот унинг номзодини шавқ-завқ билан қувватлай бошлади. Мени бўлса фирибгар деб аташди, судланганлигимни пеш қилишди, “Ҳеч қандай сармояси, молдавлати бўлмай туриб, бирорларнинг пули ҳисобига бойимоқчи бўлди, факат бир нечтагина овозда олиш ниятида, эс-хушини йўкотиб, антивакциначи бўлди ва бутун шаҳар аҳолисини энг даҳшатли касалга мубтало қилишдан ҳам тоймади бу социалист”, деб айблай бошладилар мени. Бу айловлар ичига факат биттаси – мени антивакциначи деганлари юрагимга ништар бўлиб санчилганди.

Денчестерга кўчиб келган кунимдан бошлаб менинг ашаддий душманим бўлган, энди эса сэр Томас Колфорднинг асосий ишончли вакили ҳисобланган сэр Жон Белл минбарга чиқиб, йиғилган сайловчиларга муружаат киларкан, “Ўзининг ҳамкасларини шарманда қилган бу одамга сиёсий манфаатингизни асло ишониб топширманглар”, деган маънода нутк сўзлади.

Бу нутқ, худди ўйлаганимдай, тингловчиларга катта таъсир кўрсатди ва мен ҳалитдан, энди ютқаздим, деб ўйлашим мумкин эди, яна шуниси ҳам борки, кейинги ўйларда биронта ҳам радикал ўз номзодини сайловга кўйиб, парламент аъзоси бўлиш ҳукуқини консерваторлардан тортиб олишга ҳаракат қилмаган эди. Лекин кўп заводларда ишловчилар ёки пойабзалларни улгуржи тарзда тайёрловчи косиблар, яъни ўзларини социалистлар деб ўйловчи ишчилардан ташкил топган сайловчилар Денчестерда беҳисоб эди. Ҳар куни эртадан кечгача заводнинг ҳавоси бузук дим хоналарида ишлаб, кечалари шаҳар чеккасидаги ҳароба баракларда паноҳ топувчи бу одамлар жамиятнинг олий табака қишиларидан каттиқ нафратланишар ва турган гапки, улар, “Сизларнинг қисматингизни биз енгиллаштирамиз” деб ваъда қилган ҳар қандай одам учун овоз беришга рози бўлардилар, албатта.

Бу гурухдаги сайловчилардан ташкари яна бир гуруҳ сайловчилар бор эдики, улар факат бир пайтлар ўз оталари ва боболари радикаллар партияси тарафдори бўлганлари учунгина, ўзлари ҳам шу радикаллар учун овоз бермокчи эдилар. Кейин, яна шу пайтгача консерваторлар партиясида бўлган, аммо хокимиятнинг ташки сиёсатига ёки бошка сабабларга кўра норозилик билдириб, радикаллар томонига ўтишга аҳд қилганлар ҳам бор эди. Булардан ташкари яна ҳар турли аҳмокона “ғоя”лар тарафдорлари ҳам бор эдики, улардан ҳам сайлов пайтида бир нечта овоз ундириш мумкин эди.

Бу одамлар тоифасида яна итларнинг тумшуғига бурундиқ қийдиришга қаршилик кўрсатувчилар уюшмаси аъзолари, ишловчи отларга ҳомийлик

¹ Англияда 0,4047 гектара тенг майдон ўлчови

қилувчи жамият аъзолари, мутлақо ичклик ичмайдиган хушёрлар жамиятининг аъзолари, хаттоги гўдак болаларга тиббий ёрдам кўрсатишга қаршилар жамиятининг аъзолари ҳам бор эди.

Агар мен ўз нуткимда ана шу эс-хушидан озган васвос одамларнинг талаб ва хохишларини маъқулласам, бор-йўғи йигирма-ўттизтacha овоз олишим мумкин эди. Лекин бу ерда ўзларини антивакциначилар деб хисобловчи одамлар юзтадан ҳам кўпроқ эди, демак, шу кейинги йилларда туғилган болаларнинг 20 фоизидан ортиқроғи ҳали эмланмаган эди. Шаҳардаги ҳалқ саломатлигига васийлик қилувчи хайрия идоралари бир неча вактдан бери ўз фаолиятларини деярли тўхтатиб кўйган эдилар. Лекин парламентга янги номзод сайлаш пайти якинлашганида, шахар шифокорлари бошкармасининг талабига кўра, ўз болаларини чечакка қарши эмлатишдан бош товлаган шахсларни таъкиб қилиш, уларга жарима соилиш ва турли хил жазога тортиш бошландик, бу нарса ахоли газабини жунбишга келтирди, оқибатда антивакциначилар тарафдорлари кун сайн ортиб бораверди.

Денчестердаги антивакциначиларнинг кўпчилиги радикаллар эди, яна шу билан бирга, консерваторлар ичida ҳам бир неча юз антивакциначилар бор эди. Кошкйди, мен шуларни ҳам ўзимга оғдира олсан, ана унда радикаллар ғалаба қозонган бўлардилар!

Шу биринчи митинг пайтида сэр Колфорд нуткини сўзлаб бўлгач, антивакциначиларнинг бир вакили ўрнидан туриб унга савол берди:

— Айтинг-чи, сэр Колфорд, сиз чечакка қарши мажбурий эмлаш хақидаги қонунни бекор қилишни амалга ошира оласизми?

Унутмаслик керакки, шу митингнинг ўзида ҳозиргина сэр Жон Белл мени антивакциначиларнинг ашаддий ҳомийси деб қоралаган ва бу гапи билан ўзи химоя килаётган номзодни ночор ахволга солиб кўйган эдики, энди сэр Томас, мен эмлаш жараённига онгли ва асосли тарзда қаршилик кўрсатаётганларни озод қилиш тарафдориман, дея олди факат, аммо берилган саволга аниқ бир жавоб айта олмади.

Кейин шу саволни менга бердилар. Мен бу имтиёздан фойдаланиб катта нутк сўзладим. Гулдурос карсаклар билан кабул қилинган бу нуткимда мен оналарга юракни эзувчи энг таъсири сўзлар билан мурожаат килдим ва кўпчилик аёллар хўнг-хўнг йиглашди, мен шу аёлларнинг эрларига юzlаниб дедим:

— Сизлар Англияning озод фарзандларисиз, демакки, сизлар зулмистибодга қарши курашишингиз, оталик ҳукуқингизни химоя қилиб исён кўтаришингиз керак ва агарда мени парламентга сайласангизлар, ана шундагина мен сизларнинг мажбурий тарзда зўрлаб операция қилинаётган ва бунинг оқибатида энг мудхиш дардларга мубтало бўлаётган бегуноҳ болачаларингизни химоя қила оламан!

Мен бу кейинги сўзларимни барадла ҳайкириб гапирдим ва бориб жойимга ўтирдим; шунда жамики сайловчилар – улар залда 2000 кишидан ортиқроқ эди, – ўринларидан туриб кетишиб, гапимни маъқуллаб, мени табриклай бошлашди ва: “Биз сизни албатта парламентга депутат қилиб сайлаймиз! Биз эркин ҳалқмиз, ҳеч ким ҳеч качон бизни зўрлаб хоҳламаган ишимизни килдира олмайди!” – деб кичкира бошлашди.

Мен митингда тилга олинган бошқа ҳамма масалаларни четта йиғишириб кўйиб, ўз нуткимни факат антивакцинация масаласига

багишиладим. Кейин чечак эмлашнинг зарари, золимона эмлаш оқибатида гўдак болаларнинг ўлаётгани, содда одамларни лакиллатувчи тарғиботлар ва хоказолар ҳакидаги рисола-ю маколаларни сайловчиларга тарқатиб чиқдиқ. Бу ишимиз чечак эмлашдан азоб чеккан одамларнинг тасвиirlари билан бойитилди, биз яна сифати паст лимфа билан эмлаш ёки бемор олдига исқирт ҳолда якинлашиш натижасида каттиқ азоб чеккан болаларнинг фото суратларини ҳам одамларга тарқатдиқ, бундай суратларни биз оммавий йигинларда, кироатхоналарда, шунингдек, кўпроқ камбағал одамлар йигиладиган портерхоналарда ва қовоқхоналарда, худди тумандаги олингандек хира тасвирида намойиш қилдиқ.

Бу ишларимиз оломонга қанчалик зўр таъсир килганини ҳатто тасаввур ҳам килиш кийин. Онда-сонда тасодифан содир бўладиган бу хатарли воқеалар тасвирини кўрган оми одамлар чечакнинг нақадар мудхиш дард эканлиги, унинг ҳайратомуз юкумли экани ҳакида ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаганларидан, “Докторлар факат ўз фойдаларини кўзлаб, бутун ахолини заҳарлаб ўлдиришмокчи” деган хаёлга астойдил ишонган эдилар.

Шахардаги зиёли табака аҳлиниң ҳаммаси менга қарши тиш кайрай бошлади. Ушбу ишга шахсан қотишув максадида лордлар палатасидан палата аъзоси – машҳур нотик келди. У жуда чиройли нутқ сўзлади. Лекин мени ҳайрон қолдирган нарса шу бўлди, нотик бу ерга, аслида, антивакцинацияни тарғиб қилишга қаршилик кўрсатгани келган бўлса ҳам, бу масалага факат гап орасида салгина тўхталиб ўтди-да, қолган барча масалалар тўғрисида тўлиб-тошиб гапиаркан, асосан “галдаги масалалар” ҳакида кўпроқ сўзлади.

Бир йилдан кейин мен бу машҳур воизнинг нутқини эшитиш бахтига яна мусассар бўлдим – лекин унинг бу галги нутки бутунлай бошқача бўлди: у ўз нуткида антивакциначиларни таъкиб килувчи маъмурият аъзоларига насиҳатомуз танбех берди, антивакциначилар талабини кондириш ва ўз болаларини чечакка қарши эмлатишни истамаган оталар ҳамда васийларни турли усувлар билан таъкиб қилиш ва уларга жарима солишини бекор қилиш ҳакида билл¹ чиқаришни жамоа палатасидан талаб килмоқчи эканини айтди.

Унинг парламентга қилган бу мурожаати амалга оши; билл бир кадар ўзгарган ҳолда қабул қилинди ва унинг ҳосилини мен йигирма йилдан кейин ўз кўзим билан кўрдим...

Мана, ниҳоят сайлов бўлиб ўтди. Эрталаб соат саккизда барча сайлов қутилари муҳрланиб, шахар ратушасига юборилди, у ерда лорд-мэр, депутатликка номзодлар ва ўзга мансабдор шахслар назоратида овозлар санаб чиқилиши лозим эди. Мана, қутилар бирин-кетин очилиб, сайлов бюллitenлари алоҳида-алоҳида икки тўпга, яъни Колфорд ҳамда Тернга овоз берган бюллetenлар тўпига тахланга бошлади. Соат тўққиз яrimда овозларни санай бошладилар. Ҳозирча, маълум бўлишича, консерваторлар номзоди радикаллар номзодига берилган овозларга қараганда 35 овоз кўпроқ олибди. Лекин мана, охирги энг катта қутининг муҳри бузилди. Сэр Колфорд ва мен ўз вакилларимиз билан каттакон столнинг икки томонида сайлов натижасини кутиб, эҳтиром ила сукут саклаб турардик.

– Рақамлар қандай? – деб сўради консерваторлар вакили.

¹ Билл – Англияда парламентнинг қонун чиқарувчи органи эътиборига ҳавола қилинувчи қонун лойиҳаси.

– Колфордга – 4349 овоз, Тернга – 4327 та, ҳали саналмаган икки түп бүллетеңбай! –

Вакыл таскин топиб енгил тин олди ва сэр Томасни табриклаш мақсадида унинг кўлини сиқди – зеро, у ўз партиясининг ғолиб чиқишига қатъий ишонган эди.

– Биз бу ўйинда ютказдик, шекилли, – деб пичирладим мен Стефан Стронгнинг кулоғига. Қарасам, унинг юзидан, худди мурданикидек, кон кочган, лаблари кўкариб кетган эди. Мен унинг дардчил юрагидан хавотирлана бошладим.

– Мистер Стронг, дедим унга, – сиз ҳозироқ уйингизга бориб, биронта уйқу дорисини ичишингиз ва ўрнингизга ётиб ухлашга ҳаракат килишингиз керак.

Бу орада бүллетеңлар кутиси очилиб, овозларни санаш давом этди: биринчи овоз мени, кейин кетма-кет тўққизта овоз Колфордни сайлаган эди. Ана шунда номзод масаласи ўз аҳамиятини тамомила йўқотиб кўйди, чунки энди натижа ҳаммага ойдин эди. Табрикловчи ва таассуф киувчи пичир-пичирлар эшитила бошлади. Овозларни ҳисобловчи мансабдор ҳамон санарди. Менинг сайловда ютиб чиқишим учун колган киркта бүллетеңдан йигирма иккитаси менга овоз бериши керак эди, лекин бундай бўлиши хеч ҳам мумкин эмасдек туйиларди.

Мансабдор бүллетеңларни энди овоз чиқариб санай бошлади:

– Ўнта овоз Тернга, битта овоз Колфордга, олти, ўн, ўн беш овоз Тернга. Fўнгир-ғўнгир овозлар жим бўлиб қолди; ҳамма санокни тинглай бошлади – ҳамма натижа қандай бўлишини дикқат билан кутарди. Энди факат ўн тўртта бүллетең колган эди ва ракибимдан устун чиқишим учун шулардан ўн битта овоз менини бўлиши керак эди.

– Ўн олти, ўн саккиз, йигирма овоз Тернга, – деб санашда давом этди мансабдор ҳисобловчи, одамлар эса натижани астойдил берилди кутардилар.

Агар яна иккита овоз менга берилса, сэр Томас Колфордни маррага етказмай орқада қолдираман... Ҳамманинг кўзи ҳисобчининг кўлига қадалган эди; унинг ўнг ва чап кўли ёнидаги бүллетеңлар тўпи – ўнгда Колфордга овоз берган, чапда менга овоз берган бүллетеңлар, – тобора ўсib бораради.

– Йигирма бир Тернга, – деб давом этди ҳисобчи, – йигирма икки.

Ва бу бүллетең ҳам чапдаги тўп устига кўйилди.

– Азбаройи худо, сиз ютдингиз уни! – деди Стефан Стронг.

Яна еттита бүллетең колган эди.

– Йигирма уч, йигирма тўрт, йигирма беш – Тернга! – деди мансабдор.

– Йигирма олти, йигирма етти, йигирма саккиз, йигирма тўккиз – Тернга. Ҳаммаси Тернга овоз берган.

Шу маҳал Стронгнинг кекирдагидан ғайриинсоний бир хиркироқ отилиб чиқди.

– Биз ютдик! Балли, антивакциначилар! – шундай деб Стронг бирдан хушидан кетди ва чалқанчасига кулади.

Мен унинг тепасига энгашиб, кўйлаги ёқасини чок килдим. Айни шу пайт консерваторлар вакили сэр Томас Колфорд номидан бүллетеңларни бошқатдан санаб чиқишини талаб килди.

Бу кайта санашда мен иштирок этмадим, чунки энди мен яна бошқа бир доктор билан биргаликда зал ёнидаги кичик хоналардан бирида Стефан Стронгни хушига келтириш билан банд эдик.

Биз дархол Стронгнинг хотинини чакиртириб келдик. Миссис Стронг хонага кириб, олдин бехуш ётган эрига, сўнгра менга савол маъносида қаради.

– Ҳали нафас оляпти, – дедим мен.

Бу бир бурдагина ожиза аёл сукутга толиб, шу ерда турган бир стулнинг лабига омонатгина чўкди ва худди ибодат килаётгандай қўлларини қовуштириб, эшитилар-эшитилмас паст овозда мутеона деди:

– Худонинг хохиш-иродаси бўлса, менинг суюкли Стефаним яшайди, агар худо ихтиёр қилмаса, у ўлади!

Бу жумлани у то эрининг жони узилгунча ўқтин-ўқтин яна ўша мутеона оҳангда такрорлаб ўтириди.

Орадан икки соат вакт ўтганида кимдир эшикни тақиллатди.

– Кетинг! – деб қичқирдим мен.

Лекин тақиллатган одам кетишни хоҳламади ва мен эшикни очишига мажбур бўлдим. Келган менинг вакилим экан. У ҳаяжонланган овозда пи-чирлаб деди:

– Бюллетенлар мутлако тўғри ҳисобланган, сизда еттита овоз ортик.

– Яхши, – дедим мен, – айтинг, яна спирт олиб келишсин бизга!

Стефан Стронг кўзини очди, айни шу маҳал майдонга тўпланиб сайлов натижасини кутаётган оломоннинг тантанавор қийқириги эшитилди. Бу доимий одатга кўра, ратуша балконида туриб ҳалқка сайлов натижасини эълон килаётган лорд-мэрни кутлаётган одамларнинг қийқириги эди.

Ўлим тўшагида ётган Стронг нигоҳини менга қаратди: у энди гапира олмасди. Мен унга кўпчилик овоз билан депутатликка сайланганимни тушунтироқчи бўлдим, лекин у мени тушунмади. Шунда миямга бир баҳтли фикр келди шу ерда, полда консерваторларнинг кўкракка тақадиган ҳаворанг лентаси ётган эди, мен уни қўлимга олдим, кейин ўзимнинг кўкрагимга тақилган радикалларнинг тўқ-сариқ рангли лентасини счдим-да, икки лентани икки қўлимда ушлаб, жон таслим қилаётган Стронгнинг кўзи олдида радикаллар лентасини баланд кўтардим, консерваторларнинг ҳаворанг лентасини эса ерга отиб юбордим.

Бу харакатимни у тушунди. Унинг хиёлгина табассум оралаган чехраси бир зумга ўзгарди ва ўлими олдидан охирги бор кучини йигиб эшитилар-эшитилмас пи-чирлади:

– Балли, антивакциначилар!

Кейин у кўзини юмди, назаримда у ўлгандек бўлиб кўринди.

Лекин салдан сўнг у яна кўзини очди ва менга, кейин хотинига тикилиб қааркан, бошини сезилар-сезилмас астагина қимирлатиб қўйди. Мен бундай тикилиб қаарашнинг маънисига тушунмадим, аммо хотини, тушунди шекилли, шоша-пиша жавоб килди:

– Хотиржам бўл, Стефан, сени тушундим.

Яна бир дақиқадан сўнг унинг жони узилди.

XIII БОБ

Юксак мартаба ва пул

Кўркканга қўша қўринар, деганларидек, менинг парламентта депутат бўлиб сайланишим хукумат маъмурлари кўзига огоҳлантирувчи ни-

шон бўлиб кўринди. Газеталар юрак олдириб кўйган консерваторларни вахимага солиб, “замонавий ҳодисалар”, “радикаллар фалабаси”, “антивакциначилар кудрати ва аҳамияти” ҳакида очик ва дангал ёза бошладилар.

Мен аста-секин ишга киришиб, антивакцинация масаласини муҳокама қилиш учун маҳсус комиссия тузилишини талаб қилдим ва бу талашибам амалга ошди, натижада чечакка қарши мажбурий эмлаш ҳақидаги қонунни бекор қилиш тўғрисида тузилган билл парламент муҳокамасига кўйилди.

Бу билл олдин доимий кўмитага жўнатилди ва ундан кейин парламент муҳокамасига ҳавола қилинди. У ерда билл ҳакида кизғин мунозара бошланди. Ҳатто палата президенти ҳам бу масала юзасидан ғоят дабдабали нутқ сўзлади. Баски, бу ҳақда гап очган эканмиз, шу ўринда антика бир фактни эслаб ўтишимиз лозим: ўша пайтда жамоа палатасидаги ҳар юзта одамдан тўқсон тўккизтаси чечак эмлашнинг нақадар зарурий амал эканлигига қатъий ишонган бўлсалар ҳам, биронталари бу биллга қарши норозилик билдирамди. Тахминимча, Денчестерда бу борада килинган ишлар уларга сабоб бўлиб ўз самарасини кўрсатган эди, шунга кўра, уларнинг маслаклари ва нуқтаи назарлари бу масала хусусида қандай бўлишига қарамай, агар улар биллга қарши эътиroz билдиргудек бўлсалар, бундан кейинги сайловда сайловчилар овозининг ярмидан маҳрум бўлишларини кўз олдиларига келтирган эдилар. Ўша билл лордлар палатасида ҳам муҳокамадан ўтди ва уни парламент акти деб эълон килдилар.

Ҳокимият мажбуран амалга оширилаётган вакцинация (чечакка қарши эмлаш)нинг ғоятда зарурий вазифа эканлигига қатъий ишонган бўлса ҳам, шунга қарамай, ўз болаларини энг даҳшатли касалга ва ҳаттоқи ўлимга олиб борувчи хавф-хатарга рўпара килиш ҳуқуқини бидъят удумларга ишонган оталар ва оналарнинг ўзига ҳавола қилди.

Энди менинг мавқеим кўп йиллар давомида мунтазам равишда, ҳар жабхада эришган ютукларим ва омадларим билан биргаликда тобора равнак топаверди. Мартабамнинг улуғлиги ва эл хурматига сазовор бўлган зот эканлигим, кўп маблағ сарфлашга мажбур этарди мени.

Турган гапки, тиббий амалиёт билан шугулланишим учун энди менда вакт ҳам, имконият ҳам йўқ эди. Ҳамонки, шунча йилдан бери муттасил парламент аъзоси бўлиб ишлаб келаётган эканман, бунинг ҳаммаси марҳум дўстим Стефан Стронгнинг саховати туфайли бўлаётган эди.

Стронгнинг, одамлар ўйлаганидан ҳам бадавлатроқ эканлиги факат у ўлганидан кейингина маълум бўлди. У дўконлар, мол сакланадиган омборлар, анча-мунча уйлар, катта-катта экинзорлардан иборат беҳисоб кўчмас мулкдан ташкари яна 190 000 фунт нақд пул қолдириб кетибди. Банкка менинг номимга кўйилган 10 000 фунт пулни хисобламаганда, қолган барча пул ва кўчмас мулклар факат хотинига мерос қилиб қолдирилган ва миссис Стронг бу меросга ўз ихтиёрига кўра эгалик қилиши мумкин эди.

Буни мен марҳум дўстимни дағн этиб келаётганимизда миссис Стронгнинг ўз оғзидан эшитгандим.

– Менинг кадрли Стефаним факат 10 000 фунт қолдириби сизга, доктор, – деди у бошини хиёл чайкаб, – ишончим комилки, агар худо шўрлик Стефанинг умрини зиёда килганида, у сизга янада каттароқ саховат кўрсатган бўларди. Биламан, эрим сизни жуда хурмат қилар, қадрларди, сиз ҳам унинг раъиига бориб, бутун ҳаётингизни Стефанимнинг суюкли

партиясига хизмат қилишга бағишилдингиз, шунинг учун ҳам, аминманки, сизга моддий ёрдам күрсатиб туришни эрим менга колдириб кетган бўлса керак. Агар ўлмаганида ўзи ҳам шундай килган бўларди. У жони узилаётганида менга тикилиб қараганида айнан шу гапни айтмоқчи бўлган. Мен буни ўшандаёқ унинг кўзларидан ўқиб тушунган эдим. Шунинг учун, доктор, имконим бор экан, сиз ҳеч қачон ҳеч нимага муҳтож бўймайсиз. Парламент аъзоси оддий бир кимса эмаслигини, ўз мавкеига биноан кун кечириши лозимлигини ва бунинг учун унга кўп пул кепрек бўлишини мен жуда яхши тушунаман. Ўйлайманки, агар ўзимнинг шахсий харажатларимни 500 фунт билан чекласам ва яна 1 000 фунтни антивакциначилар фондига ҳамда итлар тумшуғига бурундиқ тақишига каршилик кўрсатувчи жамиятга, яна бундан ташкари, исроилийларнинг йўқолиб кетган ўнинчи насабини қидирувчи жамиятга ажратсан, шунда сизга яна йилига 1 200 фунт бериб туришим учун имконим бўлади.

— Йўқ, кечирасиз, миссис Стронг, сизнинг ёрдамингиздан умид қилишга ҳеч кандай ҳаққим йўқ.

— Доктор, мен факат қимматли эрим Стефанинг хошишини бажариб, худо унга ато этган пул билан сизни таъминламоқчиманки, эҳтимол, бу пулларни худо чечак эмлаш масаласида хукуматнинг бечора ота ва она-ларга қарши олиб бораётган кийноқ ва зулмларига барҳам бера оладиган сиздек истеъоддли шахсни таъминлаш учун юборгандир эримга.

Мен унга ортиқ эътиroz билдирамидим ва шу вақтдан бошлаб йилига икки марта – биринчи январь ва биринчи июль кунлари миссис Стронгдан у тайинлаган пулни мунтазам равиша олиб турдим.

Лекин вақт ўтиши билан мени вахима боса бошлади, зеро, миссис Стронг энди аста-аста ақлдан оза бошлаган, таниш одамларни танимай кўйган, энг оддий гапларни айтишда ҳам довдирай бошлаган эди, иш масаласида-ку, ҳеч нимани тушунмасди. Менинг палата аъзоси бўлиб яшаётган даврим тугаш арафасида эди – ҳозирча менга ишониб пул қарз берадиган эдилар ва ҳозирча депутатлик пайтимда орттирган уй жихозларини гаровга кўйишда давом этардим. Мен бу муҳтожликка факат бир ярим йил зўрға чидадим. Лекин пулдан сикилиб колганим тез орада ҳаммага аён бўлди ва мен билан энди қадрдан дўстлардек эмас, совуққина кўришадиган бўлдилар, чунки Англияда камбағал одамлар ҳеч қачон иззат-хурмат қозонмаганлар. Нихоят мен жуда оғир ва ночор ахволга тушиб колдим. Бир пайтлар Колфорд билан судлашиб, суд залидан уйимга кайтиб келганимда, ционид кислота куйилган рюмка қаршисида ўтирган вактимдан буён ҳеч қачон ҳозиргидек руҳий изтиробга тушиб эсанкираб колмаган эдим. Бу ҳам етмагандай, энди ёшим ўтиб қолган ва ҳаётимни бошқатдан бошлашга курбим етмасди, ҳаммадан ҳам кўпроқ, ўзим билан қизимни қандай боқишини билмай бошим котарди ва менга ёрдам қила оладиган биронта ҳам кўли очик танишим йўқ эди.

Мен кун бўйи шаҳар кўчаларида ҳолдан тойиб, ғамга ботиб сандироқлаб юриб, кечқурун уйимга қайтдим. Даҳлизга кириб столчада ётган телеграммани кўрдим ва кабинетим томон юарканман, уни бепарво кайфијатда очдим. Денчестернинг энг йирик адвокатидан келган бу телеграмма да шундай сўзлар ёзилган эди:

“Мижозимиз миссис Стронг бугун кундуз соат учда тўсатдан қазо килди. Сиз билан албатта учрашишим зарур. Эртага Денчестерга кела

оласизми? Кела олмасангиз сизни Лондонда қачон ва қаерда кутиб олишмиз мүмкін?”

“Мени Лондонда кутиб олишмоқчи?”, – деб күнглимандан ўтказдим. Кимсан, шундай йирик фирманинг етакчи вакили мен учун ҳам, ўзи учун ҳам ниҳоятда муҳим бўлган ва иккимизни ҳам хушнуд қиладиган гап айтмоқчи бўлмаганида мен билан учрашиш учун Лондонга келиб овора бўлармиди? Балки миссис Стронг менга бирозгина пул мерос килиб колдиргандир ё бўлмаса, ким билсин, эҳтимол, мени ўзининг ёлғиз меросхўри этиб тайинлагандир. Илгари ҳам бир неча марта энг оғир ва мушкул аҳволга тушган пайтларимда ҳар гал, кутилмаганда, баҳт кулиб боккан эди менга.

Дарҳол жавоб телеграммаси юбордим:

“Соат 8.30 да Денчестерда бўламан”.

Кўчага югуриб чикиб, биринчи учраган извошга ўтирдиму вокзалга жўнадим; айни вақтида келган эканман – Денчестер поезди жўнай деб турган экан. Ёнимдаги бор пулимни сарфлаб факат учинчи класс вагонига патта ололдим. Гарчи тезюарар поездда кетаётган бўлсан ҳам, йўл назаримда жуда узқ ва ҳали-бери тугамайдигандек бўлиб туйилди менга. Мана ниҳоят Денчестер вокзалининг платформаси. “Агар ишончли вакил менга муҳим бир гапни айтадиган бўлса, ўз ходимларидан биронтасини мени карши олгани юборган бўлиши мүмкін, борди-ю бу тамомилағайриоддий бир хабар бўлса, унда ўзи келган вокзалга”, – деб ўйладим мен.

Поезд бекатга этиб келди ва ёмғирдан хўл бўлган платформа ёнидан имиллаб ўтиб тўхтади, шунда мен кўнгилни фаш қилувчи нохуш манзарани кўришни сал бўлса-да, кейинрокка суриш учун кўзимни юмиб олдим. Кейин кўзимни очиб вагон деразасидан ташкарига караганимда, даставвал кўрганим шахс модали палтосининг мўйна ёқасидан менга мағурона жилмайиб караб турган икки юзи анордек кизарган фирма бошлигининг ўзи эди. Ҳаяжонланганимдан тиззаларим қалтираб сал бўлмаса йиқилиб тушай дедим. Адвокат мени кўрди ва қарши олгани пешвуз кела бошлади. Унинг кўзлари чақнаган, жуда салобатли кўринарди.

– Мухтарам сэр, – деб гап бошлади у, – телеграммаси сизни безовта қилмагандир, деб умид қиласман! Лекин сизга билдиримоқчи бўлганим янгилик шу қадар кимматлики, уни ўзингизга имкон борича тезрок етказишни лозим кўрдим.

– Кечирим сўраш учун асло уринтирунг ўзингизни. Лекин марҳамат килиб айтинг-чи, бечора дўстимнинг хотини ўлгани ҳақидаги қайгули хабардан бошқа яна қандай янгиликни айтмоқчисиз менга?

– О, мухтарам сэр, – дея жавоб килди адвокат, – раҳматли миссис Стронг бу гапни сиздан сир тутишни қатъий талаб қилган эди, лекин ўзингиз эшитган бўлишингиз керак!

– Мен хеч нима билмайман, – деб унинг сўзини бўлдим.

– Ундай бўлса, сизга кўнглингизни кувонтирувчи баҳти янгиликни билдириш менга насиб этганидан ўзимни ғоят баҳтиёр хисоблайман! – деб шоша-пиша гапира бошлади севинчдан оғзи кулоғида бўлган адвокат.

– Мархума мижозим миссис Стронгнинг васиятини бажарувчи сифатида, сизга бу кувончли хабарни биринчи бўлиб етказиш шарафига мусассаман: сизни у ўзининг ягона вориси этиб тайинлаган.

Мен сал бўлмаса хушимдан кетиб йикилаёздим.

— Меросим раками тахминан қанча эканини айта оласизми? — деб сўрадим хушимни йигиб олганимдан кейин.

— Ҳозирча анигини айтольмайман, лекин ўзингиз ҳам билардингиз – мархума жуда тежамкор аёл эди. Банкдаги капитал эса муттасил ошиб бораверади. О, у пуллар доим ошгани-ошган! Менинг тахминимча сизга қолган пул 400 000 фунт атрофида бўлиши керак.

— Наҳотки? Ахир мархуманинг эси оғиб телба бўлиб колган эди-ку, қандай килиб васиятнома ёза олдийкин?

— Қимматли сэр, васиятномани у эри ўлган кунларда ёзган эди. Лекин бир кун келиб сиз учун ҳеч кутилмаган хушхабар бўлсин, деб буни ҳозирча сиздан сир тутишни қатъий талаб қилган эди мендан.

IX БОБ

Женни доктор Мерчисон билан учрашади

Менинг ворислик хукукимни ҳеч ким талашмади, мархума миссис Стронгнинг кариндошлари ё яқин танишлари бўлмагани сабабли, васиятномага эътироz билдирувчилар топилмади. Менинг ниҳоятда йирик меросга эга бўлганим ҳақидаги хабар тезда бутун элга овоза бўлди ва энди нафакат Денчестерда, ҳатто Лондонда ҳам шон-шуҳратим ошиб, яна обрў қозона бошладим.

Мен серҳашам бир уй сотиб олдим ва гарра-шарра пул сарфлаб дабдабали зиёфатлар бера бошладим, жамиятнинг энг сара кишилари бу зиёфатларда иштирок этишни ўzlари учун энг юксак баҳт деб хисоблардилар. Навниҳол уй бекаси – Женнининг оқилалиги, мафтункорона хусни ва фазилати, шу билан бирга, унинг бой келинлиги ҳам жуда кўп таниш йигитларни худди оҳанрабодек жалб киларди менинг хонадонимга. Ошик йигитларнинг сон-саноғи йўқ эди; бир киш мавсумида кизимга учта жойдан совчи келди, лекин Женни учала совчига ҳам рад жавобини берди. Олдинги икки совчига “йўқ” деб жавоб берганида мен индамадим, лекин охириги, учинчи совчини ҳам рад этгани менин каттиқ хафа килди ва мен чида бура олмай, хафа бўлганимни кизимнинг юзига айтдим.

У гапимни охиригача эшитди ва хотиржам кайфиятда деди:

— Сизни хафа килиб кўйганимдан таассуфдаман. Лекин мен ҳатто сизни деб ҳам, кўнглимга ёқмаган одамга турмушга чикмайман.

— Ундей бўлса, Женни, – дедим мен, – агар бирон йигит кўнглингга ёкса, менинг розилигимни олмай туриб, унга ҳеч нима ваъда қилма.

У бир дақиқача иккиланиб жим турди, сўнг деди:

— Қимматли отажоним, ҳамонки мен кўнглимга ёқадиган ва менга эр бўладиган биронта одамни учратмаган эканман, бу ҳақда гап очишдан нима маъни бор? Лекин сиз шуни хоҳларкансиз, сўз бериб айтаманки, агар мен кўнглимга ёқадиган одамни учратсан-у аммо сиз уни, қандайдир сабабларга кўра, куёв килишни хоҳламасангиз, у йигитга мен уч йилгача катъий бир жавоб бермайман. – Аммо, деб илова килди Женни, – ишончим комилки, мен танлаган йигит граф ҳам, пэр ҳам бўлмайди.

— Женни, қандай тилинг борди бу гапни айтишга!

– Нега ҳайрон бўляпсиз, ота? Илгари мен сизнинг халқ йиғинларида сўзлаган нутқларингизни кўп эшитганман; сиз доим: ҳамма одамлар тенгдурлар, лекин ишчилар барчадан аълороқдир, зоро, бу “мехнат фарзандлари” юртимиздаги ҳар қандай қизга уйланишга ҳаклидирлар, дер эдингиз.

– Мен буни кўп йилдан бери айтмай кўйганман, – дедим бироз ранжиб.

– Ҳа, ота, миссис Стронг ўлиб, ҳамма бойлигига сизни меросхўр килиб қолдиргандан кейин ва қаёқдаги лордлар ва ледилар уйимизнинг азиз меҳмонлари бўла бошлаганларидан бери айтмай кўйдингиз бу гапларни. Шундай эмасми, ота? – деди-да у хонадан чиқиб кетди.

Ҳар йили август ойида парламент мажлислари тўхтатилади ва парламент аъзолари таътилга чиқадилар; мен ҳам бу пайтда қизим билан Денчестер яқинидаги ер-мулкимга кўчиб ўтдим. Бу мулкимда жуда катта бир боғ бўлиб, унинг ўртасида қадимий усуlda курилган чиройли уй қад кўтарган эди, боғнинг теварак-атрофи эса ажойиб ов маскани сифатида довруқ қозонган хушманзара жой эди.

Бу мулкимнинг бир чеккасида қашшок ишчилар яшайдиган ғарибона катта даҳа бўлиб, унинг бир қисми ҳатто менинг ерим худудига ҳам ёриб кирган эди. Женни менга ҳеч тинчлик бермай, ҳол-жонимга кўймай, ҳадеб талаб қилаверганидан кейин, унинг кўнглига караб, шу қашшок ишчилар учун электр ва водопровод билан таъминланган ўттизистча коттеж қуриб бердим, лекин бу ишим мутлақо бефойда бўлди: ишчилар ҳали ҳам ўзларининг ҳароба кулбаларida яшашар, янги курилган коттежларни эса, клерклар, хизматчилар, кичик амалдорларга, арзимаган ҳақ эвазига ижарага беришар эди.

Бир куни Женни бизнинг намунали коттежимиздан бирига кўчиб келган Смис фамилияли оиланикига борганида, фалокат босиб, мазкур даҳада хизмат қилувчи ва шу боис бутун даҳадаги қасалларни бокувчи ўттиз ёшлилардаги доктор Мерчисон билан танишган. Эрнест Мерчисон юз бичими мардона, чақмоқдек ёркин йирик-йирик қора кўзлари чуқур ботган, яғриндор ва мушакдор шотландиялик йигит бўлиб, камгап, тўғрисўз ва муомалада бироз кўрсрок йигит эди. Лекин доктор сифатида яхши обрў қозонган, ўз қасбини чуқур ўрганган ва жуда қадрлар эди, бундан ташқари, у бутун Денчестерда энг яхши доктор хисобланарди. Қизим ана шу йигитни ёқтириб колибди, Лондоннинг олий табакага мансуб барно йигитларига кўрсатмаган дил изҳорини шу йигитга очиб, унга кўнгил кўйибди.

Воқеа бундай бўлган эди: намунали курилган коттежларимиздан бирига Смис фамилияли оила кўчиб келган эди. Мистер Смис композитор экан, унинг хотини – қизлик фамилияси Самуэлс бўлган миссис Смис бир вақтлар сифати ёмон лимфа билан эмланиб сарамас бўлган, кейин мен шифо топиб даволаган қизалок эди. Бир жиҳатдан, бу қизалок менинг омадли ва фаровон ҳаёт сари кўйган биринчи қадамим эдики, ҳамиша бу аёлга нисбатан дилимда беихтиёр миннатдорлик туйгусини хис этардим. Смисларнинг иккита боласи – тўрт ёшлардаги қизалок билан саккиз ойлик гўдак ўғилчалари бор эди. Бир кун бу болалар кўййўтал бўлиб колишибди. Шунда Женни уларни кўргани борганида, қизчага бир кути конфет совға килибди.

Худди шу маҳал бу хонадонга доктор Мерчисон кириб келган ва қасал болаларни кўра бошлаганида бирдан қизчанинг каравоти ёнида ётган бир кути ширинликни кўриб колган.

– Бу нима? – деб сўраган у ўшқириб.

– Бу мисс Терннинг Тоттига совғаси, – деган болаларнинг онаси кўзи билан Женнини кўрсатиб.

– Тотти хеч қандай ширинлик емаслиги керак то бутунлай соғайиб кетмагунича.

Доктор болаларни кўздан кечиришда давом этаркан, қизалокнинг кўлчасини очиб кўриб, бош чайкаб кўйган-да, деган:

– Қизингизнинг кўлида эмланганлик белгисини кўрмаяпман! Нима, сиз эмлашнинг соғлиқ учун фойдали эканига ишонмайсизми?

Ана шунда миссис Смис бирдан тутокиб кетиб, эмлаш оқибатида ўзининг бошидан кечган машаккатли дардни хамда укасининг қандай азоб чекиб ўлганини сўзлаб берган ва ўзининг гўштдор кўлини очиб, тирсагидан юкорироқдаги эмланганлик белгисини докторга кўрсатган.

– Ўзим-ку аниқ эслолмайман, лекин докторнинг ойимга айтган гапи эсимда: болаларингизни хеч качон чечакка қарши эмлата кўрманг, деган эди у доктор.

– Доктор! – деди Мерчисон ғазабланиб. – Йўқ, у доктор эмас, овсар одам бўлган, хоним, ха, овсар ёки бир донагина сайлов бюллетени учун жонини сотишга ҳам рози бўлувчи қандайдир сиёсий ташвиқотчи!

Бу гапни эшитган Женни тутокиб кетиб, кўзларида дарғазаб ўт чакнаб, шахт ўрнидан турган.

– Сўзингизни бўлганим учун мени кечирасиз, сэр, – деган у. – Ҳозир сиз ёмонлаб тилга олган жаноб – доктор Терн менинг отам ва у мазкур шахардан сайланган парламент аъзоси!

Доктор Мерчисон кизимга бир оз вакт маҳлиё бўлиб караб турган (Женни, одатда, ғазаб отига минганида, хусни янада латофатлироқ бўлиб кетарди), сўнг асло хижолат тортмай, одмигина жавоб қилган:

– Шунаками? Сиёсат мени кизиктирмайди, шу боис бундан бехабар эдим.

Бу гап энди тамомила Женнининг қонини кайнатиб юборган ва у ўз тилига эрк беришдан кўркиб, орқасига ўгирилган-да хонадан чикиб кетган. У уй олдидаги гулзордан ўтиб, энди кўча эшикни очмокчи бўлганида, шаҳдам юриб келаётган эркак кишининг оёқ товушини эшитган ва орқасига ўгирилиб, доктор Мерчисон билан юзма-юз тўқнашган.

– Сиздан кечирим сўраш учун орқангиздан шошиб келдим, мисс Терн. Мен, чиндан ҳам билмагандим кимлигингизни ва сизнинг шаъннингизга бир оз таҳқиромуз гап айтиб юбордим, лекин шуни айтишим жоизки, чечак эмлаш масаласида мен ўзимнинг қатъий эътиқодимга амал қиласман, шунинг учун ҳам бу ҳақда бир оз кескинрок гапириб юбордим!

– Бошқа одамлар ҳам ўз эътиқодларига амал қиласидилар, сэр, – деб жавоб қилган унга Женни. – Ҳаттоки сизнидан ҳам қатъийроқ бўлган эътиқодларига.

– Мен буни биламан, – деган доктор, – ҳатто бир кун келиб ўша эътиқоднинг қандай ҳосил беришини ҳам биламан, мисс Терн, буни ўз кўзингиз билан кўрасиз хали, агар унгача тирик бўлсангиз. Ҳозир бу ҳақда баҳслашишимиздан фойда йўқ, албатта. – Сўнг у хайрлашгани шляпасини хиёл кўтарган ва яна бир марта кечирим сўраган-да, каттакатта қадам босиб коттежга кириб кетган.

Женни анча вактгача доктор Мерчисондан аччиғланиб юрди, кейин чукур ўйлаб кўриб, шу карорга келди: “Ахир у келиб мендан узр сўради-

ку, қолаверса, күнгилни ранжитадиган ўша гапни у жаҳолат даъвати билан айтиб юборди, демак, уни кечириш керак”. Сўнг Женни, кечирим сўраш учун олдига келган докторга дилни хушловчи бир оғизигина ширин сўз айтишни унуганини эслади ва бир неча марта тасодифан учрашганларидан кейин, уни уйимизга чойга таклиф килди.

Мен бу машъум ишкӣ романнинг тафсилоти ҳакида тўхталиб ўтирамайман. Доктор Мерчисоннинг қизимга мулозамат қилишига катъяян қарши бўлсан ҳам, тан олиб айтишим керакки, бу йигит сиртдан караганда, анча дагал ва кўпол муомалали бўлиб кўринса ҳам, дили пок, хушмуомала ва ҳаётда диёнатли, адолатли одам эди.

Женнининг бу одам билан муносабати анча жиддий тус ола бошлади.

Ниҳоят доктор қизимга уйланиш нияти борлигини ошкор килди; бир кун эрталаб – хануз эсимда: Рождество бошланган кун эди, икковлари мен ишлаб ўтирган кутубхонага биргалашиб кириб келишди ва бир-бирларини севишларини, шу боис никоҳ ўқитиб, турмуш курмокчи бўлғанларини изхор этишди.

Мерчисон ўз фикрини икки оғиз сўз билан дангал ва мардона баён этиб кўя колди.

– Мен ўзимнинг анча мушкул ахволда эканимни жуда яхши тушуниб турибман, – деди у, – зеро, Женни бой киз, мен эса, факат маошим хисобига кун кечираман, лекин шундай бўлса ҳам, сизнинг ҳар қандай доно талабларингизга сўзсиз итоат этишга ваъда берарканман, бизнинг турмуш куришимизга розилик билдиришингизни илтимос қиласман.

Бу унашув мен учун жуда қаттиқ зарба бўлди.

Мен қизимнинг Англия пэрига турмушга чиқишини орзу қилгандим, аммо унинг кутилмаганда, қаёқдаги қаланғи бир табибга кўнгил кўйгани мени хайрон қолдири. Истиқболимиз порлок бўлади, бўлғуси авлодим аслзода инсонлар оиласида давом этади, деб қилган эзгу ниятларим бирданига буткул барбод бўлганди. Натижада ёлғизигина қизимнинг баҳти ҳаёт сари отланишидан қувониш ўрнига, ғазабим қайнаб, уларнинг турмуш куришларига розилик бермадим. Мен, табиатан, унчалик қизикон, қайсар одам эмасман, лекин бу гал ўзимни тия олмадим ва қизимнинг шу йигитга хотин бўлишига астойдил қаршилик кўрсатдим, ҳатто ёлғизигина қизимни бойлигимга ворис килмай бир чакасиз колдиражагимни ҳам айтдим. Лекин бу таҳдидимга жавобан ёшлар хиёлгина жилмайиб кўйдилар, холос. Ана шунда мен яна бир важ топдим: илгари Женни: “Агар сиз мен кўнгил кўйган одамни бирон бир сабабга кўра ёқтирумасангиз, у одам билан турмуш куришимни уч йил кейинга сураман”, деб менга сўз берган эди. Қизимга шуни эслатдим.

Женни билан унинг қаллиги уч-тўрт оғиз гапни пицирлашиб келишиб олганларидан кейин, мени тамомила ҳайратда қолдириб, бу даҳшатли талабимни бажаришга рози бўлдилар ва бир-бирлари билан уч йилгача дийдор кўришмасликка тайёр эканликларини, лекин бу муддат тугагач, менинг розилигимни олиб, ё ҳатто розилик берилмаган тақдирда ҳам никоҳдан ўтишга ҳақли бўлишларини баён қилдилар. Шундан кейин, менинг кўзим олдида ўпишдилар-да, бир-бирлари билан уч йил муддатга видолашдилар. Улар бирон марта ҳам берган ваъдаларини бузмадилар. Тўғри, факат бир марта, у ҳам тақдир тақазоси билан учрашиб қолишли.

Ғалати одам пайдо бўлди

Қизим билан унинг қаллиғи олдига кўйилган муддатнинг ярми ўтди. Женни билан икковимиз яна Денчестерда яшай бошладик; август ойи эди. Бу йил ёз анча совук бўлди; июль ойида кечкурунлари ҳатто камин ёкишимизга ҳам тўғри келди. Лекин августда ҳаво худди тропик мамлакатларидаги жазира иссик бўлди. Айниқса, кечалари ҳаво ҳаттоки соя-салқин Ашфилд боғида ҳам чидаб бўлмайдиган даражада дим эди.

Шундай оқшомлардан бирида мен бир оз сайд қилгани хиёбондан ташқарига чиқдим ва унинг орқа дарвозаси қаршисида қад кўттарган мактаб биноси олдидағи каттакон хушманзара истироҳат боғига бордим; бу боғ мен ўзимнинг еримдан бир акрини совға қилган жойимда барпо этилган бўлиб, уни ўзимнинг намунали коттежларимда яшаётган фукароларнинг сайд килиб дам олиши ва болаларнинг яйраб ўйнаши учун мўлжаллаган эдим.

Боғнинг қок ўртасида атрофи мармар тошлар билан чиройли қилиб ўралган ҳовуз бўлиб, ундаги фавворадан тинмай шариллаб сув отилиб турар, ҳовузнинг гир айланасига эса одамларнинг роҳатланиб дам олиши учун чўян ўриниклар кўйилган эди; мен шу ўриниклардан бирига бориб ўтиридим ва фавворанинг шовуллашига қулоқ соларканман, ҳовуз ёнидаги майдончада чуғуллашиб ўйнашаётган шўх болаларни мароқланиб кузата бошладим.

Кейин тасодифан бошимни кўтариб, боғнинг нариги тарафидан фаввора сари юриб келаётган бир одамга кўзим тушди. У мен ўтирган ердан ҳали эллик қадамча нарида эди, шу сабабли юз тузилишини аниқ қўра олмадим, лекин унинг бутун ташки қиёфасида қандайдир бир ғалатилик мавжуд эдики, бу менинг диккатимни ўзига тортди.

Турган гапки, у ғарип бир дайди одам эди; уст-боши исқирт ва йиртик; шляпасидаги соябоннинг ярми узилиб тушган; ийифи чиқиб дабдала бўлган этигининг тумшуғидан бармоқлари мўралаб турарди. Бу бегона одам кўзини фавворадан узмаган ҳолда бўйини олдинга чўзиб, аста-аста имиллаб юриб келарди; у қок суяқ ориқ қўлини ўқтин-ўқтин кўтариб, юзи ва бошини чидамсизлик билан қашиб-қашиб кўярди.

“Чанқаган кўринади шўрлик”, – деб ўйладим мен. Ўйим тўғри чиқди: дайди фавворага етиб кела солиб, ҳовуз лабига чўккалади ва ютоқиб-ютоқиб сув ича бошлади. Чанқоғини кондириб бўлгач эса, ҳовуз лабига ўтириди-да, бирдан иккала оёғини этиги билан сувга тиқди. Чамаси, сувдан ҳузур килди шекилли, бир сакраб ҳовузга тушди ва худди каттакон ваннага тушгандай сувга кўмилиб ўтириб олди; энди сув бетида унинг факат чўғдек қизарган юзи билан калласи кўринарди, бошидан тушиб кетган шляпаси сув бетида сузиб юрарди.

Дайди одамнинг бу ғайриоддий қилиғини кўрган болалар кувонишиб унинг устидан кула бошладилар. Улар бир зумда ҳовуз атрофини ўраб олишиб, сувга чўмиб ўтирган одамни масхара қила бошладилар. Негадир шу пайт бирдан хаёлимга пайғамбар Елисей келди; ривоятларда ёзилишича уни болалар мазах килиб, оркасидан қувишган, сўнг ўша болалар энг даҳшатли фалокатларга учраган эканлар.

Тұғри, менинг асабларим бугунги жазира маңынан түфайлы бузилганди. Лекин сувда үтирган дайдининг заиф ва бүгік овозида:

— Мени мазах қылманглар, болалар, устимдан кулманглар, бўлмасам, хозир ҳовуздан чиқаман-да ҳаммаларингни қитиқлай бошлайман, — деган гапини эшишиб, ҳозиргина тасавуримда намоён бўлган қадимий ривоят гўё қайта жонлангандек, таажжубда колдим.

Лекин дайдининг пўписаси болаларни баттар кутиртириб юборди ва энди улар сувда үтирган дайдига майда-майда тошлар, ҳар хил чўпларни ота бошладилар. Олдинига мен ўртага тушиб бу можарога барҳам бермокчи бўлдим, аммо ҳар қандай ғалва-жанжалдан ўзимни четга олишни одат қылганим сабабли, яхшиси, бу ерда тартиб ўрнатгани полисменни чакириб келмокчи бўлиб, полисмен турадиган жойга кетдим. Лекин у жойида йўқ эди, балки у боғнинг нариги чеккасига кетгандир, деб ўша ёққа йўл олдим. Йўлим фаввора ёнидан ўтарди, шунда мен дайдининг ўз сўзи устидан чикканини кўрдим: у ҳовуздан чикиб, худди сувга бўккан итдай силкинди, сўнг хоҳолаб кулганча гоҳ ўнг, гоҳ чап томонга югуриб, болаларни бирма-бир тутиб қитиқлай ва ўпа бошлади. Билдимки, бу одам жинни эди.

У бирдан мени кўриб қолди-ю, бағрига босган болани кўйиб юборди. Бу бола – кичкина қизалок Тотти Смит эди. Кўрқиб кетган болалар ҳар томонга тиракайлаб қочишли, дайди одам бўлса, яна аста-аста имиллаб қадам босганча шаҳар томонга йўл олди. У ёнимдан ўтаётганида менга ўқрайиб каради ва башарасини даҳшатли бир тарзда бужмайтириди. Шундагина унинг кўрқинчли юзига кўзим тушди: бутун юзини чечакнинг қип-қизил жароҳатлари коплаган эди.

Кўрдим-у, бутун вужудимни файритавсиф вахима туйғуси қамраб олди.

Бу ҳақда дарҳол полицияни ҳамда санитария маъмуритини огоҳлантириш лозим эди, чунки балои азим – чечакнинг бу дайди одамда айни пишиб етилган пайти эди. Лекин мен бу ҳақда хеч кимга хабар қилмадим – одамларнинг: “Эй пайғамбар, кайда қолди сенинг умиду ишончларинг?”, деб берадиган саволидан кўрккан эдим.

Йўқ, йўқ, бу ҳаммаси бўлмағур гаплар, пароканда хаёлот ўйини, дим ва жазира маңыннинг толиккан асабларимга салбий таъсири... Анави дайди шунчаки бир бадмаст ёки акли заиф одам бўлса керак, ё бўлмаса, бу тоифа одамларда учраб турадиган дерматоз¹ касали билан оғригандир. Нега энди мен асабимни бузиб ўзимни кийнашим керак экан?

Мен уйимга қайтдим ва оғзимни яхшилаб чайкаб ювиб, бутун устбошимга калий пермаганатнинг кучли эритмасини сепдим, чунки вахима килаётганим беҳуда эканини аниқ билсан ҳам, эҳтиёткор бўлиш, айникса, жазира маңыннинг толиккан асабларимга салбий таъсири... Анави дайди шунчаки бир бадмаст ёки акли заиф одам бўлса керак, ё бўлмаса, бу тоифа одамларда учраб турадиган дерматоз¹ касали билан оғригандир. Нега энди мен асабимни бузиб ўзимни кийнашим керак экан?

Чечакка қарши эмлаш ҳақидаги билл тантана қилганидан бўён орадан жуда кўп йиллар ўтганида (антивакциначилар айнан шу узок муддатни на-зарда туттган эдилар), чечакнинг олдини олиш учун эмлаш ҳақидаги қонун бутун Англия халқининг камидаги 75 фоизи учун ўлик сўз бўлиб қолганди.

¹ Дерматоз – тери касаллиги.

Билл тасдикланганига беш йил бўлганида мажбурий эмлаш ҳақидаги қонуннинг ўзини ҳам амалда кўлламай кўйдилар. Факат ортиқча дахма-задан кутилиш учунгина ўзларини чечакка қарши эмлашнинг ашадий душманлари деб хисоблагувчи кўпчилик танбал ва беғам одамлар дидларига ёқмаган ёки ҳафсалаларини пир қиласиган ҳар қандай амалиётга қаршилик кўрсата бошлардиларки, мабодо агар биз одамларнинг савод чиқаришига қарши шундай ташвиқот қилгудек бўлсан, орадан бир неча йил ўтгач, болаларнинг камидаги 25 фоизи бошланғич мактабга бормай кўйган бўларди.

Хуллас қалом, “хосил” ўримга тайёр эди ва у чечак касалининг бешафқат ўроғини кутарди. Бу ўрок ҳалитдан икки марта ишга киришишга уриниб ҳам кўрди, лекин давлатнинг катъий қонунига амал қилишиб, касалга чалингандарни вақтида жамоадан четлаб кўйдилар.

Африкада яшовчи баъзи бир қабилаларда шундай удум бор: агар уларнинг кўргонларидаги биронта кулбада чечак касали пайдо бўлса, бундай кулбани дархол ихота қилиб, унга ҳеч кимни якин йўлатмас эканлар, “Бу кулбадаги одамлар пешоналарига ёзилганини кўрурлар – ё очликдан ўлиб кетарлар, ё бир амаллаб жон саклаб коларлар”, деб уларни ўз холларига ташлаб кўйишар экан, ҳамда чечак уя курган у кулбадан биронта ҳам тирик зотни зинхор-базинхор ташқарига чикармас эканлар.

Эмлаш ҳақидаги қонунга амал қилмай кўйилганда, Англияда ҳам бундай удум татбиқ этилган эди ва шу сабабли, фалокатли чечакнинг муддати ҳануз орқага суриб келинарди, лекин бу муддат биздан қанча узоклашган сари, кўп йилдан бери тўланмай келаётган қарзни узиш шунча даҳшатли бўлиб кўринарди.

Дайди одам билан учрашганимга беш кун бўлганида, мен газетада, қандайдир бегона одамнинг (у мен учраттан дайди бўлса керак) кеча кечаси Писокингамдаги ғарибхонада қазо қилгани ҳақида ўқидим. Мурдани кўздан кечириш учун таклиф этилган докторлар: Бутт ва Кларксон, бу одам табиий чечакдан ўлган, деган холосага келибдилар. Мурда барча эҳтиёт чораларига амал килинган ҳолда қабристондан ташқарига кўмиларкан. Бу ўлим маҳаллий аҳолини вахимага солиб кўйган эди. Одамларнинг гапига караганда, бу дайди Писокингамга Денчестердан борган ва у ерда бир нечта ғарибхоналарда, тунги ётоқларда бўлган ҳамда ўзига ўхшаган бошпанасиз дайди одамлар билан алока килган, чунки унинг касал экан ҳали ҳеч кимга маълум бўлмаган, ўзи ҳам бу ҳақда ҳеч кимга зорланмаган.

Шу газетанинг ўзида юкоридаги ахборотдан кейин таҳририятнинг кичик бир маколаси босилган бўлиб, унинг охирида факат антивакциначи-ларгагина маъкул бўладиган кўйидаги гаплар айтилган эди: “Оталаримиз замонида одамларни телба бўлиш даражасига олиб борган бу жирканч дарднинг вахимаси энди бизни асло чўчитмайди, зеро, бу касал оқибатида юз берадиган даҳшатли симптомлар ўта даражада муболага қилиб юборилганини биз жуда яхши биламиз. Англия аҳолисининг ярми чечакнинг олдини олиш учун энди эмлаш билан шуғулланмай кўйган бугунги кунда биз бу касалга чалинган одамни жамоадан четлатиш билан у дардни осонгина даф этиши имконига эгамиз. Лекин шундай бўлса ҳам, ўша баҳти қаро дайди одамнинг бир неча кун мобайнида шаҳримиз кўчаларида довдираф юрганини ва тунги ётоқларда, ғарибхоналарда ётганини эътиборга

олиб, бу ҳақда шахар маъмуриятига маълум килмоқ лозимдирки, тезрок эҳтиёт чорасини кўрсинглар. Биз бу эски мараз – чечакнинг яна уйғониб, кок суюк кўлини бошимиз узра чўзишига, айникса, хозир – сайлов куни якинлашиб қолганда оппонентларимизнинг ўз манфаатларини кўзлаб бу баттарин дардан фойдаланишларига йўл кўймаслигимиз керак”.

Орадан бир хафта ўтиб, мен сиёсий харакатимни бошлаб юбордим ва жуда катта бир ҳалқ йигинида нутқ сўзладим. Шу охирги дамгача мен билан тортишадиган биронта ҳам номзод пайдо бўлмади ва мен, бу гал ҳам ҳеч қандай оппозициянинг қаршилигисиз, ҳар галги сайловдагидай, парламентдаги ўрнимни яна ўзимда саклаб қоларканман, деб ўйлай бошлганимда, бирдан янги номзоднинг номини, тағин, кимнинг номини, денг – ашаддий ракибим бўлиб келган сэр Томас Колфорднинг номини эълон килдилар. Бу одамнинг депутатликка номзод сифатида пайдо бўлиши олиб бораётган ишимни анча қийинлаштиради, бинобарин, бундан кейинги сиёсий мавкеимни саклаб қолишим учун у билан кескин курашиб шимга тўғри келарди.

Мен нафакат паст табака ахли орасида, ҳатто ўрга ҳол радикаллар даврасида ҳам катта обрў қозонган эдим, шу боис сэр Томаснинг ўз нуткида сайловчиларга юзланиб, нихоятда эҳтиёткорлик билан: “Чечакка қарши мажбурий эмлаш ҳақидаги қонунни қайта тиклаш лозим”, – деб айтган гапини мен таҳлил килиб нутқ сўзладим ва бу нутқимни барабарла ҳайкириклар, гулдирос қарсаклар билан қарши олдилар. Колфорднинг программаси бундан бир неча кун олдин махфий манбалар оркали менга маълум бўлган эди, лекин унинг программасида бу параграф йўқ эди, чамаси, уни биронта миш-миш гапни эшитиб кейин кўшган бўлса керак.

– Қани, айтинглар-чи, – дедим мен сайловчиларга мурожаат килиб, – бизнинг, хозирги маърифатли замонимизда Англиянинг озод фарзандларини зўрлаб ваҳшиёна вакцинация қилишни тарғиб этаётган одам ҳақида нима деб ўйлашингиз мумкин? Ахир биз бу одатни, худди бир замонлар кундалик эҳтиёж анжомлари ҳисобланган ва бугунги кунда тамомила барҳам топиб, кишилар хотирасидан ўчиб кетган даҳшатли жазо куроллари сингари бир неча йил бурун унутиб юборган эдик-ку!

Эҳ, кошкийди шу гапимда тўхтаб, нутқимни якунлай қолсам, афсуски, мен ўзғоямга берилиб ва оломоннинг кўтаринки руҳдаги ҳайкирикларидан илҳомланиб, хаёлимда мени мудом таъқиб қилаётган юзи олов янглиғ кип-кизил дайдининг кўрқинчли арвоҳини бир зумга унутиб кўйиб, ўз нутқим вағоямни тарғиб этишда давом этавердим.

– Эсингизда бўлса, дўстлар, – деб нутқимни давом эттирдим мен, – чечак эмлашнинг мажбурийлиги ҳақида кабул қилинган билл йўқ қилинганида, бизнинг душманларимиз, орадан ўн йил ўтар-ўтмай, бу чечак офати бутун аҳолининг ярмини пашшадай қириб юборади, деб “башорат” килган эдилар. Лекин мана, орадан деярли йигирма йил ўтди-ю, ҳалқимиз бу ерда, Денчестерда шу ўтган узоқ вақт мобайнида ҳатто ўша мажбурий эмлаш давридаги чечак азобини ҳам бошидан кечирмай, соғомон яшаб келмоқда. Шу ўтган ўн тўккиз-йигирма йил ичida шаҳримиз худудида фақат утгагина одам чечак билан оғриди...

– Хозир улар бешта бўлди! – деган овоз эшитилди залдаги одамлар орасидан.

Мен бу маҳмадона ёлғончини шарманда қилиб, унга танбех бергани каддимни ғоз тутиб бўйнимни чўзган эдим, шу пайт бирдан кўз олдим-да юзлари чўғдек қизарган дайди одамнинг қиёфаси намоён бўлди-ю, дабдурустдан силлам куриб, шалвираб колгандай хис килдим ўзимни ва нутқимни чет эл сиёсати мавзуига буриб юбордим.

Лекин сўзамол нотикилигим, тингловчиларнинг қалбларига сингиб борувчи кудратли ва оташин сўзларим энди мени тарк этганди.

Митинг тугаши билан мен шаҳарда не ҳол юз берганини одамлардан сўраб суриштира бошладим. Маълум бўлишича, шахарнинг турли томонида еттита одам чечакдан ўлибди: уларнинг учтаси мактаб ёшидаги болалар экан. Кейинрок аниқланишича, ўша болаларнинг учинчиси бундан икки хафта олдин фаввора атрофида ўйнаб юрганларида дайди одам тегажаклик қилган болалардан биттаси экан. Лекин қолган икки бола дайдини ҳатто кўрмаган ҳам.

Бу юқимли касални, ҳар қандай ҳолатида ҳам, авж олмасидан бурун бартараф килиш ҳакида маҳаллий маъмурият томонидан энг кескин тадбирлар кўлланилган бўлишига қарамай, у балои азим Денчестернинг ҳамма ерида пайдо бўла бошлади. Ҳеч ким чечак ҳакида гапирмасди, фақат онда-сонда қандайдир мавхум миш-мишлар кулокка чалиниб қоларди. Лекин камдан-кам одам эътибор берарди бундай гапларга, сабаби бу пайт ҳаммамизнинг ҳаёлимизни, асосан, сайлов масаласи ва кундалик ҳаёт масалалари: пиво ва унинг софлиги, яъни таркибида ҳеч қандай омухта нарса бўлмаслиги, уни тайёрлаш ва савдога чиқариш масалалари банд этган эди. Энди шахсан ўзим ҳакимда гапирадиган бўлсам, юқумли чечакнинг шаҳарда қай даражада авж олгани ҳакида биронта одамдан сўрашга юрагим дов бермасди ва бамисоли түяқушдек, бошимни сиёсат кумига тикиб кун кечирадим. Лекин кўнглим бир нафас ҳам ором билмасди ва яқинлашиби келаётган даҳшатли фалокатдан ҳеч ерга ўзимни олиб коча олмасдим.

XI БОБ

Балои азимнинг белгилари

Шу кунларда Денчестердаги партиялар ўртасида жуда шиддатли кураш бошланиши аниқ бўлди. Шунча йилдан бери мени ёқлаб садоқат кўрсатиб келган сайловчиларим, эҳтимол, ўз эътиқодларини ўзгартирмокчи бўлгандирларки, бу гал менга унча ишонкирамай кўйдилар.

Маглубиятга учраш мен учун энг оғир мусибат эди. Шу сабабли, пулларим ва вактимни аямай, терлаб-пишиб, жон-жаҳдим билан астойдил ишлай бошладимки, сиёсий фаолиятим бошланган дастлабки йилларда ҳам бунчалик ғайрат қилмаган эдим. Мен деярли ҳар куни митинглар уюштирдим, варақалар, брошюралар тарқатдим, агентларим эса, ҳар куни эртадан кечгача маҳаллама-маҳалла, хонадонма-хонадон юришиб, мени ёқловчи овозлар йигардилар.

Агентларим гурухларидан бирига Женни раҳбарлик киларди ва мен Жениндеқ сиёсий сезгирилик лаёқатига эга бўлган биронта қиз ё йигитни агентларим ичida учратмадим.

Бир куни кечқурун Женни кун бўйи тинмай ишлаб, хориб-толиб уйга қайтаётганида коттежларим ёнидан ўта туриб, бир дақиқагина дам олиб чикиш ниятида миссис Смисникига кирмокчи бўлиби.

– Хуш келибсиз, мисс, – дебди ёш жувон уни ҳовлидаги гулзор олдида қарши оларкан, – афсуски, бугун оғир ғамга ботган ҳолда кўряпсиз мени: кичкитой ўғилчам касал бўлиб колди, бояқиши боламнинг иситмаси баланд – алангай оташ бўлиб ёняпти. Мен доктор Мерчисонга одам юбордим. Кириб кўрарсиз боламни? Биз уни кираверишдаги хонага ётқизганимиз.

Женни бир оз иккиланиб турибди. У кун бўйи югуриб-елиб жуда чарчаган ва энди килган қайдлари, ёзган ҳисоботлари билан тезроқ уйга боришга ошикарди. Лекин каттиқ ғамга ботган миссис Смис ҳозир Женнининг назаридаги ҳамдард одамга мухтоҷдай бўлиб кўринибди, шунда ширинтой гўдакни бир зумгагина кириб кўриш иштиёқи Женнини коттежга етаклабди.

Касал бола хона бурчагидаги қамишдан тўқилган арzon каравотда ётар, унинг оёқ томонида эса, боланинг опаси Тотти ўйнаб ўтиради. Болани қақшатаётган тутқаноқ энди тўхтаган ва у гир атрофига қўйилган ёстиқчалар курсовида ўтиради; унинг оқ-сарик соchlари тўзғиб елкасига тушган, икки юзи иситма ҳароратидан чўғдек кизариб лов-лов ёнарди. У кўлчаларини кўрпага тап-тап уриб ўтирадкан, онасининг кириб келганини кўриб дебди:

– Ойи, мени кўтаринг!.. Кўтаринг!.. Сув беринг... сув!

– Кўрдингизми, кун бўйи ахвол шу... Нукул сув сўрагани-сўраган, ўзи бўлса алланган оташ бўлиб ёнмоқда, – дебди қайғуга ботган она фартуги этаги билан кўз ёшларини артаркан. – Агар сиз, ойимкиз, ўғилчамни бир дақиқагина кўтариб турсангиз, мен унга лимонад тайёрлаб келардим.

Женни болани кўлига олиб, хона ичидаги ёқдан бу ёкка юра бошлабди, она ичимлик тайёrlагани чиқиб кетибди.

Кейин Женни тасодифан бошини кўтариб эшик олдида турган доктор Мерчисонни кўриб колибди.

– Ие, Женни, сиз ҳам келувдингизми?, – деб пичирлабди у курсанд бўлганидан.

– Ҳа, Эрнест, мен ҳам келувдим.

Доктор катта-катта қадам ташлаб Женнининг олдига келибди, энгашиб қизимнинг лабидан ўпибди. Кейин болани қаллиғи кўлидан олиб, уни ўзининг тиззасига ўтқазибди. Женнининг кўзига у нимадандир безовталанаётгандек туйилибди. Мана, у чўнтағидан кичкинагина лупа шиша олиб, боланинг пешонасини ва айнан унинг соч толалари тагини диккат билан кўздан кечира бошлабди, кейин унинг бўйини, кўлининг бармокларини синчиклаб кўриб чиқибди-ю, бир оғиз ҳам сўз айтмай, гўдакни каравотига ётқизибди. Женни келиб яна болани кўлига олмокчи бўлган экан, доктор болага яқин келмасликни буюрибди унга, сўнг шу пайт бир стакан лимонад кўтариб кириб келган уй бекасига бир неча киска саволлар билан мурожаат қилибди.

Сўнг Женнига ўгирилиб дебди:

– Ҳеч ҳам кўркитмокчи эмасман сизни, лекин тезроқ бу ердан кетсангиз ўзингизга яхши бўларди. Яхшиямки, сиз тугилган пайтингизда, – дебди у яна хиёлгина жилмайиб, – антивакциначилик ҳали мода бўлмаган эди докторлар жамоасида. Бу болага чечак тоша бошлаган.

— Чечак! — дебди Женни ва сал жаҳл билан илова қилибди. — Жуда соз, мана энди кўрамиз кимнинг назарияси тўғри эканлигини: ҳозир ўзингиз кўрдингиз болани кўтариб юрганимни, сизга маълум бўлсинки, мен хеч качон чечакка қарши эмланмаганман. Чунки отам бунга хеч ҳам йўл кўймаган бўларди. Эштишимча, у фактат шу ғояси туфайли биринчи марта парламент сайловида голиб чиқсан экан.

Бу гапни эшитган Мерчисон хушини йўқотаёзибди ва бир дақиқа давомида тошдай котиб колибди, у нимадир демокчи бўлибди-ю лекин хеч тили айланмабди.

— Аблаҳ! — дебди у нихоят эштилар-эштилмас хириллаб, сўнг жим бўлиб қолибди, чунки у оғзидан чиқиб кетган сўздан хижолат тортиб лабини ғарчча тишлаган ва қонатиб юборганди. Кейин сал хушини йигиб, ўзига келгач, Женнига ўтирилиб, хиёл бўтиқ овозда, аммо хотиржам кайфиятда дебди:

— Балки ҳали ҳам кечмасдир... Ҳа, назаримда, ҳали ҳам сизни чечак балосидан асраб кололсам керак! — Илтимос, чап кўлингизнинг енгини шимаринг, — дебди у яна, баҳтингизга, менда битта янги лимфа бор эди.

— Нима килмокчисиз ўзи? — деб сўрабди Женни.

— Сизни мен хозироқ эмлайман.

— Нима, жиннимисиз ўзи, Эрнест? — дебди кизим. — Ахир сиз кимлигими ни яхши биласиз-ку, шунингдек, менинг қандай назарияда тарбияланганимни ҳам биласиз... Бас, шундай экан, конимга мараз оғу куйишингизга рози бўларканманми?

— Олдин гапимни эшитинг, Женни, сиз мени чин юракдан севишингиз ҳакида неча-неча марта гапиргансиз... Сиз учун энг азиз инсон эканимни ва мени баҳтли килиш учун жонингизни фидо килишга ҳам тайёр эканлигини ҳакида сўз бергансиз. Мана ўша сўзингизнинг самимийлигини исботлайдиган пайт келди. Ўтиниб сўрайман сиздан, Женни, менинг шу телбаваш илтимосимни рад этманг! Наҳотки, шу битта арзимас ишни ҳам бажаролмайсиз мен учун?

— Эрнест, сиз мендан ўзингиз хоҳлаган бошқа бир қатор ишларни талаб килинг! Ҳар қандай талабингизни бажонидил бажаришга тайёрман сиз учун, хамма талабингизни... фактат буни эмас!

— Худо ҳаққи, айтинг, нима учун ахир?

— Шунинг учунки, Эрнест, — дебди Женни, — агар шу илтимосингизни бажарсам, ўз отамнинг ёлғончи ва фирибгар одамлигини тан олган бўламан ва мен унинг суюкли кизи ҳамда энг вафодор химоячиси бўла туриб, ўз падаримга ҳам, унинг шу ўтган йигирма йил давомида тарғиб килиб келган таълимотига ҳам ишонмаслигимни бутун ҳалққа ошкор килган бўламан!

Кўр-кўрона садоқат сохибаси бўлган бу қизни хеч қандай далил ё ўғит билан гапга кўндириб бўлмаслигини билган Эрнест Мерчисон уни мажбурлаб эмламоқчи бўлиби.

Мана, у дабдурустдан кизнинг белидан кучиб, уни креслога зўрлаб ўтказибди ва кўйлаги енгини ланцет билан тила бошлабди.

Лекин қиз қаллифининг кўлидан кутилиб чиқишига улгурибида ва энди у Мерчисоннинг қаршисидаги креслога бориб ўтириб, унга худди дарғазаб маъбудадек тикилиби.

– Бу килмишингизни, Эрнест Мерчисон, мен ҳеч качон кечирмайман! Билиб қўйинг, ҳозирдан бошлаб ўртамиизда ҳеч қандай яқинлик қолмади! Энди сиз ўз ўйлингиздан боринг, мен ўз ўйлимдан бораман!

– Ўлим билан учрашганими, Женни? – деб гўлдирабди доктор.

Киз ҳеч нима демай уйдан чикиб кетибди ва Смисларга ён қўшини бўлган ўз уйи томон йўл олибди. У ўн-ўн беш кадам юриб бориб, орқасига ўғирилибди ва севикли қаллигининг коттеж эшиги олдида туриб, иккала кафти билан юзини қоплаганча хўнг-хўнг йиглаётганини, унинг паҳлавон келбат қадди-комати эса дағ-дағ титраётганини кўрибди. Женни бир дакиқача тараффудланиб туриб колибди: иктидорли, вазмин табиат, хамиша сипо ва мустаҳкам иродали бу одамнинг ҳамманинг кўзи олдида худди боладек хўнграб йиглаётганини кўриш даҳшатли манзара эди. Эрнестни бу кўйга соглан руҳий изтиробнинг накадар кудратли эканини тушунибди шунда Женни ва ҳали ҳеч качон бу йигитни ҳозирги дамдагидек астойдил севмаганлигини кўз олдига келтирибди.

Лекин шу пайт докторнинг тажкиромуз килган муомаласи эси-га тушибди-ю, қалбида жамики метин иродасини ёрдамга чакириб, шаҳдам-شاҳдам юриб, отасининг саккизинчи хиёбони дарвозаси сари кета бошлабди.

Ўшанда Женни бу ҳақда менга ҳеч нима демаган эди, лекин кейинчалик бу воқеанинг бутун тафсилотини қизимнинг ўзидан ва кисман миссис Смисдан эшитдим. Аммо кизим ўшанда коттежга киргани ҳақида оғиз ҳам очмаган эди. Бир ҳафтадан кейин биз Женни билан нонушта килиб ўтирганимизда уй ходимам ҳаяжонланиб кириб келиб, Смис хонимнинг ўғилчаси шаҳар госпиталида чечак касалидан ўлгани, унинг катта қизчаси ҳам ўзига хавфли дардни юқтиргани ҳақида гапириб берди. Бу хабар мени қаттиқ ваҳимага солди – ахир Смислар бизга шундоқкина ён қўшни эдилар-да. Шу маҳал мен малла соч дайди одамнинг ўша кизалоқ Тоттини бағрига босганини ўз кўзим билан кўрганимни эсладим; балки шу кизалоқ чечак балосини уйига олиб келган-у, уни укасига юқтиргандир, кейин болакай ўлган.

– Женни, – дедим мен ходима чикиб кетганидан кейин, – Смиснинг ўғилчаси ўлганини эшитдинг-а?

– Ҳа, ота, унинг чечакка чалинганини мен бир хафта бурун билгандим!

– Билган бўлсанг, нега менга бу ҳақда гапирмадинг?

– Негаки, отагинам, бу ҳақда эслашнинг ўзи ҳам сизни ваҳимага солиши мумкин, айниқса, ҳозир, сайлов ташвиши билан безовта бўлаётган пайтингизда. Мен буни билардим, чунки ўшанда Смисларнида бўлгандим ва уларнинг ўғилчасини кўтариб юриб овута бошлаган пайтимда доктор кириб келганди, сўнг болани кўздан кечириб, унинг чечакка чалинганини айтганди.

– Ҳали сен у болани кўтариб овутдингмиям? – деб бақириб сакраб ўрнимдан турдим, худди безгак хуруж қилгандек дағ-дағ қалтирадим.

– Ё бархақ худо, нима килиб қўйдинг, кизим? Ахир бу дардни бутун ўйимиздагиларга юқтирибсан-ку!

– Эрнест ҳам, яъни доктор Мерчисон ҳам айнан шу гапни айтди ва нима қилиб бўлса ҳам мени эмлатмоқчи бўлди.

– О-о... хўш, кейин-чи? Сен рози бўлдингми?

– Вой, менга бундай савол беришга қандай тилингиз борди, ота? Ҳамиша менга уқидириб келган ўйтларингиз ва барча одамларга берган ибратли сабокларингизни бир эсланг. Мен унга айтдимки... – ва у ўзи билан доктор Мерчисон ўргасида нималар бўлганини қисқа жумлаларда сўзлаб берди менга.

– Йўқ, мен бутунлай бошқа нарсани гапирмокчи эдим, биласанми, қизим... – дедим мен Женни жим бўлиб қолганидан кейин, – ўйловдимки, бу кутилмаган зуғум таъсирида сен... Хайрият, сен ҳар доимгидай, оқилона ва тўғри иш қилгансан. – Мен гапимдан адашиб кетаётганимни ва бунакада ўзимни ортиқ бошқара олмаслигимни сезиб, ниманидир баҳона қилдим-да, хонадан чиқиб кетдим.

Мен қизимни оқила деб айтдим, ваҳоланки, унинг бу журъати ўта кетган ақлсизлик эди! Эҳ, аттанг, нега энди Мерчисон сўзида қаттиқ турмабди-я? Ахир бошқалардан кўра у Женнини ўз сўзига осонрок кўндира олиши мумкин эди-ку! Лекин энди кеч... Энди ҳеч қанака эмлаш араб қололмайди қизимни. Мабодо бир мўъжизавий тасодифга кўра, унинг организми мараз касалликларни ўзига юқтирилмайдиган бўлса – бу бошқа гап, лекин бунга ишониб бўлмайди. Зоро, шу нарса бизга маълумки, чечакдан сақланиш учун ҳеч ҳам эмланмаган бир одамнинг чечакка чалиниб, баданида иссиқликлар тоша бошлаган бемор билан мулокотда бўлганидан сўнг бу дардни ўзига юқтирилмаганлиги ҳакида ҳатто биронта мисол ҳам йўқ тибиёт тарихида.

Бошқача қилиб айтганда, менинг яккаю ёлғиз жигарбандим – қизим Женни бир неча кундан кейин дунёда энг мудхиш касалликлардан бири бўлган чечакнинг қурбони бўлади. Бу ҳам етмагандай, ҳеч қачон эмланмаган Женнининг дарди ниҳоятда машаққатли бўлиши аник. Бундан ташқари, ҳозир шахарда авж олаётган чечакнинг тури шу қадар даҳшатли эзики, бу дардга чалингнанларнинг ярмидан кўпі ўла бошлаганди.

Мени яна бир нарса ваҳимага соларди: болалик пайтимда, яъни бундан эллик йил муқаддам мени эмлашганларидан бери, бошқа ҳеч ҳам ўзимни чечакка қарши эмламаган эдим, демак, энди ўзим ҳам ҳимоясиз колган эдим.

Ҳозир мен жон-жон деб бу шаҳардан қочиб кетган бўлардим, бироқ қандок қоча олардим сайлов арафасида?

Ўзимнинг қандай мудхиш ҳиссиёт исканжасида эканлигимни ҳеч кимга сездирмасликка уринардим, чунки агар сезиб колгудай бўлсалар: “Манави дор бандасига каранглар, арконни сиртмок деб ўйлаб ранги кув ўчиб кетяпти!”, – деган бўлардилар. Чечакка қарши мажбурий эмлаш ҳакидаги қонун бекор қилинганидан бери биз бу дардни одамларга юқтиримаслик учун, чечакка чалингнанларни соғлом одамлардан қатъий тарзда ихота килиш усулидан фойдаланиб келаётган эдик.

Лекин қандай қилиб мен ўз суюкли қизимни ўша юкумли дардга чалингнанлар сакланыётган ғурбатгоҳга юборай, ахир бутун Денчестер ахолиси кўзи олдида у мен тарғиб қилиб келган таълимотнинг мутлако соҳта ва ёлғон эканлигини ҳеч рад этиб бўлмайдиган аник далиллар билан фош этишда хизмат қилиб келаётган бўлса?

Ўлим мавсуми

Яна беш кун ўтди; бу беш кун энг машақкатли азоб кунлари, юракни ваҳимага солувчи ғайритаъриф кутиш кунлари бўлди мен учун. Ҳар куни эрталаб Женнининг нонушта қилгани кириб келишини юрагим така-пука бўлиб кутардим. Бу кутишнинг энг даҳшатли томони шунда эдикӣ, ўзимнинг ваҳима исканжасида эканлигимни ўз қизимга – ғоятда сезигир ва зийрак Женнига билдиримаслигим керак эди. Шунинг учун ҳам, қизим емакхонага кириб келганида унинг кўзига қарагани зўрға бошимни кўтаришга журъат этардим.

Бешинчи куни эрталаб Женни нонуштага бир оз кечикиб келди – ҳеч бунака одати йўқ эди унинг, у эрталаблари жуда барвакт ўрнидан турарди. Балки тунги дим ҳавонинг таъсири бўлса керак – унинг бир оз ранги ўчган эди.

– Бугун нонуштага сал кечикиб тушдинг, Женни! – дедим бепарво оҳангда.

– Ҳа, отажоним, кечаси бошим оғриди. Ҳозир тузукман. Иссикнинг таъсири бўлса керак.

Шундай деб, у ҳар кунги одати бўйича мени ўпди.

– Гапинг тўғри, қизим – иссиқнинг таъсири бу! – деб унинг гапини маъқулладим ва биз стол атрофига ўтиридик.

Нонушта пайтида мен доим Женнини кузатдим. У ўзини гўё чой ичаётгандек килиб кўрсатмоқчи бўларди-ю, аммо олдига қўйилган таҳсими чадаги илвасин гўштига кўл ҳам урмасди – мен унинг ҳеч нима емаётганини пайқадим. Агар Женни ўзига касал юқтирган бўлса, агар у ўлса, мен, факат мен бўламан ўз қизимнинг котили, бу ҳам етмагандай, билмасдан ё адашиб колиб эмас, балки ўз шахсий манфаатимни кўзлаган холда, мараз кўркоклигим туфайли, қандай жирканч ишга кўл ураётганимни кўра-била туриб қилган бўламан бу котилликни!

Нонуштадан кейин мен кун бўйи митингларда нутк сўзлаш ва сайловчиларнинг овозини йиғиш билан овора бўлдим. Лекин бу кун мен учун энг мудхиш, энг разил кун бўлдики, ўз виждонимни савдога кўйиб, парламент аъзоси бўлиш ва сарик чакага кадри бўлмаган обрў учун ўз маслагимни сотганим бу кунга лъяннатлар ўқидим! Агар ўшанда Стефан Стронг юрагимга ғулгула солмаганида, қизим Женнини албатта эмлатган бўлардим, гарчи Стефан Стронг то умрининг охиригача энг қалин, энг жонажон дўстим бўлган бўлса ҳам, шу куни унинг руҳига мен лъяннатлар ўқидим.

Мен айни вақтида уйга етиб келиб, кечқурун бўладиган зиёфат учун кийимларимни алмаштиришга улгурдим. Бугун биз меҳмонларни кутаётгандик ва Женни бу зиёфат чоғида уй бекаси сифатида иштирок этиши керак эди. Бугун у жуда хушчакчак, сертакаллуф ва ширинасухан эди. Мен қизимнинг шу оқшомдагидек латофатли бўлганини илгари ҳеч кўрмаганман. Женнининг чехрасида пайдо бўлган ёрқин қизиллик уни яна ҳам гўзалроқ килиб кўрсатар, кўзлари эса, қандайдир антиқа бир тарзда ўт бўлиб чакнардики, пешонасига қўндирилган бриллиант тиллақошнинг лов-лов ёниб турган шуъласини унинг хусни гўё хирадаш-

тиргандай бўларди. Лекин кизим яна ҳеч бир таомга кўл узатмаётган эди, аммо у ўз одатига зид ўлароқ, шу оқшом бир неча кадаҳ шампан виноси ичди. Кейин мен меҳмонларни кузатиб кўйишга улгурмасимдан, Женни тепадаги ўз хонасига ухлагани чикиб кетди ва мен ўша куни кечкурун қизим билан гаплаша олмадим.

Меҳмонлар кетганидан кейин мен кабинетимга кирдим, сигара чекиб ўтириб чукур хаёлга толдим.

Бугун кечкурун қизимнинг юзида пайдо бўлган ёрқин қизиллик чечакнинг пинхоний иситмаси эканига ва бу дарди бало энди менинг ўйимга ҳам ин курганига шубҳа қолмаган эди. Зиёфат пайтида анчагина вино ичганимдан бўлса керак, қизишиб қоним кайнаб кетди. Лекин чечак фалокати ҳакида ўйларканман, ваҳимага тушганимдан бутун вужудим тош котиб, юрагим оркамга тортиб кета бошлади. Ҳа, Женни юқтириб бўлганди ўзига чечакни, лекин у ҳали ёш, тузалиб кетиши ҳам мумкин, лекин борди-ю, мен бу дарди балони қизимдан ўзимга юқтирсан, унда ўлишим мукаррар, албатта.

“Балки аллақачон ўзимга юқтириб ҳам бўлгандирман” – деб ўйлай бошладим. Ким билсин, бу даҳшатли балои азим айни шу дамда ўзининг ҳалокатли фаолиятини бошлаб юборган бўлиши ҳам мумкин. “Лекин, шундай бўлганда ҳам, – дедим, чўкаётган чўпга ёпишар, деганларидаи, инграб, – ҳатто шундай бўлганда ҳам, ҳали кеч эмас-ку!”

Захирамда янги лимфалар бор эди: тингловчиларимга маъруза ўқиётган пайтимда чечакнинг олдини олиш учун эмлашнинг даҳшатли оқибатларга олиб келишини намойиш килиш учун якинда сотиб олган эдим бу лимфаларни. Агарда мен чап қўлимни ланцет билан икки-уч марта салгина тилсам – ким буни билиб ўтириби? Қўлимнинг хиёл яллигланиб шишгани эса, митингларда нутқ сўзлашимга ҳалал бермайди, камзулим панасидаги ўша яллигланган шишларни ҳеч ким кўрмайди!

Бордию хозирнинг ўзида тараддулданиб ўтирмай, ўзимни чечакка қарши эмлагудек бўлсам, ким ҳам каршилик кўрсатарди менга? Аммо ўзимнинг ноҳақлигимни тўла тушуниб турган бўлишимга қарамай, мен ҳалол, диёнатли одамман, деб ўзимга таскин берсам-у, кейин сирим очи-либ мисим чиқиб қолса, бу ҳатар мен учун энг оғир фалокат бўлардики, бу ҳақда ҳатто ўйлашнинг ўзи ҳам мени ваҳимага соларди. Ва лекин отамнинг жонини сугуриб олган, ёлгизгина қизимни аёвсиз тарзда хиппа бўға бошлаб, мени доимо ваҳимага солиб келган энг кабих дарди бало олдида кандайдир гумон ва эътиrozлар нима экан? Йўқ, мен хозироқ эмлайман ўзимни! Дарров ўрнимдан туриб кабинетим эшигини кулфладим. Ёткхоналаримизга чиқадиган иккинчи эшик ҳакида ўйламадим ҳам, чунки Женни аллақачон ухлаб қолган ва бу томонда ундан бошка ҳеч ким турмасди.

Мен камзулимни ечиб ташлаб, кўйлагимнинг чап енгини шимардим, ланцетни стерилизация килиш (микроблардан поклаш) учун кичкинагина спирт чироғини ёқдим, сукр пичоқаси билан зигирдаккина лимфа шишачасининг оғзини очдим. Кейин ялангоч чап қўлимни электр чироғи нурига тўғрилаб, креслога жойлашиб ўтирдим-да қўлимни қон чиқадиган килиб ланцет билан беш марта тилдим, шундан сўнг ҳар битта жароҳатга микроблардан тозаловчи тегишли дори суриб чиқдим.

Мана операция ҳам тугади, энди мен қўлимни, то ундаги қон қотгунича креслом суюнчиғи оша пастга осилтириб кимир этмай ўтиришим ва факат шундан кейингина шимарилган енгимни туширишим керак.

Шу пайт оркамда алланима хиёлгина шитирлагандай бўлди ва мен ўгирилиб, Женни билан юзма-юз учрашдим. У эшик олдида, гўё оёғида туришга ҳоли қолмагандай, күшетка суюнчиғига қўлини тираб турарди.

Қўзим қизимга тушди-ю, шу заҳоти унинг кўзларида даҳшат ва нафрят ифодалари акс этганини пайқадим. Мен дарҳол электр тутмасини бураб, хонани зулматга кўмдим. Энди бу ерда фақат спирт чироғи милтиллаб ёнарди.

– Ота, – деб сўради қизим (унинг овози жуда узокдан хириллаб эши-тилди), – сиз хозир нима қилдингиз?

– Коронгида кокилиб кетиб, қўлимни камоннинг киррасига уриб олувдим... – деб эсимга келган шу биринчи баҳонани айтдим, лекин қизим гапимни тугатишинга имкон бермади.

– Ох, менга раҳм килинг! – деб илтижо килди у. – Ёлғон гапларингизни эшитолмайман! Ахир ўз қўзим билан кўрдим-ку ҳамма қилган ишларингизни!..

Хонада сукунат ҳукм сура бошлади, бизни қамраб олган зулмат оғушида бу сукунат яна ҳам изтиробли ва даҳшатли бўлиб туйилди.

Нихоят, Женни яна гапира бошлади:

– Наҳотки, ота, мени юпаттани бир оғизгина сўзингиз бўлмаса? Наҳотки, энди шу ахволда ўлиб кетишим керак? Қани, айтинг, ахир сиз шунча йилдан бери юзлаб, минглаб одамларнинг ўзларини ва ўз болаларини эмлатишларига қаршилик килиб келгандингиз-ку, энди кайси виждон билан ўзингизни маҳфий тарзда чечакка қарши эмладингиз? Ҳамонки, сиз ўша дарди балодан сакланиш учун эмлашнинг зарурий воситалигини билар экансиз, нима сабабдан мени, ўзингизнинг ёлгизгина қизингизни ҳам эмлатиш ҳакида жон куйдирмадингиз? Нега ахир сиз одамларга, чечак эмлашни зарапли ва бемаъни хурофий бидъат, деб уқдириб келдингиз? Эҳ, ота, ота, қани, айтинг! Бу килмишларингизнинг ҳаммасини изоҳлаб беринг менга, йўқса, ҳадемай жинни бўлиб қоладиганг ўҳшайман!

Шундан кейин мен гапиришга мажбур бўлдим:

– Ўтири, Женни, майли, эшит гапимни, ёқмайман чироқни, коронгида осонроқ бўлади гапиришим.

Ва мен қизимга ҳамма бўлган воқеаларни кискартириб, лекин ҳеч ни-мани яширмай, бутун бор ҳакиқатни сўзлаб бердим. Мен қизимга бутун қалбимни очиб, иродасизлигим оқибатида ўйл кўйган хатоларим учун пушаймон эканлигимни айтдим ва ундан кечирим сўрадим.

Женни бирон марта ҳам сўзимни бўлмади, лекин гапимни эшитиб бўлганидан кейин деди:

– Бечора отагинам! Шўрликкина отагинам! Бу гапларингизни менга бир неча йил аввал, балоғатга етиб фикрларингизни тушунадиган бўлганимда айтсангиз бўлмасмиди? Энди уларни айтишингиздан нима фойда? Ҳозир мен олдингизга касалим оғирлашганини айтгани тушувдим, ҳа, мен бу даҳшатли дардга чалинганимни аниқ биламан. О, агар ҳозир эшитганим ҳакиқатни бундан икки ҳафта олдин билганимда эди, мени эмламоқчи бўлган Эрнестга ҳеч ҳам монеълик қилмаган бўлардим. Чироқни ёқинг, мен яна бир марта сизни кўрмоқчиман. Зоро, энди ҳеч

качон бир-биримизни кўрмаймиз. Хонамга киришингизни тақиқлайман, ўз жонимга қасд килсам қиласан-у, аммо хонамга киритмайман сизни... Йўқ, йўқ! Яқинлашманг менга, ўпманг ҳам энди мени! Алвидо, ота! Алвидо! Мана энди ҳамма гапни билганимдан кейин ўлишимга ҳам рози бўлардим... агар ҳаётимда Эрнестни учратмаганимда... – Женни шу гапларини айттиб бўлиб, орқасига ўғирилди-да хонадан чиқиб, кенг зинадан қийнала-қийнала, секин-секин чиқиб ўз хонасига кирди ва у ердан бошқа бир марта ҳам чикмади.

Яна бир кундан кейин Женнининг чечакка чалингани, чалинганида ҳам айни шу кунларда шаҳарда авж олган ва ҳар куни ўнлаб одамларнинг жонига қасд килаётган энг ҳалокатли чечак тури билан оғригани маълум бўлди. Лекин шунда ҳам қизим госпиталга бориб ётмади, чунки унинг дардга чалинганини мен одамлардан сир сақлаган эдим. Мен якинда чечакка карши эмланган бир аёлни қизимга қараб туриш учун атайлаб Лондондан чақиртирдим. Касал қизимни даволаш билан эса шахсан ўзим шуғуландим, лекин унинг хонасига кирмадим, уни кўрмадим, сабабки, Женнининг хонасидан чиқиб митинглар, мажлисларга бораётганимда бу дарди балони бутун шаҳар ахлига юктириб кўйишдан кўркқандим.

Агар ўзим ҳакимда гапирадиган бўлсан, орадан бир ҳафта ўтганида кўлимда тўртта йирик-йирик яра пайдо бўлди, улар менинг энди чечакка чалинмаслигимни билдирувчи хавфсизлик кафолати эди.

Орадан яна олти кун ўтиб, сайлов куни арафаси етиб келди. Шу куни сал кўлим бўшаши билан Женинидан хабар олгани уйимга югуриб келдим ва кейинги икки кеча-кундуз давомида ўлим билан олишиб, жони узилай-узилай деб ётган қизимнинг бугун ўзини анча яхши ҳис килаётганини эшитиб бехад қувониб кетдим. Женнининг эшиги олдига борганимда бу янгиликни менга унинг ўзи айтди ва митингда менга муваффақият тилади, шунда мен ўзимни дунёда энг баҳтли одам ҳисоблаб яна жўнаб кетдим.

Лекин мен кетганимдан кейин қизимнинг аҳволи бирдан ёмонлашибди ва у жони узила бошлаганини ҳис этиб, ўзига қараб турган аёлдан доктор Мерчисон номига телеграмма юборишни илтимос қилибди:

“Тез етиб келинг. Ўляпман. Сизни кўришни истайман”.

Орадан ярим соат ўтар-ўтмай, Мерчисон Женни хонаси эшигини тақиллатибди. Ўзининг накадар бадбашара бўлиб кетганини қайлиғига кўрсатишни хоҳламаган қизим бокувчи аёлдан, юзига чойшаб ёпиб кўйишни ва икковларини ҳоли қолдиришни сўрабди.

– Гап бундай, – дебди у доктор Мерчисон кириб Женнининг каравоти ёнига ўтиргач, – мен чечак касалидан ўляпман, сизни чакиртирганим боси – сиздан кечирим сўрамоқчиман. Сизнинг ҳақ эканлигинизни, Эрнест, мен энди билдим, лекин буни билиш менга шу қадар оғир ботдики, кўркқанимдан юрагим кинидан чиқиб кетаёди...

Қизим мэндан эшигтан гапларини узук-юлук жумлаларда энтика-энтика сўзлаб берибди. Доктор унинг ҳамма айтганларини бошини ҳам килганча жим ўтириб эшитибди. Бир соатдан кейин Женнининг жони узилибди. Мерчисон то охирги дамгача қаллиғининг ёнидан кетмабди.

Сўнг бу энг оғир жудоликдан телба бўлаётган Эрнест уйига югуриб бориб кийимини алмаштирган ва тўгри дехконлар йигинига келган: у ерда мен сайловчилар олдида нутқ сўзлаётган эдим. Бу митингга жуда кўп одам йифилган эди, лекин чечак оғатидан ўлаётгандар сони кун са-

йин ошиб бораётганидан, бутун шаҳар теран кайғуга ботиб ваҳимага тушган эдики, бунинг оқибатида, ҳатто энг садоқатли тарафдорларим ҳам, энди чечак эмлаш масаласидаги ягона фикрим хақида ўзларича мулохаза юритишиб, “Доктор Терннинг бу назарияси чиндан ҳам ҳеч эътиroz билдириб бўлмайдиган ҳақиқатмикин?”, – деб шубҳага тушган ва иккилана бошлаган эдилар.

Шунга қарамай, вакцинация масаласини жўргтага четлаб ўтган бу нутқимни оломон завқ-шавқ билан бўлмаса ҳам, ҳар холда, хурмат-эхтиром ила карши олди. Мен нутқимнинг охирида мажлис ахлига мурожаат қилиб, уларни бу сафар ҳам озодликнинг буюк принципларига содик бўлишга даъват этарканман, мени ҳалқ вакили этиб парламентта сайлаганлари учун йигирма йилдан бери шу буюк принципларни жидду жаҳд билан ҳимоя қилиб келаётганимни ва ҳамиша бу менинг энг фахрли ишми бўлганини эслатдим ҳамда эртага бўладиган сайловда ҳалқ манфаатларини йигирма йил давомида катъий ишонч билан ҳимоя қилиб, инсон ҳак-хукуклари учун курашаётган номзодларга овоз беришларини сўрадим улардан.

Мен нутқимни тантанавор ҳайқириклар, гулдиros карсаклар кутловида тутгатиб жойимга ўтиргандим, шу пайт залнинг орқа томонидаги галерейнинг коронги бир бурчагидан овоз эшитилди:

– Мен доктор Терндан сўрамоқчиман: у чечакка карши эмлашнинг самара беришига ишонадими?

Бутун мажлис ахли хиёлгина хиринглаб кулиб кўйди, мажлис раиси эса, ўрнидан тураркан жилмайганча деди:

– Ўйлайманки, мистер Тернга бундай савол билан мурожаат қилишнинг ҳеч ҳожати йўқ, чунки у мана, йигирма йилдан бери бутун Англияда антивакцинациянинг энг жонкуяр ҳомийси ҳисобланиб келяпти.

– Мен саволимни яна тақрорлайман! – деди тағин ўша овоз.

Бегона одамнинг бу сакраши раиснинг ғашини келтириди.

– Агар савол берган номаълум кимса галереянинг коронги бурчагида беркиниб ўтирамай, кимлигини бизга очик кўрсатса, доктор Терн унинг синчковлигини, албатта, кондиргай.

Галереядагилар ғимирлаб қолишиди ва бир одам у ердаги кишилар орасидан ўзига йўл очиб пастга туша бошлади.

Мана, ниҳоят савол берган махфий кимса сахна олдига яқин келди ва мен қизимнинг қайлиги доктор Эрнест Мерчисонни бир қарашдаёқ танидим.

– Мен сиздан сўрамоқчиман, сэр, – деди у ўша-ўша қўрс ва дағал овозда, – сиз ўзингиз ишонасизми ё йўқми чечакка карши эмлашнинг самара беришига?

Мен нима деб жавоб қилишим мумкин эди?

– Ўйлайманки, сэр, менинг шу кейинги йигирма йил давомида олиб борган ижтимоий фаолиятим, ҳозир бу ерда жаноб раис эслаб ўтганидай, сизнинг саволингизга жавобим бўлиши мумкин. Мен ўзимнинг фикримулоҳазаларим ва нуқтаи назарларимни сўзлаган нуткларимда тингловчиликага ҳам очик, ҳам ёзма тарзларда жуда кўп марта изҳор этганманки, улар ҳозир бу ерга йигилган мажлис ахлига аёндир.

Шунда Эрнест Мерчисон менга орқа ўтириди-да, янгроқ ва баралла овозда мажлис ахлига мурожаат қилиб:

– Денчестер фуқаролари! – деди ва митингта йигилган барча одамлар дикқатини ўзига қаратди. – Ҳаммангиз эшитгансиз ва биласиз албатта, доктор Терннинг чечакнинг олдини олиш учун эмлаш бефойда, хаттоги зааралидир, деган таълимотини. У ўзининг бу фикрини халқимиз онгиға очиқдан-очиқ сингдириш билан минг-минглаб одамларнинг ўзларини ҳамда ўз фарзандларини эмлатишларига тўсқинлик қилиб келди. Энди мен ундан ўзининг ана шу эътиқодини ўз тили билан бутун халққа очиқ баён қилишини ҳамда ҳаммангизнинг кўзингиз олдида чап қўлини очиб кўрсатишини сўрайман.

Мажлис ахли орасида шов-шув кўтарили: “Э, уялинг-е!”, “Йўқ, кўрсатсан!” – деган овозлар эшитилди. Менинг тарафдорларим каттиқ ғазабланишиб, бутун зални бошларига кўтариб бақира бошлишди, бу бақирик-чакирик, шовқин-суронларнинг ҳаммаси менинг кулогимга ўрмондаги ваҳший ҳайвонларнинг ўкириши бўлиб эшитилди, лекин мен бутун ирова кучимни жамлаб хушимни йигиб олдим-да, оломонга юзланаб дедим:

– Мен ҳар қандай саволга ҳам жавоб бериш учун келганман бу ерга, лекин, илтимос, мени ҳақорат қилишларига йўл қўйманлар!

Оломон шовқин солар, безовта бўларди, Эрнест Мерчисон эса, менинг ёнимда худди бадқаҳр тақдирдек, бешафқат ажал фариштасидек қимир этмай хотиржам кайфиятда туради.

Залда шовқин тингач, у яна барадла овоз билан деди:

– Мен саволимни яна такрорлайман. Шаҳарда чечак касали кун сайин авж олиб бормоқда, юзлаб одамлар кирилиб кетяпти, ҳозир кўплар чечак балосидан сакланиш учун шоша-пиша ўзларини эмлата бошлидилар. Шунга кўра, доктор Терн ўзини чечакка қарши эмланмаганлигини исботлаш учун, ҳозир бутун жамоага чап қўлини очиб кўрсатсан!

Мажлис раиси менга безовталаниб қаради, шунда мен унинг лаблари кўкариб кетганини ва пир-пир уча бошлаганини кўрдим.

– Митингни ёпик деб эълон қиласман! – деди у бор овози билан бақириб.

Мен шоша-пиша саҳнадан туша бошлидим. Шу пайт бирдан кулогим тагида бадқаҳр тақдирнинг овози жаранглаб эшитилди: “Қотил! Ўша яшираётган нарсангни мана мен очиб кўрсатаман!” Ва мен хушимни йигиб олишга улгурмасимдан, Мерчисон ўнг кўли билан хикилдоғимни бўғиб, чап кўли билан камзулим ва кўйлагимнинг чап енгини бир ҳамлада шартта юлиб олиб, чап елкамни яланғочлари ва хиёнаткор чечак белгила-ри ҳамманинг кўзига яққол ташланиб, бутун халқ кўзи олдида шарманда бўлганимни намойиш килдилар.

Мен хушимдан кета бошлаганимда, қилган ваъзларим, берган таълимларимни эшитиб алданган юзлаб, минглаб одамларнинг ваҳшиёна бақиришиб, мени лаънатлаганларини, бўралаб ҳақорат қилганларини эшитдим. Ўшандан бери бу таҳқири лаънатлар мени ҳамма ерда таъқиб қилиб келмоқдалар. Бу таҳқири қарғишлар мени ўз ватанимдан бosh олиб чиқиб кетишига мажбур этдилар, улар ҳатто ҳозир, шу бегона юртда ҳам менга тинчлик бермаётирлар...

Қиссам тугади, айтадиган бошқа гапим колмади.

5/2019(264) 113 Jahon ADABIYOTI

Азизиддин НАСАФИЙ

КОМИЛ ИНСОН КИТОБИ¹

Форс тилидан

Нажмиддин КОМИЛОВ,

Олимжон ДАВЛАТОВ таржимаси

ЎН ЕТТИНЧИ РИСОЛА

ИЛК ЯРАТИҚ ҲАҚИДАГИ ҲАДИСЛАР БАЁНИДА

Бисмиллахир Роҳмонир Роҳим

Алҳамду лиллаҳи роббили-ъаламийн вал-ъақибату лил-муттакийн, вас-солату вас-саламу ъала анбиёҳи ва авлиёҳи хойру ҳолкиҳи, ва ъала алиҳим ва асҳабиҳим ат-тойибийн ат-тоҳирийн.

Аммо байд, заифларнинг энг заифи ва фәқирларнинг ходими, камина – Азизиддин Мұхаммад Насафийдан дарвешлар – Аллоҳ уларни янада күпайтирсин – аҳодиси авойил (илк яратик ҳакидаги ҳадислар) ҳақида бир рисола тартиб бериб, унда бу ҳадислардан мақсад бир жавҳар ёки ҳар бир ҳадисдан мақсад бўлган жавҳарлар турлича эканлигини тушунтириб беришимни сўрадилар. Чунки бир ҳадисда “Аввалу мо ҳалақаллоҳу та-оло ал-Ақл” (Аллоҳ таоло яратган ilk нарса – Ақлдир) дейилган бўлса, бошқа бир ҳадисда келтирилганким, “Аввалу мо ҳалақаллоҳу таоло ал-Қалам” (Аллоҳ таоло яратган ilk нарса – Қаламдир), яна бошқа бир ҳадисда “Аввалу мо ҳалақаллоҳу таоло ал-Арш” (Аллоҳ таоло яратган ilk нарса – Аршдир) дейилган; бунга ўхшаш ҳадислар жуда кўп. Бундан ташқари, фаришта нима, шайтон нима, шулар ҳакида ҳам маълумот беришимни сўрадилар.

Уларнинг таклифларини қабул килдим ҳамда ҳато ва гумроҳликдан паноҳ истаб, Аллоҳ таолодан мадад ва ёрдам сўрадим. Негаки, факат У нимагаки, истаса Қодир эрур ва сўраганларни ижобат килишга муктадир.

Биринчи фасл

АҚЛ ВА УНИНГ ҚАЛАМИ БАЁНИДА

Билгилки, Аллоҳ таоло малакут оламида яратган ilk нарса – Биринчи Ақлдирким, у Аллоҳнинг Қаламидир; Аллоҳ таоло мулк оламида яратган ilk нарса Биринчи фалакдирким, у Аллоҳнинг Аршидир. Аллоҳнинг Қалами бўлмиш Биринчи Ақл – нур дарёси эди, Аллоҳнинг Арши

¹ Давоми. Бошланиши аввалги сонларда.

бўлмиш Биринчи фалак – зулмат дарёси эди; ушбу Қаламга хитоб келдиким: ушбу Аршга ё! Қалам айтди: Худовандо! Нима ёзайин? Хитоб келдиким, бўлган, бўлаётган ва қиёматга қадар бўладиган барча нарсаларни ёз! Қалам ёзди. “Инналлоҳа таола холақал-халқа фий зулматин сумма рааша ъалайҳим мин нурихи фаман асоба мин золикан-нури иҳтада, ва ман залла фағаво”.

Эй дарвеш! Нур сочилиши нима эканлиги ва қанақа эканлигини биласан. Нур учта ҳарф – “нун”, “вов” ва “ро”дан таркиб топган. Нун – набийдан, вов – валийдан, ро – рушд (камол топиш, етуклиқ)дан иборат. Нур раashi – сочилиши тўғри йўлга кўрсатиш (рушди ҳидоят)дан, валийни ва набийни юборишдан иборат. Кимгаки рушд ва ақл бериб, унга набий юбордилар умумий нурни топди, кимники валийга таништирилар, у хос нурни топди. Йакаду зайдухо йазиъу ва лав лам тамсасху нарун ва нурун ўала нурин йаҳдийаллоҳу линурихи ман яшау ва йазрибуллоҳал-амсола линнаси валлоҳу бикулли шайъин ъалийм.

Аллоҳнинг сўзи: “Аллоҳ осмонлар ва Ернинг “нури”дир. Нурининг мисоли худди бир токча ичидаги чироқ, бу чироқ бир шиша ичиди, у шиша гўё бир дурдан яралган юлдузга ўхшайди. У (чироқ) на шарқий ва на ғарбий бўлмаган муборак зайдун дарахти (мойи)дан ёқилур. Унинг мойи (мусаффолигидан), гарчи унга олов тегмаса-да, (атрофни) ёритиб юборгудекидир. (Мазкурлар кўшилганда эса) нур устига нур (бўлур). Аллоҳ ўзининг (бу) нурига ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят килур. Аллоҳ одамлар (ибрат олишлари) учун (мана шундай) мисолларни келтирур. Аллоҳ барча нарсани билувчиdir”.¹

Сўз чўзилиб, асл максаддан узоқлашдик.

Эй дарвеш! Аллоҳ таоло катта оламда бир Қалам яратибди, у – Биринчи Аклдир, кичик оламда ҳам бир қалам яратибdir, у – инсоннинг аклидир.

Олдингиларни билиб олдинг, энди билгилки, инсон аклининг сиртдан караганда икки қалами бор, бу икки қаламнинг бири – тил, иккинчиси – кўлдир. Тил – илм зохир бўлишининг асбобидир, кўл – амал зохир бўлишининг асбобидир. Тил ва кўл қаламдирлар ва ҳамиша Китобдадирлар, аммо ҳакиқий қалам ақлдир, негаки, инсоннинг билими ва қудратининг мазҳари – ақлдир. Тил ва кўл эса инсон аклининг суратидирлар. Инсон ақли факат ушбу икки қалам воситасида шаҳодат оламида зохир бўлади. Тил ақл сўзини зохир бўлганларга етказади, китоб – ақл сўзини гойибларга етказади. Фитратдаги ҳикматлар ва ақлли фикрлар тилдан зохир бўлади, амалий ҳикматлар ва идрок этувчи санъатлар кўлдан пайдо бўлади.

Эй дарвеш! Ақл яратилгандир, шу жихатданким, ақл сўзлашувчиdir ва тил ҳам сўзлашувчиdir; ақл ўргатувчиdir, тил ҳам ўргатувчиdir; Ақл Аллоҳнинг элчисидир, тил Ақлнинг элчисидир. Жабарут аҳлининг ўзларига хос суратлари бор, малакут аҳлининг ўзларига хос суратлари бор, мулк аҳлининг ўзларига хос суратлари бор, аммо ҳар бир нарсанинг сурати ўзининг ҳолатига мос бўлади. Мулк аҳлининг сурати хиссийdir, малакут аҳлининг сурати ақлийdir, жабарут аҳлининг ҳакиқий сурати бордир.

Аллоҳ таоло мулкни малакут суратида яратиб, малакутнинг мазҳари этмишdir; малакутни жабарут суратида яратиб, жабарут сифатларининг мазҳари этмишdir. Шу учун жабарут аҳли малакутга ошиқдирлар,

¹ Нур, 35-оят.

малакут ахли ҳам мулк ахлига ошиқдирлар. Чунки жабарут ахли малакутда ўз жамолларини кўрадилар ҳамда ўз сифатларини мушоҳада этадилар. Шундан келиб чикиб, айтадиларким, Вужуд Ишкка тўладир ва Ўзига Ошиқдир. Барча ҳаракатда, ҳаракатда шавқлари бор ва ўзларини талаб киладилар. Сўз чўзилмасликни шунча истасам ҳам, ихтиёримсиз чўзилиб кетаяпти.

Эй дарвеш! Кичик оламдагиларни маълум қилдинг, катта оламда ҳам шундай деб билгил. Билғилки, Биринчи Ақлнинг ҳам қуий оламда иккита калами бордир, бу каламларнинг бири – пайғамбар, иккинчиси – султондир. Пайғамбар – Илм мазҳаридир, султон – Кудрат мазҳаридир. Пайғамбар ва султон Илм ва Кудрат мазҳаридир, Илм ва Кудрат улардан ҳамиша жорий бўлади, аммо ҳақиқий Қалам – Биринчи Ақлдир; Пайғамбар ва султон Биринчи Ақлнинг мазҳаридирлар; негаки, Аллоҳнинг Илми ва Кудратининг мазҳари Биринчи Ақл бўлиб, Биринчи Ақлнинг илми ва курдати ушбу оламда факат шу икки калам орқали зоҳир бўлади. Бир киши ҳам пайғамбар ва ҳам султон бўлиши, ҳам Илм ва ҳам Кудратнинг мазҳари бўлиши мумкин. Шу сабабдан буюрдиким, “Инналлоҳа таъала холақол-Адама ъала суратир-Роҳман”.

Эй дарвеш! Одам набий-Пайғамбардир, у Биринчи Ақлнинг суратидир; Биринчи Ақл Одамнинг жамолида ўз суратини кўради ва ўз сифатларини мушоҳада этади. Аллоҳ таоло Одамни Биринчи Ақл суратида яратмишдир.

Эй дарвеш! Биринчи Ақлнинг зоҳир илмida тўртта калами бор, инсоннинг ақли ҳам зоҳир оламида тўртта қалами бор, аммо бу саккизта каламнинг ҳаммасини ҳам баён этсан, сўз чўзилиб кетарди. Калаванинг учини зеҳни ўткир кишиларга бердим, ўз фикрлари билан хулоса килиб оладилар. Агар саккизтадан кўп дейишса ҳам, тўғри айтган бўладилар, чунки мулк олами малакут оламининг асбоби ва меҳнат қуролидир, мулк оламининг ҳар бир нарсаси малакут оламининг сифатларининг зухуридир: Нун вал-қалам ва ма йастурон. “Нун” – жабарутдан иборат, “қалам” – малакутдан иборат, “Ва ма йастурон” – мулкдан иборатдирким, улар каламнинг суратларидирлар.

Аллоҳнинг сўзи: “Нун. Қалам ва (у билан) ёзадиган нарсалар (битиклар) билан қасамёд этаманки”.

Эй дарвеш! Агар жабарутни Давот(сиёҳдон), малакутни Қалам, мулкни Лавҳ, десалар, тўғридир; агар жабарутни Давот, малакутни Қалам ва мулкни Қаламнинг сурати ва Қаламнинг асбоби – дасгоҳи, десалар, у ҳам тўғридир.

Эй дарвеш! Агар мулк Қаламнинг сурати ва асбоби бўлса, бас, Қаламга хитоб келдиким, “Ёз!” Маъноси шуки, мартабаларингни пайдо кил ва мулкдан ўз сифатларинг мазҳари ҳамда асбобларингни зоҳир айла; Қалам буларни ёзи. “Жаффал-Қалам”нинг маъноси шуки, Қалам ўз мартабалари ва асбоб-дасгоҳларини барчасини пайдо килди, муфрадот (оддий нарсалар) буткул пайдо бўлдилар. Энди мураккабот нима килсалар, ўзлари билан келтиргандар.

Иккинчи фасл

АҚЛ – АЛЛОҲНИНГ ФЕЪЛЛАРИ ВА СИФАТЛАРИНИНГ МАЗҲАРИ ЭКАНЛИГИ БАЁНИДА

Билгилки, ушбу рисоланинг бошида айтилганидек, Аллоҳ таоло малакут оламида яратган илк нарса – бир жавҳар эди, бу жавҳарнинг номи – Биринчи Ақлдир, у Аллоҳнинг Қаламидир; Аллоҳ таоло мулк оламида яратган илк нарса ҳам бир жавҳар эди, бу жавҳарнинг номи – Биринчи фалак эди, у Аллоҳ таолонинг Аршидир. Ушбу Биринчи Ақл Аллоҳнинг Аршида муставийдир. Биринчи Ақл Аллоҳнинг исмлари ва сифатларининг мазҳаридир. Аллоҳнинг исмлари, сифатлари ва феъллари Биринчи Ақлдан зоҳир бўлади.

Эй дарвеш! Ҳаёт, Илм, Ирод, Кудрат, Самъ, Басар, Калом – Биринчи Ақлнинг сифатлариридир, Ижод, Иҳё (тирилиш) ва Таълим – Биринчи Ақлнинг феъллариридир. Биринчи Ақлнинг улуғлиги даражасини Аллоҳдан ўзга хеч ким билмайди. Улуғ шайхлардан кўпчилик ушбу Биринчи Ақлга етишганлар ва шу Биринчи Ақлда қолиб кетдилар, чунки улар Биринчи Ақлнинг сифатлари ва феълларини кўриб, унинг ҳукмидан устун бошқа ҳукм кўрмадилар, унинг амридан устун бошқа амр топмадилар; “Иннама амруху иза арода шайъан ан йақулу кун фаяқун”.

Аллоҳнинг сўзи: “Бирор нарсани (яратиш)ни ирода қилганида, Унинг иши факатгина: “Бўл!” – дейишидир. У (нарса) эса бўлур (вужудга келур)”¹. Аллоҳ – шу бўлса керак, деб бир муддат унга сиғиндилар; сўнг Ҳақ таолонинг инояти етиб, Биринчи Ақлнинг ҳукмидан устун Ҳукм кўрдилар, унинг амридан устун Амр топдилар: “Ва ма амруна илла вахидатун каламҳим бил-басар”.

Аллоҳнинг сўзи: “Бизнинг фармонимиз факат биргина (“Бўл!”, – деган сўздир). (Муддати) кўз юмиб очгунчадир”².

Сўнг уларга ойдинлашдики, у – Аллоҳнинг халифасидир, Аллоҳ эмас, у Аллоҳнинг сифатлари ва феълларининг мазҳаридир.

Эй дарвеш! Куръони Карим ва ҳадиси шарифда Биринчи Ақлнинг зикри кўп келтирилган.

Учинчи фасл

БИРИНЧИ АҚЛНИНГ ТУРЛИ ИСМЛАРИ БАЁНИДА

Билгилки, Биринчи Ақлни изофа ва эътиборлар ила турли исмлар билан зикр этмишлар.

Эй дарвеш! Агар бир нарсани юзта эътибор билан номласалар, бу нарса бу юзта ном билан кўпайиб кетмайди. Масалан, агар бир кишини турли эътибор билан турлича – темирчи, косиб, тикувчи ва шу кабилар билан номласалар, бу турли исмлар ўша одамни ҳеч қачон кўпайтирмади.

Олдингиларни билиб олдинг, энди билгилки, пайғамбарлар бир жавҳар кўрдилар – тирик эди ва бошқаларни тирилтиради, исмини Рух кўйдилар. Шу жиҳатданким, Рух тирик ва тирилтирувчидир. Худди шу

¹ Ёсин, 82-оят.

² Қамар, 50-оят.

жавҳарни кўрдиларким, биларди ва бошқаларга ҳам ўргатарди, исмини Акл кўйдилар. Шу жиҳатданким, Акл ҳам олим, ҳам муаллимдир. Худди шу жавҳарни кўрдиларким, пайдо эди ва бошқаларни ҳам пайдо киласди, исмини Нур кўйдилар. Шу жиҳатданким, Нур ҳам зоҳир ва ҳам мазҳардир.

Эй дарвеш! Агар ҳар бирига таъриф берсак, гап чўзилади. Худди шу жавҳарни кўрдиларким, кўнгилларга илмларни накш этувчи эди, исмини Қалам кўйдилар. Худди шу жавҳарни кўрдиларким, бўлган, бўлаётган ва бўлажак барча нарсалар унга ёзилган эди, исмини Лавхи маҳфуз кўйдилар. Агар худди шу жавҳарни Байтуллоҳ ва Байтул-атийқ ва Байтулмаъмур ва Байти аввал ва Масжиди Ақсо ва Одам ва Аллоҳнинг расули ва мукарраб фаришта ва Арши азим деб айтсалар ҳам, хато бўлмайди. Буларнинг барчаси – Биринчи Ақлнинг исмларидир.

Тўртинчи фасл

ФАРИШТА ВА ШАЙТОН БАЁНИДА

Билғилки, баъзилар айтадиларким, фаришта – кошиф (кашф этувчи) ва шайтон сотир (ёпувчи)дир. Баъзилар айтадиларким, фаришта – сабабдир, шайтон ҳам сабабдир. Кашф сабаби фариштадир, сатр сабаби шайтондир. Яхшилик сабаби фариштадир. Ёмонлик сабаби шайтондир; раҳмат сабаби фариштадир, азоб сабаби шайтондир. Кимки сени яхши ишларга даъват қилиб, ёмон ишлардан қайтарса, сенинг фариштангдир; кимки сени ёмон ишларга даъват қилиб, яхши ишлардан қайтарса, сенинг шайтонинг ўшадир.

Эй дарвеш! Ўз она юртим – Насаф шаҳрида эдим. Бир кечада Расулуппоҳ (с.а.в.)ни тушимда кўрдим. Буюрдиларким: “Эй Азиз! “Аъзуз” ўқийдиган дев ва “Ла ҳавла” айтадиган шайтонни биласанми?” Дедим: Йўқ ё Расулуппоҳ. Дедиларким, фалончи “Аъзуз” ўқийдиган дев ва фалончи “Ла ҳавла” айтадиган шайтондир, улардан ҳазир бўл.

Иккаласини ҳам танирдим ва улар билан сухбатдош эдим, уларнинг сухбатини тарк этдим.

Бешинчи фасл

ФАРИШТАЛАР БАЁНИДА

Билғилки, бу заинфинг фикрича, улвий оламнинг ишчилари ва куйи оламнинг ишчилари – барчалари фаришталардир. Ҳар бирининг илми маълумдир, ҳар бирининг амали маълумдир, ҳар бирининг мақоми маълумдир. “Ва ма минна илла лаҳу мақомин маълумин”. Уларнинг илми кўпаймайди ва амаллари ўзгармайди. Ҳар бири ўз амалига машғулдир. Бу илм ва амални бирордан ўрганмадилар, уларнинг илми ва амаллари туғмадир, уларнинг зоти билан биргадир. Унга амал кильмаслик кўлларидан келмайди, унга хилоф ҳам амал қилолмайдилар. “Ла йаъсуналлоҳа ма амарахум ва йафъалуна ма йуъмурун”.

Аллоҳнинг сўзи: “Эй, имон келтирганлар! Ўзларингизни ва оила аъзоларингизни ёқилғиси одамлар ва тошлар бўлмиш дўзахдан сақлангизки, унда дағал ва қаттиқўл, Аллоҳ буюрган нарсага итоатсизлик

қилмайдиган, факат буюрилган ишни қиласидиган фаришталар (хизмат қилурлар)¹.

Эй дарвеш! Биринчи акл фақат бир сафдир, улвий олам ва қуий оламнинг фаришталари ҳам бир сафдир. Чунки барчаси унинг мартабалари дидирлар ва уларнинг барчасининг мабдаи – сарчашмаси уdir. Комилларнинг қайтиши ҳам унга бўлур. У комилларнинг жаннатидир: йавма йакумур-Руху вал-малаикату соффан ла йатакаллимуна илла ман азина лахур-Роҳману ва қола савабан заликал-йавмал-ҳаққи фаман шаат-тхаза ила Роббихи маабан”.

Аллоҳнинг сўзи: “Рух (Жаброил) ва (барча) фаришталар саф тортиб турадиган кунда (одамлар) гапирмаслар, факат Раҳмон (мехрибон зот) изн берган кишигина (сўзлар) ва (факат) рост сўзлар. Бу ҳак (ва рост) бўлган кундир. Бас, ким хоҳласа Парвардигори томон қайтадиган йўлни тутар²”.

“Ма ла йатакаллимун”, яъниким Одамдан ўзга барча мавжудотнинг турлари гапиришни билмайдилар. “Заликал-йавмул-ҳаққи” – Явм (кун) – даражадан иборатдир, яъниким ушбу инсоний мартабага ҳақдир; шу жихатданким, ушбу инсоний мартабага етишмагунча, қайтиша истеъоди йўқдир. Ўз мабдаи ва маъодини билмайди, ўз Парвардигорини танимайди. Энди ушбу мартабада ҳар ким хоҳласа, қайта олади: Фаман шаат-т-тхаза ила Роббихи маабан”.

Олтинчи фасл

НАСИҲАТ БАЁНИДА

Билгилки, одамлар бу дунёга ўз ихтиёрларидан ташкарида келадилар. Бу дунёга келиб-кетадиган ҳар юз минг кишидан биттаси ўзини аслида ким эканлигини англай олади, дунёни аслида кандай бўлса, шундай танийди, қаердан келиб, қаён бораётганини билади. Яъниким, ўзининг мабдаи ва маъоди – ибтидоси ва интиҳоси, илмуляқин ва ҳақкуляқинни таниди ва кўрди. Бошқалар барчаси сўқир келдилар ва сўқир кетдилар: “Ман канафий ҳазихи аъма фахува фил-ахирати аъма ва азалла сабилан”.

Аллоҳнинг сўзи: “Кимки, бу (дунё)да кўр (гумроҳ) экан, бас, у охиратда ҳам кўр ва бутунлай йўлдан озвучидир”³.

Ҳар бири ҳайвонлик даражаларининг бирига тушиб кетиб, инсонийлик макомга кўтарила олмадилар, чунки бу оламда корин ғами, шаҳватни қондириш ва бола-чақа ортириш ташвиши билан машғул эдилар. Умрларнинг аввалидан охиритагача уларнинг саъй-ҳаракати ҳам, урушлари ва ярашиллари ҳам шу учун эди. Ушбу уч нарсадан бошқа ҳеч нарса кўрмадилар ҳам, билмадилар ҳам: “Ва лақод зароъна лажаҳаннама касирон минал-жинни вал-инси лаҳум қулубун ла йафҳамуна биҳа ва лаҳум айнул ла йубсируна биҳа ва лаҳум аzonун ла ясмаъуна биҳа улаика кал-анъами бал хум азаллу, улаика хумул-гофилун”.

Аллоҳнинг сўзи: “Жаҳаннам учун жинлар ва инсонларнинг кўпчилигини яратганимиз. Уларда қалблар бор, (лекин) улар билан “англамайдилар”. Уларда кўзлар бор, (лекин) улар билан “кўрмайдилар”.

¹ Тархим, 6-оят.

² Набаъ, 38,39-оятлар.

³ Исро, 72-оят.

Уларда кулоклар бор, (лекин) улар билан “эшитмайдилар”. Ана ўшалар хайвонлар кабидирлар. Балки, улар (янада) адашганроқдирлар. Айнан ўшалар ғофиљлардир”¹.

Айримлари ушбу учта бут-санамдан кутулиб, булардан-да каттарок бошқа уч буттга йўлиқдилар. Бу учта хижобдан ўтиб, бундан-да кучлирок бошқа учта хижобда қолиб кетдилар. Булар – зоҳирпаастлик, мол-дунёпаастлик ва мансабпаастликдир. Бу учта бут каттароқ ва бу учта хижоб кучлироқдир.

Эй дарвеш! Дунё бундан ортиқ эмас, бу олти нарса дунёнинг шоҳларидир. Охириг учта шоҳ агар кучга тўлиб, ғалаба килсалар, аввалгилари кучсизланиб, мағлуб бўладилар. Дунё аҳли ҳар бирлари бу шоҳларнинг бирининг, баъзида олтита шоҳнинг ҳаммасининг соясида паноҳ истаб, умр кечирадилар. Бу – ўз нафсиning роҳат топиши ва лаззатланиб, мурод ҳосил қилмоқ учундир. Билмайдиларким, нафсиning битта муродига етмок учун ўнта, балким, юзлаб, минглаб маҳрумликларга чидаш керак. Битта вактинчалик хурсандчилик учун мингта ғуссага ким кўнади? Доно киши бунга ҳеч қачон чидолмайди, ўша хурсандчиликдан воз кеча қолади. Аммо нодон кишилар ўша битта хурсандчилик талабида бўлади ва ғофиљдирким, бу битта хурсандчиликдан кейин қанчалар ғуссалар уни гафлатда қолдиради: улоика кал-анъами бал ҳум азаллу улаика ҳумул-ғофиљун”.

Аллоҳнинг сўзи: “Жаҳаннам учун жинлар ва инсонларнинг кўпчилигини яратганимиз. Уларда қалблар бор, (лекин) улар билан “англамайдилар”. Уларда кўзлар бор, (лекин) улар билан “кўрмайдилар”. Уларда кулоклар бор, (лекин) улар билан “эшитмайдилар”. Ана ўшалар хайвонлар кабидирлар. Балки, улар (янада) адашганроқдирлар. Айнан ўшалар ғофиљлардир”².

Эй дарвеш! Айтилган дунёнинг шоҳлари ўзи соядир, сояли шоҳлар эмас. Чунки дунё ўзи соядир ва вужуди зиллий (сояли вужуд)дир; кўринади, аммо ҳакиқий эмас. Бу соядан ҳеч кимга роҳат етмайди, факат заҳмат ва машакқат кўпаяди, чунки бу соянинг салкини йўқ, иссиқликлини кайтаролмайди, балким иссиқлик ва ҳароратни оширади. “Инталаку ила зиллин зий салоса шаъбин ло залилун ва ла йағний минал-лаҳаби иннаха тармий бишарорин калқасри кааннача жамалату сафарин”.

Аллоҳнинг сўзи: “Уч бўлакли сояга борингиз! Ҳеч қандай салқинлик бермайдиган ва алангани ҳам тўсмайдиган (“соя”дир у). Дарвоқе, у (жаҳаннам баландликда) қасрдек (улкан) алангалаарни отур. (Улар) худди сарик туяга ўхшар”³.

Эй дарвеш! Хижоб ҳакиқатда еттита келди: бири – нафси дўст тутмоқ, қолгани – айтилган олтита нарсани нафс учун дўст тутмоқ. Бу еттита нарса ҳар бири бепоён бир дўзахдир. Ҳар бири бир лаҳзода минглаб кишини ютиб юбориб, ўшанда ҳам оч-наҳор қоладиган йиরткич наҳангдир. Инсонда барча ёмон хислатлар ва ёвуз сифатлар ушбу еттита нарса воситасида шаклланади. Инсонга дунё ва охиратда стишажак минглаб балолар, азоблар ва оғатлар шу етти нарса туфайли содир бўлади. Инсон бундан бехабар гафлатда умр кечиради: улика кал-анъами балхум азаллу ва улаика ҳумул-ғофиљун”.

¹ Аъроф, 179-оят.

² Аъроф, 179-оят.

³ Мурсалот, 30-33 оятлар.

Аллоҳнинг сўзи: “Жаҳаннам учун жинлар ва инсонларнинг кўпчилигини яратганимиз. Уларда калблар бор, (лекин) улар билан “англамайдилар”. Уларда кўзлар бор, (лекин) улар билан “кўрмайдилар”. Уларда кулоқлар бор, (лекин) улар билан “эшитмайдилар”. Ана ўшалар хайвонлар кабидирлар. Балки, улар (янада) адашганроқдирлар. Айнан ўшалар гоффиллардир”¹.

Фафлат уйқусидан уйғониб, шаҳват мастилигидан ўзига келгач, ақл камоли билан инсонийлик мартабасига етишади. Бу оламни кандай бўлса, шундайлигича кўради ва билади, албатта, бу оламдан тўяди ва нафратланади. Бунинг аломати шуки, бу дунёда кафасдаги қуш каби ёхуд зиндандаги тутқун сингари яшар. Яна бир аломати шуки, бу дунёдан кетиш вақти бўлганида, унинг сўзи ушбу бўлар: фазту ва роббул-каъбати.

Эй дарвеш! Кўп улуғ кишилар ушбу оламда турли балолар ва фитналарни кўриб, кўп азиятлар ва машакқатларни дунё ва охирагда мушоҳада этиб, демишларким, кошкийди онамдан туғилмасдим ва кошкийди тупрок бўлардим; тупроқдан қуирок даража йўқ, йўқса бу даражани ҳам орзу килмасдилар. Валҳамду лиллахи Роббил-ъаламийн.

ЎН САККИЗИНЧИ РИСОЛА

ВАҲИЙ, ИЛҲОМ ВА ТУШ КЎРМОҚ БАЁНИДА

Бисмиллахир Роҳмонир Роҳим

Алҳамду лиллахи роббил-ъаламийн вал-ъакибату лил-муттакийн, вас-солату вас-саламу ъала анбииҳи ва авлиёҳи хойру холкиҳи ва ъала алиҳим ва асҳабиҳим ат-тойибийн ат-тоҳирийн.

Аммо баъд, заифларнинг энг заифи ва факирларнинг ходими, камина – Азизиддин Муҳаммад Насафийдан дарвешлар – Аллоҳ уларни янада кўпайтирсун – вахий, илҳом ва туш кўриш ҳақида бир рисола тартиб беришимни сўрадилар. Уларнинг таклифларини кабул килдим ҳамда хато ва гумроҳликдан паноҳ истаб, Аллоҳ таолодан мадад ва ёрдам сўрадим. Негаки, факат У нимагаки, истаса Қодир эрур ва сўраганларни ижобат килишга муқтадир.

Биринчи фасл

ИНСОНӢ РУҲ БАЁНИДА

Аллоҳ таоло сени икки оламда азиз килсин, билгилки, инсон ўз ички оламини поклаб, кўнгил кўзгусини мусаффи этса, осмон фаришталарига ёвук келади, чунки осмон фаришталари барчалари пок ва мусаффодирлар, илм ва таҳорат соҳибиidlар.

Эй дарвеш! Инсон руҳи осмон фаришталари жинсидандир, пок ва соғ бир жавхардан яралгандир. Аммо жасад воситасида булғаниб, ғубор қоплабди. Баданинг шаҳвати ва лаззатларини тарқ этиб, илм ва поклик ҳосил этса, ўзининг таши ва ичини покласа, кўнгил кўзгусига сайкал берса, яна пок ва мусаффи бўлади. Пок ва мусаффи бўлгач, унинг руҳи осмон

¹ Аъроф, 179-оят.

фаришталари билан муносабат ҳосил қиласи. Бу муносабат пайдо бўлгач, бир-бира га қарама-карши қўйилган иккита мусаффо кўзгу каби бўлади. Унда нима кўринса, бунда ҳам ўз аксини топади, бунда нима акс топса, унда зохир бўлади. Бундай мулокот тушда ҳам, ўнгда ҳам содир бўлади, тушда кўпроқ, ўнгда камрок бўлади. Ўйғоқликдаги мулокот важд, ворид ва илҳомга сабаб бўлади, уйкудаги мулокот ўнг тушнинг сабаби бўлади.

Иккинчи фасл

ОСМОН ФАРИШТАЛАРИ БАЁНИДА

Билгилки, осмон фаришталари барчалари пок ва мусаффодирлар, барчалари илм ва таҳорат эгасидирлар, фаришта жойлашган осмон қанча юксак бўлса, у ҳам шунча покроқ ва мусаффороқdir, илм ва таҳорати кўпроқdir. Демак, одам канча покроқ ва софроқ бўлса, шунча кўп илм ва покликка эришади; юксакроқ осмондаги фаришталар билан муносабат ҳосил қиласи. Алалоқибат шундай бир макомга келадики, поклик, сафо, илм ва таҳоратда барча фаришталардан ўзиб, Биринчи Ақлга етишади. Айримлар айтадиларким, Биринчи Ақлдан ўзиб кетолмайди, Биринчи Ақлдан файз олади. Биринчи Ақл солик ва Аллоҳ ўргасида восита бўлади, чунки Биринчи Ақл Аллоҳнинг мукарраб фариштасидир, у жуда ҳам улуғ ва донишманддир, ундан донишмандроқ ва яқинроқ бошқа нарса ўйқ. Айримлар айтадиларким, солик Биринчи Ақлдан ҳам ўзиб кетади, фаришта воситачилигисиз Аллоҳ билан сўзлашади ва Ундан эшигади. Бу одамийлик мақомининг энг юкори нуктасидир; белги-аломати шуки, бундай одамга мулк, малакут, жабарут ва Биринчи мабдаъдан хеч нарса ундан яширин колмайди; барча ашёлар, ашёларнинг табиати, ҳикмати ва ҳосиятларини кандай бўлса, шундайлигича билади ва улар билан сўзлашади. Бошқалар валийлар, пайғамбарлар ва фаришталарнинг руҳини тушда кўриб, улар билан тушда сўзлашиб, улардан мадад сўраганидек, у (Биринчи Ақлдан ўзган киши) бедорлигига фаришталар, пайғамбарлар ва валийларнинг арвоҳини кўради, улар билан сўзлашади, улардан мадад ва ёрдам сўрайди. Кашф, ваҳй ва илҳомнинг маъниси шудир, бундай одамни Комил Инсон деб аташади. Кимки бу мақомга етишса, олам ахли ундан кўп мадад ва ёрдам олишади, улвий оламнинг ақллари ва нағслари қуий оламга таъсир кўрсатади, шу жиҳатдан у ҳам қуий оламга таъсир ўтказади. Қуий оламда ким ундан мадад сўраса, мадад беради, ҳам дунё ишларига, ҳам охират ишларига унинг ҳимматининг асарлари бордир. Агар оламдан ўтиб кетганидан кейин унинг қабри зиёратига бориб, ундан мадад сўрасалар, мадад кўрсатади. Комил инсон қабрини зиёрат қилиш ва ундан мадад сўрашнинг тартиби шуки, бундай кишининг қабри бошига борган киши узокроқ туриб, қабрга юзланади. Ўша соат барча нарсалар ва ташвишлардан кўнгилни фориг этиб, кўнгил кўзгусини пок ва мусаффо этади, ўшанда зиёратчи ва зиёрат қилинувчининг руҳи ўргасида қабр воситасида мулокот бўлади. Ўшанда агар зиёратчининг мақсади илм ва маърифат бўлса, ўша соатда сўрамоқчи бўлган мушкул масаланинг ечими унинг кўнглида пайдо бўлади. Агар талаб киладиган нарсасига истеъоди бўлса, зиёратчи бошқа нарсани кўлга киритишда мадад сўраса ҳам, зиёратдан кейин унинг ишларида дуолари ижобат бўлиш асарлари

зохир бўлади. Чунки зиёрат килинувчининг руҳи Аллоҳнинг олдида қурбати бордир, у Аллоҳдан зиёратчининг мушкулоти осон бўлишига восита бўлади. Агар зиёрат килинувчининг руҳи Аллоҳга эмас, балки, Аллоҳнинг муқаррабларига мукарраб бўлса, улардан шу зиёратчининг мушкулотини осон бўлишини сўрашларини илтимос қиласи.

Учинчи фасл

КОМИЛ ИНСОННИНГ КЎНГЛИ БАЁНИДА

Билгилки, ғайб оламидан ушбу шаҳодат оламига бирор бало ёки ато юборилса, шаҳодат оламига келиши ва ушбу шаҳодат оламида содир бўлишидан олдин комил инсоннинг кўнглида пайдо бўлади ва унга бу ҳолат маълум бўлади. Бошкalar тушларида кўрганини у ўнгида кўради, каррубий ва руҳоний фаришталар англашларидек у хам англайди; яъниким бაъзи соликлар каррубий ва руҳоний фаришталардан файз кабул киладилар ва акс топадилар. Дастреб каррубий ва руҳоний фаришталар келаётган бало ва ё ато (неъмат)дан хабар топадилар, сўнг улардан соликлар кўнглига акс топади. Айрим соликлар каррубий ва руҳоний фаришталарнинг воситачилигисиз каррубий ва руҳоний фаришталар хабар топганлари даражасида ўша бало ё атодан боҳабар бўладилар, ҳатто каррубий ва руҳоний фаришталар англаған ва боҳабар бўлганлариданда кўпроқ боҳабар бўладилар ва англаб оладилар: “Қалбул-муъмини ѡшашуллоҳил-акбар”.

Эй дарвеш! Анчадан бери эшитиб юрибсанким, Мухит дарёсида жаҳоннамо кўзгу ўрнатмишлар, бу дарёда йўлга чиқсан ҳар бир нарса уларга етиб келгунга кадар ўша нарсанинг акси жаҳоннамо кўзгуда кўринармиш. Аслида бу жаҳоннамо кўзгу нима ва бу дарё қайсилигини билмайсан. Бу дарё ғайнинг ғайб оламидир ва бу кўзгу Комил инсоннинг кўнглидир. Ғайнинг ғайб оламидан бирор нарса чиқиб, вужуд соҳилига етиб келгач, бу нарсанинг акси Комил инсоннинг кўнглида пайдо бўлади, Комил инсон бу ҳолдан хабардор бўлади. Кимки комил инсон ҳузурига келса, унинг кўнглида кечеётган барча нарсалар комил инсоннинг кўнглида акс топади.

Соликлардан ташқари шундай бир қавм борки, уларнинг кўнгли аслида соғ ва безаксиз яралган, уларнинг кўнгилларида ҳам баъзи нарсалар пайдо бўлади. Улар ҳам келажакнинг ахволидан хабар бериб, одамларнинг ичидан ва ахволидан огоҳдирлар. Бу ҳол айрим ҳайвонларнинг кўнглида ҳам пайдо бўлади, чунки уларнинг кўнгли ҳам соғ ва безаксиздир ва бу ҳайвонлар одамларга хабар берадилар. Айрим одамлар буни тушунадилар, айримлари тушунмайдилар.

Эй дарвеш! Бу акс топишлар исломга ҳам, куфрга ҳам дахли йўқ. Акснинг зохир бўлиши кўнгилнинг соғлиги ва безаксизлигига боғлиқ. Бу акс комил инсонда ҳам, ноқис инсонда ҳам, солих кишида ҳам, фосиқ кишида ҳам зохир бўлиши мумкин. Агар солих кишида пайдо бўлса, унинг салоҳияти ошиб, кўт кишилар унинг воситасида фойда топадилар. Агар фосиқда пайдо бўлса, унинг фосиқлиги кўпайиб, кўпчилик у туфайли кўп зиён-захмат кўрадилар. Сўз чўзилиб, мақсаддан узоклашдик.

ШАРИАТ АХЛИ СЎЗЛАРИНИНГ БАЁНИ

Билгилки, шариат ахли дейдиларким, осмон фаришталари айрим вақтлар қиёфа касб этиб, баъзи одамлар билан сўзлашадилар ва айтадиларким, биз фариштамиз ва Аллоҳнинг элчисимиз, муайян юмуш билан келганмиз. Куръони Каримдаги Марям (а.с.) ва Иброҳим (а.с.) киссаси, бошқа Куръоний киссалар ва қатор ҳадисларда бу ҳақда кўп зикр этилган. Баъзи вактларда эса, уларнинг сурати одамга кўринмайди, аммо одам билан сўзлашадилар ва бирор нарсага буюрадилар, ёхуд бирор ҳолатдан хабардор киладилар. Бу овозни ҳотиф овози деб атайдилар.

Олдингиларни билдинг, энди шуни ҳам билгилки, осмон фаришталари одамнинг кўнглига бирор сўзни талқин этсалар, агар бу талқин уйғоқлик ҳолатида бўлса, унинг номи илҳомдир, агар тушда бўлса, унинг номи ўнг тушдир. Агар фаришталар қиёфа касб этиб, пайғамбарларга кўринсалар ва уларга Аллоҳнинг сўзларини етказсалар, бу – ваҳий бўлади. Бу – ваҳий, илҳом, ўнг туш ва фаришталарнинг қиёфа касб этиши ҳақидаги шариат ахлининг сўзлари эди.

Бешинчи фасл

ҲИКМАТ АХЛИ СЎЗЛАРИНИНГ БАЁНИ

Билгилки, ҳикмат ахли дейдиларким, айтилган бу суратлар (киёфа касб этган фаришталар) факат тахайюл қуввати ғолиб бўлган кишиларгагина зоҳир бўлади. Бу ҳаммага ҳам насиб этавермайди, санокли кишилардагина бу хислат бўлади. Чунки инсоннинг учта қуввати бор: сезги қуввати, амал қуввати ва учинчиси тахайюл қуввати. Баъзи кишиларда бу учта қувват ҳам кучли бўлади, айрим кишиларда ҳар учала қуввати ҳам заиф бўлади, айримларда қувватлар нисбати турлича бўлади, яъниким бу уч қувватнинг айримлари заиф ва айримлари кучли бўлади. Бу сўзлардан бизнинг максадимиз шуки, кимдаки тахайюл қуввати кучли бўлса, бу суратларни кўп кўради, бу суратларнинг мусаввири бундай одамнинг ичидадир. Тушда турли шакллар ва киёфаларни кўргани каби ўнгидა ҳам бу шакллар ва киёфаларни кўра олади. Тушда ҳамма одамда бу ҳолат юзланади, аммо ўнгда озчиликка насиб этади. Шундай ҳолат бўладики, бирор тушида чанкаб колади, тушида бир киши кўлида бир коса сув билан пайдо бўлади, унга сув беради, у сувни олиб ичади ва сув ичишдан унинг жисмини лаззат қамраб олади, уйғонса, ўша тушдаги лаззатдан ҳали нимадир қолган бўлади. Ҳеч қандай шубҳа йўқки бу тушдаги сурат ва сув барчаси хаёлдир, бу суроб ва сувни яратувчи тасвир қуввати туш кўрувчининг ичидадир. Уйғоқликда ҳам шундай ҳолат бўлиши мумкин: бир киши биёбонда сувсаб, сув тополмаганда, ташналик кучайгач, унинг тасаввур қуввати кимнингдир суробини яратиб, унинг кўлидан бир кадаҳ сув олиб ичиб, бу сув унга ажиб лаззат баҳш этади ва чанқоқлиги йўқолади. Очлик пайти ҳам шундай ҳолат бўлиши мумкин: бир кишининг сиймоси пайдо бўлади, кўлида иссик нон, унга беради, нонни еб бўлгач, вужудида ажиб бир лаззат пайдо бўлиб, очлик ҳисси буткул йўқолади. Хаёл қуввати

ва таваҳҳум қуввати ичкарида ҳам, ташкарида ҳам бундай суратларни тасаввур этади. Одамлар кўркув ва гумон билан чанкайдилар, кўркув ва гумондан сероб бўладилар, балким кўркканларидан бемор бўлиб, кўркканларидан вафот этадилар.

Эй дарвеш! Кўркув ақл билан қарама-каршидир, гохида бу кўркув ақлга ҳам голиб келади. Сўз чўзилиб, максаддан узоклашдик. Бу сўзлардан ғараз шуки, хикмат ахли айтадиларким, бу суратлар фаришталар эмас, чунки осмон фаришталари ҳамиша ўзларининг маълум макомларида бўладилар, ўз ишларига машғулдилар ва ўз ишларидан бошқасига аралашмайдилар. Аммо осмон фаришталари барчалари пок ва мусаффодирлар, барчаларида илм ва таҳорат бор. Кимки риёзат ва мужоҳада оркали ўзини пок ва мусаффо айласа, илм ва таҳорат ҳосил этса, у осмон фаришталари билан муносабат ҳосил килади. Муносабат ҳосил бўлгач, олдинроқ айтганимиздек, иккита мусаффо кўзгуни қарама-карши кўйгандек бўлади. Уйғоқликдаги бундай мулоқот илҳомга сабабдир, уйқудагиси ўнг тушга сабабдир. Бу – хикмат ахлининг фаришталарнинг одам киёфасига кириш-кирмаслиги ҳақидаги ақидалари эди, бу – Хизр ва Илёсни ҳамда ғайб эранларини кўриш, соликлар чиллада ўтирганларида ғойибдаги шайхни кўриш ва бошқа ғаройиб қиёфа ва суратларни мушоҳада этишлари, куёш, ой ва юлдузларнинг шуълаларини кўришлари ҳақида хикмат ахлининг жавоби эди.

Олтинчи фасл

ҒАЙБНИ БИЛИШ БАЁНИДА

Билгилки, сендан сўрашади: агар фаришталар ғайбни билмасалар, унда улар эртага, индинга ва умуман келажакда нима бўлишини қаердан биладилар?

Жавоб. Билгилки, фаришталар ғайб оламидадирлар, ўзлари ғайб оламидирлар. Ғайб оламида кеча, бугун ва эрта йўқ, ўтган йил, бу йил, келаси йил ҳам йўқ. Ўтган юз минг йилларда ҳам, келажак юз минг йилларда ҳам ўзгаришсиз ҳозирдирлар, чунки ғайб олами қарама-каршиликлар олами эмас, қарама-каршиликлар олами – бу шаҳодат оламидир.

Эй дарвеш! Замон ва вакт биздадир, чунки биз осмонлар ва юлдузлар фарзандларимиз ва шаҳодат оламидамиз. Ғайб оламида замон ва вакт йўқ, бўлган, бўлаётган ва бўладиган нарсалар барчаси ҳозир эрур. Демак, фаришталар ғайбни билмайдилар, ҳозир бўлган нарсани биладилар.

Олдингиларни билдинг, энди шуни ҳам билгилки, ғайб оламидан шаҳодат оламига келиши муайян бўлганларни фаришталар билдилар. Фаришталар билгач, унинг акси бизнинг кўнгил кўзгумизга пайдо бўлиб, биз ҳам билдик. Бу хабар балким, бир кундан кейин, балким бир йилдан сўнг, балким икки йилдан кейин, балким юз йил ва балким минг йилдан сўнг ғайб оламидан шаҳодат оламига келар.

Эй дарвеш! Бу сўзнинг тафсили бор, агар шархи билан ёзилса, чўзилиб кетади. Аммо калаванинг учини фаҳми дақиқ инсонларга бердим, қолғанларини ўз фикрлари билан чиқариб оладилар.

ҮЙҚУ, БЕДОРЛИК ВА ТУШ КҮРМОҚ БАЁНИДА

Билгилки, инсонда шундай ҳолат борки, уни үйғоклик ҳолати дейдилар. Бошқа яна бир ҳолати бор, уни үйкүдаги ҳолат деб айтадилар. Үйқу ва үйғоклик шундан иборатки, инсон рухи хис ва сезгилар орқали ташкари оламга чикади ва ташкаридаги ишларни амалга оширади. Ташкаридаги ишлар битгач, яна ичкарига кириб, ичкаридаги ишларни битказиша сезгиларни ишга солиш ҳолати үйғоклик, ичкарига кириб, сезгиларга дам берип, ўзи ички ишларга машғуллиги үйқу ҳолати деб айтилади. Рұхнинг ичкарига кириши сабаблари кўпdir, аммо бизнинг бу ердаги мақсадимиз үйқу тадқикидир.

Үйқу ва үйғоклик маъносини билдинг, энди билгилки, туш кўрмокнинг сабаби иккита: бири – ички сезимлар, иккинчиси – осмон фаришталари туфайли. Ички сезимлардан вужудга келадиган туш хаёл ва ҳофиза туфайлидир; хаёл – муштарак сезгисининг ғазначисидир, ҳофиза – кўркув ва ваҳм ҳазиначисидир. Иккалasi ҳам ҳазина соҳиби сифатида узок йиллар маънавий ва моддий ашёлардан кўп нарса ўрганмишлар ва ўз ҳазиналарида саклаб кўйимишлар, ўз вақтида талаб килиб, уларни тортиқ этажаклар.

Эй дарвеш! Бир нарсани ўрганиб, ёд олиш шундан иборатки, нарсаларнинг ғазначилари бу нарсаларни олиб, ҳазиналарида саклаб кўядилар. Нарсаларни эслаш шундан иборатки, ғазначилар талаб вақтида ўша нарсани қайтариб тортиқ киладилар. Агар тезда тортиқ этсалар, дарров эсга келди, деб айтишади; агар кеч тортиқ этсалар, эсимга кеч келди, деб айтишади. Агар тортиқ этмасалар, фаромушотирлик дегани ўша бўлади. Ўз вақтида тортиқ этмаслик ёки умуман бермасликнинг сабаби – ғазначиларнинг ишида бир халал пайдо бўлганидан гувоҳлик беради.

Сўзчўзилиб, асл максаддан узоклашмайлик! Шундай вақтлар бўладики, ғазначилар талаб қилинган нарсани ўз вақтида олиб чиқиб берадилар; шундай вақтлар бўладики, улардан ҳеч нарса талаб қилинмасдан, ўзлари олиб чиқиб берадилар. Агар үйғоклик пайтида тортиқ этсалар, одамлар фалон нарса ёки фалончи эсимга тушди, деб айтадилар.

Эй дарвеш! Ўтмишдаги ахволларни қачондир гўзал суратларда кўрган бўлсалар, ёки покиза таомлар еганликлари, ёки дўсту ёрлар билан чиройли сухбатлар килган бўлсалар, барчаси шу кабидир. Бу бефойда ва бемаъни ўй-хаёллардандир. Сўфийлар айтадиларким, нафий хотир (хотирадаги бемаъни нарсаларни инкор этиши – О.Д.) тасаввуф шартларининг биридир. Уламо ҳам айтадиларким, бузук фикрларни тарқ этмоқ лозимдир. Келажакда содир бўлиши керакдай туюлиб бу каби ҳолатлар хаёлингта келса, бундай фикрлар ҳам бефойда ва бемаънидир. Ўтмиш ва келажакни инкор этмоқ лозим. Бу – үйғокликдаги ахволдир. Агар үйқу ҳолатида бу ғазначилар ниманидир арз этсалар, ухлаган киши тушида бир нималар кўради. Бундай тушларнинг эътибори йўқ, бемаъни тушдир, бундай тушни таъбир этиш бефойда. Үйғоклик ҳолатида бефойда

ва бемаъни бўлгани каби тушда қўрилган бундай ҳолатлар бефойда ва бемаънидир.

Яна бир қисм ҳолатлар борки, юкорида айтилганларга ўхшамайди, аммо бу ҳам ички сезгилардандир. Бундай тушлар эътиборга олинади ва таъбир қилинади.

Эй дарвеш! Агар инсон баданида тўртта хилтдан бири ғолиб келса, масалан, агар сафро ошиб кетса, тахайюл куввати нарсаларни сариқ рангда тасаввур этади ва тушда аён этади. Мисол тариқасида, сариқ гул, сап-сариқ пишган анжир, сариқ тўн, гуриллаб ёнаётган олов шуъласи ва шу каби ҳолатларни туш кўради. Бундай тушнинг таъбири шуки, сафро (ўт, захра) бу кишида ғалаба килибди, яхшиси, ўтини даволасин, йўқса, ўт касаллиги унда пайдо бўлади. Агар сафро баданида етишмаса, гулни сариқ рангда кўради; агар кучайган бўлса, анжирни сариқ рангда кўради; агар бундан-да кўпайган бўлса, гуриллаб ёнаётган олов шуъласини кўради. Агар сариқ гулни кўрса, бемор бўлмайди, чунки ўт захраси камайиб, озгина тинчиса, меъёрига келади. Агар сарғайган анжир еяётганини туш кўрса, агар даволамаса, касалланади ва ҳарорати кўтарилади. Агар бир дона анжир еган бўлса, бир марта иситмаси кўтарилади. Агар иккита еган бўлса, икки марта иситма қиласи; худди шу каби иситмаси миқдори еган анжирнинг сонига мувофиқ бўлади. Тушида сариқ тўн кийган киши агар даволамаса, ярақон касаллигига чалиниши мумкин. Агар тушида гуриллаб ёнаётган оловнинг олдида ўтириб, терга ботса, бундай одамнинг ўлими якинлигига ишорадир. Сафро хилти ҳакида билдинг, бошқа хилтлар ҳакида ҳам шундай деб бил. Агар кон босими кўтарилса, хаёл куввати тушда нарсаларни кизил рангда кўрсатади. Агар балғам кучайса, хаёл куввати тушда нарсаларни рангсиз кўрсатади, бундай одамнинг тушида оқар сувлар кўп киради. Агар савдо хилти ғолиб келса, хаёл куввати қопқора нарсалар ва коронгу жойларни тушда кўрсатади. Айтиб ўтилган бу икки қисм ички сезгилардандир; биринчи қисм аҳамиятсиз ва таъбурсиз тушлардир; иккинчи қисм эътиборга олинади ва таъбир қилинади.

Яна бир қисм тушлар осмон фаришталаридандир: ўйку орқали сезгилар фаолиятини тўхтатиб, ички олам ўзига йигилади, кўнгил кўзгуси мусаффо бўлади. Ўша соатда кўнгил кўзгуси осмон фаришталари билан муносабат ҳосил қиласи. Булар иккита қарама-қарши кўйилган кўзгу каби бўладилар. Фаришталарга маълум бўлган нарсаларнинг акси туш кўрувчининг кўнглида пайдо бўлади. Бу ҳақда бир неча марта айтиб ўтдик. Бундай туш эътиборлидир, бундай туш таъбир қилинади, ўнг туш деганда шундай тушлар тушунилади. Бундай туш пайғамбарликнинг кирқ олти хиссасидан бирига тўғри келади.

Саккизинчи фасл

НАСИҲАТ БАЁНИДА

Эй дарвеш! Қандай яшасанг, умринг ўтаверади. Солиҳлик ва беозорлик билан яшасанг, яхширок бўлур. Валхамду лиллаҳи Роббил-ъаламийн.

ВАҲДАТ АҲЛИНИНГ СЎЗЛАРИ БАЁНИДА

Бисмиллахир Роҳмонир Роҳим

Алҳамду лиллаҳи роббил-ъалимийн вал-ъакибату лил-муттакийн, вас-солату вас-саламу ъала анбиёихи ва авлиёихи хойру холқиҳи, ва ъала алиҳим ва асҳабиҳим ат-тойибийн ат-тоҳирийн.

Аллоҳ таоло сени икки оламда азиз этсин, билгилки, ўтган ўн саккиз рисолада уламо, ҳакимлар ва машойих сўзларидан етарли даражада айтиб ўтилди. Кейинги иккита рисолада ваҳдат аҳлининг сўзлари баён этилади.

Эй дарвеш! Ушбу икки рисоланинг сўзлари олдинги рисолаларнинг сўзларига ўхшамайди. Бу сўзлар бир-биридан жуда узокдир. Нариги қавм (уламо, ҳикмат аҳли ва шайхлар) исбот қилиб, айнул-ҳақиқат деб номлаган нарсаларни бу қавм (ваҳдат аҳли) айтадиларким, барчаси хаёлдир, улар хаёл ахлидиларлар.

Эй дарвеш! Энг холис гап шуки, бирор қавм бир-бирини айбламасин, барча бир-бирини маъзур тутсин. Чунки бу Вужуд азаматли ва ҳикматга тўладир, ҳеч ким бу Вужудни қандай бўлса, шундайлигича билолмайди.

Эй дарвеш! Бир чивиннинг яралиши ва хилқатида шунча ҳикмат яшириндирким, бир донишманд агар бутун умрини ўша чивинни ўрганишга бағишиласа ҳамки, бу чивиннинг барча сир-синоатидан хабардор бўлолмайди, ҳолбуки, бу чивин бор-йўғи бир неча соат умр кўрадиган махлуқдир. Ўзинг ўйла, бу корхона (*Олам – О.Д.*)нинг ҳашоҳокида шунча ҳикмат бўлса, нима ҳам қилиш мумкин?! Ҳар бир кишига ўз даражасига яраша ушбу Вужуддан нимадир бермишлар. “Куллу ҳизбин бима ладайхим фарихун”.

Аллоҳнинг сўзи: “Сўнгра (одамлар) ишларини (динларини) турларга бўлиб юбордилар. Ҳар бир гурух ўз олдиларидағи нарса (дин) билан мамнундирлар”¹.

Биринчи фасл**ВУЖУДНИНГ ЗОҲИРИ ВА БОТИНИ БАЁНИДА**

Аллоҳ таоло сени икки оламда азиз этсин, билгилки, вужуд биттадан ортиқ эмас. Бу вужуднинг зоҳири ва ботини бор. Бу вужуднинг ботини бир Нурдир, бу Нур оламнинг жонидир; олам бу Нурдан лиммолим, бу Нур чексиз ва чегарасиздир, поёнсиз ва тубсиз бир денгиздир. Мавжудотнинг ҳаёти, илми ва иродаси бу Нурдандир, мавжудотнинг кудрати бу Нурдандир, мавжудотнинг кўриш, эшитиш, гапириш, ушлаш хосиятлари бу нурдан, хулоса, барча ўзи шу Нурдандир. Бу Вужуднинг зоҳири ушбу Нурнинг тажаллийсидир, бу Нурнинг сифатларининг мазҳари ва кўзгусидир.

Эй дарвеш! Бу Нур ўз жамолини кўришни истарди, ўз сифатлари, исмлари ва феълларини мушоҳада этмоқни истарди. Тажаллий этди ва феъл сифатлари билан ороста бўлди, зоҳирдан ботинга, тайбдан шаҳодатга, ваҳдатдан касратга келди; ўз жамолини кўрди, ўз сифатлари, исмлари ва феълларини мушоҳада этди.

¹ Мұйыминун, 53-оят.

Эй дарвеш! Агар бирор сохибжамол ўз жамолини мушоҳада этмокни истаса, тадбири шуки, дастлаб темир конини топиб, бу кондан темир маъданини чиқаради, маъданни бўтага солиб, эритади ва шу оркали темирни бошқа аралашмалардан тозалайди. Сўнг тозаланган темирни оловда қизитиб, яхшилаб боскон билан текислади ва кўзгуга айлантиради. Бу кўзгуни сўнг сайқал бериб, жилолантиради ва унда ўзини кўради.

Эй дарвеш! Бу мавжудотнинг ҳар бири бу Нурнинг кўзгусидир, аммо жоми Жам ва оламни кўрсатувчи кўзгу – Инсондир. Мавжудот инсон билан хатм бўлди ва инсон хатми мавжудот келди. Яъниким, инсон вужудга келиши билан оламнинг яралиши тамом бўлди ва кўзгу ҳам тамом бўлди. Бу Нурнинг сифатлари, исмлари ва феъллари буткул зоҳир бўлдилар. Бу Нур ўзининг жамоли ва жалолини одамнинг камолида кўрди. Ва унда ўз сифатлари, исмлари ва феълларини мушоҳада этди. Тамом бўлган барча нарса хатм бўлди.

Эй дарвеш! Агар бутун оламда битта инсон комиллик даражасига етишса, бу Нур ўз жамолини кўради ва ўз сифатлари ва симларини мушоҳада этади. Барча одамлар камолга етишса, бу Нурнинг сифатлари, исмлари ва феъллари тўлиқ зоҳир бўлмайдилар ва оламда мунаzzамлик йўқолади. Ҳар бир инсон ўз мартабасида бўлиши керак, ҳар бири кайсиdir сифатнинг мазҳари бўлишади, ҳар бирининг қайсиdir ишга истеъоди бўлади, ўшанда ушбу Нурнинг сифатлари, исмлари ва феъллари тўлиқ зоҳир бўлиб, олам низомда бўлади.

Эй дарвеш! Тасвия – истеъоддан иборатdir, яъниким, Нурни қабул килиши истеъоди. Нафхи рух (Рухни пуфлаш) Нурни қабул килишдан иборат. Кимгадир сажда қилиш – ўша киши учун нимадир иш қилиш ва унга буткул таслим бўлиш демакдир: “Фаиза саввайтуху ва нафаҳту фийхи мин Рухий фақоъу лаху сажидийн”.

Аллоҳнинг сўзи: “Бас, қачонки, уни ростлаб, унга рухимдан пуфлаганимдан сўнг, унга сажда қилган ҳолингизда йикилингиз!”¹

Эй дарвеш! Барча мавжудот инсоннинг бўлаклариидир. Оламнинг барча бўлаклари ишда эдилар – тараккий ва уружда бўлдилар, охири инсон пайдо бўлди. Маълум бўлдики, мавжудотнинг меърожи бу томондандир, маълум бўлдики, камол топишлари ҳам шунда – Инсондадир, чунки камол мевада бўлади, мавжудот дараҳтининг меваси инсондир. Камол бу ерда ва меърож бу томонда экан, демак, инсон мавжудотнинг Каъбасидир, чунки барча мавжудот инсонга юзландилар, инсонга фаришталар сажда этмишлар, чунки улар барчалари инсоннинг ходимлариidlар. Ва саххара лакум ма фис-самавати ва ма фил-арзи жамийъан.

Аллоҳнинг сўзи: “У ўз томонидан сизларга осмонлардаги ва Ердаги барча нарсаларни бўйин сундирди. Албаттa, бунда тафаккур қиладиган қавм учун аломатлар бордир”².

Эй дарвеш! Сажда қилмок – пешонани ерга суртмок эмас, сажда қилмок – ким учундир бирор ишни бажармоқдир. Демак, бутун мавжудот инсониятга сажда қиласиди. Мавжудотнинг инсониятга сажда қилишига сабаб – одамлар ичida Комил инсон яшайди, демак, инсониятнинг борлиги Комил инсон туфайлидир.

¹ Сод, 72-оят.

² Жосия, 13-оят.

Эй дарвеш! Инсон деганда биз Комил инсонни назарда тутамиз. Яньниким, инсон – жоми Жам ва оламни кўрсатувчи кўзгудир, Нур сифатларининг мазҳаридир, деганимиздан мурод – Комил инсондир. Чунки Комил инсон мавжудотнинг холосаси ва қаймоғидир; Арши аълодан энг куи нуктагача барча ашёлар Комил инсоннинг маргабаларидир; каррубий ва руҳоний фаришталар, Арш, Курси, осмонлар, ўлдузлар – барчалари Комил Инсоннинг ходимларидир, улар хамиша Комил инсон атрофида айланниб тавоғ этадилар ва Комил инсоннинг хизматидандилар.

Эй дарвеш! Инсонларнинг бу шарафи ва каромати бошка бирор мавжудотда йўқ. Чунки бошқалар нимага эга бўлсалар, одамларда бор, одамларда шундай нарса борки, бошка мавжудотда йўқ. Бу – Ақлдир. Ақл инсонларга хосdir, инсониятнинг бошқа мавжудотдан бўлган фазилати хам шу Ақлдир. Оқилларнинг бир-бирига нисбатан бўлган фазилати хам илми ва ахлоқи туфайлидир.

Эй дарвеш! Бутун мавжудотга бир омонат юкни таклиф этдилар, барчаси ибо қилди ва қабул этмади. Инсон қабул этди ва у билан камолга етди. Бу омонат юки – Ақлдир.

Иккинчи фасл

ЗОТ МАРТАБАСИ ВА ВАЖХ МАРТАБАСИ БАЁНИДА

Вужуд биттадан ортиқ эмаслигини билдинг, энди билгилки, бу вужуд хам қадимдир ва хам ходис, хам аввалдир ва хам охир, хам зоҳирдир ва хам ботин, хам холикдир ва хам маҳлук, хам ризқ берувчидир ва хам ризқ терувчи, хам сожид (сажда қилувчи)дир ва хам масҷуд; хам обиддир ва хам маъбуд; хам шоҳиддир ва хам машҳуд; хам ҳомид (ҳамд этувчи)дир ва хам маҳмуд (ҳамд қилинүвчи); хам кодир эрур ва хам мақдур; хам олимдир ва хам маълум; хам муриддир ва хам мурод; хам муҳибдир ва хам маҳбуб; хам ошиқдир ва хам маъшук; хам мурсиддир ва хам мурсал; хам хаёлдир ва хам ҳақиқат. Бошка холатларни хам шундай деб билгил.

Эй дарвеш! Агар касрат дарёсидан ўтиб, ваҳдат дарёсига етишсанг ва ваҳдат дарёсида гаввослик қилсанг, ошиқ, маъшук ва ишқни битта кўрасан, олим, маълум ва илмни битта топасан, бу исмлар барчаси воҳид мартабасидадир. Важҳ (сабабдан ўтиб зотга етишсанг, бу исмлардан хеч нарса колмас, зоти мужаррад бўлар. Чунки оламдаги исмлар, сифатлар ва феъллар барчаси ушбу Вужуднинг сифатлари, исмлари ва феълларидир; аммо сифатлар зот мартабасидадир, исмлар важҳ мартабасидадир ва феъллар нафс мартабасидадир. Мавжудотнинг ҳар бир тури ушбу уч мартаба ва икки сурати бордир: зот мартабаси, важҳ мартабаси, нафс мартабаси; шунингдек, сурати жомиъ ва сурати мутафарриқа. Сифатлар барчаси зот мартабасидадир, исмлар важҳлар мартабасидадир, феъллар нафс мартабасидадир. Сурати жомиъ зот суратидир ва сурати мутафарриқа важҳ суратидир. Зот мартабаси Кадр кечаси ва жумъя кечасидир. Важҳ мартабаси Қиёмат куни ва жумъя кунидир.

Учинчи фасл

СИФАТЛАР МАЗҲАРЛАРИ БАЁНИДА

Эй дарвеш! Вужуд биттадан ортиқ эмаслигини, бу вужуд оламнинг жони бўлмиш Нур эканлигини, бутун олам бу Нурдан лиммо-лим тўла эканлигини билдинг, энди билгилки, бу сўзларни айтганингда сендан сўрашади: агар Вужуд биттадан ортиқ бўлмас, оламнинг Нури эса, бу Нурдан бутун олам лиммо-лим тўла бўлса, унда касрат (кўплик) қаердан пайдо бўлди ва оламдагилардаги бунча тафовутга нима сабаб бўлди?

Жавоб. Билгилки, юқорида айтилганидек, Вужуднинг ботини битта нурдир. Ана шу нур оламнинг жонидир ва бутун олам бу нурдан лиммо-лим тўла. Вужуднинг зохирни ушбу нурнинг тажаллийси ҳамда бу нур сифатларининг мазҳари. Оламдаги ашёлар ушбу нурнинг мазҳарларидирлар. Бу нурнинг сифатлари кўп эди, шунинг учун мазҳар ҳам кўп бўлиши керак эди, токим нурнинг барча сифатлари тўлик зохир бўлсин. Шу сабабли, бу оламда касрат пайдо бўлди. Агар бу касрат бўлмаса эди тавҳид ҳам мавжуд бўлмасди.

Яна бир савол бериб сўрашадики, агар мавжудотнинг ҳар бир тури кайсидир сифатнинг мазҳари бўлса, инсон Илм сифатининг мазҳари бўлгани сабабли, одамлар ўртасида тафовут бўлмаслиги, барчалари илм мазҳари сифатига бир хил бўлишлари керак эди.

Жавоб. Билгилки, оламда ҳар бир мавжудот нимага эга бўлса, истеъоди туфайлидир, одамлар ҳам нимага эришган бўлсалар, истеъодлари туфайли эришдилар. Ушбу нурнинг мазҳарлари зохир этишдаги истеъодлари турличадир, ҳар бир нарса ниманидир зохир этиш истеъодига эга. Агар барча ашёлар истеъодлари бир хил бўлганида эди, Нурнинг сифатлари буткул зохир бўлмасди. Бу мазҳарлардан мақсад – Нурнинг сифатларини тўлиқ аён этишdir. Ҳар бир нарса ниманидир зохир этиш истеъодига эга, инсон илмни зохир этиш истеъодига эга; илмни зохир этиш истеъоди соҳиби бўлмиш одамларда илмни зохир этишдаги истеъоди турлича; чунки илмнинг турлари кўп, ҳар бирига ўзига хос истеъод керак. Баъзилар битта илмга истеъодлари бор, баъзилар иккита илмда истеъод соҳибидирлар, айримлар ўнта илмда истеъодлари бор, айримлар юзта илмда истеъодлари бор. Айримларнинг истеъоди нокис, баъзиларнинг истеъоди ўртача, баъзиларнинг истеъоди комилдир. Шу сабабли, одамлар ўртасида тафовут кўп келди.

Эй дарвеш! Кўп одамлар инсоний киёфаси бўлгани билан, одамийлик маъноси уларда йўқ, улар ҳайвонлар ҳисобидадирлар. Ҳайвонларнинг сифатлари ва амаллари уларда зохирдир.

Эй дарвеш! Одамийликнинг аломати тўртга нарсадир: эзгу сўзлар, эзгу амаллар, эзгу ахлок ва маориф. Кимдаким бу тўрт нарса бўлса, инсондир, кимдаким булар бўлмаса, инсон эмас. Кимки ушбу тўрт нарсани камолга етказса, Комил инсондир.

Эй дарвеш! Айримлар истеъодни хосият деб номлаганлар. Улар айтадиларким, ҳар бир кишининг бир хосияти бор, масалан, кимдир шеър ёзди ва бошқалар шеър ёзолмайди. Кимдир шеърни яхши ўқийди, бошқалар яхши ўқиёлмайди. Кимдир тўғри фикрлайди, кимлардир эплолмайди. Кимдир илм ўрганишга, кимдир мол тўплашга киришади

ва бошқалар бунинг уддасидан чиколмайдилар. Шу каби нарсаларни хосият деб номлаганлар. Шак йўқким, буларнинг барчаси истеъод билан бўлади, ҳар бир кишининг ўз истеъоди бор, бу истеъод унда тугма бўлади. Истеъод ўзлаштирадиган нарса эмас, истеъод тўрт замоннинг хосияти туфайли шаклланади. Истеъод касбий бўлмагани билан, у тарбия ва парваришилаш билан кўпаяди, агар тарбия топмаса, бу истеъод камаяди. Масалан, бирорда ўнг туш кўриш истеъоди бор, яна бошка бирорда ўнгидан нарсалар унинг кўнглида тезда акс топади, агар бирор киши унинг олдига келса, у одамнинг кўнглидан нима кечётгани бунга маълум бўлиб туради. Бу икки киши риёзат ва мужоҳада орқали юксак даражаларга эришиб, гайб оламидан шаходат оламига йўл олган воқеа ва ҳодисаларни олдиндан хабардор бўлиш салоҳиятига эришишлари мумкин. Агар бу нарса уйку пайти аён бўлса, унинг номи ўнг тушдир; агар уйғокликда аён бўлса, номи илҳомдир.

Эй дарвеш! Мавжудотнинг барча турлари ушбу Нур сифатининг мазҳаридир, уларнинг орасида иккита мазҳар жуда кудратли хисобланади: бири Инсони кабир (Улуғ инсон). Иккincinnisi Инсони сағир (Кичик инсон). Инсони кабир кудрат мазҳаридир, Инсони сағир илм мазҳаридир, яъниким осмонлар, юлдузлар, унсурлар кудрат мазҳаридир ва Комил инсон илм мазҳаридир. Шунинг учун ҳам оламдагиларнинг бу оламда бўлишлари Кўк гумбазнинг иктизосига караб бўлади.

Эй дарвеш! Кўк гумбаз Лавҳи маҳфуз ва Худонинг китобидир, Худонинг китобида нима ёзилган бўлса, Аллоҳнинг қазосидир ва ушбу оламда Аллоҳнинг китобида нима ёзилган бўлса, ўша зоҳир бўлади.

Тўртинчи фасл

ТАНОСУБ БАЁНИДА

Эй дарвеш! Оламнинг жони бўлмиш Нур биттадан ортиқ эмаслиги ҳамда олам бу нурдан лиммо-лим тўла эканлигини билдинг, энди билгилки, ашёларнинг бир-биридан ўз сурати ва сифати билан имтиёз топади, чунки оламнинг жони бўлмиш бу нур биттадир, аммо бу Нурнинг кўп сифатлари бор эди, барча сифатлари зоҳир бўлиши учун унга кўп мазҳар керак эди. Бу Нур тажаллий этди ва минглаб суратларда зоҳир бўлди. Ҳар бир сурат бир сифатнинг мазҳари бўлди, ҳар бир сифат бир суратта ихтисос топди, натижада бу Нурнинг сифатлари тўлиқ зоҳир бўлди. Бу сурат ҳамиша у сифат билан ва у сифат ҳамиша бу сурат билан боғлиқ бўлажак. Бу суратлардан инсон суратидек бирорта сурат камолга етган эмас. Шу сабабдан инсон сурати сифатлар ичida энг камолга етган сифат билан ихтисос топди, бу сифат – нутқдир. Демак, инсон бошка жонли мавжудотдан ўз сурати ва нутқ сифати билан мумтоз бўлди. Илм ва ахлоқи билан ўзига ўҳшаганлардан мумтоз бўлди ва камолга етди.

Оламнинг жони бўлмиш Нурнинг биттадан ортиқ эмаслиги, бутун олам бу Нурдан лиммо-лим тўла эканлиги, жамийки мавжудот бу Нурнинг сифатларининг мазҳарлари эканлигини билдинг, демак, агар айтсаларким, бор бўлган ҳам бизмиз, яшаётган ҳам бизмиз, келажакда ҳам бўладиган бизмиз, десалар, бу тўғридир; агар айтсаларким, бор бўлган биз эмасмиз, яшаётган ҳам биз эмасмиз, келажакда ҳам биз бўлмаймиз, десалар, бу ҳам ростдир.

Оламнинг жони бўлмиш Нурнинг биттадан ортиқ эмаслиги, олам бу нурдан лиммо-лим тўла эканлиги, бу нурнинг аввали ҳам, охири ҳам йўклиги, жамийки мавжудот бу Нурнинг сифатларининг мазҳарлари эканлигини билдинг. Демак, ушбу оламга қайси сурат келса, муайян бир сифат билан сифатланади, муайян бир исм билан номланади. Бу сурат оламдан кетгач шу сифатга сифатланадиган ва шу исм билан номланадиган бошқа бир сурат келади. Бу – ўша оламдан кетган суратдир, аммо бу таносух юзасидан эмас, балки таносуб юзасидандир. Негаки, агар дарёдан бир чеълак сув олиб, яна ўша дарёга тўксант, таносуб юзасидан ўша сувдир, аммо ҳақиқат юзасидан ўша сув эмас.

Эй дарвеш! Ушбу рисолада айтилган фикрлар хулул ахлининг сўзи ҳам, иттиҳод ахлининг сўзи ҳам эмас, чунки хулул иккита нарса, яъниким, иккита вужуд ўртасида бўлади, иттиҳод ҳам иккита вужуд ўртасида бўлади. Аммо ушбу рисолада айтилмоқдаким, вужуд биттадан ортиқ эмас. Демак, иттиҳод ва хулул ботил ақидалардир.

Бешинчи фасл

НАСИҲАТ БАЁНИДА

Эй дарвеш! Яхшилар билан сухбат тут ва ёмонлардан узок юр. Ҳар кимки бир яхшиликка эришса, яхшилар сухбатининг шарофати билан эришади, кимки бир ёмонликка учраса, ёмонлар сухбатининг касофатидан бу ҳолга тушади. Яхши одамни ёмонлардан ажратишни билишни истасанг, билгилки, яхши одам – сўзи ва иши бирдек тўғри, яхши хулкли ва одамларга манфаат етказувчидир. Ёмон одам – ёлғон сўзлайдиган, эгриқадам, ахлоқан бузук ва одамларга зиён етказувчидир.

Тўғрисоз, тўғри амалли, яхши хулкли ва одамларга роҳат етказувчи бўлишга харакат кил, токим ўшанда ўзингдан ҳамда одамлар сендан омонда бўлсинлар. Омонлик қаерда бўлса, ўша ер жаннатдир, қаердаким омонлик бўлмаса, ўша ер дўзахдир. Энг улуғ неъмат – жаннатий одамларнинг жаннатда бўлишларидир. Энг оғир укубат – дўзахи одамнинг дўзахда бўлишидир. Тўғрисоз, тўғри амалли, яхши хулкли ва одамларга манфаати етадиган одам – жаннати одамдир. Бундай одамнинг сухбатига етишган одам жаннатда бўлган кабидир.

Эй дарвеш! Жаннати одам қандай саодатли, дўзахи одам қандай баҳтсиз! Сухбати жаннат бўлган одам қандай саодатли! Сухбати дўзах бўлган одам қандай баҳтсиз!

Валҳамду лиллаҳи Роббил-ъаламийн.

ЙИГИРМАНЧИ РИСОЛА

ВАҲДАТ АҲЛИНИНГ ОЛАМ ҲАҚИДАГИ СЎЗЛАРИ

Бисмиллаҳир Роҳмонир Роҳим

Алҳамду лиллаҳи роббил-ъаламийн вал-ъакибату лил-муттақийн, вассолату васс-салому ъала анбиёҳи ва авлиёҳи хойру холқихи, ва ъала алихим ва асхабихим ат-тойибийн ат-тоҳирийн.

Аммо баъд, заифларнинг энг заифи ва факирларнинг ходими, камина – Азизиддин Мухаммад Насафийдан дарвешлар – Аллоҳ уларни янада кўпайтирсин – ваҳдат аҳлиниң олам хақида, улвий олам ва қуий олам, еттинчи осмон ва биринчى осмон түғрисидаги ақидалари хақида бир рисола тартиб беришимни сўрадилар. Уларнинг таклифларини кабул килдим ҳамда хато ва гумрохликдан паноҳ истаб, Аллоҳ таолодан мадад ва ёрдам сўрадим. Негаки, факат У нимагаки, истаса Қодир эрур ва сўраганларни ижобат қилишга муқтадир.

Биринчи фасл

АҚЛ ВА ИЛМ ИНСОН УЧУН ИХТИСОСЛАШГАНЛИГИ БАЁНИДА

Аллоҳ таоло сени икки оламда азиз қилсан, билгилки, ваҳдат ахлининг бири айтадиким, Ақл ва Илм инсондан бошқа мавжудотда йўқ. Абутуробнинг¹ бу сўздан мақсади – уламо ва файласуфларни инкор этиш эди. Чунки уламо ва файласуфлар дейдиларким, осмонлар, юлдузлар ҳам илм, иромда ва курдат соҳибидирлар, яъниким ҳар бир осмоннинг акли бор; тўккиз осмондаги тўккизта ақл доим илмларни ўзлаштириш ва нурларни иқтибос этиш билан машғулдирлар, уларнинг ҳаракати ўз ихтиёрлари билан бўлади. Уламо дейдиларким, фаришталарда илм бор, аммо уларнинг илми кўпаймайди. Ҳар бирларининг билган нарсалари туғма билимларидир. Абутуроб бу икки тоифанинг сўзини қабул этмайди ва икки тоифани инкорида сўзлади. У айтадики, осмонлар, юлдузлар ва фаришталарнинг акли ва илми йўқ, ақл ва илм инсонга хосдир. Осмонлар, юлдузлар ва фаришталар доим муайян бир ишга машғулдирлар, ҳар бирининг ўз амали бор ва ўз амалига машғул; аммо ўша амални қилмасликлари ёки шу амалдан бошқа иш билан шугулланиш уларнинг кўлидан келмайди. Демак, бу амал улардан илм ва иродасиз вужудга келади; осмонлар, юлдузлар ва фаришталар ўз амалларида мажбурдирлар. Осмонлар, юлдузлар ва фаришталар амал мазҳаридир ва одамлар илм мазҳаридирлар.

Эй дарвеш! Ҳайвонларда сезги бор, улар айрим нарсаларни идрок эта оладилар ва ҳаракатда ихтиёр соҳибидирлар. Инсон эса ақл ва илм эгасидир. Тирик жонзорлардан ташкари бошқа бирор мавжудотда ақл, илм, сезги ва ихтиёр йўқ.

Абутуроб яна айтадики, осмонлар, юлдузлар, унсурлар ва маволид (маъданлар, ўсимликлар, тирик мавжудотлар олами) қандай бўлсалар, худди шундай бўлганлар, ҳозир қандай бўлсалар, келажакда ҳам шундай бўлиб қоладилар: борлик юзасидан бирор нарса аввал эмас, йўқлик юзасидан бирор нарса охир эмас. Баъзи ашёлар келадилар ва кетадилар, ўз суратларини кўйиб, бошқа суратга кирадилар. Баъзи ашёлар келмайдилар ва кетмайдилар ва ўз суратларини ўзгартирмайдилар. Абутуроб бу билан демоқчики, йўқдан бор бўлиши ва бордан йўқ бўлиши имконсиздир. Йўқ нарса ҳамиша йўқдир, бор нарса ҳамиша бордир. Ашёларнинг йўқ бўлиши шундан иборатки, муфрадот (оддий, бўлинмас нарсалар) мураккаб бўлади ва мураккаб нарса яна муфрадотга айланади. Қувват

¹ Абутуроб – машхур сўфий Абутуроб Нахшабий назарда тутилмоқда (таржимон).

оламидан феъл оламига келади ва феъл оламидан яна қувват оламига қайтади. Таркиб сабабли мизож пайдо бўлади ва мизожда тасвия сабабли рух зоҳир бўлади. Шу орқали мураккабот тараккий топишга истеъдод пайдо киладилар.

Иккинчи фасл

МИЗОЖ ВА ТАСВИЯ БАЁНИДА

Билгилки, унсурлар ва табиатлар белгиланган шароитда бир-бирлари билан коришсалар, албатта, бу орада уларга ўхшаш бир нарса пайдо бўлади, бу ўхшаш нарсани мизож деб айтадилар.

Мизожнинг маъносини билдинг, энди билгилки, тасвиянинг маъноси тенглаштирмок, мусовотнинг маъноси – тенгликдир. Ҳар бир мизожда унсурлар ва табиатларнинг қисматлари тенгdir, бу қисмлар ўргасида тенглик бор. Бу мизож мўътадиллар, инсон руҳига ярайдиган мизож муставий (баробар, солим) бўлиши шарт; қайси мизожда унсурлар ва табиатлар тенг бўлмаса, уларнинг қисмлари ўргасида тенглик кўринмаса, бу мизож мўътадил ҳам, муставий ҳам эмас. Тасвия ҳақиқат юзасидан истеъдоддир, яъниким, Рухни кабул килиш салоҳияти. Истеъдоднинг маъноси ҳақида айтиб ўтилди. Мўътадил бўлмаган мизож учта ҳолатдан ташқари бўлмас: ё мўътадилликка яқин бўлар, ё мўътадилликдан узок бўлади, ё якинлик ва узокликнинг ўргасида бўлади. Мўътадилликдан узок бўлган мизожлар маъдан мизожига айландилар, маъдан руҳи пайдо бўлди. Якинлик ва узокликнинг ўргасида бўлган мизожлар ўсимлик мизожига айландилар, ўсимлик руҳи пайдо бўлди. Мўътадилликка яқин бўлган мизожлар ҳайвон мизожига айландилар, ҳайвон руҳи пайдо бўлди. Инсон ҳайвон – жонли мавжудотнинг бир туридир. Демак, мизожлар ичida мўътадилликка энг яқин бўлган мизож инсоний мизожга айланди ҳамда инсон руҳи пайдо бўлди. Демак, инсоний рух нисбатан мўътадил хисобланади.

Олдингиларни билдинг, энди шуни ҳам билгилки, ҳақиқий мўътадил мавжуд эмас, чунки мўътадил макон ва мўътадил ғизонинг ўзи йўқ. Агар мизож ҳақиқатда мўътадил бўлиб, мўътадил макон ва мўътадил ғизоси бўлганида эди, бундай мизож ҳам бокий (ўлмас) бўларди ва ҳам иккала истеъдодга эга бўларди, яъниким ҳам бако ва ҳам ривожланиш истеъдоди унда бўларди. Муфрадотда бокийлик истеъдоди бор, аммо ривожланиш истеъдоди йўқ; мураккаботда ривожланиш истеъдоди бор, аммо бокийлик истеъдоди йўқ, чунки мураккабот зиддиятларнинг бирлигидир; уларда мизожни мўътадилликдан чиқарадиган сабаблар кўп. Шундай ҳам бўлиши мумкинки, бир неча соатда бир нарса сабаб бўлиб, мизож ўзгариб кетиб, унсурлардан бири ғолиб келади ёки мағлуб бўлади. Ўша таркиб бузилиб, мизож ўзгарганида агар бирор яхши тасодиф юз берса, мизож ўз аслига қайтади, агар бу нарса мұяссар бўлмасдан, мизож ўз аслига қайтмаса, фасод зоҳир бўлади ва оқибат шундай ҳолат юз берадики ҳар бир нарса ўз аслига қайтади ва бу мизож қолмайди, ўшанда бу нарса қолмади (ўлди), деб айтишади. Бу тўғридир, чунки мураккабот қолмайди ва муфрадотга қайтади.

Эй дарвеш! Агар бирорнинг мизожи дуруст ва соғлом бўлса ҳамда унга бирор оғат етмаса, бир юз йигирма йилгача яшаш мумкин. Бу ҳолатни ажали мусаммо (шартли ўлим) деб айтадилар. Агар бирор оғат етиб, мизож хароб бўлса, уни ажали қазо (тақдирдаги ўлим) деб айтадилар. Осмонлар ва юлдузлар муфрадотдирлар, уларга бирор ҳалал етмайди, уларнинг ахволи ўзгармайди, шакллари ҳам ўзгармасдири. Шунинг жиҳатидан осмонлар ва юлдузларни олами бақо ва субот деб айтадилар, унсурлар, табиатлар, маъданлар, ўсимликлар ва ҳайвонот оламини олами кавну фасод деб айтадилар.

Эй дарвеш! Бу дараҳтнинг шохи қанча ўssa, шунча нозикроқ, покизароқ ва латифроқ бўлади, нозик бўлгани сайин оғатта чидамсизроқ бўлади. Яъниким, Абутуроб Насафий айтадиким, фалакул-афлок (осмонлар осмони) бўлмиш биринчи осмон мавжудотнинг муҳити (камраб олувчи)дир. Бу фалак содда ва безаксиз бўлиб, бу дараҳтнинг еридир. Собитлар (турғун юлдузлар) фалаки бўлмиш иккинчи фалак, бу дараҳтнинг илдизидир, ҳар бири муайян сайёранинг ватани бўлмиш ети осмон бу дараҳтнинг танасидир: биздан узокроқ бўлган Зуҳал сайёраси дараҳт танасининг илдизга яқинроқ жойида ва биринчи осмондадир; Ой сайёраси бизга яқинроқдир, шунинг учун тананинг юкорироқ қисмida ва еттинчи осмондадир; яъниким, бизга нима яқинроқ бўлса, юкорироқ, нима узокроқ бўлса, куйироқдир. Тўрт унсур ва тўрт табиат бу дараҳтнинг шоҳларидир; маъданлар, ўсимликлар ва ҳайвонот бу дараҳтнинг барглари, гуллари ва мевасидир. Бу дараҳтнинг ери бўлган жойдан ушбу дараҳтнинг меваси бўлган жойгача қанча юксалса, шунча нозикроқ, покизароқ ва латифроқ бўлади. Бу дараҳтнинг даражаларини билдинг, энди билгилки, дараҳтнинг меваси унинг шоҳлари учидан бўлади, мева дараҳтдан кўра нозикроқ, покизароқ ва латифроқ бўлади. Дараҳтдан ҳам нимаики мевага яқинроқ бўлса, юксакроқ, покизароқ ва латифроқ бўлади.

Эй дарвеш! Абутуроб фикри бўйича, осмонлар ва юлдузлар куйи оламдир, унсурлар, табиатлар, маъданлар, ўсимликлар ва ҳайвонлар улвий оламдир. Ва бу шундай бўлиши керак, чунки мавжудотнинг холосаси ва қаймоғи – биз, бизнинг ўрнимиз ҳаммадан юқори бўлиши керак. Бизга яқинроқ бўлган нарса ҳам мақоми юксакроқ, покизароқ, ва латифроқ бўлиши лозим. Шунинг учун айтмишларким, осмонлар ва юлдузлар Лавҳи маҳфуз ва Аллоҳнинг Китобидирлар. Барча нарса Аллоҳнинг Китобида ёзилган ва Қалам куригандир. Аллоҳнинг Китобида нима ёзилган бўлса, бу оламда зохир бўлажак. Худди шундай эканлигига ҳеч шубҳа йўқдир. Чунки дараҳтнинг илдизи ва танасида бор нарса албатта шоҳларида аён бўлади, дараҳтнинг илдизи ва танасида йўқ бўлган нарса унинг шоҳларида аён бўлиши мумкин эмас.

Учинчи фасл

ВУЖУД ЎЗИДАН ЭКАНЛИГИ БАЁНИДА

Билгилки, Абутуробнинг айтишича, ушбу дараҳтнинг илдизи ҳам ўзидан, танаси ҳам ўзидан, шоҳлари ҳам ўзидан, барглари ҳам ўзидан, гуллари ҳам ўзидан, меваси ҳам ўзидан, ейдиган ҳам ўзидан, боғбон ҳам

ўзидан, ер ҳам ўзидан, сув ҳам ўзидан, ҳаво ҳам ўзидан, қуёш ҳам ўзидан, соғлиги ҳам, ҳаёт ва мамоти ҳам ўзидандир, мулк, малакут ва жабарут ҳам ўзидан; ҳаммаси ўзи билан, ҳаммаси ўзидадир. Бу дараҳт – ҳаммадир, ҳамма – бу дараҳтдир. Бу – ваҳдат ахлининг олам ва оламдагилар ҳақидаги сўзлари эди.

Тўртинчи фасл

ЙИГИРМА РИСОЛАНИНГ ХОТИМАСИ БАЁНИДА

Эй дарвеш! Йигирмата рисола тугади. Ушбу йигирмата рисолада кўп сўзлар айтилди. Булар – менинг сўзларим, мендан бошқа ҳеч ким бу гапларни айтмаган, деган гумонга борма; мен буларни билиб олдим, мендан бошқа ҳеч ким буларни билмайди, деб ҳам ўйлама. Сендан бу оламга бирор сўз, бирор илм, бирор амал бу дунёга келмайди. Чунки бу дунёга айтилмаган сўз қолмади, барчасини айтгандар ва айтадилар; номаълум илм қолмади, барчасини билдишар ва биладилар; қилинмаган бирор амал қолмади, барчасини килдилар ва килмоқдалар. Шундан келиб чиқиб айтадиларким, мавжуд нарсалар олдин ҳам бўлган, бундан кейин ҳам бўлади. Йўқ нарсалар олдин ҳам бўлмаган ва бундан кейин ҳам бўлмайди.

Эй дарвеш! Яхшилаб ўйласам, одамлар ўртасидаги ихтилофни учта нарсада кўрдим. Бу ихтилоф одамлар орасида минг йиллардан бери давом этиб келмоқда ва бундан кейин ҳам бўлади. Баъзилар айтадиларким, оламнинг аввали ва охири бордир; бу – уламоларнинг ақидасидир. Иккинчиси, баъзилар айтадиларким, оламнинг аввали бор, охири йўқ; бу – файласуфларнинг ақидаси. Учинчиси, баъзилар айтадиларким, бу оламнинг аввали ҳам охири ҳам йўқ, ҳозир қандай бўлса, аввал ҳам шундай бўлган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади; бу тоифа – ваҳдат ахлидирлар.

Диккат билан яхшилаб ўйласам, беиштибоҳ англадимки, уламо ва файласуфлар ўртасидаги ихтилоф ҳеч качон йўқолмайди. Бу илм китоб ўкиш ва баҳсуз мунозара билан уларга маълум бўлмайди ва ойдинлашмайди. Чунки бу илм қашф ахлининг насибасидир; бу маърифат, завқ ахлининг насибасидир. Кимки шакарни кўрмаган бўлса, унга қанча тушунтирасалар ҳам, шакар қанака эканлигини билмай колаверади; кимки шакар емаган бўлса, унга қанча таърифласалар ҳам, мазасини билмай колаверади.

Эй дарвеш! Нарсалар ҳақиқатига қашф ахли етишдилар, нарсалар қандай бўлса, ўшандай кўрдилар ва билдишар; колганлар ғафлат уйкуда, тушда кўрадилар ва тушда бир-бирларига айтиб берадилар.

Эй дарвеш! Агар узок йиллар риёзат ва мужоҳида билан шуғулланиш кўлингдан келмаса, умринг аввалидан охиригача доно кишиларнинг сухбатида событ бўл, ўшанда қашф макомига етиб, завқ ахлидан бўласан, нарсаларнинг ҳақиқатини қандай бўлса, шундай кўрасан ва билиб оласан. Бу насиҳатни мендан қабул айла ва шу насиҳатга мувоғик амал қил, токим нажот топгайсан.

НАСИХАТ БАЁНИДА

Билгилки, донишмандлар бу оламни дарёга ва ундағи ақволни дарё түлкінің үхшатғанлар; негаки, бу олам ҳар бир лаҳзада үзға сурат ва киёфа касб этиб, ҳар дамда янги безак ва нақшлар яратади ва уларнинг бирортасида субот ва бако йўқдир. Биринчи сурат хали тугал бўлиб, баркарорлик топмасдан, бошқа сурат пайдо бўла бошлайди ва олдинги суратни маҳв этади. Баъзилар бу оламни тушда кўриладиган нарсаларга мензаганлар. Унга ҳам үхшайди, чунки тушда кўриладиган нарсаларга одамлар алданадилар ва уларга кўнгил кўядилар; бир соат ўтар-ўтмас, бу нарсаларни бошқа кўрмайдилар ва фироқ оловида куядилар.

Эй дарвеш! Шубҳа йўқким, донолар айтган гаплар айни ҳақиқатдир. Шундай эди ва шундай бўлиб ҳам қолажак. Олам шундай эканлигига қарамасдан, ёруғ оламга келадиганлар дунёга боғланиб коладилар, дунёга алданиб, дунё учун турли бало ва фитналарга дуч келадилар, турли туман азобларга учраб, маънавий оловларда куядилар. Баъзилар ҳасад оловида ёнадилар, айримлар йўқчилик оташида куйиб, фарёд чекадилар, билмайдиларким улар уйкудалар ва барчасини тушда кўрмоқдалар: “Аннасу ниёмун фаиза мату интабаху”.

Эй дарвеш! Сенга бунда ортиқ насиҳат керакмас, чунки жамийки балолар, фитналар ва оғатларнинг сабаби – мол-дунёни севишидир.

Эй дарвеш! Бу сўзларни факат сенга айтмаяпман, үзимга ҳам айтиаётиманким, бу оламнинг субот ва бакоси йўқ, аммо биз унга алданамизми-йўқми, бундан қатъи назар, бу дунёга келдикми, бу дунёга эҳтиёжимиз бор. Шу эҳтиёж юзасидан нокаслар билан сухбат куришга тўғри келади, шу эҳтиёж туфайли Худобехабар кимсалар билан бир лаганда таом еймиз. Кўп нарсага чидашга мажбурмиз, аммо нокаслар билан муомала килиш, Худобехабарлар билан ҳамтовоқ бўлишга чидаш жуда қийин; шу азоб бўлмаса, бўлмасмиди!

Эй дарвеш! Бу оламда бор эканмиз, доим огоҳ ва зийрак бўлишимиз керак, балолардан соғ-саломат, зиён-заҳматсиз ўтишга характер қиласлиkkим, олам бало ва фитналарга тўладир. Дунё азоб ва машаққатларга тўла бўлиши билан бирга, чўчқа ва тўнғизлар, бўри ва сирғлонлар, илон ва чаёнларнинг уясидир; булар билан сухбат куриш керак, кечаю кундуз буларнинг хизматини килиш керак, буларнинг ҳукми остида бўлишга мажбурмиз. Менинг кўлимда эмас, йўқса айтардимки, шу азоб бўлмаса, бўлмасмиди! Бу оҳ-нолалардан нима фойда, гапни чўзишдан ва кўп шикоят килишдан не наф?! Бу оламда бор эканмиз, тақдирга тан бериб, шунга рози ва таслим бўлишдан үзға чора йўқ.

Эй дарвеш! Ҳайвонлик даражасидан ўтиб, одамийлик мартабасига етган ҳамда илм ва ахлоқ билан безаниб, оламни қандай бўлса, шундайлигича таниган зотни билмокчи ва бошқалардан ажратмокчи бўлсанг, билгилки, ундаид одамда тўрт аломат бўлади: биринчиси – тарқ, иккинчиси – узлат, учинчиси – қаноат, тўргинчиси – хумул (ном-нишонсиз яшаш). Кимдаким бу тўрт нарса бўлса ва ушбу тўрт нарсанни истаса, доим бу тўрт сифатни камолга етказиш пайида бўлса, аник билгилки, у донишманд ва хуркишидир; билимсиз ва эрксиз бу тўрт нарсанни камолга етказиб бўлмайди.

Эй дарвеш! Солик ва толибда ушбу тўрт нарса бўлиши керакким бу тўрт нарсасиз сулук мусассар бўлмас: оз емоқ, оз сўзламоқ, оз ухламоқ ва донишманд сухбати. Муқаммал комилда яна ушбу тўрт нарса ҳам бўлиши керак, чунки бу тўрт нарсасиз камолга этиб бўлмас: эзгу феъл (амал)лар, эзгу сўзлар, эзгу хулклар ва маориф. Озод комил инсонда яна тўрт хислат бўлиши керак: тарк, узлат, каноат ва хумул.

Эй дарвеш! Инсон комилликка етишгач, кимдир комилликдан кейин бошқаларнинг комил бўлишликка тарбият қиласди, кимдир буткул озод ва хурлигича яшашни давом этади; иш – озодлик ва фароғатдадир; хур кишилар – подшоҳдирлар.

Сўз чўзилиб, асл мақсаддан четлашмайлик. Озод комил инсон – мавжудотнинг гултожидир; бутун мавжудот унинг назари остидадир. Ҳар бир мавжуд нарсани ўз жойида кўради, ҳар бир нарсани ўз даражасида танийди; ҳеч нарса ва ҳеч ким билан низо ва урушда эмас; барча билан муросаю мадоро килиб яшайди; ҳаммадан хур ва эркиндин; ҳаммани узрли деб билади; ёмон одамдан қочиб, яхши одамларга интилади. Доно ва комил инсоннинг аломати олдин айтиб ўтилган тўрт нарсадир. Кимдаки бу тўрт нарса бўлмаса ва бўлишини ҳам истамаса, яъниким, хумул эмас, шуҳрат истаса, каноат ўрнига бойликка ружу килса, тарк ва узлатни тарк этиб амал ва мансабга интилса, бу шунинг аломатиким, бундай одам ўзини таниган эмас, ўз сұхбатдошларининг кимлигини билмайди, бу оламни қандай бўлса, шундайлигича кўрган эмас, у Худодан ҳам бехабардир, зулматда қолиб, қаттиқазоблар ичидаголмиш, буткулнурсиздир, чунки шуҳратталабликнинг зулмати жуда куюқ ва каттиқ азобдир; мол-дунёпарастликнинг зулмати ҳам жуда куюқ ва каттиқ азобдир: “Ав казулуматин фий баҳрил-лужийийин йағашаху мавжун мин фавқихи мавжун мин фавқихи сахобун зулуматун баъзуҳа фавқа баъзин иза ахрожа йадаҳи лам йакад йароҳа ва ман лам йажътал аллоҳу лаҳу нурон фама лаҳу мин нурин”.

Аллоҳнинг сўзи: “Ёки (кофирларнинг қилган амаллари) қаватма-қават тўлкин ва унинг устида (кора) булат қоплаб олган сермавж денгиздаги зулматларга ўхшайди. (Улар) устма-уст зулматлардир: қўлини чиқариб (караса) уни кўра олмас. Кимга Аллоҳ нур (имон) бермаса, бас, унинг (учун) ҳеч қандай нур йўқдир”¹.

Эй дарвеш! Кимдаким бир зарра нур бўлса, бу оламнинг моли ва мансаб-амалига ишонмагай. Бу оламга эгамен бўлишга интилмагай. Кимки бу оламга ишониб, бу оламга эгамен чикишта интилса, жаҳолат зулматида колмишдир, ақл нури ундан пинҳон қолиб, бу оламнинг аҳволи тушдаги нарсалар каби бақосиз, сароб эканлигини билмайди: “Валлазийна кафару аъмалаҳум касаробин бакийъатин йаҳсабуҳу-з-замъони маан ҳатта изи жааҳу лам йажидху шайъан ва важдадаллоҳа ъиндаҳу фаваффаҳу ҳисабуҳу валлоҳу сарийъул-хисаб”.

Аллоҳнинг сўзи: “Куфрда бўлганларнинг қилган амаллари эса, саҳордаги саробга ўхшайди. Ташна одам уни сувдеб ўйлар, унинг олдига келгач эса, ҳеч нарса топа олмас ва Аллоҳни унинг (қилган амалининг) олдида то-пур. Бас, У унинг ҳисоб-китобини муқаммал килур. Аллоҳ тез ҳисоб-китоб килувчи зотдир”².

Тамом

¹ Нур, 40-оят.

² Нур, 39-оят.

ИЖОД ЗИЁСИ

Севимли адабимиз Шукрулло неча минглаб мухлисларнинг, кўп улуғларнинг таҳсинига сазовор бўлган – барчаси самимий ва фаҳрланиб айтилган. “Йирик лирик шоиримиз” (Faфур Ғулом таърифи), “Улкан миллий шоир” (Мирмуҳсин таърифи), “Шеърият заргарлари сафидан ўрин олиш хукуқига эга” (Қайсин Кулиев эътирофи), “Тўла маънода ҳақиқат куйчиси” (Расул Ҳамзатов таърифи), “Ўз миллатининг мунособ фарзанди ва умуман, мустакил гражданин” (Чабуа Амирэжиби таърифи)...

Устоз Шукрулло истеъододи – бой ва кўпкиррали.

У шоир сифатида “Биринчи дафтар” (1949), “Қалб қўшиклари” (1949), “Ҳаёт илҳомлари” (1959), “Умрим борича” (1960), “Инсон ва яхшилик” (1961), “Инсон – инсон учун” (1964), “Зарралар” (1973), “Суянчик” (1977), “Яшагим келади” (1978), “Сенинг баҳтинг” (1988), “Тўкилган дардларим” (2001) сингари шеърий тўпламларини, “Чоллар” (1948), “Россия” (1956), “Икки қоя” (1964), “26-тонг отари” (1966), “Гул ва оташ” (1972), “Нур (Кўнгил чироги)” (1975), “Аср баҳси” (1985) каби достонларини, болаларга аталган “Баҳор совғаси” (1962), “Юлдузлар” шеърий тўпламларини кенг ўқувчилар оммасига тақдим этган.

Шоиримиз коинотни яхлитликда ва айни вактда ўзгаришлар жараённида тасвирлай олган лаҳзалар бизни хаваслантиради, хотирамизга нақшланиб қолади:

*Саҳрода ой ботар, саҳро зим-зиё,
 Юлдузлар ётирилар осмонга бир дам.
 Юлдуз оқ из солиб учади баъзан,
 Билур жомдан шароб тўкилди гўё.*

У юксак илҳомий ҳолатларида инсон қалбининг акл бовар қилмас эврилишларини хассослик ила намоён қила олади. “Нур (Кўнгил чироги)” достонидаги ошик йигит иккинчи жаҳон уруши жабҳаларига жўнаб кетишидан аввал, ўзи ўсиб-улғайган кадрдан ерларни зиёрат қиласи, кўзига диёри улуғвор киёфада намоён бўлади: “Куриб чордона / Давра олиб бир тўда улфат / Ўлтиргандек атрофда тоғлар... / Ўрталиқда гўёки неъмат / Ёзилгандек мевазор боғлар / Яшнаб ётар. Пастанда Сирдарё...” Боқар экан, юраги тўлиб-тошади, мижжасига ёш тепчиб, “бирданига хўнграб юборади”... Муаллиф бизни у билан шу тарзда – ватанга мухаббати авж пардаларга кўтарилиган лаҳзаларда танишитиради... Бу, эҳтиослар туғёни – “Қиз севганда хўнгир-хўнгир қон йигладим”, – деб куйлаган эди Шукруллонинг севимли шоири Усмон Носир) шу она-тупрокни деб қурбон бўлишга ҳам тайёр фидойиликнинг мужассамидир.

Ошик йигит куёшли туйгуларини эл-юртига баҳш этиб, гўё кўкларда парвоз килиб, улар дийдорига тўйолмай турганида, тагин ҳам балқишига ғал келади:

...ўзи севган қиз
Пайдо бўлди сув парисидек,
Иккаласи тикилишиди тек...

Севишганлар учрашуви висол мўъжизасига айланиши аёндай эди...

Қиз турарди ҳўл сочин ёйиб,
Беркитгандек холли бўйини.
Юзларидан томчилар томиб,
Излагандек унинг қўйини
Оқ кўксидан аста сизарди
Ва қиз юзи бирдан қизарди.

Тажжубки, олов музга, ёруғ зулматга, ловуллаган қалб тафтсиз кесакка эврилади ногаҳон, илкис...

*Аммо йигит боқди бепарво,
Кўрмагандек умрида гўё.*

Бундай ҳолдан – кўриб туриб ўзини кўрмаганга олишдан лол-у ҳайрон, изза бўлган қиз бирдан шиддат билан бурилиб, аламларин ичига ютиб, қайларгадир кетади... Ушбу кескин хатти-ҳаракатда бутун бир драма бор.

Лирик чекиниши килиб, шоир ўз қаҳрамони руҳида хеч кутилмагандай рўй берган ўзгариш сирларини ахтаради; унинг мисралари шалоладай ўйнаб, куйилиб келади, ўзига тобора маҳлиё қиласи:

*Оппоқ, майин оёқларидан
Майсаларга аста солиб из,
Парилардек сеҳрлаб секин
Кўздан гойиб бўлганида қиз,
Юлдузлардек тиниқ ва шаффоф
Ўйнаб турган қуралай кўзи,
Шарқ күёшин шимган илиқ, соф
Хаё билан бўртиган юзи
Наҳот солмас қалбига ором!
Наҳот қилмас тушиларida ром!
Суқсур каби қора сочлари,
Йигит қалбин қилгандан шайдо,
Кўқдан тушган каби бир нафас
Чакмоқ каби бўлгандан пайдо,
Нега тилсиз ёр бўлдинг, севги!
Нега қилсиз тор бўлдинг, севги!*

Таъбир жоиз бўлса, муаллифнинг ушбу нидоси достондаги бадиий образлардан бири – севги шу ондан эътиборан замирдан юзага чиққанини кўзгудагидай акс эттиради, биз буни айни дақикалардан бошлаб аник англаймиз. Зоро, у асарнинг бошидан охиригача нажот ва балогардон; севиб-севилгандарнинг олижаноблиги, мардлиги, ҳәёси, сукути ёки табассуми, ҳар бир хатти-ҳаракатини кўлловчи ва йўлловчидир... Дарвоке,

достондаги йигит ва киз образларидан ташқари, севги ва муаллиф образлары ҳам асарғояси тадрижий равишда бадий очилиб, намоён бўлишини таъминлайди.

Ҳар икки ёш халқка хос фазилатларни ўзларига сингдирганлар, “коса, коса остида нимкоса” тарзида юритилган фикрлар, билдирилган муносабатлар, килинган ҳаракатлар маъносини тўғри илғашга одатланганлар.

Масалан, йигитнинг бепарво муносабати мағзизда шундай ҳаётий донолик пинҳон. Висол илинжида ўртанаётган бўлса-да, юрагидаги алан-галарни жиловлади, фироқ, айрилиш синовлари борлигини эслатади дийдорига муштоқ ёрига, эсанкиратиб туриб синайди... Нихоят, “қалбин тўқиб солмокчи бўлди”, излаб борди, лекин отаси жангларда мардларча ҳалок бўлгани тўгрисида хабар – қора хат олган севиклиси қора либосда эди... Шу ҳолида у иймони бутунлигини, бир умр вафодор бўлишини билдириди, бепарволик аро сўзсиз янграган ҳаёт-мамот саволига некбин жавобларини қатъият билан айтди – конига она сути билан сингтан донолик мезонларига амал килиб яшашини намоён этди. Бир ёстикка бош кўймокчи бўлган одами (йигит олчокларнинг алдовларига учмади, ўз шаънига лойиқ қарорга келди; “Ёв қўлига тушгандан асир, / Ўз юртида бўлишини басир / Афзал билди”) урушдан икки кўзи кўр бўлиб қайтганида, киз аҳди ростлигини исботлади, севгилисининг кўнгил чироғига айланди. Оила қуришди, фарзандлар кўриб, уларни тарбиялаб, вояга етказишиди. Садокатли хотини тоғдай таянч бўлгани учун, бағри бутун эр сўқирлик тўрини узиб ташлаб, тўлақонли ҳаёт кечирди. Достондаги бадий ҳикматлар туйғун, оловли туйғуларнинг жавҳари бўлиб вужудга келади:

*Бахтсиз ҳолин билмаган инсон
Бўлолурми баҳтли ҳеч қачон!*

Ёки:

*Юракларда ёнмас экан нур
Кўзлар топмас ҳаётдан ҳузур.*

Танқидчи Маҳмуд Саъдий ўз вақтида (1981 йил) ушбу достонни “адабиётимизнинг кейинги йиллардаги жиддий ютуғи” деб баҳолаган эди. Назаримизда, у хозирда ҳам шундай юксак эътирофга лойиқ асар сифатида яшаб келмоқда.

Шукрулло насрда бадий ижод сирлари, устозларнинг тажрибалари тўғрисидаги “Жавоҳирот сандиги” (1983), адабиётшунослигимизда “катағон йиллари ҳакида ўзбек ёзувчилари томонидан ёзиб қолдирилган ҳозирча ягона ҳужжатdir ва шу жиҳатдан аҳамиятлидир” (Н.Каримов) деб хисобланаётган “Кафансиз кўмилганлар” (1989), жамоат арбоби, жадидчилик ҳаракатининг йирик вакили, ўзбек матбуотининг илк ташкилотчиларидан бири Убайдулла Хўжаев (Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев, 1878–1937) ҳаёти асос қилиб олинган “Тирик рухлар” (1999), ўзи ва рафиқасининг кўрган-кечирганлари ҳакида хикоя қилувчи “Оғир кунлар севинчи” (2001) каби асарларни яратди. Публицист сифатида олиб борган ижодий меҳнати “Қасосли дунё” (1994) мақолалар тўпламида жамланган.

“Кафансиз кўмилганлар” китоби маънавий ўзаги муаллиф образидир. У мустабид тузум исканжасига тушиб қолган – катағон курбонига айлан-

ган инсоннинг ожиз, эркисиз, топталган ҳолатини эмас, ички эркинлиги ни, маънан юксаклигини бутун асар давомида изчилик билан ифодалаб боришга интилади. Шундай бадбин мухитда азиз умри увол бўлаётганига қарамай, бу зўрлик-зўравонлик замони бари бир заволга учрашига ишонч хосил килган кўркмас, фахми ўткир одамларнинг киёфаларини эсда қоларли тарзда ифодалашга ҳаракат қиласди. Улардан бири – андижонлик Ёркинжон ака. Муаллиф, жумладан, шундай деб хотирлайди: “Унинг ўз бошидан кечиргандари накадар даҳшатли, кишини ваҳимага соладиган бўлишига қарамасдан, иккинчи бир жиҳатдан менга далда ҳам бўлди... Бу одам қамоқда ўз уйидек мағрур, гёё табиий бир ҳол дегандек юарди... Бу одамнинг ўз фалсафаси бор эди, гарчанд унинг хулосаси мантиқан тўғри бўлиб, ичингда тан олсанг ҳам, аммо хозирги кама-кама даврида унча-мунча одам эшитишга ҳам чўчирди...”

Аммо у одам ўзига ишонч ва ҳақлигидан фахрланиб ҳузур килгандек: – Инсофли, виждони бор одам бир-бирини талайдими? Бизнинг ҳукумат эса, талашни, бировларнинг ҳакидан кўркмасликни савоб деб ўргатади. Қариндош қариндошли талади, синфий душман деб бола отанинг кўзини ўиди. Мана оқибат; ҳаммани ўғирлика, Худодан кўркмасликка, бандадан уялмасликка ўргатиб бўлдик. Одамлардан меҳршафқат кўтарилиди. Мана булар – ўша сиёсатнинг меваси, – деди ўз атрофидаги ўғирлик қилиб қамалгандарни кўрсатиб. – Ҳар кандай акли бор инсон оч-қашшоқлик, муҳтоҷликда эмас, бой бўлиб, тўқ бўлиб яшасам, дейди. Бизнинг ҳукумат-чи, камбағалликни эмас, бойларни йўқотаман, деди. Мана энди ниятига етди. Ҳамма камбағал, ҳамма ўғри. Мана шундай тўғри гапни айтган сиз билан биз – ҳалк душмани. Виждонингни ютиб, ҳакиқатни гапиролмай эркин юрганингдан, оч-яланоч бўлсанг ҳам, овозинг борича ўзинг севган куйни айтганинг маъқул.

Бу одамнинг шунча йил қамоқда бўлиб, руҳан тушкунликка тушмай, бунчалик тетик юришига сабаб энди аён бўлган эди”.

Ёркинжон ака сирасидаги қамоқ, маҳбуслик қўйноклари остида ҳам руҳан синмаган кишилар ҳакидаги ҳикоялар мазкур асарнинг маънавий ўзагини мустаҳкамлашга омил бўлган.

Хеч шубҳасиз, Шукрулло “Кафансиз кўмилгандар”, “Тирик руҳлар” насрый асарлари билан ҳам адабиётимиз ривожига сезиларли ҳисса кўшди, ундаги мавжуд бўшликларни тўлдириб, ҳалкимиз тарихининг ҳали бадиий тасвирланмаган даврларини ёритди – керакли ишни зарур вақтида журъат ила бажарди.

Шукрулло драмалари эса театримиз саҳналарини обод қилиб, томошабинлар меҳрини қозонди. Ҳозирги Ўзбек Миллий театри ва вилоят театрларида “Хатарли ўйл” (1962), “Табассум ўғрилари” (1964), “Тўйдан кейин томоша” (1980), “Ўғрини карокчи урди” (1982), “Жанжал” 1983), “Ҳасрат боғи” (2004) сингари шеърий драмалари, шунингдек, унинг таржимасида итальян драматургиясида фъяба – театр эртакчилигига асос солган Карло Гоцци (1720 – 1806) “Бахтли гадолар” трагик-комик эртак пьесаси 1985 йили саҳналаштирилган.

Биргина “Ҳасрат боғи” тўғрисида тўхталайлик:

унда Ўзбекистонда XX асрнинг 20–30-йилларидан бошлаб, то 70–80-йилларигача кечган – афғон босқини оқибатларини ҳам камраб олган ҳаёт манзаралари, турли тақдирлар намоён бўлади. Муаллиф ва ре-

жиссёр (Т.Истроилов) ижодий режасини, фалсафий фикрини тұлақонли мужассамлаштирган икки образ – Она ва партиявий раҳбар Холиқулов образларига алоқида тұхталған театршунос Т.Исломов “Хасрат боғи”ни “театр санъатининг ривожланишида профессионал услугиятларни күриш, таҳлил этиш, зарур бўлса, баҳс-мунозараларга имкон берувчи”, ёки том маъносини айтсан, Миллий театрнинг ўзига хос юксак макомини намоён этувчи спектакль яратилганини эътироф қилди. Режиссёр ва жамоа, муаллиф билан ҳамкорликда пьеса курилмасини кайта кўриб чиқиш, янги сахналар ижод этиш, таъсиран пластик ечимлар топиш йўли билан эришган муваффакиятдан кувониб, айни вактда унинг замона берган имконият даражасида яратилганини назарда тутиб, санъатшунос олим Тошпўлат Турсунов, жумладан, шундай деган эди: “Чунки, бундай пьесани хозирги замонда яратиш мумкин, гарчи пьесада ҳамма гаплар очик айтилмаган бўлса ҳам. Ҳали шундай даврлар келадики, пьесада тилга олинган фожиаларни ёзувчилар, санъаткорлар тўла-тўқис ёритмаганларини келажак авлод айтади. Бугунги кунда шу спектакль яратилишининг ўзи ҳам жасорат”.

Хуллас, истеъоддли адабимиз ҳалкнинг қалбини ўртаб, тили учига келиб турган гапларни ўз ўрнида: гоҳ шеърий, гоҳ насрый, гоҳ драматик асарларида айтиб келмоқда.

Устоз Шукруллонинг “Танланган асарлар”и аввал 2 жилдда (1973–74) нашр этилган бўлса, эндиликда эса унинг 9 жилдлик “Танланган асарлар”и китобхонлар қўлига етиб борган. Асарлари рус, олмон, араб, турк, озарбайжон, козок, кирғиз, болкор, қорақалпок ва бошқа тилларга ҳам таржи-ма қилиниб, эътибор қозонган. У 1981 йили Ўзбекистон ҳалқ шоири фахрий унвони билан тақдирланган, 1994 йили Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти лауреати бўлган, “Дўйстлик” (1994) ва “Эл-юрт хурмати” (1999) орденлари билан тақдирланган.

* * *

Унинг ҳаётига бадиий таржима – катағон исканжасида, ноҳақлик жабрини тортаётган маҳбуслик чоғларида – умид париси бўлиб кириб келган... Бу сўзимизнинг исботи – шоирнинг “Кафансиз кўмилгандар” асаридаги ушбу кўнгил изҳори:

“Айнисса, – ёдимда йўқ, Александр Востоковми ёки бошқа рус шоирими, – Гётенинг “Умид” шеърининг таржимаси суд олдидан менга шу кадар далда бўлдики, китобни қайтариб йигиштириб олгунча бу шеърни ўзбек тилига таржима қилиб, ёдлаб олдим.

*Ёлбораман, умид париси,
Иш чоғлари менга бўлгил ёр.
Тугатмасдан ишининг барисин,
Толиқишига эрк берма зинҳор!*

*Ишонаман, рўёбга чиқар,
Таскинларинг кетмай беҳуда,
Умид билан суқилган таёқ,*

*Меҳнат, чидам натижасида
Бир кун берар мева ва япроқ.*

Қамок мухитида бу шеър энг якин дўстнинг менга таскинидек бўлиб колди. Бу шеър азобимни енгиллаштириди, дармон бўлди. Шайтоний хаёллар босиб келганда, ётган-турганимда ўқидим. Қамоқда ширин хаёлдан бошқа сенга ким таскин беради, ким дардкаш бўлади”.

Шоир Шукрулло ҳәётининг энг оғир дамларида рўй берган айни воеа инсоннинг руҳий эркинлигини на мустабид тузум, на камоғу қийнок чеклай олмаслигини, ҳар қандай аянчли ҳолатда ҳам маънавий ҳаёт, ижод дарди одамни ор-номус поясидан қуий тушмасдан яшашга қобил килишини сездиради. Бежиз эмаски, у маҳбуслик – чорасизликда қўл ковуштириб ўтирамай, қандай килиб муаллифи шаънини саклайдиган, имкони борича ҳакикатни айтадиган асарлар ёзиш йўлларини ўйлайди: “Лекин буни ҳалққа айтиб бўладими? Бўлади! – деб ўйлайди у. – Унинг бирдан-бир йўли бундай гапларни насрой ёки драматик асарда салбий образлар орқалигина, уларнинг тилидан айттириш мумкин... Драматургия ҳакида, драматик асар ёзиш ҳакида жиддий ўйлай бошладим... Драма ҳакида ўйлаша бир неча вақт икир-чикир ҳаёллар азобидан мени холи қилиб, худди айтадиган гапларимни айтиб, хуморим тарқагандек, дардим енгиллашгандек бўларди”.

Шоир рўшноликка етишгач, ўз ижоди билан биргаликда, бадиий таржима соҳасидаги фаолияти билан ҳам мухлисларни хурсанд килишга интилди. Шукрулло таржимасида турли йилларда Гёте, X.Хайне, Байрон, Ш.Петёфи, Т.Шевченко, А.Исаакян, А.Блок, А.Твардовский, М.Дудин, М.Танк, Р.Ҳамзатов, М.Карим, Қ.Кулиев каби шоирлар шеърий ижодидан намуналар ўзбек тилида янгради. Бу таржималарнинг вақт синовидан ўтганлари айни маълум ва машхур шоирлар ижодига хос фазилатларни янада яқиндан хис килиш, англашга ёрдамлашганини, шунингдек, адабимиз истеъод ҳазинасида навбатини кутиб ётган бадиий захиралар рўёбга чикишига йўл очганини исботлашга эхтиёж йўк.

“Оксокол шоир унча-мунча поэтик экспериментлардан чўчимайди. Ундаги бу хусусият Расул Ҳамзатовнинг “Набирам Шахризодага” номли насрой шеъри таржимасида намоён бўлади, – деб ёзади профессор Қозоқбой Йўлдош. – Ҳаёлий савол-жавобга қурилган бу мансурада бобо билан неваранинг тақдирлари мувозий қўйиб тасвирланади. Шеърда йиглочки невара гага узун ҳаёт ўйлини босиб ўтган бобонинг таъкидлари ўта таъсирили ифода этилган. Шеърнинг биргина сўнгги, асарнинг поэтик моҳиятини ўзида акс эттирган банди серйиги невара тилидан берилади... Шеърда ёш авлоднинг зиммасида ҳам ўзига яраша ижтимоий-маънавий юқ борлиги таъкидидан ташкари, катталарнинг келажак олдидаги масъуллиги ҳам акс этган. Шеърда шоир Шукруллога ҳам ўртоқ туйғулар тасвирга олингани учун мансуранинг таржимаси оригинал янглиғ жаранглайди” (Шукрулло. Танланган асарлар. 2-жилд. “Шарқ”, Т., 2008. 12-13-бет).

Шукрулло таржималари хусусида ўйлаганда, К.Гоцци “Бахтили гадолар” пьесаси, албатта, диккатимиз марказида бўлиши табиийдир.

“Атокли шоир ва драматург Шукрулло Карло Гоцци асарини ўзбек тилига улкан маҳорат билан фоят саҳнавий таржима килган, – деб таъкид-

лайди профессор Тоир Исломов “Бахтли гадолар” намойиш этилишига багишлаб 1986 йили ёзган маколасыда. – Спектаклни күриш жараённан унинг таржима асар эканлиги сезилмайды. Спектакль режиссёри Тожи Мұхаммад Истроилов ижодий изланувчан, забардаст санъаткор эканлинини томошибинларга ҳам, мутахассисларга ҳам англатади” (Режиссёр Тожи Мұхаммад. (Режиссёр масъулияти). Маколалар, лавҳалар ва эсслар. “Адабиёт учқунлари”, Т., 2015. 105-бет).

Шукрулло “Бахтли гадолар”ни Т.Шчепкина-Куперник итальян тилидан рус тилига киlgан таржима (К.Гоцци. Сказки для театра. Москва, “Искусство”, 1956) асосида ўзбекчага ўтирган (К.Гоцци. Бахтли гадолар. Драма. Шукрулло таржимаси. Тошкент, Faфур Ғулом номидаги Бадий адабиёт нашриёти, 1970; кейинги нашри – Шукрулло пьесалари 2-жилди (“Тўйдан кейин томоша”, 2006).

Бу таржима тўғрисида театршунос олим айтган ижобий хуносани юкорида келтириб ўтдик. Айни шу фикрга таянган тасаввуримизни кисқа бир таҳлил воситасида тағин ҳам тиниклаштиришни истаб, пьесанинг сўнгти кўриниши тугалланмасини киёсан ўрганиб, бир неча мисол келтирайлик.

Масалан, русчаси:

М у з а ф е р

... *Hem! Не зову тебя великодушным.*

Ты хуже пытки выдумать не мог.

Но я сумею прекратить мученья!

(В бешенстве убегает).

Таржимаси:

М у з а ф ф а р

... *Йўқ! Мен сени айтмолмайман олиҳиммат деб,*

Наҳот, бошқа қийноқ ўйлаб топа олмадинг,

Фақат ўзим бу азобга барҳам бераман.

(Кутуриб қоча бошлайди).

Ҳар икки тилдаги матнни мұкояса этганимизда, юксак мартабасидан ажralгач, жазавага тушиб, аклини йўқотгудай ҳолга келган бу кимсаннинг пўртанали ҳиссиётлари ўзбек томошибини ёки ўкувчиси ўтиборига ишонарли, лекин бир мунча босиқлик билан етказилганини уқамиз.

Ёки бошқа мисол; русчаси:

У з б е к

(страже)

За ним, чтоб он с собою не покончил!

Таржимаси:

Ў з б е к

(навкарларига)

Орқасидан боринг, яна ўзини-ўзи

Ўлдирмасин!

Таржимонимиз, Ўзбек – асар қаҳрамони, – гарчи рухий холати асов фалаёнларни эслатса-да, – газабини жиловлаб иш кўраётганигини таъкидлаш учун, “сенга жазо бериб ўтирмайман (яъни ўз жазонг – ўзинг би-

лан)" деган гапни құшади, бадий мантиқдан келиб чиқкан бу бадиха табиий ва ишонарли; "мукофот" сўзини шундай йўннатадики, у "жазо", "тавки лаънат" маъноларини жилвалатиб янграйди. Буни томошабин ҳам, ўқувчи хам янглишмай илғайди.

Ўзбек ўз севикли ёри – Анжелага мурожаат қилиб, факирларнинг баҳтини ўйлаб, бирор ният қилган бўлсанг, айт, деганида, у ҳеч кутилмаган бир жавобни беради.

Русчаси:

А н д ж е л а

*Не знать им счастья, если не найдут
У зрителей любезных одобренья!*

Таржимаси:

А н ж е л а

*Агар булар, шу ўтирган томошабинлар –
Халойиқнинг ҳурматига лойиқ бўлмаса,
Бир умрга баҳт топмайди.*

Анжеланинг сўзлари ушбу трагик-комик эртак пьеса моҳиятини тиник кўзгудай яққол акс эттиради. Зеро, унинг қаҳрамонлари хатти-ҳаракатлари, ишларига томошабинлар тимсолида ҳалк баҳо беради. Баҳт эса, – юкорида ҳам эслаганимиздек, – улардан ҳалкнинг, жумладан, айни ҳолатда томошабинларнинг розилигидадир. Таржимон "томушабинлар" – "халойик" рамзи деб таъкидлаш учун ўзидан шу мантикий аниқламани кўшар экан, мазкур фалсафий-эстетик умумлашмани томошабин ва ўқувчи онгига ўнгай қилиб етказишга интилади. Ушбу интилиш замирини эса, устозимиз – Мавлоно Шукрулло Шоший одамлар ризоси йўлида сочаётган ижод зиёси ташкил этади.

* * *

Навоий ҳазратлари "Мухокамат ул-луғатайн" асарида турк шуароси тўғрисида сўзлар экан, Мавлоно Лутфий Шоший (1366 – 1465) сиймосига алоҳида эҳтиром кўрсатади; форсий тилда ижод қилган улуғ шоирлар номларини зикр этгач, турк шуароси орасида булар "муқобаласида киши пайдо бўлмади, бир Мавлоно Лутфийдин ўзгаким, бир неча матлаълари борким, табъ ахли кошида ўкуса бўлур", – деб таъкидлайди. (Шайх Аҳмад Тарозий Мирзо Улуғбекка бағишлиаган "Фунун ул-балоға" асарида "маъдан ул латойиф Лутфий Шоший" деб берган шаҳодат эндиликда барчамизга маълум. Барҳаёт адабиётшунос олимимиз Абдуқодир Ҳайитметов нашрга тайёрлаб эълон килган шу китобга суюниб, "Мавлоно Лутфий Шоший" дейишга ҳақлимиз).

Мавлоно Лутфий Шошийнинг асрлар оша шогирдларидан хисобланмиш Мавлоно Шукрулло Шоший (1921 й.т.) ўз юртию жаҳонда овоза кўттарган кирғиз адиби Чингиз Айтматов, авар шоири Расул Ҳамзатов, рус шоири Михаил Дудин, болқор шоири Қайсин Кулиев, бошқирд шоири Мустай Карим, қалмиқ шоири Давид Күгултинов ва бошқалар қаторида туриб, улар билан қиёматлик дўст, бу кутлуг ижодий биродарлик даврасининг файзларидан бўлиб, шу муборак мушоирада ҳамиша ёруғ юз билан катнашиб келди.

Навоий ҳазратлари Мавлоно Лутфий Шоший 90 ёшдан ўтганида ҳам барча замондошларини қойил қолдириб, гүзал асарлар яратғанлыгини уқтиради.

Мавлоно Шукрулло Шоший ҳам (умри зиёда бўлсин!) юз ёшни қоралаб бораётганига карамай, қалбини илхом ёритиб турибди.

Мавлоно Лутфий Шоший ва Мавлоно Шукрулло Шоший гүзал анъясаси уларнинг келгуси авлодларида ҳам шарафли давомини топсин!

Мұхаммадали ҚҰШМОҚОВ

ШУКРУЛЛО ТАРЖИМАЛАРИДАН НАМУНАЛАР

БАЙРОН

(1788–1824)

Умр йўлинг битди, қаҳрамон!
Шуҳрат-шонинг энди бошланур.
Сен озодлик берган мүқаддас
Ватанингнинг кўйида магрур
Яшар сенинг жасоратинг ҳам
Ва улугвор салобатинг ҳам.

Халқинг эркин оларкан нафас
Унумтолмас сени мутлақо.
Ҳалок бўлдинг! Қонинг ердамас
Оқар бизнинг томирда, аммо
Сенинг қудрат, галабанг ҳар он
Қалбимизга бўлгуси дармон.

Тилга олсан номингни жсангда
Душман ваҳм, даҳшатга тушар,
Қаҳрамоннинг шонли ўлимин
Қизлар қўшиқ қилиб айтишиар.
Кўзларда ёш бўлмас, ёш, фақат,
Пок руҳингга бўлур ҳақорат.

Шандор ПЕТЁФИ

(1823–1849)

ОТАШ

Истамайман мажнунтот каби
Ботқоқликда чиришини мутлоқ.
Қани энди, чинор бўлсаму
Кўйдирса ҳам розиман чақмоқ.

Оташ, қалбим түгёни сенсан!
Онлар бўлди баъзан музладим.
Қақиатса ҳам совуқ қалбимда –
Бир аланга доим гурлади.

Мен ўт бўлсам, сув қучогида
Ола берсин бақалар роҳат.
Юксакликка қилолмай парвоз
Вақиrlашиса яраган фақат.

Менинг қайноқ эҳтиросимга
Сен ҳам ёниб жавоб бер, эй қиз!
Менга совуқ туркар экансан
Кўзларимдан ўйқол ўша кез.



Майхонага май қўй! Майингга
Заррача сув қўйсанг, эй шайтон.
Май косангни отмай юзингга
Ерга отиб қиламан яксон.

Кўйланг, ўтли қўшиқларин сиз!
Қўшиғингиз қалбга ўт солсин.
Кўйиб-ёниб айтмаган кўнгил
Қўшиқлари бўгзида қолсин!

Яшаш учун ўтли ҳислару
Шароб кайфи ҳамиша даркор.
Унугибман бир нарсани мен –
Яшаб бўлмас қўшиқсиз зинҳор!

Истамайман – мајсунтол каби
Ботоқчликда чиришини мутлоқ.
Мен истайман чинор бўлмоқни
Кўйдирса ҳам розиман чақмоқ.

Михаил ДУДИН

(1916–1993)

Булут танклари каби гулдурос солиб,
Бўрон дов-дараҳтни қулатиб ўтди.
Сокин, мовий қўллар ногоҳ қўзғалиб,
Бош уриб қирғоқча, кўпириб кетди.

Аммо бугун яна сокин теварак,
Сувлар жисимирайди, зумраддек осмон.
Кечаги сурон-у бугунги жисмлик
Сехри бир дам сени қиласди ҳайрон...

Кафтдек текис, сокин замин қалбига
Агар солиб кўрсанг бир нафас қулоқ,
Бўрон сўнгидағи бу сокинликда
Недир яралмогин сезасан шу чоқ.

* * *

Кўз олдимда баҳор, сен онагинам...—
Сен ёш аёл эдинг, мен мургак гўдак.
Тиззангга юзимни қўйганимча ман
Кўшиғингни тинглаб кетардим мудраб.
Сен эса ишингни тўхтатмай сира,
Урчуқнинг бир текис кўйига қўшиб,
Айиқча ҳақида қўйлардинг менга –
Кўшиғинг тинглардим юрагим жўшиб.
Баҳор чогидаги тип-тиниқ кўлда
Ялт-юлт товлангандек балиқ тангаси,
Сенинг ҳам ёқимтой, илик сўзингдан
Келарди ўрмоннинг муаттар иси.
Ашуланг жарангдор ва майин эди,
Ўртарди дилингни қандайдир қайгу,
Айиқчамас, гўё сенинг болангни
Оқизиб кетгандек туяларди сув.

Расул ҲАМЗАТОВ

(1923–2003)

Набирам Шахризодда

Сен нега йиглаяпсан?

Ахир, сенинг отанғ бор, онанғ бор.

Мен аллақачон отамдан ҳам, онамдан ҳам
айрілғанман.

Сен әмас, мен йиглашим керак.

Сенинг акаларинг, опаларинг бор,

Хаммаси сени севади, ёмон гаптurmайди.

Менинг-чи, неча марта дүстларим хиёнат қылғанди,
менинг душманларим бор,

Мен йиглашим керак.

Сен уруши даҳшатини, одамларнинг қандай
йүрганларини күрмагансан.

Қанча дүстларим у ерларда қолиб кетишган,

Мен йигласам арзийди.

Сенга ҳеч ким бўхтон ҳам қылмайди,

Сен ҳали ёлғон нималигини билмайсан, қалбинг пок.

Сен ухлаганингда ҳеч ким сени безовта қылмайди,

Мен йиглашим керак.

Гапларимни тинглаб набирам, деди

“Буважон, сен ҳаммасини бошдан кечириб бўлдинг,
шукар қил.

Менинг бошимда ҳали булат турибди,

Сен айтганингдек, ёлғон, хиёнат, уруши яна

такрорланса-чи?

Буважон, сен шундай қылгинки,

сира-сира тақрорланмасин”.

Марина ЦВЕТАЕВА

БАЛЬМОНТ ҲАҚИДА СҮЗ

*Рус тилидан
Ойгул СЮЮНДИҚОВА
таржимасы*

Шоирлик чексизликтір, у ҳақда сүзлаш күйин. Шоирлик қаердан бошланади? Қаерда тугайди?

Хамма нарсаны ўз қараңшларым асосида чегаралайман, аммо улар ичіда үйнегиде бир мири йўқ гирт шоир – Бальмонт ҳақида бир нарса дея олмайман.

Кулманг, жаноблар. Мен на Есенин, на Мандельштам, на Маяковский, на Гумилёв, хатто Блок ҳақида ҳам шундай демаган бўлардим. Чунки уларда шоирдан ташкари яна катта-кичик, яхши-ёмон нимадир бор эди. Ахматовада ҳам шеърларидан ташкарида илтижолари яшарди.

Бальмонтнинг эса шоирдан бошқа ҳеч нарсаси йўқ. Бальмонт хос ва мос шоир. Шунинг учун ҳам уйидагилар уни сўрашса: “Шоир ухляяпти” ёки “Шоир тамаки олгани чиқди” – дейишади. Бунинг кулгили ёки изохталаб жойи йўқ. Дейлик, ухляяпти, у кўраётган тушлар ҳам – шоирники, тамакига чиқди, дўкондор уни растасида кўриб ажабланмайди, нима учун келганини билади.

Бальмонтнинг ҳар бир хатти-харакати, сўзи – муҳр – юлдуз.

*Талаб этган эмас ҳали шоирни
Аполлон муқаддас қурбонликка, бу
Ғала-ғовур дунё ташвишларига
Бола кўнгли билан чўкиб кетган у.*

*Сукутда илоҳий илҳом париси,
Ширин тушлар қалбга бағишилар лаззат.
Балким ҳақиқ дунё болаларидан,
Баридан нотавон, арзимас ва паст.*

Булар Бальмонт ҳақида эмас. Аполлон Бальмонтни ҳамиша талаб килган. Бальмонт ҳеч қачон ғурбат дунё ташвишларига кўмилиб қолмаган, унинг илоҳий илҳом париси тинмаган, қалби ширин тушлардан лаззатланмаган, ҳакир дунё болалари ичиде Бальмонт ҳеч қачон нотавон бўлмаган, умуман, улар ичиде ҳеч қандай боғлиқлик йўқ, унинг ўзи эса нотавонлик тушунчасидан йироқ яшаган.

Билмадим, билмадим, нимадир – нафрат,
Менда ҳеч кимсага йўқ гина-кудрат.

Ожиз лаҳзаларда гар чексам ҳасрат,
Ҳатто душманимга сочолдим ҳайрат.

Аникликни олайлик. Бальмонт ундан бутунлай ва энг баланд даражада холи, ҳатто кундалик ҳаётий сухбатларда ҳам: “Марина, мен сенга чака олиб келдим”, – дерди. Унинг пуллари чака эди, арзимас коғоз банкнотлар – червон, оддий пул. У франклар ва сўмлар олдида ўзини ерга урмасди, ростини айтсан, у бундай ҳаёт билан таниш эмас эди, уни билмасди.

Кламар, Париж ташқарисидаги шаҳарча. Бальмонтни узок танаффусдан сўнг катта кўчада учратиб қолдим. Шаҳар атрофи, бундай жойни хамма ерда кўриш мумкин. Қувонч, кўл сикишлар, дийдор, дўстона гиналар, ҳайрат... “Шунча пайт қандай яшадинг? Тузукмисан? – “Марина, мен жуда баҳтли эдим, икки ой кўхна Хиндистонда бўлдим”.

Бўлган. Ҳаммаси шу.

Бальмонт билан ҳамиша эртакдагидай. У қачонлардир “Тоғ чўккилари”да туриб, шундай деган эди: “Ҳаёт йўллари бой”. “Ҳа, агар унда Бальмонт билан кетсанг”, – қўшиламан.

Мен тез-тез Бальмонтнинг баландпарвозлиги ҳақида эшитиб қоламан. Ҳа, бу – энг яхши сўз.

У юксакларда учеб юради, пастлашни истамайди. Хоҳламайдими ёки уддалай олмайдими? Мен ер ҳамиша Бальмонт оёклари остида юксалиб туради, деган бўлардим.

Агар Бальмонт хонада бўлса, хона кўркинчли.

Хозир тушунтираман.

Туғилганимдан бўён ҳеч кимдан кўркмаганман. Факат икки одам бундан мустасно: князь Сергей Михайлович Волконский (унга “Ўқувчи” номли шеъримни бағишлаганман) – ва Бальмонт.

Кўркардим, кўркаман, кўркканим учун ҳам баҳтлиман.

Мен эркин одам учун кўрқаман.

“Кўркувим” – даҳшатни англаш, ўзига-ўзи зиён етказиш эмас, балки илоҳий назарларга тушиб колишни англатади. Бироқ князь Волконский ва Бальмонт ўртасида қандай боғлиқлик мавжуд? Кўркувдан бошка ҳеч нарса йўқ. Кўркув ҳайратланишdir. Бир воқеани ҳеч унтулмайман.

1919 йил. Москва. Қиши. Мен хар доимгидай Бальмонтларни келдим. Бальмонт совук хонада аёлларнинг шотландча рўмолига ўраниб ётарди.

Бальмонт:

– Албатта, чеккинг келаяпти-я?

Мен:

– Унчаликмас... (кўнгилда эса изтироб).

– Мана, хафсала билан чек. Трубка паришонхотирликни ёқтирамайди.

Мухими, гапирма. Кейин гапирасан.

Ўтиридим, хафсала билан ичимга тортаман, лекин ўхшамайди.

Бальмонт хурсанд:

– Ёқдими?

– М...м....м...

— Кириб келишинг билан юзингда шундай изтироб кўрдимки, Марина, анча пайтдан бўён чекмаганингни тушундим. Эсимда, бир куни Тинч уммонда...

Сўзлай бошлайди. Мен чекмасдан, кўркув ичида ҳафсала билан тортаман. Бальмонт буни сезиб қолмасмикан, деган хавотирдаман.

— Ана, чекиб бўлдинг. Энди бер.

Узатаман.

Бальмонт трубкада тамаки тўла эканлигини кўриб:

— Ҳеч қанча чекмабсан-ку...

Мен:

— Йўқ... шундай сал-пал...

Бальмонт:

— Ахир, у учиб қолган, сен уни ҳатто ёқмабсан ҳам. (Трубкани текшириб кўради.) Мен тамакини яхшилаб майдалаганман! Марина, сени яхши кўрганимдан шунчалик кўп солиб юборибманки, у ёнолмабди! Трубка меҳр-мухаббатга тўлиқ эди. Бечора Марина! Нимага менга айтмадинг?

— Чунки сендан кўркаман!

— Мендан кўркасан? Елена, Марина мендан кўркаркан. Негадир бу менга ёқаяпти. (Қадрдоним, мен сендан кўрққаним йўқ, бир лахзага бўлсаем, сени хафа қилолмайман. Ахир, трубка меҳрға тўла.)

Бальмонт менга ҳамиша охиригисини берарди. Нафакат менга, ҳаммага. Сўнгги трубка, сўнгги пўстлоқ, сўнгги ўтин, сўнгги гугурт.

Ачинганидан эмас, очиккўнгиллигидан. Туғма олийжаноблик.

Худо бермаса бўлмайди. Подшо бермаса бўлмайди. Шоир бермаса бўлмайди.

Бироқ у олишни эплай олмасди. Бир вокеа ёдимда. Кўчадан ҳаяжонланиб кириб келди, лекин таъби хира, ўзида эмас.

— Марина! Елена! Мирра! Мен ҳозир шундай даҳшатли, шундай ажойиб бир иш қилдимки, ҳатто окибатда афсусланаяпман.

— Афсусланаяпсан?

— Волхонка бўйлаб кетаётган эдим. Кимdir мени чакирди, аёл овози. Карадим, машинада ясанган, чиройли, ёшгина, худди мафтункор швед кизидай, эсингдами, Елена, биз у билан пароходда гўзал оқшомни бирга ўтказган эдик? Ўша. Машинани олиб келди. Ўтиридим. Суҳбат. Лахзалар учмоқда. У ҳаяжонда. Мен ҳам. Лахзалар учмоқда.

Бирдан карасам, жуда узоклашиб кетибмиз, тўғрироги, мен уйдан анча олислаб кетибман, кайтиш амри маҳол. У эса кўлларимдан ушлади, соchlарининг уч-учларигача кизариб кетди – шимол аёлларигина шундай кизарадилар: “Константин Дмитрович, менга очигини айтинг, буни сиздан сўраётганим учун узр: қандай яшаяпсиз? Мен сизга нимадир... менда ҳамма нарса бор: ун, қанд, ёғ, шу кунларда жўнаб кетаман...”

Шу ерда, Марина, даҳшатли иш қилдим: “Йўқ”, – дедим. Менинг ҳамма нарсам бор, дедим. Марина, мен фақат нафас олардим. Чунки ўша пайтда менда ҳамма нарса бор эди: ажойиб машина, ҳамроҳим – малоҳатли, ёш, олийхиммат, соchlари тилларанг аёл... Биз юрмасдик, учардик... Кутимаганда ун, ёғ? Қандай килиб шундай учрашувни ўлдирапдим? Кейин эса кеч бўлди. Марина, қасам ичаман, унга ўн мартараб айтгим келди: “Ха, ха. Ўн, қанд ҳам, ёғ ҳам, ҳаммаси керак”. Чунки менинг ҳеч нарсам йўқ. Мутлақо! “Ўнда сизни уйингизга олиб бориб

кўйишга рухсат беринг, қаерда яшайсиз?” Марина, яна тузатиб бўлмас иш қилдим: унга айтдим: “Шу ерда”. Покровканинг ўртасига чиқдим. Кутимаганда бир-бирилизни қучдик. Кеч кириб қолди. Энди ҳаммаси тугади. Мен уни қаерда яшашини билмайман, у эса мени...

* * *

Илк бор учрашганимиздан бўён ўн тўkkиз йил ўтибди. Бальмонтни ҳеч қачон, бир дақиқа ҳам кундалик ташвиш билан яшаганини кўрмаганман. Ўн тўkkиз йиллик мулоқотдан сўнг ҳам мен Бальмонтга кўниколмадим. Ўн тўkkиз йиллик эҳтиром тўлқинлари камаймади. Бальмонт хузурида ўзингни доим олиймақомда хис этасан. Унинг қаршисида мен ўзгача кайфият ва иштаҳа билан тановул киламан. Бальмонт билан куритилган нон – ҳакикий нон, картошка – москваникими, кламарникими фарки йўқ – тўкин зиёфат.

Ёхуд Бальмонт бор жойда олий даражадаги мавжудлик мужассамдир.

Бу илоҳий титроқни факат князь Волконский ва Бальмонт қаршисида туюман. Буни ҳатто гўдак ўғлим ҳам хис этади.

Бунга адабиёт заҳматининг алоқаси йўқ. Муҳожирни адабиётчилардан ками борми?

Нихоят, менинг муносабатим ҳам ўғлим учун ҳеч қандай роль ўйнамайди. Замонавий бола, эҳтимол, барча даврлар боласи, соглом бола учун ота-она намунаси... яххиси, давом эттирмайман. Йўқ, на кек-салик, на шон-шуҳрат, на итоаткорлик мустақил ва анчайин гап уқмас болани ўзини дадил тутишга, саволларга тез ва аниқ жавоб беришга мажбур киломайди. Аксинча, куч унинг номи, шахси, юксаклиги, улуғворлигидадир.

Бальмонтнинг шавкати ҳакидаги сўзлар тез-тез кулогимга чалинади, яхшилар ҳам гапиришади. Миш-мишларни биринчи ва охирги марта тилга оламан. Биринчидан, шоир ҳеч кимнинг олдида савлат тўкиб ўтирамайди, қани – унинг мусаввири? Иккинчидан, бунга ҳожат йўқ: чунки у шунчалик кўзга яқинки, иложи борича одамларнинг кўзига ташланмай ўтиб кетишни истайди.

“Валерий Брюсов бўлишни истамасдим” ёки “Умрим бўйи ҳамма катори яшаб ўтишни хоҳлардим” – Борис Пастернак. Агар шоир савлат тўкса, унинг акси ҳам мавжуд, яъни у сезилмайди.

Кўп холларда савлат ўрнида шоир табиатини кабул килишади, бу оддий одамлар учун ғалати туюлади. Масалан, “эн” ва “ин” товушларини Бальмонт димоғида айтарди. Ҳа, Бальмонт уларни бошқача талаффуз киларди, бу товушлар унда бўғик йўлбарсникидай жарангларди. Яна унинг қадам ташлашлари ҳам бошқаларникига ўхшамасди, ўзгача. Агар у сўзларни ҳамма катори талаффуз этганида ҳайратланган бўлардик. У эса энг оддий сўзни ҳам ўзгартирмай, тўлик ва ўзига хос айтади.

Бундан ташкари, жаноблар, бошқаларга караганда шоирда кон куччилоқ тилга киради: аждодлар. Бу итларницидан қолишмайди. Литва булоқлари Бальмонт “савлати”даги ўзига хосликни ифодалайди.

Бошни баланд тутмоқ? Бирок Яратганинг ўзи уни кўтариб қўйган. Йигирма ёшида мана бу сатрларни ёзган одам бошини итоаткорлик билан эгиб юролмайди:

Кўраман, англайман, титрайман тинҳон,
Биламан, қайлардан келмоқда бўрон.
Гар ўзга кўзларга боқсам, ногаҳон
Юмиб олажакдир кўзин бегумон.

Шу ердан Бальмонтнинг мен хаётда кўрган энг довюрак қарашлари бошланади. Аникроғи: қарашлар – шеърлар. Яна: форс шоири кунгабокар тили билан шундай дейди: “Кимдаким күёшга тез-тез тикилса, бошини ҳаммавақт баланд тутади”.

Яна бир нарса: савлат тўқмок – табиатга зид. Бальмонтнинг табиат ҳакидаги сўzlари ҳаётидаги энг муҳим ва даҳшатли дакикаларида айтилган.

Икки йил бурун. Ўша – Кламар. Бальмонт кўриш қобилияти заифлашаётганидан азият чекарди: титрап, кўзлари милтиллар, жимиirlар... У кўлимдан харфлари йирик-йирик китобни олди.

– Андре Шенъе. Мен бу учрашувни қачондан бўён орзу киламан! Бироқ ношир дўстим 1830 йилда кўзларимни ҳисобга олмади.

Кўёшли кун. Даричам ёнида турибмиз.

– Марина! Менинг озибди дема! Агар кўр бўлиб колсам, буни кабул киламан. Чунки бу – табиат. Мен ҳамиша унинг конунийтлари билан яшадим.

Мен ўзимнинг кизгин миннатдорчилигимни доктор Александр Петрович Прокопенкога билдиримокчиман. У Бальмонтни садоқат, ўзаро якинлик, самимият билан даволади, ҳаётининг сўнгти даврни нур билан безади. Мен сизларни бир-бирингизга тухфа килганимдан баҳтлиман.

Жаноблар, мен ҳали ҳеч нима айттолмадим. Бу кечада кўз юммасдан тирик Бальмонт, содиклиги, ўн тўқкиз йиллик мулокот баҳти, ҳеч ким тушунолмаган ва ҳеч каерда муҳрланмаган шоир ҳақида гапиришим мумкин эди. Унга атаб эсадалик дафттар тутганман, барини ёзиб борганман, у миннатдорчилик туйгуларига лиммо-лим.

Сўзимни энг муҳим ва зарур фикрларим билан тугалламоқчиман.

Бальмонтта ёрдам зарур.

Бальмонт – Худо ёрлақаган шоир ва жуда катта заҳматкаш.

Бальмонт – 35 та китоб муаллифи, яъни 3750 саҳифалик босма китоблар. 20 та насрый китоблар яратди, улар 5000 босма саҳифаларда, яна қанчаси – сандикларда.

Бальмонтнинг таржималари ракамларда 10 000 дан ошиқ саҳифаларни ташкил этади, булар – фақат чоп этилганлари. Бундан ташқари, Бальмонт сандиклари – (эски, машхур, изтиробли) қўлёзмалардан титраб туради, барча қўлёзмалар тайёр.

Мен унинг бу сўzlарини кулоқларим билан эшигтанман. Бальмонт ўн саккиз ёшидан, у тенгилар ўйнаб-кулиб, севиб-севилиб юрган бир пайтда луғатлар билан дўст тутинди. Ўн бешта луғатда ўн бешта халқ яшарди. Рус тилшунослигини ўзлаштириди, унинг хазиналарини бойитди, барчанинг умумбашарий миннатдорчилигига мушарраф бўлди.

Агар шундай улуғ рус шоири ўз Ватанидан ташқарида қолиб кетса, қайтолмаса, бунинг улкан уволи муҳожирликка ёзилади, мабодо у шоир учун кўлидан келганини, ундан ҳам ортигини қилолмас...

Бальмонтдан миннатдор бўлиш – бизнинг биринчи вазифамиз, қўмаклашиш эса – ҳар кимнинг ўз виждонига ҳавола...

Бальмонтга табиат, одамлар билан мuloқот, ўз хонаси бўлса бас! – бошқа нарса керак эмас...

У – бемор, бирок Бальмонтлигича қолди.

У ҳар куни ёзув столига ўтиради.

Агар ҳозир у ҳақда ёзишсайди, энг ажойиб китоблардан бири яратилган бўларди.

У касал ҳолида ҳам ўтган йилги Пасха нонуштасини эслади. Биз етти йилдирки, елкама-елка нотаниш катта боғ ичидаги трубали уй черковида – ёш япроқлар, юлдузлар остида, қоғозли фонуслар билан кутиб оламиз. Бальмонт буларни қандай гапирганини хеч қачон унутмайман.

Сўзимни тугатаётib, бир воқеани айтиб ўтмоқчиман. Ўтган 1935 йил баҳори. Бальмонтда касаллик бошланган. Кламар. Мен унинг соғлигини билгим келади, аммо ичкарига киришга ботинолмайман, бор-йўғи чорак соат вақтим бор, кириш мумкин – кейин чиқиб кетолмайсан. Бальмонт ҳечам кўйиб юбормайди. Бизникига биздан сал олисда яшайдиган таниш хоним турмуш ўртоғи билан келган эди. Ундан факатгина кириб, аёлидан Бальмонт ахволини сўраб чиқишни сўрадим. Хоним – бўлгуси шифокор кетгач, унинг турмуш ўртоғи ва ити билан шоир уйига бир кадам жойда – далада кутаяпман.

Турибмиз, кутаяпмиз. Ўн дакика ўтди, ўн беш, йигирма. Ярим соат ўтди ҳамки, – ундан дарак йўқ.

– Мен кириб кўрай-чи... Марина Ивановна, марҳамат килиб, итимга караб туринг. Мен ҳозир! Унинг исм-шарифи?

– Константин Дмитрович.

Бегона ит билан бирга турибман. Кутаяпмиз. Ўн дакика, ўн беш, йигирма (мен борадиган жойларимга кечикиб бўлдим) – кирк дакика ўтди... худди эртакдагидай... биттаси кетди, ортидан иккинчиси, энди учинчи... Мен итни қидиругва жўнатсаммикан, деб ўйлай бошладим. Яхши турибмиз, деб факат тилда айта оламан. Ит жойида тинч туролмайди, сакрайди, отилиб тизгиндан чиқиб кетаман, дейди. Кутилмаганда у кўлимдан сирғалиб чиқди: эгасининг олдига чопди.

Унинг ортидан югураман:

– Нима бўлди, жаноблар? Худо ҳакки! Нима бўлди?

– Ҳеч нима, Марина Ивановна, ҳаммаси жойида, у аъло кайфиятда.

– Узок колиб кетдингиз? Ҳамма ишларимга кечикдим, кирк дакика ўтди.

Иккаласи жўровоз:

– Кирк дакика? Бўлиши мумкин эмас! Кечиринг, худо ҳакки! Сезмай қолибмиз! У билан сухбатлашиш шу қадар кизиқки, мен ҳали ҳаётимда бундай одамни учратмагандим. У мендан бирдан сўради: “Сиз собиқ офицермисиз?” – Мен: “Қачонлардир бўлғанман”. – “Мен ҳар бир жангчини хурмат киламан, лекин урушни ёмон кўраман”. Мендан урушдан кейин каерда бўлганимни суриштириди. Булғорияда, дедим. У булғорлар ҳакида шундай сўз бошладики, ҳайратланасиз. Умуман, ёзма адабиётимиз, ҳатто насронийлик ҳам ўша томонлардан келган, ажойиб ҳалқ! У айтганидек, ҳамма ҳалклар бирдек ажойиб. Ҳар бир ҳалқ бетакрор ва бекиёс. У менга нима учун шундайлигини тушунтириди. Оддий ҳалқ ... у – ажойиб! Агар у шундай бўлмаганида, у ҳалқ эмас, оломонга айланарди.

Менга Булғория ҳақидаги китобни совға килди – у мени булғордай кабул килди. Унинг китоб жавонларидағи саришталиқни кўриб, ҳайрон

қолдим, Марина Ивановна! Шундай борди-ю, худди тушмуғи билан илгандай олди-кўйди... шу ерда ўзимни тутиб туролмадим: “Тўғриси, Константин Дмитрович, ёзувчилар ҳаётида тартиб бўлмайди, деб ўйлагандим”. “Бу, олийҳиммат дўстим, гийбатчиларнинг гапи, уларни маданиятсиз ва виж-донсиз одамлар тарқатадилар. Мия тиник ишлаши учун стол тоза бўлиши керак. Миянгда тиниқлик бўлса, столинг озода туради”. Ижодининг илк кунларидан сўз бошлади: зулматдан тараалган нур ва сув қаттиклиги... Биринчи тартиб. Бир юонон файлласуфини эслади: саноқлар ва юлдузлар... Мен фалсафани чукур билмайман, лекин уни тушундим. Шоирлар факат шеърдан гапиришни билади, деб юарканман – каёқда! Ҳамма нарсани билади, унда худди юзта профессор бордай – яна канака профессорлар! Ҳаммаси оддий ва зериктирмайди – ҳар бир сўзни кўзинг билан кўрасан (аёлига қараб)... Албатта, бу тибиёт иши, менинг тишим ўтмайди. (Марина Ивановна, айиқдай соппа-соғман, ҳатто тишларим оғримаган!) – бироқ у соғлом фикрлайди, ҳеч кандай руҳий касаллик йўқ, худойим бизни ҳам кексайганимизда шундай тиник ақлдан айрмасин.

Аёли:

– Унинг боши чиройли экан! Даҳлиз коронғу, у хонанинг бўсағасида тўхтади, юзи кўринмайди, боши атрофида ёруғлик. Бошида мен киришни истамадим, сиз айтгандай, секингнина Елена Константиновнани чакирдим. Биз зинада турардик, шивирлашяпмиз. Кутилмаганда овоз:

– Мен нотаниш овозни эшитаяпман, аёл шивири. Ким келди?

Киришга тўғри келди. Тушунтираман: Марина Ивановна мендан қандай ахволда эканлигинизни билиб чикишни сўради, сизга нимадир керакми – у келолмайди...

У илтифот кўрсатди:

– Ичкарига киринг, киринг, меҳмонлар келса, хурсанд бўламан. Айниқса, Маринадан.

Қаршимдаги эшикни очиб, мени хурмат билан хонага таклиф этди...

У нақадар ёш! Кўзлари ёш, шаффоф. Тик бокади! У ок сариқдан келган, деб ўйладим, факат сал кейинрок соч-соқоли оқарганини пайқадим, борлиғида аллакандай ўзига хослик мавжуд, содалик ва айни пайтда улуғвор. Юрагим тез уриб кетди, хозир ҳам шундай. Столи шу қадар бартабики! Китоблар, дафтарлар – ҳаммаси қат-қат терилган, қаламлар тараашланган, учланган. Сиёҳдон ярқирайди, бирон бир жойда кераксиз қоғоз кўрмайсиз. Сиз ҳақингизда: “Менинг синглум бўлмаган. У – менинг синглум.” Сизлар билан бирга Москвада яшаганликларингизни эслади. Сиз квартира калитини йўқотиб кўйгансиз, шунда у сизни безовта килмаслик учун зинада тонг оттирган экан.

У шеърлар ўқиди – хайратомуз. Жодугар кампир, кўркоклар, Россия ҳақида... аввал ёддан, кейин китобдан. Мен китобни кўрмокчи эдим, у берди. Ҳарфлар мунҷоқдай терилган! Ҳозиргина босмадан чиққандай.

У менга дастхат ёзиди берди ва совға қилди. Мана ўша китоб.

Даладамиз: бўлғуси шифокор аёл, собиқ офицер, кулранг ит ва мен – шеърлар ўқидик. Ўзимизга келганда, яна кирк дакиқа ўтган экан.

Жаноблар, йиллар ўтади. Бальмонт – адабиёт, адабиёт эса – тарих.

Рус муҳожирлигига ювиб бўлмас дод қолмасин: локайдлик, худди шу нарса касалманд улуғ шоирни азият чекишига йўл кўймоқда.

Айседора ДУНКАН

(1877–1927)

САХНАДАГИ АФРОДИТА¹

Рус тилидан

Гулбахор САЙД ФАНИ
таржимаси

* * *

Ракс тана харакатлари оркали инсоннинг рухиятини очиб бериши керак, мен шундай харакатларни топиш учун кўп вактимни ательеда ўтказардим. Тик холатда соатлаб ўйлаб, харакатсиз туриб колишимни кўрган онам кўркиб кетарди, аммо мен ҳеч нима қилмаёттандек карахт турсам-да, фикран изланардим. Охири барча харакатларимнинг асосини топардим, ички кучим, хатти-харакатларим бирлиги раксларим учун мухим эди. Мен ўз рақс мактабимни тинимсиз изланишлар эвазига кашф этдим. Балет мактабида харакатнинг асоси умурткада, бел ўртасида деб ўқитиларди: “Бу ўқ, яъни, бел ўртасидаги нуқта кўллар, оёклар ва гавданинг марионеткага ўхшаб бемалол харакат қилишини таъминлади, дерди балетмейстр. – Бу билан рухиятга монанд механик харакатга эришамиз”. Мен эса, аксинча, тананинг барча харакатини рух ифодасининг манбаи деб билардим. Узок машқлардан сўнг кучимни ягона марказга йиғишини ўргандим. Нур ва мусика тўлқинлари ботинимга таъсир этишини билдим. Мен буларни мия эмас, рух идроки билан рақсда ифода этардим. Санъатимнинг дастлабки бу назариясини бошқаларга тушуниришга харакат килардим. Бу ҳақда Станиславский ўзининг “Санъат менинг ҳаётим” китобида тўхталиб ўтган.

Буни сўз билан тушунириш қийин, лекин мен кичкина болаларга ҳам “Мусиқани қалбингиз билан тинглант! Эшитяпсизми? Ботинингизнинг энг чуқур ерида “мен”ингиз уйғонаётганини, мусика кучи билан бошингизни кўтараётганингизни, кўлларингиз ҳаракатга келаётганини ва илохий нурга қараб бораётганингизни сезазис”, дердим. Улар мени тушунардилар. Менимча, бундай уйғониш – рақсга томон биринчи қадам эди.

Энг кичкина ўқувчиларимнинг ҳаракатларида ҳам инсон акли билан яратилмаган, табиий равишда туғилган ички куч ва назокат пайдо бўларди. Шу сабабли мактабимнинг бу болалари катта саҳналарда “Трокадеро”, “Метрополитэн” каби операларда чиқиб, буюк санъаткорларга

¹ Давоми. Бошланиши ўтган сонда.

хос жозиба билан оммага таъсир кўрсата олди. Кейинчалик аксарият болалар улғайиб, моддий манфаатлар туфайли ўша буюк илҳомларидан мосуво бўлдилар.

Болалигимдаги кийин шароит ҳаётнинг ҳар хил ташки таъсирларидан тез халос бўла олиш кучини ато этди. Заминий муҳаббатга бўлган каттиқ интилишларимдан сўнг руҳиятимда кескин ўзгариш пайдо бўлди ва мен аста-секин дастлабки кучимга кайтдим.

Мен файришуурый харакатлар топишни орзу қилардим. Бу ҳаракатни турли кўринишларда, масалан, кўркув хиссидан кейин инсон руҳиятидаги табиий ўзгаришлар, қайгудан кейин унинг қандай ривожланиши ва бошка ҳолатлардан излаб кўрардим. Худди очилган гулдан ифор таралганидек муҳаббатдан инсон харакатлари ракс бўлиб чикиши керак.

Бу ракслар мусиқасиз ижро этилади, мен биринчи марта Шопен дебочаларини раксда тасвирлашга уриндим. Кейин Глюк мусиқаси менга ёрдамга келди.

У вақтда жамият кироличаси графиня Грефюль эди. Мен унинг Париж жамиятининг барча машхурлари тўпланадиган меҳмонхонасига таклиф этилдим. Графиня раксларимни кўриб, “юонон санъатининг кайта туғилиши” деб баҳо берди. Графиня меҳмонхонасида атиргулларга тўла ойна фонида кичик саҳна ташкил этилганди. Бу кизил гуллар кийиммининг соддалигига ва рақснинг руҳоний ифодасига умуман тўғри келмасди. Мен ўсмириликда Пьер Луис ва Овидийнинг “Билитис қўшиғи”, “Метаморфозалар”ини ўқиган бўлсанм ҳам, менда бу асарларнинг ҳиссий аҳамияти йўқолди. Китобда ёзилган нарсаларни киши ўз бошидан кечирмагунча, унга айни ҳолат барибир тушунарсизлигича қолаверади. Мен ҳам ҳали Америка пуританизмининг фарзанди эдим. Америка бошқа ёшлари каби менда ҳам пуритан, яъни, ҳиссий сезигирликдан кўра қаҳрамонликка кўпроқ интиладиган инсонни шакллантирди. Менга Америка санъаткорлари ҳам айни шу тупроқдан корилганга ўхшаб туюлади. Француз ҳассос санъатига киёслаганда, пуританлигимизнинг айби нимада: Америка мамлакати буюкми ё шафқатсизми, шамоллар ўйнайдиган очик маконлари кенгми ёки шунчаки бошимиз узра Авраам Линкольннинг сояси айлануб юрибдими? Ҳиссийликнинг деярли нолга тенглигини америкачча тарбия тизими деб атап мумкин. Ҳақиқий американлик, асарларда ёзилганидек, олтин изловчи, пулни яхши кўрувчи эмас, хаёлпарат ва илоҳиётчидир. Америкаликлар, умуман, ҳиссиётдан маҳрум демокчи эмасман. Аксинча, англо-сакслар ва кельт қони аралашган американликлар италияликларга нисбатан қизикконроқ, француzlарга нисбатан ҳиссиётга мойилроқ, русларга нисбатан тентакона истрофа кодирдирлар.

Ўша оқшом графиня Грефюлнинг башанг кийинган, кимматбаҳо тақинчоқлар таққан хонимларга тўла меҳмонхонасида бурунлари саҳнага теккудай яқин ўтирган ёшларнинг нигоҳи менга қадалганидан баҳтиёр эмас эдим. Чунки, дабдаба, кизил атиргулларнинг хидидан нафасим бўғилиб, буларнинг бари санъатимни барбод қилишини тушундим. Эртаси куни эрталаб графинядан менга миннатдорлик хати келди. Унда пулларимни олиб кетишим сўралган эди. Аммо менга пул олиш учун бориш ўнгайисиз эди, ательенинг ижара ҳакини тўлаш учун бу ишни қилдим...

Мен кутубхонадан бери келмай, ракс ҳақида ёзилган ҳамма китобларни ўқиб чикишни ўз олдимга мақсад қилиб кўйдим. Ўқиганларим ҳақида

қиска қайдлар ёзиб бордим, лекин бу катта тажрибани якунлагач, тушундимки, менга Жан-Жак Руссо (“Эмиль”), Уолт Уитмен ва Ницшеларгина ҳакикий устоз бўлишлари мумкин, холос.

* * *

Бир куни кечки пайт ателье эшиги такиллади. Очсан, остоңада бир аёл турарди. Аёлнинг қадди-комати шундай улуғвор эди, унинг қудратли шахс экани кўриниб турарди. Хонимнинг пайдо бўлиши менинг ижодимга Вагнер фояси кириб келишидан дарак эди.

— Мен княгиня де Полинъяман, — ўзини таништири у, — графиня Грефюлнинг дўстиман. Раксларингизни кўриб, санъатингизга кизикиб қолдим, айниқса, эрим кўпроқ кизикяпти. У бастакор...

Хонимнинг эркакларга хос бақбақаси бироз хуснини бузиб турганини айтмаганда, юзи чиройли эди. Гапирганида овози каттиқ жарангларди. Кейинрок англадимки, унинг совуклиги ва овозининг тембри князлик мавқеига қарамай, бор-йўғи тортинчоклигини яшириш учун никоб экан. Мен унга санъатим ва ниятларим ҳакида гапириб бердим, княгиня шу заҳоти ўз ательесида мен учун концерт ташкил қилиш таклифини берди. У рассом, бундан ташқари, рояль ва орган чаладиган ажойиб мусикачи экан. Княгиня бўш ва совук кулбамиздан модий ахволим қандайлигини сезди. Кетиш олдидан стол устига ийманибгина хатжилд кўйиб кетди, очиб кўрганимда ичида икки минг франк пул бор эди.

Эртасига унинг уйига бордим, у ерда ажойиб мусикачи, жентльмен князь де Полинъяк билан танишдим. Туникамни кийиб унга ракс тушиб бердим. У тасанно айтиб, мени кутлади. Ҳаракатларнинг товушлар билан муносабати ҳақидаги назариям, раксларинг санъат сифатида қайта туғилиши ҳақидаги умидларим, идеалларим уни жуда кизиктириб кўйди. У ўзи яхши кўрган қадимий чолғуни жуда зўр чаларди. Унинг “Айседора, қандай ёқимлисан” деган хитобидан уялиб, “Мен сиз учун раксга тушишни ва ажойиб мусиқантиздан илҳомланиб, илоҳий ракслар яратишни истаганман”, деб жавоб бердим.

Княгиня хузуридаги концерт жуда муваффакиятли бўлди ва шундан сўнг хоним факат дўстларига эмас, оммага ҳам раксларимни кўриш учун ательеси эшикларини очиб берди. Князь ва княгиня Полинъяклар кечаларнинг барчасида иштирок этди. Бир куни князь кичкина барқут бош кийимини олиб силкитди-да кичқири: “Яшасин Айседора!”

Афсус, ер шаридаги нарса бебако! Мен учун кадрдонга айланган инсон билан ҳамкорлик қилиш орзуларимиз ҳам унинг вафоти боис барҳам топди.

* * *

Гарчи раксларим кўпчилик таникли шахслар томонидан эътироф этилган бўлса-да, аммо молиявий ахволим омонатлигича қолаверди. Бизни ижара ҳакини тўлаш, музлаб колмаслик учун кўмир олиш, оч колмаслик муаммолари қийнарди. Аммо камбагаллик ва муҳтожлик оғушида ҳам

илхом ахтариб яшардим. Ҳеч нарсага қарамай, руҳим юксакка кўтарилар, калбим шиддатга тўларди.

Бир куни қимматбаҳо мўйнали пальто кийган ва бармоғига гавҳар кўзли узук таккан, юзлари кип-кизил жаноб бизни кўргани келди.

– Мен Берлинданман. Биз сизнинг ёёқяланг чиқишиларингиз ҳакида эшитганимиз (албатта, санъатим ҳақидаги бундай фикр нафсониятимга тегди). Мен сиз билан шартнома тузиш учун катта бир варъете театри номидан келдим, деб муддаосини айтди.

У кўлларини менга узатди, кўзлари эса улкан хушхабар келтиргандек порларди. Аммо мен озор чеккан шиллиқкургайдай ўз қобигимга яшириниб олдим ва унга совук жавоб бердим: “Миннатдорман. Мен ҳеч қачон ўз санъатимни бемаза саҳналарга олиб чиқишга рози бўлмайман”.

– Сиз мени тушунмаяпсиз, – бақириб юборди у, – бизнинг саҳнамизда неча-неча буюк санъаткорлар чиқиш килиб, катта-катта пуллар оладилар. Мен сизга ойига беш юз марка таклиф киласман. Кейинчалик яна ҳам кўпроқ оласиз. Сиз “дунёдаги биринчи яланг оёқли раккоса” бўлиб таниласиз. Рози бўлаверинг.

– Йўқ, йўқ, дедим, – тобора аччигим чикиб. – Асло рози эмасман.

– “Йўқ” деган сўзингизни жавоб деб хисоблаётмайман. Мен аллақачон шартномани тайёрлаб кўйганман.

– Йўқ, яна кайтардим мен, – менинг санъатим каердаги бачкана ракс эмас. Мен, албатта, қачондир Берлинга бораман ва Филармония оркестри куйи остида ракс тушаман, акробатлар ва ўргатилган ҳайвонлар қаторида эмас! Қандай даҳшат! Худойим! Йўқ-йўқ, ҳеч қанакасига... Яхши боринг. Хайр.

Немис импресариоси (шоу тадбиркори) шароитимиз ва униккан кийиммии кўриб турарди, шу сабабли жавобимга ишонмади. Тез орада у яна келиб, ҳар кунига минг маркадан олдиндан бир ойлик тўлов килишини таклиф килди. Яна рад жавобини эшитиб, жуда аччикланди ва мени “ахмок” деб атади. Мен унга бақириб бердим: “Мен қорни тўқ мешчанларнинг овқатдан кейинги кўнгилхушлиги учун ракс тушгани эмас, Европани илоҳий ракс билан кайта тирилтириш учун, инсоннинг гўззалиги ва муқаддаслигини англатиш учун бу дунёга келганман!” – Кетинг, илтимос! Кетинг, – дедим.

– Сиз ҳар окшомга минг маркадан воз кечяпсизми? – энтиклиди у.

– Сўзсиз! – катъий эътиroz билдиридим. – Ўн мингдан ҳам, юз мингдан ҳам воз кечган бўлардим. Мен сиз ҳеч қачон тушуна олмайдиган нарсани изляпман. Тушундингизми?!

Кетаётганданде яна кўшиб кўйдим:

– Мен қачондир Берлинга бораман, Гёте ва Вагнер ватандошларига санъатимга муносиб саҳнада ракс тушаман, балки ўшандада минг маркадан ҳам ортиқ пул оларман.

Ниятим амалга ошиди, орадан уч йил ўтиб, Берлин Филармонияси оркестри жўрлигига раксга тушдим ва ҳар битта ўрин йигирма беш минг маркадан ортиқка сотилди. Қарангки, худди шу импресарионинг ўзи мен турган пардоҳонага илтифот билан гулдаста кўтариб келди. У ноҳақ бўлганини тан олди ва дўстона оҳангда кўшиб кўйди: “Сиз ҳақ экансиз, хоним. Кўлингизни ўпиб кўйишига рухсат беринг”.

Бу вактларда на неча-неча шаҳзодаларнинг мактовлари, на тобора ўсиб бораётган шуҳратим бизни бока оларди.

Ательемизга Миср маликасига ўхшаб кетадиган кичкина хоним келиб турарди. У ажойиб куйлар эди. Эшигимиз тагида эрталаблари бинафаша хиди келадиган кичкина хатлар пайдо бўлиб қоларди. Шу кунларда Раймонд ҳам сездирмай йўқолиб қоладиган бўлди. Унинг нонуштадан олдин саир қиладиган одати йўқ эди. Бу икки ҳолатни қиёслаб, тегишли хулоса-га келдим...

Кунларнинг бирида Раймонд бирданига Америка бўйлаб концерт турнесида катнашиш учун таклиф килинганини айтиб колди. Онам ва мен Парижда ёлғиз колдик. У ўзини ёмон хис қиласди, бошқа кичик меҳмонхонага кўчиб ўтдик. Бу ерда у ҳеч бўлмаса каравотда ухлаши, вактида овқатланиши мумкин эди...

Бу ерда мен ҳар жойда хамманинг эътиборини тортадиган жуфтликни пайкадим.

Аёл – мен бирор жойда кўрганманни-йўқми, жуда нафис, жозибали, файритабий кўринишга эга ўттиз ёшлардаги аёл эди. Сочлари юзини алангадай коплаган,mall-a-кўнғир рангда эди, ҳар бир харакатида мухаббатга даъват уфурарди. Хаёлимга яна унинг кўзларига караш вулкон ўчогига қараш билан teng деган фикр келди.

Эркак – келишган, ёшига нисбатан каттароқ кўринарди. У билан доим яна бир жаноб бирга юрар эди. Уларнинг яна бир ҳамрохида негадир ҳаётдан ҳорғинлик сезиларди.

Бир куни аёл ёнимга келиб: “Бу менинг дўстим, Анри Батайль, бу эса сизнинг санъатингиз ҳакида ёзган Жан Лоррэн бўлади, мен эса Берта Бадиман. Агар биз учун раксга тушишини истасангиз, бирор кун олдингизга кирадик”, деди.

Мен хаяжондан титрардим. Берта Бадининг товушидек жозибали товшни эшигандим. Унинг гўзаллигига қойил қолардим! У доим нафис нимранг, ёпишиб турадиган чиройли кийимлар киярди. У Батайль поэмалари ўқиладиган қанақадир зиёфатга борарди. Ўшандада ўйладимки, ҳеч кайси шоирда бундай гўзал илҳом бўлмаган.

Улар бизникига тез-тез келадиган бўлишди, Батайль асарларини ўқиб берди. Мен, маълумотсиз американлик, Кадимги Юонистоннинг гуллаган давридаги Афина каби заковатли Париж қалби ва тафаккур сирини очувчи калитни топдим. Раймонд иккимиз Париж бўйлаб саир қиладиган одат чиқардик. Кечкурун Софоклининг “Шоҳ Эдип”ида роль ижро этадиган Мунэ-Сюллининг чиқиши ҳакида афишани кўрдик. Мунэ-Сюлли номи бизга ҳали таниш эмасди, трагедияни кўришни истадик. Афишадаги нархларни кўриб, ҳамёнларимизни текширдик. Бизда роса уч франк бор эди, энг арzon жойлар бўлса, етмиш беш сантим турарди. Театрга борсак, оч қолардик, лекин барибир театрга кирдик. Парда туширилмаган, сахнадаги ҳолат юонон санъати деб аталаидиган нарсага жуда заиф тақлид эди. Юонон кийимлари ҳакида китоблардан ўзлаштирилган ҳароб кийимларда хор пайдо бўлди. Оркестрдан ўртамиёна мусика тарааларди. Раймонд ва мен бир-бirimизга қарадик. То галереяда номаълум гавда пайдо бўлгунча кирган томошамиз кечки овқатдан маҳрум бўлишга арзимаслигига ачиниб ўтирадик.

Унинг овозини эшитишимиз билан бизни тасвирлаб бўлмас хаяжон куршаб олди. Юонистон энг тараққий этган Дионис, Софокл даврида ҳам, Рим ёки исталган бошқа мамлакатда қачонлардир шунака овоз

бўлганига шубҳа киламан. Мунэ-Сюллининг овози, харакатлари бутун зални қамраб олди. Унинг улугвор истеъодини муҳташам “Трокадеро” бағрига сигидиришга торлик қиласарди. Мен ва Раймонд тамоман ҳайратда эдик. Кўзимиздан ёшлар оқарди, биринчи парда тугагандан сўнг Раймонд иккимиз бир-биrimizni қандайдир завқ билан қучоклай олдик, холос. Иккинчи парда бошланди, кўз ўнгимизда буюк фожия намоён бўлди. Мунэ-Сюлли раксга туша бошлади. Ва ниҳоят, мен орзу килган нарсами – раксда харакатланаётган буюк юонон қадди қоматини кўрдим. Яна антракт бўлди. Раймондга қарадим. Унинг ранги оқарган, кўзлари эса ёнарди. Биз тик оёқда зўрга турардик. Учинчи парда... Буни тасвирилаш имконисиз. Буюк Мунэ-Сюллини кўрган одамларгина бизни тушуниши мумкин, холос.

Ўша куни асл санъят менга юз очганини тушундим. Йўлим аниқ бўлди. Уйга завқдан маст ҳолда келдик ва бир неча ҳафта ўша куни театрда кўрганимиздан таъсиirlаниб яшадик. Ўшанда буюк Мунэ-Сюлли билан қачондир, айнан шу саҳнада ёнма-ён тураман деб ҳеч ҳам тасаввур килмагандим!

* * *

Ўшандан кейин кўргазмада Роден ҳайкалларини кўрдим, Роденнинг буюклик сири нимада, деган фикр мени таъкиб қиласарди. Бир куни унинг устахонасига бордим. Роденга ихлосим Пан Психеянинг Худони зиёрат қилишига ўхшарди, фарки шунда эдики, мен Эросга эмас, Аполлон томонга олиб борувчи ўйлни билишни истардим.

Роден унча баланд бўлмаган, бақалоқ, калта соч ва қалин соқолли киши эди. У менга асарларини кўрсатди. Ҳайкалларининг номини оҳиста талаффуз қиласарди, лекин исмлар унинг учун аҳамиятга эга эмаслиги сезиларди. Менга мармар устанинг кескичи остида гўё суюқ қалайдек туяларди. У лой бўлагини олди-да, эзгилай бошлади. Ундан олов ёнаётган ўчқдан келгандай илик ҳарорат тарааларди. Унинг кўллари бир неча соњияда аёл сийнасини ясади.

У мени экипажга ўтқазиб, ательемизга олиб келди. Мен кийимими тезда хитонга алмаштиридим ва унга Феокритнинг идиллиясига ракс тушиб бердим. Кейин унга янги ракс ҳакидаги назарияларимни баён кила бошладим, лекин у мени эшитмаётганини сезиб қолдим. У осилган ковоқлари тагидан ёниқ нигоҳлари билан менга тикилиб турди-да, яқинлашиб келди. Елкаларимни, бўйним, оёкларимни оҳиста сийпалай бошлади. Танам унинг қайноқ кўллари ҳароратидан эриб бораарди. Ўша лаҳзада ягона истагим унга бор-будимни бахшида қилиш эди. Ўзимни олиб қочишга уринишим, хитон устидан кўйлагимни шоша-пиша кийиб олганим уни таажжубда қолдириди. Менинг бемаъни тарбиям бўлмаганда бу ниятим амалга ошган бўларди. Аттанг! Кейинчалик ёшлиқ ҳатоларим менга қудратли Роденни хис этишдек баҳтга этишга ҳалакит берганидан кўп афсуслангандман. Санъатим ҳам, бутун ҳаётим ҳам бундан сўзсиз бойиган бўларди!

Мен Роден билан орадан икки йил ўтгач, Берлиндан Парижга қайтаётганимда учрашдим. У билан узок йиллар дўст бўлиб қолдик.

Буюк санъаткор Эжен Карьер билан учрашувим эса бутунлай бошқача, ёқимли бўлди. Мени унинг ательеисига ёзувчи Кейзернинг хотини олиб борди. Деворда мафтункор, аммо қайгули бир расмни кўрдим. Кейзер хотим: “Бу менинг портретим, Карьер чизган”, деди.

Кунлардан бир кун унинг Эжезипп Моро кўчасидаги уйига олиб борди. Биз Карьер оиласининг китобларга тўла уйида бўлдик. Унда мен илгари хеч учратмаган кудратли рух – Тафаккур ва Зиё бор эди. Расмларнинг бутун мўъжизавий гўзаллигида мусаввир қалби тўғридан-тўғри акс этганди. Унинг ёнида ўзимни Исо Масихнинг олдида тургандай хис килардим. Мен иззат-икром туйғуларига тўлик эдим, ҳатто унинг пойида тиз чўкишини истадим.

Эжен Карьер худди ёш болани олиб бораётгандай қўлимдан ушлаб етаклади ва (бу вактда ундан кўз узмай турардим) айтди: “Бу Айседора Дункан”. Кейин бу исмни барча англаши учун жим колди. Доим сокин гапирадиган Карьер бирданига кучли, баланд овозда: “Бу оламга инқилобий рух берадиган ёш америкалик қиз!” деб эълон қилди. Ёшлигимнинг энг ёқимли хотираларидан бири – бу оиласининг менга бағрини очганидир. Бутун умр Эжен Карьер дахоси мени юксак идеалларда катъий бўлишга ва Санъатнинг муқадас йўлларида мададкор эди. Ҳатто қайгу мени ақлдан озганлар уйига етаклаб келганида ҳам Карьернинг ишлари мен-ла ёнмаён туриб, ҳаётга янги ишонч уйғотар эди.

* * *

Бир куни кечқурун олдимга Лои Фуллер келди. Унга ҳам ракс тушиб бердим ва ўз карашларимни баён этдим. Лои Фуллер эртага Берлинга кетаётганини айтди ва ортидан боришимни таклиф қилди. Аёл нафакат яхши санъаткор, балки мен хурмат киладиган буюк япон раккосаси Сада Якконинг антрепренери ҳам эди. У менга Германияда Сада Якко билан бирга саҳнага чикишни таклиф қилди. Шундай қилиб, Лои Фуллер билан шартнома тузишга қарор қилдик.

Кетадиган куним Андрэ Бонье мен билан хайрлашгани келди, биз Биби Марям ибодатхонасида ибодат қилдик, кейин у мени вокзалга кузатиб қўйди. Хайрлашув чоғида у мени ўпди, кўзойнаги остида соғинч ёшлари балқигандай туюлди.

Берлинда мен Лои Фуллерни ёнига – “Бристоль” меҳмонхонасига бордим. Ўн чоғли ёш чиройли қизлар унинг атрофида уймалашар, навбат-ма-навбат уни ўпар ва кўлларини силар эди. Онамиз бизни қаттиқ севса ҳам, кам эркаларди, шунинг учун бу ердаги меҳр-муҳаббатнинг ортиқча изҳорини кўриб ҳайрон бўлдим.

Лои Фуллер саҳийлиқда тенги йўқ одам эди. У мен учун шундай тушлиқ буюрдики, ҳатто унинг қанча туришиниям тасаввур қилолмасдим. Ўша оқшомда у “Винтергартен”да саҳнага чиқиши керак эди, лекин унинг бели оғриётганди. Оғрик билан омма олдига кандай чиқаркин, деб ҳайрон эдим. Фуллернинг гумашталари муз солинган копчаларни келтириб, унинг белига кўярдилар. “Яна бир копча, жонгинам, – дерди у, – бу хақиқатдан ҳам оғрикни қолдиряпти”.

Кечкурун хаммамиз ложада ўтириб Лои Фуллернинг рақсини томоша килдик. Наҳотки кўз олдимизда саҳнани тўлдириб учайтган мавжудот бир неча дакиқа олдин биз кўрган бемор бўлса? Бу ажойиб санъаткор хонимнинг шавқидан кўзим камашиб меҳмонхонага қайтдим.

Эртасига Берлинни айлангани отландим. Берлин меъморчилиги юонон санъати ҳақидаги орзулаrimни ёлқинлаштириб юборди.

Ахир, бу Юнонистон! – хитоб килдим мен.

Яқиндан кўрганимдан кейин эса Берлин Юнонистонга ўхшамаслигини тушундим. Бу шахар Юнонистоннинг шимолий нусхаси эди, холос. Бу ердаги устунлар Олимпия кўкида юксалган дорида устунлари эмасди. Потсдам майдонида дорида устунлари остидан ўрдакюриш килиб чиқкан кирол гвардиясини кўрганимдан сўнг уйга қайтдим ва: “Бир стакан пиво беринглар. Мен чарчадим”, дедим.

Бир неча кундан кейин Лои Фуллер труппаси билан Лейпцигга йўл олдик. Биз юксиз кетишимиш керак эди, Париждан олиб келган камтар сандигимни колдиридим. Шундай обрўли театр, ҳашаматли хаёт, шампан виноси, тушликлар ва меҳмонхонадаги ажойиб апартаментлар... Шундай бўлиши мумкинми, дея ҳайрон қолдим. Лекин нима учун юксиз кетишга мажбур эканимиз менга коронғу эди. Кейинчалик билдимки, бунга Сада Якконинг айби сабаб бўлган экан. Лои Фуллер унинг иш бошқарувчиси эди. Сада Якко пул йиғмаган, Лои Фуллернинг маоши эса зиённи қоплашга кетган.

Лейпцигда ҳам Лои Фуллер санъатидан завқландим ва борган сари унинг бу дунёга дахли йўқ илоҳий истеъодига қойил қолдим. У гўё оловга айланарди, чексизликка олиб кетадиган аланга оғушида ғойиб бўларди.

Биз Венага ўтишга карор килдик, лекин маблағ йўқ эди. Мен Америка элчиси олдига бориб, ундан ёрдам сўрашни таклиф килдим. Биз чипталарни олишга эришдик. У ерга боргач, Лои Фуллернинг санъатидан завкланишда давом этар эканман, ўз-ўзимга нега онамни Парижда ёлғиз қолдириб келдим, бу чиройли, тантрик аёллар орасида нима киляпман ўзи, деган саволларни бера бошладим. Мен аслида йўл-йўлакай юз бераётган холатларнинг химоясиз томошабини эдим, холос.

Венадаги “Бристоль” меҳмонхонасида мени Нянюшка деган малласоч киз билан бир хонага жойладилар. Тонгти соат тўртларда Нянюшка ўрнидан турди, шам ёқли ва каравотим олдига келиб “Худо менга сени бўғишини буюрди!”, деди. Кўркканимга қарамай, ўзимни кўлга олдим: “Яхши. Факат олдин ибодат килишимга изн бер!” дедим.

– Ибодат кил, – рози бўлди у ва шамдонни каравотим ёнидаги столга кўйди.

Мен каравотдан сакраб туриб эшикни очдим ва шайтонга йўлиқкандай тунги кўйлақда, соchlарим елкаларимда тўзиган бир аҳволда югуриб бориб, “У ерда хоним ақлдан озди!” дея қаттиқ бақира бошладим.

Нянюшка ортимдан учиб келарди, меҳмонхона хизматчилари уни доктор келгунича ушлаб турдилар. Бу кўнгилсизликдан сўнг онамга тез етиб келишини сўраб кўнгироқ қилдим. У етиб келди. Шундан кейин унга бўшимдан ўтганларни айтиб бердим. Биз Венадан кетишга қарор килдик.

Бир сафар Лои Фуллер билан Венадалигимда санъаткорлар окшомида рақс тушишимга тўғри келди. Кўпчилик гулдаста кўтариб ёнимга келар-

ди, “Вакханалия”га ракс тушиб гулларга кўмилдим. Ўша куни венгер импресариоси Александр Гросс концертда иштирок этди. У менга: “Агар порлок истиқболига эришишни истасангиз, Будапештга келинг”, деганди.

Жаноб Гросснинг таклифини эслаб, онам билан Будапештга ўйл олдик. Гросс менга “Урания” театрида кечки пайтларда ўттиз марталик мустақил чиқиш килишга шартнома тақдим этди.

Бу театрдаги биринчи шартномам эди, мен иккиланиб қолдим. “Менинг раксларим хослар учун, – дедим мен, – санъаткорлар, ҳайкалтарошлар, рассомлар ва мусикачилар учун, оломон учун эмас”. Александр Гросс “Санъаткорлар энг талабчан танқидчилар бўлади ва агар раксларингиз уларга ёккан бўлса, кенг оммага ҳам ёқади”, дея норозилик билдири.

Мен шартномани имзолашга кўндум, Александр Гросснинг башорати рўёбга чиқди. “Урания”даги биринчи чиқишим таърифлаб бўлмас муваффакият билан якунланди. Мен Будапештда ўттиз кеча тўла издиҳомда ракс тушдим.

Ох, Будапешт! Апрель ойи эди, баҳор чоғи эди. Бир куни кечки пайт Александр Гросс бизни лўлилар мусиқаси янграб турган ресторонга кечки овқатга таклиф килди. Ох, лўлича мусика! Шу ерда яна ёшлик ҳиссиётим уйғонди. Мусика мудраётган ҳисларимни уйготиб юборди.

* * *

Будапешт гулга бурканган эди. Ҳар оқшом жўшқин венгер жамоаси саҳнага бош кийимларини отиб, мени: “Eljen!” дея кийкириб кутиб оларди. Бир куни кечқурун дирижёрни огоҳлантиришга юбордим ва спектакль сўнгиди Штрауснинг “Мовий Дунай”ини тайёргарликсиз ижро этдим. Таъсири куттанимдан ҳам аъло бўлди. Халойиқ жазавада ўрнидан сакраб турди. Мен эса уларнинг ҳаяжони босилгунча вальсга такрор-такрор тушишишимга тўғри келди.

Ўша оқшом телба оломон ичидек иффатли илоҳани эҳтирос қулига айлантирган ёш венгер йигит бор эди. Бу ерда ҳамма нарса мени ўзгартиради: баҳор, ой нурлари, хушбўй настарин ифорига тўла ҳаво... Омманинг ёввойи ҳаяжони, беташвиш, ҳиссиётли одамлар даврасидаги тушликлар, лўлилар мусиқаси, қалампир солинган венгер гуляши, венгер винолари – менинг жисмим шунчаки мусиқага уйғунликни ифодалайдиган жисм эмас, тирик жон эканлигини англата бошлади. Мен улғайгандим. Токай виноси устидаги дўстона сухбат чоғида кўзларим унинг венгерча эҳтирос билан ёниб турган кора кўзлари билан тўқнашди. Ундан бемалол Микеланжелонинг “Давид”ини ясаш мумкин эди. Кулганида оппоқ тишилари ярақларди. Биринчи кўришишданоқ бизни телба майл эгаллади ва... бизни хеч нарса тўхтатолмади.

Юзингиз – гул, Сиз – менинг гулимсиз, дерди у.

У менга тўртбурчак буқланган қофоз берди. Унга: “Кироллик миллий театри ложаси” деб ёзилган эди, ўша оқшом онам иккаламиз театрга отландик. У гўзал санъаткор эди, ўша кеча Ромеони ўйнади. Унинг ёшлик оташи Ромеога ўтган эди. Унинг пардоҳонасига ўтдим ва менга ғалати кулиб қараб турган бошқа санъаткорларга эътибор бердим. Улар аллақачон сиримдан хабардорга ўхшарди. Санъаткорлар саҳнага чиқишдан олдин

хеч қачон тушлик қилмайдилар. Мен, онам ва у кечки овқатни бирга килдик.

Онам ухлашга ётганидан сўнг ёткхонадан чикиб Ромео билан учрашим. У менга Ромеони қандай ўйнаш кераклиги тўғрисидаги фикри буғун ўзгарганини айтди. “Сизни учраттганидан бошлаб, муҳаббат Ромеонинг товушини қанчалик ўзgartириши кераклигини биламан. Буни энди билдим, Айседора, сиз менга Ромео хис қилиши керак бўлган нарсани ўргатдингиз. Энди мен ҳаммасини бошқача ўйнайман”. Кейин ўрнидан туриб менга бутун ролни, саҳнама-саҳна гапириб берди. “Ха. Тушундим. Агар Ромео чиндан севган бўлса, у бу сўзларни куйидагича айтарди, мен тасаввур килганидан бутунлай бошқача. Энди мен биламан. О... гўзал севиклим, сиз мени илҳомлантиридингиз. Муҳаббатга тасанно, мен буюк санъаткор бўламан” деди. У менга тонг ёришгунча Ромео ролини ўқиб берди. Юрагимни ховучлаб уни тинглардим, ҳатто унинг сўзларига мос ҳаракатлар килардим. Иккимиз қабргача бир-биримизга садокатли бўлишга аҳд қилдик. Оҳ, ёшлик ва баҳор! Будапешт ва Ромео! Буларни эслаганимда у дамлар олис бўлиб туюлмайди, худди ҳаммаси кечагина юз бергандек...

Бир куни онам уйкуга ётганидан сўнг яширинча у билан меҳмонхонага кирдим. Аввалига Ромео роллари ва театр ҳакидаги мулоҳазаларини жўшиб гапирса-да, нимадандир безовталигини, вақт-вақти билан жимиб қолаётганини кўрдим. У кўлини мушт қилиб қисар, чиройли юзи тиришар, кўзлари шамоллагандек, лаблари эса шишгандек эди.

Мен ҳам ўзимни бемор хис қилдим, бошим айланди, карши бориш кийин бир истак – унга якин бормок истаги пайдо бўлди. Охири телбаланиб мени кўтариб олдию ёткхонага олиб кирди. Нима бўлаётганини англаганимда мени завқ-шавқ аралаш ҳадик қамраб олганди. Тан оламан, биринчи таассуротим вахимадан иборат эди, лекин унинг изтиробларига нисбатан шафқат ҳисси менга хотиржамлик берди. Эрта тонгда иккимиз меҳмонхонани тарқ этдик, арава ёллаб шаҳардан бир неча миль узокка чикиб кетдик. Дехкон кулбасида тўхтадик. Уй бекаси бизга икки кишилик каравот қўйилган хона берди. Бутун кунни қишлоқда ўтказдик. Мен бўлиб ўтган ишдан барибир вахимада эдим, шу сабабли Ромео бир неча марта кўз ёшларимни артишига тўғри келди.

Бу кеч саҳнага чиқишим муваффакиятсиз бўлди, чунки ўзимни жуда баҳтсиз ҳис килардим. Лекин меҳмонхонамида яна Ромеони кўрганимда, у шундай хуррам эдики, изтиробларимни унутиб ҳаммасини бошидан бошлашни истадим. У мени ер юзида жаннатни кўришимга ишонтириди, ҳақиқатдан ҳам, унинг башорати тез орада рўёбга чиқди.

Ромеонинг овози жуда яхши эди; у менга лўлилар ва ўз мамлакати кўшикларини куйлаб, маъноларини шархлаб берарди.

Александр Гросс эса мен учун Будапешт опера театрида байрам спектакли ташкил этди. Бу спектакль билан Будапешт мавсуми якунланди, эртасига Ромео билан бир неча кун қишлоқдаги дехкон кулбасига яшириндик. Биз биринчи марта бутун тунни бир-биримизнинг кучогимизда ўтказиш баҳтини хис этдик, тонг отгач, соchlарим унинг кора хушбўй соchlарига туташганини кўриб, ифодалаб бўлмайдиган кувонч хис этдим. Биз Будапештга қайтдик, бошимиз узра биринчи булат онамнинг қайғуси ва мени жиноят қилган деб хисоблаган опам Елизаветанинг Нью-Йоркдан

қайтиши бўлди. Иккаламиз ҳам мислсиз ҳаяжонда эдик, мен уларни Тироль бўйлаб саир килишга кўндиридим.

Ўшанда ишонч ҳосил килдимки, севги ёки эҳтирос қанчалик кучли бўлмасин, менинг ақл-идреким доим яшин тезлигига ишларди. Шунинг учун ҳеч қачон ўзимни йўқотмасдим, аксинча, ҳиссий завқ қанчалик ўтқир бўлса, фикрим шунча тиник ишларди. Ақлим ҳисларимни танкид килар, ҳис ва эс тўқнашуви шу қадар кучли бўлардики, ақлни енгиш учун ўзимни тинчлантиришга уринардим. Ўз нуқтаи назарини қатъий сингдираётган бошдаги “танқидчи”дан кўркмасдан кўпираётган ҳисларига бутунлай берила оладиган кишиларга ҳавасим келади.

Ақл барибир енгиларкан: “Ҳа! Тан оламан, ҳаётдаги ҳамма нарса, сенинг санъатинг ҳам ушбу дакиқалар олдида хаёлий ва ахмоконадир” деб кичкирадиган дамлар келди. Ақлнинг бу мағлубияти тафаккур ва рухни жиддий кулфатларга етаклайдиган мавхумлик демакдир.

Шундай килиб, телбаликнинг юкори даражаси бўлган бу онлар аста якинлашишини билар, шу туфайли санъатимнинг ҳалокати, онамнинг умидсизланиши ва умуман, оламнинг ҳалокати эҳтимолидан хавотирланаар эдим. Майли, мени ким эпласа муҳокама қиссин, лекин, аввало, Оламдаги ҳамма нарсани одам яшаб кўриб англайди. Бизни Табиат ва Худонинг ўзи шундай яратган. Қолаверса, қанча баланд учсанг, уйғонганингда шунчалик кучли кулайсан...

Александр Гросс мен учун Венгрия бўйлаб турне ташкил қилди. Кўп шаҳарларда чиқишлир килдим, жумладан, еттита дорга осилган инкилоб генераллари ҳакидаги хикоя менда кучли таассурот колдирган Зибенкирхенда ҳам. Шаҳар четидаги катта очиқ яланглиқда бу генераллар шарафида Лист мусиқаси остида “Марш” ташкил этдим.

Венгер шаҳарчаларига сафарим давомида ҳалойиқ мени олқишлирга кўмди. Александр Гросснинг топшириғи билан ҳар бир шаҳарда мени оқ отлар кўшилган ва оқ гулларга тўла фойтун кутарди. Мен унда шаҳар бўйлаб кийқириклар остида кезар эканман, ўзимни худди бошқа оламдан тушиб келган илоҳадек сезардим. Менга санъат берган саодатга, шоншарафга қарамай, ичимда Ромеомни соғиниб изтироб чекардим. Баъзида бутун муваффакиятларим ва ҳаттоқи санъатимни ҳам унинг кучогида бирлаҳза бўлмокка алмасиб юборишга тайёрдек ҳис қиласдим ўзимни. Будапештга қайтиш учун кун санаардим. Ўша кун ҳам етиб келди. Ромео мени вокзалда кутиб олди. Унинг шодлигига шубҳа йўқ эди, аммо мен ундаги ғалати ўзгаришни сезиб колдим. У менга Марк Антонио ролидা чиқаётгани, аллақачон репетиция бошланганини айтди. Наҳотки ролнинг ўзгариши санъаткорнинг табиатига шунчалик тез таъсир қила олса? Билганим шуки, менингбегубор ва эҳтиросли Ромеомдан асар ҳам йўқ эди. У тўйимиз ҳакида муқаррар ҳодисадек гапирди. Ҳатто иккимиз учун уйқуришга ҳам олиб борди. Ошхонали, лекин ваннаси йўқ хонадонларни кўрап, охири йўқ зиналардан кўтарилилар эканман, ич-ичимдан кандайдир совуқлик ва оғирликни ҳис килдим.

– Будапештда яшаб нима билан шуғулланамиз? – сўрадим мен.

– Сенга ҳар куни кечкурун ложа бўлади, – жавоб берди у, – ва сен менинг ижромни кўргани борасан. Сен менга ишлашга ёрдам берасан.

У менга Марк Антонио ролини ўқиб берди, бу образнинг бутун кизикиши Рим ҳалқига каратилган эди, мен, унинг Жульєттаси эса иккинчи планга ўтиб қолгандим.

Бир куни шаҳар ташкарисига сайрга чиқдик. Пичан ғарамига ўтирганимизда у менга ижодий каръерамни давом эттирсам яхши бўлишини айтди. Ўз каръераси ҳакида фикримни сўради. Буни сўзма-сўз айтмаган бўлса ҳам тушуниб олдим. Пичан ғарамини, олдимизда ёйилган ўтлокни ва юракни сикадиган совуқ гуссани ҳозиргидай эслайман... Ўша куниёк Александр Гросс билан Вена, Берлин ва Германиянинг бошқа шаҳарларига сафар ўюштиришга шартнома имзоладим.

Мен Ромеонинг Марк Антонио ролидаги ilk чиқишида иштирок этдим. Сахнага қараб ўтирадим-у, томогимга тикилган ёшларни зўрға тийдим. Кейинги куни Венани тарқ этдим. Ромео ғойиб бўлди. Мен шунда жиддий Марк Антонио билан ич-ичимдан хайрлашдим. Оламни жамики курсандчиликлар тарқ этгандек эди, гўё. Венада касал бўлиб қолдим, Александр Гросс мени клиникага ёткизди.

Бир неча хафтани руҳий тушкунликда ўтказдим. Ромео Будапештдан келди. Мен ётган хонага жойлашиб олди ҳатто. У менга мулоим гапи-пар, жудаям эътиборли эди. Бир мудхиш тонгда кўзимни очсан, кора кийинган католик роҳибаси ва ҳамширалар хонанинг у бурчагидаги қаравотда ётган Ромеони мендан пана қилиб кўйишганди. Ҳамширанинг юзини кўрдиму қулокларимга Муҳаббатнинг дағн маросимида чалинган кўнгироклар товуши эшитилгандек бўлди... Мен жуда секин тузалардим, Александр Гросс тезроқ тузалишим учун Франценсбадга олиб кетди. Мен жудаям ғамгин эдим, уйқусизлик азоби кийнарди. Чиройли табиатга ҳам, атрофимда парвона меҳрибон дўстларга ҳам кизикмасдим. Гросснинг хотини етиб келди ва у мени парваришлай бошлади. Бир амаллаб оёқка турдим. Узоқ муддатлик даволанишлар жорий ҳисобимизни тутгатди шекилли, Гросс дарров Франценсбад, Мариенбад ва Карлебадда гастроллар ташкил этди. Шундай қилиб, мен яна сандиғимни очдим ва ракс кўйлакларимни олдим. Ўшанда кичкина кизил туникамни ўпид, мухаббат туфайли санъатни бошқа ҳеч качон тарқ этмасликка ўзимга ўзим онт ичиб йиғлаганимни эслайман. Бу вактда менинг номим мамлакатни сехраб бўлганди. Бир куни кечкурун импресариорим Гросс ва унинг хотини учаламиз овқатланиб ўтирасак, оломон мени кўриш учун рестораннынг катта ойнасига ёпирилиб келиб синдириб юборди. Мехмонхона хўжайини бундан шундай хуноб бўлдики...

Севги изтироблари ва жамики кўнгил колган нарсаларни санъатимда ифодалашга интилдим. Ифигения ҳакида, унинг ўлим меҳробида ҳаёт билан видолашуви ҳакида ҳикояни яратдим. Онам ва Елизавета мен учун курсанд эдилар. Александр Гросс эса мен учун Мюнхенда концерт ташкиллаштириди.

Елизавета билан Аббациядан Мюнхенга келдик. У вактларда Мюнхеннинг бутун ҳаёти Карлбах, Лембах, Штук ва бошқа рассомлар гурухи тўпландиган Кунслерхаус атрофида жамланган эди. Кечкурунлари бир кружка ёқимли Мюнхен пивоси устида фалсафа ва санъат борасида гаплашиш учун тўпланардилар. Гросс менинг Кунслерхаусда чикиш килишимни истарди. Лембах ва Карлбах бунга бажонидил рози бўлишиди, факат Штук ракс санъат ибодаттохи бўлган Мюнхен Кунслерхаусига тўғри келмайди, деб дайво қилди. Бир куни Штукнинг уйига уни ўз санъатим қимматига ишонтириш учун бордим. Унинг ательесида кўйлагимни ечиб, туникамни кийдим ва унга ракс тушиб бердим, кейин эса муттасил

тўрт соат давомида бу қизикишимнинг муқаддаслигига, ракс санъат эканига ишонтиридим. Кейинчалик у дўстларига ҳәстида ҳеч қачон бундай хайратланмаганини айтиб берибди. Менинг боришим унга худди Олимпиадан Дриада пайдо бўлган каби туюлибди. Унинг рози бўлмай иложи колмади, Кунслерхаусдаги чиқишим бу шахар ҳали кўрмаган буюк воеа бўлди.

Кейин мен “Каим” залида рақсга тушдим. Талабалар хаяжондан ақлдан оздилар. Ҳар оқшом улар отларни кўшдан чиқариб, аравага мени ўтқазиб, шарафимга кўшиклар айтиб, кўлларида машъала тутганча кўчаларни айлантираардилар. Улар меҳмонхона деразаси тагида соатлаб турар, гул ёки дастрўмолимни ташламагунимча кетишмасди. Бир куни кечкурун мени талабалар кафесига олиб кетиши, ракс давомида мени столдан столга кўтариб олиб ўтдилар. Улар тинмай “Айседора, Айседора, ҳәётимиз сен билан қандай гўзал”, дейишарди.

Мюнхен ўша йиллари санъаткорлар ва аклий фаолият кишиларига тўла жой эди. Кўчалар талабаларга тўла, ҳар бир кизнинг қўлида портфель ёки ноталар тўплами бўларди. Дўконларнинг пештахталари ноёб китобларга, қадимги ўйма накшлар ва жозибадор янги нашрларга тўла эди. Бу хайратланарли музей коллекциялари, куёшли тоғлар, тоза куз ҳавоси, кумуш сочли Лембахнинг устахонасига ташриф, мунтазам Карвельгорн ва бошқа файласуфлар билан мулоқот менинг бузилган аклий ва маънавий ҳәётимни изига қайтарди. Немис тилини ўрганишни, Шопенгауэр ва Кантни аслидан ўқишини бошладим. Тез орада ҳар оқшом Кунслерхаусда учрашадиган санъаткор ва файласуфларнинг туганмас баҳсларини улкан завқ билан кузата оладиган бўлдим. Бошимдан ўтган воеалар туфайли юзага келган рухий азобларим бироз юмшади.

Бир куни кечкурун Кунслерхаусдаги спектаклда биринчи каторда қарсак чалиб ўтирган ажойиб киши эътиборимни тортиди. Унинг қиёфаси менга буюк маэстрони эслатди: ўша бўртган пешона, ўша тик бурун; факат оғиз чизиқлари нафисрок эди. Спектаклдан сўнг билдимки, бу Рихард Вагнернинг ўғли Зигфрид Вагнер экан. У бизнинг даврамизга кўшилди, шу ерда мен энг қадрли дўстларим сафига кириши керак бўлган одам билан танишдим. Унинг нутки ёрқин ва отаси ҳакидаги хотираларга тўла эди.

Ўшанда биринчи марта Шопенгауерни ўқигандим ва мусиқанинг инсон иродасига таъсири ёритилган фалсафага қизиқиб қолгандим. Бу ерда ҳаётга фалсафий караш инсон қаноатининг олий ютуғи деб қараларди, у билан эса яна бир муқаддас куч – мусиқагина тенглаша оларди. Мен Мюнхен музейларида тўпланган итальян санъатининг хайратомуз намуналарига маҳлиё бўлдим. Бу шаҳарга якин эканлигини билгач, итальян санъатидан баҳраманд бўлиш учун опам Елизавета ва онам билан поездда Флоренцияга жўнадик.

Флоренцияга етиб боргач, бир неча ҳафта галереялар, боғлар ва зайдунзорлар бўйлаб сайд килдик. Бу вақтда менинг тасаввуримни Ботичелли эгаллаганди. Унинг “Примавера” асари қаршисида ўтириб, туну кун ундан илҳомланиб ўтирган пайтларим хам бўлди. Асада акс этган чаманзор ернинг тўлқинсимонлиги, марказий фигура атрофига йиғилган илоҳалар ва саболар парвозини, баҳорнинг туғилишини рамзий харакатлар билан ифодалаётган ярим Афродита ва ярим Мадоннанинг

нағис ҳолатини раксга айлантиришга уриниб кўрдим. Бу расм олдида узок ўтиредим. Мен унга ошиқ бўлгандим. Ёқимтой қоровул чол менга ўриндиқ келтириб берди. У менинг ҳаяжонимга қизикиш билан каради. Мен “бу расмни раксга айлантираман ва бошқаларга ўзим азоб билан хис этган муҳаббат, баҳор ва ҳаёт уйғонишининг дарагини етказаман. Мен уларга бу ҳаяжонни ракс воситасида тушунишларига ёрдам бераман”, деган ўй билан ўтирадим.

Галеряни ёпиш вақти бўлди, мен эса ҳали ҳам сурат олдида эдим. О, кўз ўнгимда турган сурат мени шодликка тўлдирганди ва бу суратни “Келажак ракси” деб аталувчи бўлажак раксимда мужассам этишни қаттиқ истардим. Бу ердаги қадимги сарой залларида Монтаверде мусикасига ва Флоренциянинг кўпчиликка номаълум бастакорлари оҳангларига ўйнадим.

Биз ҳар доимгидек беғам ва тажрибасиз эдик, пулларимиз эса тугаб борарди. Александр Гроссга Берлинга етиб бориш учун маблағ юборишини сўраб телеграмма юборишга мажбур бўлдик. Гросс бу пайтда Берлинда менинг навбатдаги концертигма тайёргарлик кўрмоқда эди.

Берлинга борганимда кўчалар “Крола” театрида кутилаётган Филармония оркестри иштироқидаги гастроль сафарим афишалари билан тўлганини кўриб ўзимни йўқотдим. Александр Гросс интервью учун бизни немис матбуоти вакиллари учрашувига олиб борди. Учрашув Унтерден-Линдендаги “Бристоль” меҳмонхонасида бўлди. Флоренция ва Мюнхендаги машғулотларим таъсирида бироз ўйчан ва реалликдан узоқ кайфиятда эдим, мен америкача-немисча тилимда ракснинг “буюк ва жидий санъат”лиги ҳакида содда, лекин улуг маълумот бериш билан чекландим.

Александр Гросс ишнинг кўзини биладиган киши эди. У менинг Берлиндаги концертим учун бор бисотини тикди. Рекламага кизганчилик килмади, энг яхши саҳналарни олди, энг моҳир дирижёрни таклиф килди. Парда кўтарилганда декорация ўрнида оддий ҳаворанг мато ва бир нозик қоматдан бўлак ҳеч нарса йўқ эди, дастлабки дақиқаларданоқ немис оммасини ҳайратга солишини эпладим ва уларнинг қарсаклари тўхтамади. Гросс чиндан ҳам яхши башоратчи эди. Мен унинг башоратларини окладим ва дархол Берлинни забт этдим. Икки соат ракс тушганимдан кейин ҳам томошибинлар тарқалишини истамади. Парда ёпилмагунча қайта-қайта ракс талаబ қилишди. Юзлаб талабалар саҳнага ўрмалаб чиқдилар. Менга бу қадар ҳурматнинг тошқин ифодасидан мажақланиб ўлиш ҳавфи туғилди. Бир неча оқшом оломон мафтункор немис одатини кўллади, аравадан отларни бўшатиб, мени тантана билан Унтер-ден-Линден бўйлаб меҳмонхонага олиб бордилар.

Шу спектаклдан кейин немисларга “илохий Айседора” сифатида танилдим. Бир ажойиб оқшомда акам Раймонд Америкадан қайтиб келди. Биз яна муқаддас санъат меҳроби бўлмиш Афинани зиёрат килиш орзуисида ёндиқ. Мен ҳали ўз санъатимнинг дарвозаси олдидағина турганимни хис этардим. Берлиндаги киска чиқишилардан сўнг Александр Гросснинг эътиrozларига карамасдан, Германиядан кетамиз деб туриб олдим. Анчадан бери орқага сурилиб келаётган Афина сафарини Венеция орқали амалга ошириш учун оиласиз билан Италия поездига ўтиридик.

Венецияда бир неча ҳафта черков ва галереяларни айландик, лекин у вақтларда Венеция ҳали биз учун кўп нарсани англатмасди. Йиллар ўтиб,

Венецияга тик қоматли, коракўзли, юзлари зайдунранг севгилим билан келганимда, у менга ўз сирларини ва бутун нафосатини очди. Ўшандагина Венеция бағрида канча сехр яшириниб ётганини англадим, лекин биринчи бор келганимда бутун фикрим кемага тезрок ўтириш ва мовий кенгликка сузид кетишига каратилган эди.

Раймонд Юнонистонга саёхатимиз режасини ишлаб чиқди ва ҳаммаси иложи борича соддароқ бўлиши керак деган қарорга келди. Шунинг учун катта йўловчи кемалардан кечиб, Бриндизи ва Санта-Мора орасида қатновчи кичик тижорат кемасида жўнадик. Санта-Морада кирғокқа тушдик ва қадимги Итака жойлашган худудда бўлдик, кейин Сафо пушаймонлик чангалида ўзини денгизга ташлаган қояга бордик. Қачонки, ўша сафарни эсласам, худди ўшандагидек кулоғимда Байроннинг ўлмас сатрлари янграйди:

*Оҳ, машҳур Эллада, машҳур Эллада,
Роҳатга алмашибинг урушни бунда.
Эҳтирос куйчиси Сафо қаерда,
Делос тушиган орол, Фебанинг гарди!
Барини абадий ёз зарҳаллаган,
Күёшдан бошқаси сўнган, ухлаган.*

Санта-Морада икки кишилик экипажи бор елканли қайикни ёлладик ва қайноқ июль тонгиди Иония денгизидан сузид ўтдик. Амбрачио бўғозидан ўтиб, кичик шаҳарча – Карвасарасга тушдик.

Раймонд саёхатимиз Одиссея саёхатини эслатишини истаб, бизга бир неча қадимги юонон сўзларини айтишимиз кераклигини тушунтириди. Қайикчи Одиссея ҳакида жуда оз билар экан, шекилли, лекин осмонни кўрсатиб, кўли билан тўфонни тасвиirlаб “Бум, бум” деб такрорласа ҳам, денгиз ишончсиз эканини ҳарчанд тушунтироқчи бўлса ҳам, биз уни тушунолмадик. Иония денгизидан-да маккор денгиз йўқ, биз эса қимматли ҳаётимизни хавфга кўйдик. Эпиря кирғогидаги кичик Пререза турк шаҳарчасида тўхтадик ва озиқ-овқат сотиб олдик. Бизнинг қайигимизда озиқ-овқатни яширишнинг иложи йўқ эди, улар кун бўйи қўйдирувчи күёш нури остида турарди. Пишлок ва балиқ хидини, бунинг устига бир текис тебранган қайикни ўлгунимча унутмайман. Тез-тез шамол эсади, биз эшкакка ёпишардик. Охири коронғи тушганда Карвасарасга етиб келдик. Бутун аҳоли бизни олқишлиш учун кирғокқа югуриб чиқди. Христофор Колумбнинг ўзи ҳам Америка кирғогида тушар экан, туб аҳоли ўргасида бу қадар ҳайрат уйғотмаган бўлса керак. Биз қувончдан ақлдан озай дердик; одамларни кучиб, “Нихоят, узок юрт кезицдан сўнг эллинларнинг муқаддас ерига етиб келдик! Салом, Олимпия Зевси, Аполлон ва Афродита! Тайёрлан, Илҳомим яна ракс тушмокка! Кўшиғимиз Дионисни ва уйқудаги вакҳ кизларини уйғотади!” деб хитоб қилгимиз келарди.

Карвасарасда меҳмонхона ҳам, темир йўл ҳам йўқ эди. Бизни карвон-саройга олиб боришиди, биз ҳаммамиз битта хонада тунни ўтказдик. Раймонд тун бўйи Сукротнинг донолиги ҳакида тинимсиз нутк сўзлади. Тонг шафағида қишлоқни тарқ этдик. Онам бизнинг тўрт жомадонимиз билан от аравада кетарди, биз эса дафна шохлари оралаб пиёда кетардик. Бутун қишлоқ бизни икки минг йилдан ҳам ортиқ вақт аввал Филипп Македонский кўшини юрган йўлнинг ярмигача кузатиб келди.

* * *

Карвасарасдан Агринионгача йўл ёввойи ва бешафқат гўзалликка тўла тоғ оралаб ўтар эди. Биз йўл бўйидаги кичик ошхонада нонушта килдик, у ерда корамой суртилган мўйнада сакланган винони биринчи марта татиб кўрдик. Унинг таъми мебель локига ўхшарди, аммо биз афтимизни буришириб “ажойиб” дедик. Нихоят биз учта қояга тарвақайлаган қадимги Стратос шахрига етиб келдик. Бу биз биринчи кўрган юонон харобалари эди, дорида устунларининг кўриниши бизни ҳаяжонга солди. Раймонд билан Зевс ибодатхонаси томондаги ғарбий қояга чиқдик ва ботаётган күёш нурларида уч коя устидаги эски шаҳар намоён бўлди.

Коронғи тушаётганда бироз чарчоқ, лекин фоний одам камдан-кам хис киладиган баҳтиёрлик билан Агринионга келдик. Эрталаб кирақаш извошга ўтириб Миссолонгига бордик. Шафакнинг сўнгги нурлари ёлқинида Миссолонгини тарк этдик. Бизни Патрасга олиб бораётган кичик пароход палубасидан йўқолиб бораётган шахарни томоша килиб кетдик. Патрасда олдимиизда қийин танлов турарди: Олимпиягами, Афинагами, каерга борамиз? Лекин Парфенонни кўриш истаги ҳаммасидан устун келди, Афинага бораётган поездга ўтиридик. Биз порлок Эллада бўйлаб елардик; гоҳ-гоҳ Олимпия корли чўқкиси кўзга чалиниб коларди, зайдунзорларда турланувчан илоҳалар ва дараҳтларнинг рухлари рақсга тушарди, ҳаяжонимиз чегара билмасди. Ғалаёнимиз баъзан шу даражага етардики, бир-биримизнинг кучоғимизга отилиб хўнграй бошлардик. Кичик бекатларда ёши улуғ дехқонлар бизни ҳайрат нигоҳи ила кузатарди, балки бизни маст ёки аклдан озган деб ўйлардилар. Кечкурун Афинага етиб келдик, мен шу дамда худди аввал яшамагандек эдим; чукур нафас олдим, соғ гўзаллик олдида кайта туғилгандек бўлдим.

Пентеликус қояси ортидан олтин нурларда яккол кўринган мармар деворларни нурга чулғаб қўёш чиқиб келарди. Биз Пропилеяning сўнгти зинасига чиқдик ва тонгти нурдан ёришган ибодатхонани томоша қила бошладик. Ҳаммамиз хаёлга чўмган, қалбимиз тубидаги завқ билан ёлғиз эдик.

Парфенонни томоша қилар эканмиз, Дунканлар авлоди – онам ва тўрт фарзанди айни дамда одамлар билан сұхбатлашиш идеалларимиздан чалғитишидан чўчирдик. Афинада бутун эстетик талабларимга жавоб топгандим. Будапештдаги муваффақиятли чиқишлар ва серзавқ ўша ҳаётга қайтишга ҳеч кандай хоҳиш сезмаганимга ҳайрон қолиш мумкин эди. Гап шундаки, бу ерга келишда мен на пул, на шуҳрат истамаганман. Бу қалб учун мўлжалланган саёҳат эди ва мен топишини истаган рух, Афинанинг кўринмас маъбудалари руҳи аввалидик Парфенон харобаларида яшётгандек туюларди. Биз, Дунканлар авлоди Афинада доимий қолади ва у ерда ибодатхона куради, деб қарор килдик.

Берлиндаги чиқишларимдан сўнг банкка анчагина пул кўйгандим, ибодатхона куришга курбимиз етарди, шунинг учун ўз ибодатхонамиз учун мос жой излай бошладик. Нихоят хотин ва бола-чакасиз ёлғизлигини тан олган Августиндан бошқа ҳаммамиз баҳтиёр эдик. Августин оиласини олиб келишига рози бўлдик. Кичкина кизи билан Августиннинг хотини келди. Биз қадимги юононларга монанд шиппак кийиб, ибодатхонамиз учун жой излагани жўнадик. Биз кўп юрдик, лекин асали билан машҳур

Гиметтус томонга адашиб бормагунимизча бирор муносиб жой топилмади. Баландликка чиқар экан, Раймонд бирдания “Қаранглар, биз Акропол билан бир хил баландликда турибмиз!” деб бақирди. Ҳақиқатан ҳам, ғарб томонда түрт километр масофада жойлашган бўлса ҳам яқинлиги билан ҳайратта соглан Афина ибодатхонасини кўрдик.

Аммо бу майдонни сотиб олиш осон бўлмади. Бу жой кимга тегишилигини бирор билмас экан. Афинадан узок бу ерга факат чўпонлару эчкилар подаси келарди, холос. Узок кидиришлардан сўнг ер кимничи эканлигини аникладик – юз йилдан ортиқ вакт мобайнида бешта дехкон оиласига тегишили бўлган экан. Уларга сотишини сўраб юзландик. Дехконлар хайрон бўлишди, чунки Афинадан узок бу майдонга ҳеч қаҷон ҳеч ким қизиқиш билдиримаган. Унинг тошлок ерида факат ёввойи қушкўнмас ўсиши мумкин эди, якин орада сув ҳам йўқ эди, шунинг учун ер ҳеч қандай кийматга эга ҳисобланмасди. Лекин биз сотиб олиш фикрини билдиришимиз билан эгалари осмондаги нархни сўрай бошладилар. Аммо Дунканлар авлоди майдонни сотиб олишга қатъий карор килди ва бунинг учун керакли чораларни кўра бошлади. Беш дехкон оиласининг ҳаммаси кўзичоқ гўшти ва бошқа тансик таомлар тортилган зиёфатга таклиф қилинди. Юнонистонда қисқичбака деб аталадиган конъяқ билан меҳмон қилинди. Овкат устида афиналик адвокат ёрдамида дехқонлар билан олди-сотди далолатномасини туздик. Ерга анча катта пул тўладик ва иш муваффақият билан якунланди. Шу пайтдан бошлаб Акропол билан бир хил баландликдаги кадимдан Копанос номи билан аталиб келган бу коя Дунканлар авлодининг мулкига айланди.

Коғоз ва чизма буюмларини олиб, қурилиш режасини чиза бошладик. Раймонд Агамемнон саройи шаклида андоза тайёрлади ва меъмор ёрдамини менсимай, ўзи ишчилар ва тош ташувчиларни ёллади. Гарчи ибодатхонамиз учун Пентеликон кояси мармарлари муносиб кўринса-да, барибир камтарларча коя этакларида топиш мумкин бўлган қизил тош билан кифояландиндик. Шу кундан бошлаб аравалар Пентеликондан Копаносга қизил тош бўлакларини таший бошлади. Нихоят ибодатхонамизга тамал тоши кўядиган мухим сана етиб келди. Гарчи биздан ҳеч ким диндор бўлмаса ҳам, юон одати бўйича барпо этилажак ибодатхона қурилиши юон руҳонийиси томонидан эълон қилингани гўзалроқ бўлади, деб ҳисобладик. Маҳаллий аҳолининг барини тантанада иштирок этишга таклиф килдик.

Кекса руҳоний қора жубба ва кенг соябонли шляпада келди ва қурбонлик учун кора хўрор келтиришни сўради. Бу одат Аполлон ибодатхонасидан бошланган бўлиб, Византия руҳонийлари томонидан қабул қилинган ва бизнинг кунларгача етиб келган. Қора хўрор ҳеч бир қийинчиликсиз топилди ва руҳонийга пичоқ билан бирга тақдим этилди. Куёш ботар чоғда Копаносда одамлар йигилди. Кекса руҳоний салобатли тантана билан удумни бажаришга киришди. Биздан бўлажак ибодатхонанинг аниқ шаклини кўрсатишимизни сўраганида, Раймонд ерга чизиб кўйган чизиклари бўйлаб ракс тушиб кўрсатиб бердик. Руҳоний пойдевор учун тайёрланган катта тошлар ёнига келди, шу дақиқада улкан қизил қуёш доираси уфққа яширинди, у эса кора хўрорнинг бўйнига пичоқ тортиди, кон тошга сачради. Бир кўлида пичоқ, бирида сўйилган хўрорни ушлаб, уч марта асосий деворни айланни чиқди, сўнгра дуо ва

кўшикларни ўқий бошлади. У курилиш учун келтирилган барча тошларни дуо килди, исмларимизни сўраб, Айседора Дункан (онам), Августин, Раймонд, Елизавета ва кичик Айседора (мен) номлари бир неча марта тақрорланган узун дуо ўқиди. У бизни янги уйда диёнатли ва ахил яшашга, авлодларимиз ҳам шундай яшашига чақирди. Ибодат тугагач, содда чолғулари билан маҳаллий мусиқачилар пайдо бўлди, катта шароб идишлари очилди, коя чўқкисида улкан аланг ёндирилди ва тун бўйи тинимизиз рақсга тушдик, ичдик, кўшниларимиз – атрофдаги дехконлар билан хурсандчилик килдик.

Биз Юнонистонда доимий колишга карор килдик ва Ҳамлет айтганидек, бошка никоҳдан ўтмасликка қасам ичдик. “Ким уйланган бўлса, уйланганича қолади”, деб келишдик. Биз Августиннинг хотинини даврамизга совуққина қабул қилдик. Биз маҳаллий аҳолини юонон худоларини аввалгидек кадрлашга ва уларни замонавий кийимларни ташлашга ўргатмоқни истардик. Ўзимиз гўштдан воз кечиб, вегетариан бўлишга қарор қилгандик.

Копанос курилиши бошланди. Агамемнон саройи деворлари қалинлиги икки фут эди, шунинг учун Копанос деворлари ҳам шу қалинликда бўлиши керак эди. Ишлар сезиларли даражада олдинга юрганидан сўнг Пентеликос тошидан қанча керак бўлиши ва ҳар бир арава қанчага тушиши ойдинлашди. Биз куттилмаганда бир муаммога дуч келдик, чоратрофимизда бир томчи сув йўқ эди! Асал сероб бўлган, кўп булоқлари бўлган Гиметтус чўқкисига, кейин Пентеликоснинг абадий қорларига ва унинг шаршараларига қарадик. Афуски, Копанос ерлари курук ва унумиз, энг яқин чашма эса тўрт километр узоқда эди.

Раймонд ўйлаб ўтирамай, яна ишчилар ёллади ва кудук ковлашга киришди. Иш давомида турли қадимий буюмларни топди ва бу чўқкиларда қачондир шаҳарча бўлган, дея шарҳлади, мен эса бу ер қабристон бўлган деб тахмин килдим, чунки кудук ковлангани сари ер қуруқ чикаверди. Бесамар сув излашдан тўхтаб, Акрополда жойлашган сохибкаромат рухлардан ижозат олмок учун Афинага қайтдик. Биз тунни Дионис амфитеатрида ўтказиш учун маҳсус рухсат олдик. Дунканлар ниҳоятда баҳтли эди. Афиналиклар билан бизни бирлаштирадиган хеч нарса йўқ эди, ҳатто юонон кироли ибодатхонамизни кўргани Копаносга отда чикиб кетгани ҳакидаги дехконлар етказган хабарга ҳам бепарво қарадик. Бизни бошқа шохлар: Агамемнон, Менелай ва Приам бошқаарди.

* * *

Ойдин кечада Дионис театрида ўтиарканмиз, куйлаётган боланинг жарангдор овозини эшилди. Кейин унга иккинчиси қўшилди, кейин учинчиси. Болалар қадимий юонон қўшигини куйлардилар, биз уларни сеҳрланиб тинглардик.

— Бу болалар қадимги юонон хорида куйлаши керак эди-ку, — деди Раймонд.

Эртаси оқшом бу хол яна тақрорланди, учинчи куни биз сахийлик билан берган драхмалар кучи билан бу хор катталашди ва аста-секин барча афиналик болалар куйлагани Дионис театрида тўплана бошладилар.

Шунда бизда қадимги юонон хорини қайта тиклаш фояси туғилди. Дионис театрида танлов үткәздик. Шунингдек, Византия мусика профессорининг ёрдамига розилик олиб қўйдик. Ажойиб овозга эга ўнта афиналик боладан иборат хор ташкил бўлди.

Бир куни Афинадан 13,5 миль масофада жойлашган Элевзисга бордик. Дафнис қишлоқаси ва Хагия Триас бутхонаси ёнидан ўтдик. Коялар ўртасидаги ёруғдан денгиз ва Саламис ороли кўзга ташланди. Юононлар Ксеркс билан бирга форсларни янчидаги ташлаган Саламисдаги машҳур жангни хотирамизга келтирдик. Элевзисда икки кунни ўтказдик. Учинчи куни Афинага қайтдик, лекин ёлғиз қайтмадик. Бизни севимли муаллимларимиз Эсхил, Эвропид, Софокл ва Аристофаннинг руҳлари кузатиб келди.

Бошқа юргезгимиз келмади. Ўзимизнинг Маккамизни – буюк Элладани топган эдик. Ўшандан бери доно Афина Паллада каршисида таъзим килишдан ўзимни тутадиган бўлдим ва Афинага сўнгги бор борганимда, тан оламан, бу маъбуда тимсолига Исонинг бутхонадаги азоб чекаётган киёфасидан кўра камроқ қизиқдим. Лекин у пайтларда Акропол биз учун мутлақо кувонч ва илҳом манбаи эди. Юонон черковлари расмларида сатрлар бор эди. Бизнингча, улар Зевс отага, Момақалдироқ худоси ва Ҳимоячига мадх эди. Уларни насронийлар ўзлаштирган ва Ягона Худо мадхига айлантирган бўлса керак.

Афина кутубхонасида қадимги юонон мусикасига оид турли тадқиқотларни топдик, уларда ҳам худди шундай оҳангдошликтин кўрдик. Бу қашфиёт бизни ҳаяжонга солди. Икки минг йилдан сўнг бу йўқолган ҳазинани дунёга қайтариш гўё бизнинг чекимизга тушган эди. “Илтижо” хори учун юонон черкови мусикасига ракс кўйиб вакт ўтказардим. Биз ишимизга шу қадар шўнғиб кетган ва ўз орзуларимизга шу қадар каттиқ ишонар эдикки, турли диний иборалар аралашмасининг кулгили эканини ҳам сезмасдик.

Ўшанда Афина доимгидай инқилобий ғалаёнлар оғушида эди. Ғалаён сабаби қадимги юонон ёки янги юонон тили тарафдорлари орасида борарди. Қироллик уйи янги юонон тилини, талабалар эса эскисини истеъмолда қолдириш тарафдори эди. Қадимги юонон тили тарафдорлари кўчаларда байроқ қўтариб юарди. Копаносдан қайтар кунимиз намойишчилар экипажимизни ўраб олиб юришларига кўшилишни таклиф килдилар, биз қадимги Элладага муҳаббатимиз туфайли жон деб кўшилдик. Бу учрашувдан сўнг талабалар шахар театрида томоша ташкиллаштиришга карор қилдилар. Ўнта юонон боласи олакуроқ, кенг осилиб тушган кийимларда қадимги юонон тилида Эсхил хорларини ижро этдилар, мен эса раксга тушдим, бу талабалар ўртасида ҳаяжон тўфонини кўзгади.

Кирол Георг намойиш ҳақида эшигтгач, спектаклни Қироллик театрида тақрорлаш истагини билдириди. Лекин бу томоша саройда у қадар жўшқин завқ уйғотмади. Оқ чарм кўлкоплар кийилган кўллар қарсаги бизни илҳомлантирмади. Қирол Георг мени қироличанинг ложасига таклиф килганидан сездимки, уларга санъатимнинг ҳақиқий мазмунини англаш насиб этмаган. Балет ҳар доим тождор шахслар учун хос ракс тури бўлиб қолаверади.

Бу воқеалар банқдаги хисобларимиз тугаётганини билган пайтларимда юз берди. Кечаси қироллик театридаги томошадан кейин уйкум қочди

ва тонгда якка ўзим Акрополга – Дионис театрига сўнгги бор бордим. Бирданига барча орзуларим совун кўпигидек тарқаб кетгандек туюлди ва аник билдимки, биз барибир замонавий одамлармиз ва доим шундай бўлиб қоламиз. Қанчалик уринмайлик, қадимги юон туйгулари барибир бизга бегона бўлиб қолаверади. Қаршимда юксалган Афина ибодатхонаси бошқа давр одамлари учун барпо этилган. Мен бор-йўғи шотланд ва ирланд қони кўшилган, эҳтимол, юонлардан кўра қизил танлиларга якинроқ бўлган америкалик қизман. Элладада ўтган ажойиб бир йил бирданига тўзиб кетди. Уч кун ўтиб оломон ва ўнта боланинг йиглаётган отоналари кузатувида Вена поездига ўтиридик. Вокзалда мен юон байроғига ўраниб олдим, ўнта юон бола эса ҳалқ билан бирга юон мадҳиясини куйлади. Юонистонда ўтказилган шу бир йилга қайтадиган бўлсам, биз каби икки минг йил аввалги одамлар ҳам тушунмаган гўзалликка қайтиш харакатини чинакам гўзаллик деб биламан.

* * *

Биз Элладани шундай тарк этдик ва эрталаб Венага юон болалари хори ва уларнинг византиялик устози билан кириб келдик. Юон хорини ва антик раксларни қайта тирилтиришга уринишимиш гўзал, аммо мутлако имконсиз эди. Берлин ва Будапештдаги моддий жиҳатдан омадим келганидан кейин топган пулимни юон ибодатхонаси куришга сарфлаганим ва юон хорини тирилтиримоқчи бўлганим, вақтлар ўтиб ўзимга ғалати ҳодиса бўлиб туюлади.

Венага келгач, юон болалари ижро этган Эсхилнинг “Илтижо” хорини намойиш килдик. Мен раксга тушдим. Бу асарда Данайданинг элликта кизи бор эди; менга нозик қадди-коматим билан элликта қизнинг хиссиятларини ифодалаш қийин эди, лекин мен кўплликни бирликда хис қилиб, кўлимдан келганча ҳаммасини килдим.

Бутун кувватим юон хорига кетарди, хиссиятларга ҳеч қандай ўрин йўқ эди. Тўғрисини айтсам, мен бирор марта Ромеони эсламадим.

Венада Карлово театридаги чикишим муваффакият билан ўтди. Дастрлаб ўнта бола ижросидаги “Илтижо” хорини совукроқ кабул килган муҳлислар томоша охирига келиб, “Мовий Дунай”га раксга тушганимда жазавага тушишди. Спектаклдан сўнг мен нутқ сўзладим, мақсадим қадимги юон трагедияси рухини тирилтириш эканини айтдим. “Биз яна юон хорининг гўзаллигига ҳаёт баҳш этишимиз керак”, дедим. Лекин одамлар кичкиришда давом этарди: “Йўқ, йўқ... ўйна Айседора! Ўйна, “Мовий Дунай”! Яна ўйна!” – тинимсиз қарсак чалишарди.

Биз болаларни олиб Венадан кетдик ва Мюнхенга келдик. Юон хорининг пайдо бўлиши Мюнхенда зиёлилар доирасида кўп шов-шувга сабаб бўлди. Таалabalар қаттиқ ҳаяжонландилар, бизнинг юон болаларимиз уларда катта таассурот колдириди. Факат мен элликта Данайдани тасвирлар эканман, кўнглим тўлмас ва кўпинча томоша тугагач, аслида менинг ўрнимда элликта қиз раксга тушиши кераклигини, ёлғизлигидан қайғу чекишимни, тез орада мактаб ташкил қилиб, элликта раккоса тайёрлашмни айтиб ўтдим.

Берлинда юонон хори унчалик мұваффақият қозонмади, берлинликлар ҳам веналикларға ўхшаб: “Яхшиси “Мовий Дунай”га ўйнанғ, юонон хори ни тинч қўйинг”, деб кичкиришди.

Бу вактда юонон болалари бегона мұхит таъсирини сездилар. Мехмонхона маъмурияти доимий равишда уларнинг аҳмоқона киликлари ва ўзларини тута билмаслигидан шикоят киларди. Улар доимо кора нон, пишган зайдун ва хом пиёс сўрар эдилар. Агар бу таомлар топилмаса, ғазабга келар ва хизматчиларга бифштексларни отиб, пичоқ билан ташланардилар. Охир-оқибат, уларни меҳмонхоналардан чиқариб юбордилар. Мен уларни ўзимнинг Берлиндаги уйимга жойлаштиришдан бошқа иложим қолмади.

Уларни бола ҳисоблаб, ҳар куни эрталаб қадимги юонон кийимлари ва шиппакларини кийгизиб, Тиргартенда сайр қилишга олиб чиқардик. Бир куни Елизавета ва мен болалар билан кетаётib, от мингандан император хонимни учратдик. У бизнинг ташқи кўринишимизни кўриб аччиқланди. Чорраҳада ҳали бунақасини кўрмаган оти хуркиб, уни ерга тушишга мажбур қилди.

Бу мафтункор юонон болалари бизницида олти ой яшади. Бу вактда ўзимиз ҳам уларнинг овози бузилиб бораётганини сеза бошладик. Бу ҳам етмагандек, полиция маъмурияти юонон болалар кечалари ўғринча ойнадан сақраб тушиб, арzon кафеларга кириб шубҳали тарзда шу шаҳарда яшовчи ўз миллатдошлари билан учрашаётганини хабар қилди.

Берлинга келган кунданоқ улар содда ва соф киёфаларини йўқотдилар, бўйлари энг ками ярим футта ўсади. Ниҳоят, узоқ кенгашиб, биз уларни катта Вертгейм дўконига олиб бордик ва ҳар бирига иккитадан яхши шим олиб бериб, вокзалга олиб бордик. Кўлларига чипта бериб, чин дилдан ок йўл тилаб, Афинага жўнатиб юбордик. Улар кеттандан сўнг қадимги юонон мусикасини тирилтириш масаласини кейинга колдирдик ва Христофор Глюкнинг “Ифигения ва Орфей”ни ўрганишга киришдик. Мен раксни аввалдан хорнинг бошланиши деб тушунгандим. Қачондир ракқос ва ракқосалардан иборат катта хор ташкил қилишимга қаттиқ ишонардим.

Ўйимиз ҳар ҳафтада санъаткорлар йиғиладиган жойга айланди, бу ерда ракс ҳакида баҳслашиларди. Чунки немислар санъатга жиддий қарайдилар. Раксларим жўшкун тортишувлар мавзусига айланди. Газеталарда gox мени кайта яралган санъатнинг илҳомчиси сифатида олқишлишар, гоҳида ҳакикий мумтоз ракс – балетни ҳалок килган ракқоса деб узун-узун мақолалар ёзишарди. Бизнигига келадиган санъаткорлар ичига кўзойнек остидаги ўтқир кўзлари билан ажralиб турадиган ёш бир киши бор эди. Исли Карл Федерн эди. У мени Ницше дахоси билан таниширишни ўзининг бурчи деб биларди. “Факат Ницшеда сиз излаётган ракснинг тўла кашфини топасиз”, дерди у. Менга немисча “Заратуштра”ни ўқиб берарди. Ницше фалсафасининг жозибаси мени бутунлай ром этди. Мени дунё бўйлаб тантанали сафар қилиш умуман кизиктиримасди. Факатгина ракснинг янги шаклларини ва ҳали очилмаган харакатларни топишни хоҳлардим.

Шундай кунларнинг бирида мени буюк Рихард Вагнернинг беваси кўргани келди. Козима Вагнер хонимдек олий тафаккур дарди билан яшётган бирон аёлни ҳали учратмагандим. У энг мураккаб фалсафий масалаларни ҳам тушунар, эрининг ҳар бир сўзи ва охангини ёддан биларди.

Менинг санъатим ҳакида яхши сўзлар айтди, кейин мавзу Рихард Вагнернинг балетларига кўчди. Кейин менга “Тангейзер”да чиқишни таклиф этди. Мен хонимнинг олдида бироз мушкул вазиятда қолгандим. Чунки менинг шахсий қарашларим балетга яқинлашишга йўл бермасди, чунки унинг хар бир ҳаракати менинг туйгуларимни ҳақорат киларди. Балет ҳаракатларидағи тимсоллар менга тушунарсиз ва кўпол бўлиб туюларди.

“Оҳ, нега ҳалигача мактабим йўк, – деб бақириб юбордим унинг илтимосига жавобан. Барibir хонимнинг таклифини рад килолмай, кўз олдимда пайдо бўлган нафис ҳаракатлар билан бир амаллашга рози бўлдим. * * *

Байротга бориб, “Кора бургут” меҳмонхонасига жойлашдим. Козима Вагнер мени “Ванфрид” вилласига нонуштага таклиф килди. Меҳмонлар орасида Германиянинг таникли рассом ва мусиқачилари, княzlару герцоглар йиғилган эди..

Мен Вагнер “Тангейзер” мусиқасини ўргана бошладим, охир-окибат бу куйлар мени сармаст қилиб кўиди. Мусиқани яхшироқ тушуниш учун операларнинг бутун матнини ёд олардим, фикрларим ҳам бу афсоналар билан тўйинган бўларди, бутун борлиқ Вагнер оҳанглари тўлқинларида чўмиларди.

Будапештда бўлганимдан кейинги охирги икки йилни тўлиқ маъсумликда ўтказдим. Рухим ва танам аввалига Юнонистон, энди эса Рихард Вагнер шавқига тўлиқ эди. Лекин менинг қалбимда яна севги уйғониши керак эди. Балки бу ўша Эросдир, факат бошқа никоб кийгандир? Билмадим...

Дугонам Мэри иккимиз “Филипсруэ”да яшардик, хизматкор, қарол ва ошпаз хона йўклиги учун ёнимиздаги кичик хонада яшашарди. Бир куни кечқурун Мэри: “Айседора, сени қўркитмоқчи эмасман, лекин деразага яқин кел. Қаршимиздаги дараҳт тагига ҳар тунда бир одам келиб туради, у сенинг деразантдан кўз узмайди. Мабодо ўғри эмасмикин?”, деб қолди.

Чиндан ҳам дараҳт тагида ўртacha бўйли, озғироқ киши деразамга караб турарди. Кўркувдан титрадим, ой нури унинг юзини ёритди – кўзларини юкорига тиккан одамни танидим, у Генрих Тоде эди.

– Мана бир хафтадирки, у шу ерда кечалари навбатчилик киляпти, – шивирлади Мэри.

Мэридан кутиб туришини сўрадим, ўзим эгнимга пальтомни илиб Тоде турган томонга югурдим.

– Азиз, дўстим, – дедим мен, – наҳотки мени шунчалар яхши кўрасан?

– Ҳа, ҳа... – дудукланиб гапиради у. – Сен менинг орзуимсан, муқаддас Кларамсан.

У менга ижоди ҳакида, муқаддас Франциско ҳаёти устида ишлаётганини айтиб берди. Унинг биринчи асари Микеланжело ҳаётига бағишиланган эди. Тоде бошқа буюк рассомлар каби ўз асарлари ҳаёли билан яшарди. Ўша дамларда ўзини муқаддас Францискодек ҳис қиласар, мени эса муқаддас Кларага қиёсларди.

Уни кўлидан етаклаб уйга олиб чиқдим. У менга илҳом нури ёғилиб турган кўзлари билан бокарди. Унинг қарашидан ўзимни ердан узила-

ётгандек, у билан бирга нурга тұла самовий йүлакда бораётгандек хис килардим. Мен хеч қачон бундай ўткыр ишқ жазавасини түймагандым. Бутун борлиғим худди нурга тұлғандек эди. Унинг никохидан бошим айланарди. Ифодалаш мушкүл бир талпиниш билан унинг қулоғига үйкелдім. Ўзимга келганимда унинг ажиб күзлари халиям менга тикиліп турар, лаблари эса охиста шивирларди:

— Мұхаббат мени баҳт оғушига солди...

Мен гүё буулутлар устида сузаётгандек эдім. Тоде пешонамдан ўпди. Лекин бу ўпичлар дүнёвий әхтирос эмасди. Тоде меникіда тонгта қадар колған бўлса ҳам, у менга бир лаҳза бўлсин дүнёвий хирс билан яқинлашмагани рост. Бунга бошқалар ишонишмаган. Мен ҳам хеч қандай заминий хис туймасдим. У мени биргина никохи билан мағлуб этди, шу никоҳ билан худди ҳамма нарса эриб кетгандек бўлди, руҳим қанот кокиб, тоғ чўққиларига кўтарилди. Шундай килиб, икки йилдан бери мудраётган хисларим руҳий жазавага айланди.

Байротда репетициялар бошланди. Мен Тоде билан қоронги театрда ўтирад эканман, қувончдан бакиргим келарди. Ҳар бир хужайрам муҳаббатдан куч оларди. Қувонч ва изтиробни бирдек хис қиласдим. Тоде мен билан неча тунни ўтказган бўлса ҳам, хеч қачон мени хуштор қилмади. Гарчи ҳар нафасда унга ўзимни топширишга тайёр эканимни билса ҳам. У менинг қалбимга танҳо ҳукмрон эди. Баъзан унинг кўзларига тикилиб, ўлимимни кутардим. Ўлсанг, шундай хис билан ўлсанг...

Иштаха ҳам, уйкум ҳам мени тарқ этди. Генрих Тоденинг руҳий курдати шунчалик буюқ эди. Унинг санъат ҳақидағи ёрқин нутқларини соатлаб тинглар эканман, уни дунёдаги факт бир одамга – Габриэль д'Аннуциогагина тенглай олардим.

У сувдан бошка ҳеч нарса ичмаган бўлса ҳам, тонгда ёнимдан мастона чиқиб кетарди. У шунчаки фавқулодда аклнинг илохий оловидан маст эди.

Бу орада ҳаётимда яна Козима хоним пайдо бўлди. Бу дилбар аёл мени балетда ракс тушиш азобидан озод қилди. Аммо унинг ўғли Зигфрид билан никоҳим тўғрисидаги фикри ҳайрон қолдирди. Лекин Зигфрид менга акаларча муносабатда бўлиб, бу борада хавотирланишимга ўрин қолдирмади. Менинг бутун борлиғим Генрих Тоденинг файризаминий әхтиросига гарқ эди. Қалбим эса Аполлон, Дионис, Христос, Ницше ва Рихард Вагнерлар талашаётган жанг майдонига ўхшарди.

Вагнернинг мусикасида ракс тушиш учун Грааль ва Венера Гrotti образлари ўртасида югуриб-елардим. Охири кунларнинг бирида Ванфрид вилласидаги нонушта вактида ичимдаги ҳамма гапларимни Вагнер хонимга айтдим:

— Маэстро ҳам хато қилган, хато бўлғанда ҳам, ўз дахосига яраша хато бўлган.

Козима хоним менга чўчиб қаради. Дастанхон устига совук жимлик чўқди.

— Ҳа, – давом этдим мен, – ахир мусикали драма кип-кизил сафсата-ку.

Жимлик янада оғирлашди.

Мен “Драма – бу нутқ, нутқ эса – инсон онгининг маҳсули, мусика эса лирик ҳаяжон, уни ҳам, буни ҳам бирлаштириш аклга сиғмайди. Инсон

олдин гапириши, кейин куйлаши, кейин ракс тушиши керак. Лекин нутк – бу акл, фикрлаётган одам. Куйлаш – хиссиёт, ракс эса – Диониснинг жозибали ҳаяжони. Бу уч унсурни аралаштириб бўлмас экан, мусиқали драма ҳам бўлиши мумкин эмас”, дедим.

Ўша пайтда бу гапларим билан даврани нокулай ахволга соглан бўлсам-да, барибир енгил торгдим. Одамлар инсон рухи улкан ҳаётий кувват талаб этадиган харакат эканини англардилар. Мия фаолияти тана кувватининг натижасидир. Байротлик қўшиқчиларнинг кўпчилиги истеъдодли эди, оғизларини очиб куйлашлари билан гўзаллик оламига хос то-вушлар чикарди. Мана нима учун бу санъаткорлар заминий қобикларини ҳис килмаганлар? Қобик (жисм) улар учун фақатгина илохий санъатни юзага чиқариш учун зарур куч манбаи бўлган, холос.

Хурфикрлилиги учун подшо томонидан Берлиндан чиқариб юборилган Эрнст Геккель пойтахтга кела олмасди, аммо бизнинг ёзишмаларимиз давом этарди. Мен уни “Парсифаль” томошасига таклиф килдим. Ўша пайтларда автомобиллар ҳали йўқ эди, шунинг учун ёмғирли тонгда экипаж ёлладим ва Эрнст Геккелни кутиб олгани вокзалга бордим. Илгари бир-бирилизни кўрмаган бўлсан ҳам, мен бу буюк инсонни дарҳол танидим. У мени кенг кучогига олиб кўришди, юзим соқоли ичидаги йўқолиб кетди. Унинг борлиғидан саломатлик, куч ва агар акл ўз ифорига эга бўлса – акл ифори тарааларди. Биз бирга “Филипсруз”га келдик, унга бу ерда гулларга тўла хона тайёрлаб қўйгандим. Кейин мен “Ванфрид” виласига чопдим ва Козима хонимга Эрнст Геккелнинг келганини, “Парсифаль”да иштирок этишини айтдим. Мени ҳайрон қолдириб, улар янгилигимни совуқроқ кутиб олишди. Козима хонимнинг тунгি столчаси устида турадиган хоч ва тасбех хоним учун шунчаки уй безаги эмаслиги хаёлимга ҳам келмаганди. Козима хоним эътиқодли католик эди. “Оlam жумбоги”ни ёзган, Чарльз Дарвиндан кейин унинг таълимотини химоя килган “дахрий”нинг ташрифи, табиийки, “Ванфрид” виласидагилар томонидан хуш қабул қилинмас эди. Козина хоним истамайгина Вагнер ложасидан унга жой беришга мажбур бўлди, чунки у менинг сўзимни рад эта олмасди.

(Давоми келгуси сонда)

Нусрат КАРИМ

ТУРКИСТОН БИЛАН МУЛОҚОТ

Юрагим ёраман наэситкор халққа

Айтсан ўлурам,

айтмасам ўлам...

ЧҮЛПОН

(Чүлпоннинг “Бузилган ўлка” шеърига жавоб)

Чүлпон:

— Эй тоғлари кўкларга салом берган зўр ўлка,
Нега сенинг бошинг узра қуоқ булут кўланка?

Туркистон:

— Найдек багри дилим бўлгач тилкаю-тилка,
Рўзгорим тийраси солмиши баҳтимга кўлка.

Чүлпон:

— Учмоҳларнинг кавсаридек покиза,
Садафларнинг донасидек топ-тоза.

Салқин сувлар тогдан куйи тушаркан,
Томчилари ёмғир каби учаркан,

Нима учун ииглар каби инграйлар?
Ёв борми, деб тўрт тарафин тинглайлар?

Туркистон:

— Ялдо тунлар томиримда қонлар ёнгайлар,
Жон-жигаримдан нидо – оҳлар унгайлар.

Тирик эрса ори борнинг қайнар эди зардаси,
Атрофимда кезинган бу хиёнатлар шартаси...

Чүлпон:

— Табиатнинг ўтини йўқ ўтида,
Шарақ-шарақ қайнаб чиққан булоқлар.

Ҳар қоронги, кўрқинч туннинг бетида,
Шифо истаб келмасин дер, қўноқлар.

Бу нега? Айт, менга.

Туркистон:

— Гўё ўзинг буни билмассан,
Ё назарга илмассан!?

Ўзинг айтгил, ўжар ўғлон,

Ҳоким бўлгач риёкор замон,

Кўноқларни чорларму ҳеч сўнгган чироқлар,

Сўрайвергил, борму яна сўров-қийиноқлар?

Чўлпон:

— Кўм-кўй гўзал ўтлоқларинг босилгон,
Устларида на пода бор, на йилки.
Подачилар қайси дорга осилгон?
От кишинаши, қўй маъраши ўрнига
Оҳ, йиги... Бу нега?

Туркистон:

— Нечун яшил боғу боғчам босилмас,
Нечун чўпон, соҳибкорим осилмас?
Ёёй босқин солиб, ҳаёт ганжин тұнашгач,
Масъум гўдакларинг доди кўкка тұташгач,
Яшил ўтлоқларда чўпон наий тингандир,
Бол тутугувчи гул-косалар чил-чил сингандир.

Чўлпон:

— Туморчалар, ҳамойиллар тақиңган,
Далаларда лола барги ётинган,
Төг-тошларда уйин қылган, чопинган,
Гўзал қизлар, ёш келинлар қаерда?
Жавоб ўйқми, кўклардан-да, ердан-да,
Хароб бўлган элдан-да?..

Туркистон:

— Попук таққан попуклар,
Ялпиз терган чобуклар,
Барчин қизгалдоқлар ёшга чўмилгоч,
Келинчак – гилмонлар ерга кўмилгоч
Гуллар юрти – ҳурлар қўноги
Тақир бўлмии чўлдан-да!

Чўлпон:

— От минганда қушлар каби учгувчи,
Эркин-эркин ҳаволарни қучгувчи,
От чопганда учар қушни тутқувчи,
Учар қушдай ёш йигитлар қаерда?
Төг эгаси – сор бургутлар қаерда?

Туркистон:

— Гирот миниб довруқ солган ўглонлар,
Жондин айро тушиғон номус ўчинда.
Чўққилар сардори бўйсунмас шонлар –
Сор бургутлар хордир тузоқ ичинда.

Чўлпон:

— Сенинг қаттиқ сирт-бағринги
Кўп ийлардир эзганлар,
Сен безсанг-да, қаргасанг-да
Кўкрагинда кезганлар,
Сенинг эркин тупрогингда
Хеч ҳақи ўйқ ҳўжалар,
Эгаси сени бир қул каби
Қизганмасдан янчалар?

Туркистон:

— Тилим лолдир, фожеотни

Аёň этсам дил ёриб,
Тоза баҳтим чечаклари
Хазонланди нечалар.
Оппоқ орзум тонгларинг
Кизил қонларга қориб,
Эрк-онгимга хўжса бўлмиш
Кизил – кофур жўёжилар.

Чўллон:

– Нега тагин танларингда
қамчиларнинг кулиши?
Нега сенинг турмушингда
умидларнинг ўлиши?

Туркистон:

– Бўйла, бевақт аёз қўпса
бордир гунча сўлиши,
Ахир, ўлдирмак ё тургизмак
ҳокум хўжса хоҳиши.

Чўллон:

– Нега ёлгиз қон бўлмишдир улусинг?
Нега бунча умидсиздир туришинг?

Туркистон:

– Баҳтим ботил қилгач қаро турмушим,
Гумон бўлди маним ҳатто тирик юрмушим.

Чўллон:

– Нима учун кўзларингда
туташгувчи олов йўқ,
Нима учун тунларингда
бўриларнинг қорни тўқ?

Туркистон:

– Зўрни кўргач катта итлар
тулакланди тил ютиб,
Ўзни шер деб гердайганлар
тулкиланди дум қисиб.

Чўллон:

– Нима учун газабингни
уйғотмайдир огу – ўқ?

Туркистон:

– Очнинг ўзга гами йўқдир
магар бўлса қорни тўқ.

Чўллон:

– Нима учун борлигингда
бу даражса бузгунлик?

Туркистон:

– Ҳур ҳаётим огулади
қонли қизил – тўзгунлик.

Чўллон:

– Нима учун ўч булути
селларини ёғдирмас?

Нима учун куч тангриси
бор кучи-ла солдирмас?

Туркистон:

– Билки, Мардлик лофин урган
барча эр ҳам ботирмас...
Чўги сўнгган эътиқод ҳам
олий кучга қодирмас.

Чўлпон:

– Кел, мен сенга қисқагина достон ўқий,
Қулогингга ўтганлардан эртак тўқий.
Кел, кўзингни ёшлиарини сўриб олай,
Кел, ярати танларингни кўриб олай,
Тўйиб олай.

Туркистон:

– Менга ўқимагил ютанич достонинг,
Сирли эртакларинг энди қилмас кор.
Кўзим ёшин артиб нетарсан мутриб,
Яшил боғим қилмиш хазонлар абгор.

Чўлпон:

– Нима учун ағдариган, ишқилган
Оғир тожсинг заҳар ўқи кўксингда?

Туркистон:

– Тирналган жонимни тирнама жондош,
Сўроқсиз отилди минглаб олтин бош.

Чўлпон:

– Нима учун ёвларингни бир замон,
Йўқ қилгудай темирли ўч йўқ сенда?

Туркистон:

– Заррача шафқатинг борму
ай, қайсар ўғлон,
Темурзодлар бешигинда
бўлгон қатагон.

Чўлпон:

– Эй, ҳар турли қулликларни
сигдирмаган ҳур ўлка,
Нега сенинг бўғизингни
бўғиб турар қўланка?

Туркистон:

– Кесик най тилкасига
боқшу муњглиг болам,
Най фигонидан англашиг
оҳ ила ўғлиқ нолам.

Гарчи тўрт ёнимдир
зулмат қопқаси,
Залолатли турмуши –
жарлик ёқаси.

Нокас зотлар маскан
қуриб бағримга,
Ўзлик тузин қормииш
илон заҳрига .

Гарчи мудроқ бордир
сукутда ошкор,
Сүкут ичра ботин
шилдат исён бор.
Кун келур гафлатдан
Турон уйғонур.
Күш дарё мулкыда иймон құзғалур.
Шайтанат тахтига
жисіход тузылгай,
Занглаған бу асрий
занжыр узылгай.
Қасос ўти униб
бөгүнөң қондан,
Тангри оғат сочур
еру осмондан.
Ёвнинг түрт қибласи
беомон ёңгай,
Ангизлар ғанимлар
қонига қонгай.
Тангридан ҳидоят
ул құттуғасно,
Үглонлар түгилгач
ёвқур ва танҳо.

* * *

Эрк истаб түгилған
шарағли бүгін,
Ватанда тиклади
истиқол түгин.
Қалға шиғо бўлиб
сурнай навоси,
Тангри тогдан эсур
хурлик сабоси.
Бахт қуёшим балқиб сочар экан нур.
Шахидлар қонидан лола унгай ҳур...
Яшил воҳа қониб
севинч ёшимга,
Хумо қуши яна қўнур бошимга...

1987й.



ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ТЕАТР

Туркияда театр санъати кадимдан ривожланган. Жумладан, 1400 йилги қўлёзмаларда соялар театрига оид маълумотлар мавжуд. Туркияда кадимдан турли ҳикояларни айтиб берувчи бадиҳагўй – меддах томошалари ривожланган.

1453 йилда Константинополда турклар хукмронлиги ўрнатилгандан сўнг, Карагўз соялар театри шаклланди. Ушбу театрга асос солған киши аввал кул бўлгани, ўзини кейинчалик Карагўз деб ўзгартиргани ҳакида маълумотлар бор. Бу театр бутун усмонийлар империясида машхур бўлган. Ўша театр бугунги кунда ҳам мавжуд бўлиб, Туркия маданий ёдгорликлари рўйхатидан ўрин олган.

Туркияга Европа услубидаги театрлар XVIII аср бошларида кириб кела бошлаган. Истанбул ва Туркияning бошка ривожланган шаҳарларига европа театрларининг ташрифлари миллий театр ривожига катта таъсир кўрсатган. XIX асрнинг 50-йилларига келиб Наум Афанди Галатасаройда илк театр биноси – “Наум театросу”ни курдиради. Шу тарзда Европача театр санъати бу ҳалқ орасида оммалашиб боради.

1869 йилда Истанбулда – “Тедикпаша” театрнинг қурилиши мамлакатдаги яна бир салмокли маданий ҳодиса эди. Бу театр саҳнасида маҳаллий ёзувчилардан Намик Камол, Шамсиддин Сами, Эбуззия



Ташкил топган сана –

1923 йил, 29 октябрь

Майдони – 783 563 км²

Аҳолиси – 79 463 663 иши

Давлат тили – турк

Пойтахти – Анкара шаҳри

Тавфик ва Аҳмад Мидхатнинг асарлари билан биргаликда Шекспир, Шиллер, Мольер, Гюго каби хорижий драматургларнинг пьесалари ҳам саҳналаштирилади.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб Туркияда ҳаваскорлар ва ярим профессионал театрлар пайдо бўла бошлайди. Бу театрларда Намик Камол, Аҳмад Мидхат, Абдулҳак Ҳамид, Жаноб Шаҳобиддин, Ҳалид Зип, Ақа Гундоз, Рашод Нури Гунтекин, Ҳалид Фахри, Юсуф Зили каби муаллифларнинг асарлари саҳналаштирилади. 1914 йил ҳуқумат томонидан Истанбулда “Дарулбедайи Усмони” консерваториясининг очилиши катта имкониятларга йўл очади. Бу ерда таълим олган талабалар орасидан Афиғе, Бехпире, Мемдуҳ, Бейза, Рефике кабилар кейинчалик Туркиянинг машҳур актрисалари бўлиб етишади.

1916 йил Истанбулдаги “Тепабоши” театрида Хусейн Суатнинг “Чурук темель” асари “Дарулбедайи Усмони” битириувчилари томонидан саҳналаштирилиб, турк миллий театрига асос солинади. 1931 йилда “Тепабоши” шаҳар театрига айлантирилади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, турк театр санъатининг ривожланишида Мухсин Эртуғрул (“Дарулбедайи Усмони”га 1927 йилдан бошлаб раҳбари бўлган) ва унинг дўстлари – актёр ва режиссёр Васфи Ризо Зобу, Козим Кермуқчу, Голиб Аржану кабиларнинг ҳам хизмати катта бўлган. Шаҳар театри Москва, Ленинград, Боку театрлари билан мунтазам ҳамкорликда фаолият олиб боради. Хорижий асарлар билан биргаликда Ақа Гундознинг “Мовий чакмок”, Фарук Нафизнинг “Хабар”, “Қаҳрамон”, “Ватан”, Бехчет Камолнинг “Атилла”, Ҳалид Фахрининг “Ўн йиллик эпопея” каби асарлари саҳналаштирилади. Нозим Ҳикматнинг “Бош чаноғи”(1932), “Марҳумнинг уйи”(1932), “Унутилган”(1935) номли асарлари театрни танитган спектакллар хисобланади.

XX аср ўрталарида Истанбулда ўн еттита театр фаолият олиб борган. Улардан бештаси (Драма театр, Комедия ва драма театри, “Кадикей” театр, Кичик опера театр, Янги театр) давлат томонидан молиялаштирилган. Колганлари хусусий театрлар бўлган. Туркияда олий таълим муассасалари кошида фаолият юритувчи турли ҳаваскорлик театрлари ҳам мавжуд. Буларга “Жеп театросу”, “Ёшлар театр”, “Техника универсиитети театр” кабилар киради. Анқара ва Истанбулдаги баъзи труппалар асосан болалар учун томоша кўйишади.

Туркиянинг машҳур театрлари ҳакида сўз борганда Анқара Опера театрини тилга олиш лозим. Бу театр нафакат Анқарада, балки бутун Туркияда етакчи театр хисобланади. Бир вактнинг ўзида 2000 томошабинни сиғдира олувчи ушбу театр 1933 йилда машҳур архитектор Эвки Балмумчук лойихаси асосида курилган.

Хозирда фаолият олиб бораётган “Дот” (“Dot”) театр ҳам ўзига хослиги билан ажralиб туради. Бу театр ижодий йўналиши билан Европага танилган.

“Галата перформ” (“Galata Perform”) театр ёшлар учун мўлжалланган экспериментал театрдир. Турк театрлари репертуарини жанр жиҳатдан ранг-баранг жаҳон ва миллий драматургия намуналари ташкил этади.

Бутунги кунда турк театрлари давлат, хусусий ва бирлашмалар театрларига ажralган. Давлат театрларида асосан, миллий руҳдаги спектакллар намойиш этилади. Хозирда Истанбул, Измир, Бурса, Адана, Конъя,

Эрзурум, Диёрибакир, Трабзон, Вана, Сивас, Газиантепа, Малатья, Эльязиг, Корум, Зонгулдак, Риза шахарларида давлат театрлари фаолият юритиб келмоқда.

Истанбулда хусусий театрлар ҳам жадаллик билан ривожланиб бормоқда.

Туркияда театрлар фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи ташкилот Турция театр дирекциясидир. Дирекция 52 та театрни қамраб олади.

Түрк театрининг ривожида миллий драматургия алоҳида ўрин тутади. Номлари жаҳонга танилган қатор түрк ёзувчи, драматургларининг асарлари дунё саҳналарини кезиб юриди. Хусусан, ўзбек театрларида Нозим Ҳикмат, Рашод Нури Гунтекин, Тунжер Жўжен ўғли каби түрк адабиётининг атоқли вакиллари асарлари саҳналаширилган.

*Мұхайё МУХТОРОВА,
санъатшунос*

КИНО

Бугунги жаҳон киноси майдонида түрк кино санъати ўз ўрни ва қиёфасига эга. Миллий кинематография мактабининг юзага келиши ўзининг муайян тараққиёт йўлига эга. Маълумки, дунёда визуал шаклдаги асарлар яратиш ҳам ижодий, ҳам тижорий мақсадларни қамраб олади. Ҳозирда дунёning кўплаб мамлакатлари, хусусан, ўзбек телевизорларида узлуксиз намойиш этилаётган ранг-баранг түрк сериилари бу мамлакат кино саноатининг бир йўналиши холос. Мазкур йўналишнинг жаҳон кино бозорларида ўрни тобора кенгайиб боряпти ва телевидение бундай фильмларнинг асосий харидори хисобланади. Айни пайтда, масаланинг нозик жихати шундаки, тижорий мақсадга хизмат қилувчи қастюмли драмалар (жанридан катъий назар) оммабоп кўришга мўлжалланган бўлиб, миллатнинг асл кино мактаби муваффакиятлари юзини тўсиб қўйиш даражасида тарақкий этиб бормоқда. Аммо Туркияning тарихан шаклланган улкан миллий кино мактаби борлигини эътироф этиш лозим.

Бу мактаб ҳозирги мустаҳкам қиёфасига эга бўлгунича, тури тараққиёт босқичларини босиб ўтган. XIX асрнинг сўнггида ака-ука

Люмерлар ўзларининг “мўжиза”ларини намойиш килгандаридан сўнг иккى ой ўтар-ўтмас, Истанбулда илк француз фильмлари намойиш қилина бошланди. Бу оламшумул воқеа ҳакида таникли түрк ёзувчиси Эржумент Акрам Талу шундай хотирлайди: “1896 йил ёз ойларида “харакатдаги сурат”ларни томоша килиш учун шошилдик. Бейўғли

мавзесидаги Спонек салони ишқибозлар билан лик тұлған эди. Ярим соатта давом этган кичкина фильмчаларни томоша килгандан кейин бир неча күн бу вокеа хусусида дүстларим билан баҳлашиб юрдик. Ўша пайтда “мұжиза”дан олган таассуротларим мени бутун умр хаяжонга солиб келди ва ижодимда мухим роль үйнади” (“Türk sineması üzerine düşüneler” Ankara, 1996. 17-б.)

1908 йили З. Вайнберг Истанбулнинг Тепабоши нохиясида “Патэ” кинотеатрини ташкил килади ва Туркияда мунтазам равища кинофильмлар намойиш қилина бошлайды. Бу фильмларда асосан султонлар ҳәти, ҳарбийларнинг машқ майдонларида юришлари, жанг саңналари ва Туркияning гүзәл табиати акс этиб, улар “Турк пиёда аскарларининг намойиши”, “Турк тұпчилари”, “Босвор панорамаси”, “Султон оиласининг сайли” ва шунга үшаш номлар билан аталған.

1910 йилларда Туркияда кинонинг оммалашуви хусусида киношүнос олим, профессор Алим Шериф Ӯнаран шундай ёзади: “Зиёлilarни хисобға олмасак, авом ҳалқ олдинига худди автомобилни илк күрганида “шайтоннинг иши” деб атагани каби кинони ҳам шундай қабул қылған. Лекин бироз вақт үтгандан кейин кинотеатрлар уларнинг орзиқиб, севиб қатнайдыган масканига айланади...” (A. Onaran “Türk sineması” Ankara, 1994. 12-б.)

1914 йилнинг кузига келиб, Истанбулнинг ўзидағे олтита кинотеатр мунтазам иш олиб боради ва томошабинларнинг ортиб бора-ётган қизиқищларини қондиришга ҳаракат килади. Лекин намойиш қилинаёттан фильмларнинг барчаси хорижда тайёрланған бўлиб, томошабинларда ўзгача қизиқиши уйғотади.

1915 йилнинг бошларига келиб, турк киносининг туғилиши юз беради. Ака-ука Камол ва Шокир Седенлар “Камолбей” ва “Али афанди” миллий кинотеатрларини куришади. Истанбулдан ташқари катта шаҳарлarda ҳам “миллий синемалар” очила бошлайди.

Биринчи жағон урушининг илк йилларида Усмонийлар империяси Германия билан бирга Россияга қарши уруш эълон килади. Қизиги шундаки, 1877–1978 йиллари Рус-Турк урушида ҳалок бўлған рус аскарларига ўрнатилган Яшилкўйдаги обида портлатилади ва бу вокеа оператор томонидан кинотасмага туширилади. Шундай килиб, Фуат Узкиной томонидан 1914 йил 14 ноябрда суратга олинган фильм турк киносининг туғилган куни сифатида тарихга кирди.

1914–1922 йиллар Турк киноси тикланиш йиллари десак бўлади. Чунки, турк киноси учун театр ва кино санъати тушунчаси 1940 йилларгача деярли бир хил тушунилган. Шунинг учун ҳам кейинги давр – “Театрчилар даври” (1923–1939 йиллар) дейилади.

Турк киночилари фильмлари бу даврда юкори баҳоланмаса-да, бошқа санъат турларига караганда томошабинларни кўпроқ қизиқтиради. Кинонинг ютуклари театр актёrlарини ўзига торта бошлайди.

“Театрчилар даври”, яни, XX асрнинг 20-40 йилларида турк киноси учун янгиланиш даври бошланади. Айнан шу даврда ижодий фаолиятини бошлаган М. Эртуғрулнинг изланишлари мухим ўрин тутади. Бу ижодкорнинг фильмларига асосланиб, турк киносининг қарийб 30 йиллик даврини ўрганиш мумкин. Қарийб 17 йил давомида турк киносини Мұхсин Эртуғрул бошқариб, 29 та фильм суратта олади.

Ўтган асрнинг 30-йиллари турк киносига оташин шоир Нозим Ҳикмат кириб келади ва бир катор фильмларни суратга олади. 1937 йилда Н.Ҳикмат ўзининг сценарийси асосида “Куёш сари” фильмни суратга олади. Н.Ҳикмат 30-йилларнинг энг кўзга кўринган киношуноси сифатида “Оқшом”, “Янги кун”, “Миллет” газеталарида кино муаммолари хусусида танқидий чиқишлиар килиб, жамоатчиликда кинематографияга нисбатан соғлом фикр уйғотади. Н.Ҳикмат маколаларидан бирида шундай ёзади: “Кинематография нафақат кўнгил очиб, томошабинларни қизиқтириши, балки қалбан ҳис эттириши, ўйлатиши, сабоқ бериши ҳам керак”.

Иккинчи жаҳон уришида кўп мамлакатларда бўлгани сингари фильмларни суратга олиш анча камаяди. Асосан урушга тааллукли хужжатли-хроникал фильмлар суратга олинади.

XXI асрга келиб, турк киноси дунёдаги ривожланган кинематографлар каторидан ўрин олади. Турк фильмлари Венеция, Берлин, Канн, Москва кинофестивалларида бир катор совринларга эга бўлди. Турк киночилари дунёнинг бир қанча йирик кинокомпаниялари билан ҳамкорликда фильмлар ишлаб чиқармоқда. Шунингдек, Туркияning ўзида Истанбул, Анкара, Адана, Анталья халқаро кинофестиваллари мунтазам ўtkазиб келинмоқда. Ўзбек киночилари ҳам Туркия халқаро кинофестивалларида фаол иштирок этиб келмоқда.

Ойбек КОПАДЗЕ,

Санъатшунослик фанлари номзоди,

киношунос

МУСИКА

Турк мусиқаси кўп асрлар тарихга эга бўлиб, унинг илдизлари илк Ўрта асрларга, яъни салжуқий турклар Марказий Осиёдан кўчиб, бутун Кичик Осиёни эгаллаган, ярим оролга жойлашган даврларга бориб тақалади. Турклар янги худудларда озарбайжон, юонон ва бошқа халклар маданияти билан таниша бошладилар. Ушбу халклар мусика маданияти турк мусиқасига сезиларли таъсир кўрсатди.

Айни пайтда, турк халқ мусиқаси маросим ва тадбирларда ижро этиладиган ва умумий ижро этилувчи эркин жанрларга ажратилади. Айтим жанрлар кенг тарқалган бўлиб, образли мазмуни, куй, ритм ва лад ранг-баранглиги билан ажralиб туради.

Таъкидлаш жоизки, халқ мусика санъатининг салмоқли кисмини ракслар ташкил этади. Ракслар тарихи урф-одат, маросим ва меҳнат жараёнлари билан бевосита боғлик. Ракслар чолғу ва вокал-чолғу жўрлигига ижро этилади. Мусиқий жўрликсиз ижро этиладиган ракслар ҳам учрайди (хусусан, эркаклар ракси бўлиб,



улардаги ўзига хос ритмик жўрлик қилич ва ханжарларнинг қалқонга урилиш зарби, ижро чиларнинг ҳарбийларга хос кийкириқларидан хосил бўлади). Турк халқ раксларидан “Зейбек”, “Халай”, “Херон”, “Бар”, “Бенги” кабилар кенг тарқалган.

Халқ кўшиклари ва ракслари кўпинча дамли чолғулардан болабон (бу-ламон), зурна (сурнай), кавал (чўпон най), торли чолғулардан кеманча, саз жўрлигига ижро этилади. Ва албатта, уларга довул, деф (даф), араб дарбукаси каби зарбли чолғулар ҳам кўшилади.

Эътироф этиш жоизки, халқ мусиқаси билан узвий боғликларда анъанавий мумтоз мусиқа ҳам бирдек жорий бўлган. Анъанавий турк мусиқа санъатида ашиклар (ёки ашуглар – ошиклар) муҳим роль йўнайди.

Ашик (ашуг)лар – халқ шоирлари, мусиқачи-бадиҳанавис (импривизатор)лардир. XIII–XIV асрлардаёт ашикларнинг аждодлари бўлмиш ўзанлар машҳур бўлган. Ашиклар санъати шеърият ва мусиқани ўз ичига олган бўлиб, одатда улар ўзлари басталаган кўшикларни соз жўрлигига ижро этганлар. Маишӣ ҳаёт билан узвий боғлиқ бўлган ашиклар санъати халқ орасида кенг оммалашган. Кўплаб достон, афсона ва ривоятлар қаҳрамонлари ҳам ашиклар бўлгани бежиз эмас. Ашиклар санъати турк халқ мусиқасининг ўзига хос кирраларини сақлаган ҳолда, авлоддан-авлодга оғзаки шаклда ўтиб келади. Ашиклар кўшиклари мелодик ва ритмик ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Ашиклар буғунги кунда нуғузли санъаткорлар сифатида эътироф этилади.

Турк мусиқа маданиятида фосил деб аталувчи туркум кенг тарқалган. Ундаги ҳар бир бўлим муайян макомга асосланади (бу асарлар тузилиши жиҳатидан араб нубаларини эслатади). Ижро бадиҳавий (импровизацион) эркинликка асосланади. Фосил одатда шаклан мураккаб чолғу мукаддима – пешрав билан бошланади. Сўнгра айтим лавҳалари чолғу “тақсим”лари билан ўзаро алмашиниб келади.

Турк мусиқий маданиятида диний йўналишдаги мусиқа алоҳида ўринга эга. Бу аzon, Куръони Карим тиловати, мавлуд ва гурух бўлиб, масжиддан ташқарида ижро этиладиган мадҳиялардир.

Таъкидлаш жоизки, турк мусиқаси бошқа халқлар мусиқаси каби замонавий шаклда ривожланаётган бўлса-да, ўз қадрият ва анъаналарига содик колмоқда.

Туркияда олий мусиқа таълими асосан йирик университетлар (хусусан, Анкара, Истамбул, Измир, Хажитепе университетлари) хузурида ташкил этилган консерваториялар ва академияларда ўтилади. Консерватория алоҳида ўкув юрти эмас, балки университетнинг бир бўлими сифатида фаолият юритади.

*Шаҳноза ОЙХЎЖАЕВА,
Ўзбекистон давлат консерваторияси доценти,
санъатиунослик фанлари номзоди*

УСТОЗ ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ

Ўзбекистон Қаҳрамони, атокли адабиётшунос олим ва жамоат арбоби Озод Шарафиддинов таваллудининг 90 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланди. Олий ва ўрта маҳсус ўкув юртлари, давлат ва нодавлат муассасалари, ижодий уюшмалар, ёшлар ташкилотлари, ҳарбий кисмларда устоз хаёти ва серкирра ижодига бағишиланган кизикарли учрашувлар, давра сухбатлари бўлиб ўтди. Олимнинг танланган асарлари чоп этилди, “Ижод ва шижаат” номли хотира китоб яқин кунларда ўкувчилар қўлига бориб етади. Киноижодкорлар яратган хужжатли фильм томошабинлар хукмига ҳавола этилди. Ўзбек Миллий Академик драма театрида бўлиб ўтган тантанали йиғилишда шаҳар жамоатчилиги вакиллари, олимнинг оила аъзолари, кўпсонли мухлислар, адабиёт ихлосмандлари иштирок этдилар.

Бугун қўлида қалами бор шоир, ёзувчи, адабиётшунос олим ёки ёш тадқиқотчиларнинг аксарияти ўзига ва шогирдларига талабчан, тўғри сўз, адолатпарвар Озод Шарафиддиновдан маҳорат сабоқларини олгани аниқ. Мамлакатимизда китобхонлик ҳаракати кенг ёйилаётган, жаҳон адабиётининг энг сара асарлари ўзбек тилида чоп этилаётган, шаҳар ва қишлоқларда янги кутубхона ва китоб дўконлари курилаётган бир пайтда Озод домлани китобсевар устоз сифатида ҳам эсласак тўғри бўлади. Домла шаҳар кезадиларми, вилоят ва туманларда бўладиларми, хорижий сафарларга борадиларми, аввало, китоб дўконларига кириб, у ердан кучок-кучок китоб харид қиласидар. Ёшлини китоб мутолаасига даъват этиш устознинг муҳим ишларидан бири бўлган.

Озод Шарафиддинов мақолаларидан бирида инсониятнинг буюк ихтироси бўлмиш китобни саккизинчи мўъжиза деб агади. Домла оламнинг етти мўъжизаси ҳақида қўйидагича фикр юритади: “Етти мўъжиза инсон ақлининг, тафаккурининг, қалбининг оташин мадхияси, инсон даҳосининг улуғлигига қўйилган мангу обида бўлиб келмокда. Бирок, оламда яна бир мўъжиза ҳам борки, унинг буюклиги, муқаддаслиги етти мўъжизанинг жамики улуғворлиги, гўзаллигидан камлик қўлмайди. XX аср одамининг ҳаётига у нондек, ҳаводек, сингиб кетган, шунинг учун уни кўлга олганимизда мўъжиза билан учрашгандай ларзага тушмаймиз, унинг муқаддаслигидан орзиқиб-энтиқиб кетмаймиз, тилимиз лол бўлмайди. Бу мўъжиза – китоб... Машхур Австрия ёзувчиси Стефан Цвейг китобнинг кашф килинишини ғилдиракнинг ихтиро килиниши билан баравар кўяди, “Китоб бор жойда одам ўз-ўзи билан, ўз савиясининг чор деворига ўралиб, ортиқ ёлғиз қололмайди, инсониятнинг фикрлари ва хисларидан баҳраманд бўлади”, деб ёзган эди.

Озод Шарафиддиновнинг бугун мароқ билан ўқилаётган, узоқ йиллар кўлдан тушмайдиган китобларида маъно-мазмунига кўра бадиий асардан қолишмайдиган илмий, бадиий-публицистик мақолалари мавжуд. Улар орасида Сукрот ҳақидаги “Ҳақикат излаган донишманд” мақоласи

алоҳида ажралиб туради. Ушбу маколани мутолаа килган ўкувчи ўзи учун янги-янги маъно-мушоҳадаларни қашф этади, Озод домла ҳарорат билан битган таъсиричан сатрлар катидан янги-янги маънолар, улуғвор хуносалар бўй кўрсатади. Сукрот умр бўйи ҳақиқатнинг моҳиятини излаб яшади, адолат ва разолат, садокат ва хиёнат, яхшилик ва ёмонлик каби мангу ҳамроҳ тушунчалар ҳакида кўп ва хўб ўйлади. Умри сўнггида дунёни, инсон ҳаётини титратиб юборишга кодир хуносага келди.

Олим ўзининг таъсиричан мулоҳазалари, кучли мантикий мушоҳадалари билан ном қозонади. Ёшлар унинг маърузаларини жон-дилдан тинглайдилар. Сукротнинг обрў-эътибори илмий давраларда тобора ошиб бораётганидан хавотирга тушган илмисиз ҳасадлўйлар “Сукрот ёшларни йўлдан оздирмоқда, маърузаларида ҳақиқатга зид гапларни айтмоқда, уни жазолаш керак”, дея иғво тарқатадилар, Афина кенгашига унинг устидан шикоят ёзадилар. Кенгаш Сукротни айбдор деб топиб, уни ўлим жазосига хукм қиласди.

Ўша даврда Афина суд-хукук тизимида шундай одат бор экан: кенгаш судланувчи одамга айб эълон килгач, маҳкум икки йўлдан бирини – заҳар ичиб ўлишни ёки умрининг охиригача Афинага кайтиб келмаслик шарти билан шаҳардан чиқиб кетишни танлаши мумкин. Сукрот, шу чоққача барча маҳкумлар шаҳардан чиқиб кетиб, ўз жонларини сақлаб колишганига қарамай, заҳар ичишни танлайди. Умрининг сўнгги соатларида хам қўлидан китоб тушмайди.

Озод домла ҳам умрининг сўнгги йилларида донишманд устози каби тақдирнинг ғоят мураккаб танловига дуч келди. Оғир хасталикка чалиниб, кучли оғрик азоби силласини қуритди. Домла олдида ҳам иккита йўл бор эди: биринчиси – тақдирга тан бериб, қолган умрини сихатгоҳу оромгоҳларда, сайру саёҳатларда, шогирдлари, дўст-қадрдонлари даврасида ўтказиш ёки касаллик хуружига, кўзлари хира тортаётгани, бармоклари ҳолсизланиб, сатрлар бир-бирига мингашиб кетаётганига қарамай, жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ўтириш эди.

Домла иккинчи йўлини танлади. Бу йўл адабиёт ихлосмандларига “Миллатни уйғотган адаб”, “Эътиқодимни нега ўзгартирдим?”, “Фан гўзаллик хисси билан тирик” каби йирик тадқиқотларни, Салмон Рушдига, Гарри Каспаровга, Мухаммаджон Обидовга, Иброҳим Ҳаккулга ёзилган мактубларни, жаҳон адабиётининг 150 дан ортиқ дурдона асарларининг ўзбек тилидаги матнини, “Довондаги ўйлар”ни, ўзбек миллий матбуотининг фахри-ғурури бўлиб келаётган “Жаҳон адабиёти” журналини берди.

Домла раҳбарлигига кисқа вакт ичидаги янги журнал ўз йўли, овози ва муҳлисларини топди. Собиқ иттифоқдош жумхуриятларда адабий-бадиий нашрлар инкиrozга юз тутиб турган, довруғи оламга ёйилган “Иностранный литература” журнали ҳам ҳолсизликдан чўққалаб қолган бир пайтда, ўзбек китобхонлари дунё адабиётининг ноёб намуналарини она тилларида ўқий бошлидилар. “Жаҳон адабиёти”, “Тафаккур” каби нашрлар ўзбекона миллий ғоя асосида кандай улуғ ният ва умуминсоний кадриятлар мавжудлигининг нишонаси эди.

Озод домла танлаган иккинчи йўл у кишининг маънавий жасоратига айланди, бу жасорат устозни янада юксак чўққиларга кўтарди. Биз бу-

гун шу чўққига қараб, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ижод ахлига кўрсатаётган ғамхўрлигидан, яратилаётган имкониятлардан, юртимизда кечაётган буюк янгиланиши жараёнидан илҳомланиб, домла бошлаган масъулиятли ишни давом эттираётганимиздан, “Жаҳон адабиёти” журнали дунёга янги мақомда бўй кўрсатаётган Ўзбекистоннинг маънавий минбарларидан бири бўлиб колаётганидан фоят миннатдормиз. Устознинг куйидаги сўзлари бизга ҳамиша ҳамроҳ:

“Одам ота-онасини танлаёлмаганидек, Ватанни ҳам танлаёлмайди. Албатта, Оллоҳ одамга Ватанни музликлардан ҳам, саҳролардан ҳам, ҷангалзорлардан ҳам адо этиши мумкин. Лекин сиз билан бизга Оллоҳ Ўзбекистон деб аталган, тупроғида олтин гуллайдиган, кишларида баҳор шивирлайдиган, тоғ деса тоғи бор, боғ деса боғи бор, ҳар тонгда булбуллар мадҳини ўқиб тамом килолмайдиган бир юртни Ватан қилиб берган экан, бунинг учун ўзимизни баҳтли деб билмоғимиз керак”.

ИЛДИЗЛАРИ БИР ЭЛМИЗ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида, Кирғиз Республикаси Фанлар Миллий Академиясининг Чингиз Айтматов номидаги Тил ва адабиёт институти ҳамда “Жаҳон адабиёти” журнали ҳамкорлигига “Чингиз Айтматов ва ўзбек-қирғиз адабий алоқалари” мавзусида ҳалқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Ўзбек ва қирғиз адабий алоқалари узок йиллик тарихга эга. Бу алоқалар XIX асрда анча кенг ривожлана бошлаган. Ўш, Андижон, Намангандаги мадрасаларда ўзбеклар билан бирга қирғиз талabalari ҳам сабок олишган. Биринчи қирғиз газетаси “Эркин Тоо” Тошкентда нашр этилган. Мадрасаларнинг талabalari орасидан кейинчалик Алдаш молда, Молда Ниёз, Молда Қилич, Тўғалоқ молда, Нурмолда, Ўсмонали Сидик ўғли, Исок Шайбеков, Абулкосим Жутакеев каби ўнлаб ёзма адабиёт вакиллари етишиб чиқди. Тошкентда ташкил этилган Ўрта Осиё Давлат университетида (хозирги Миллий университетда) кўплаб қирғиз ёшлари таълим олишди. Улар орасидан таниқли шоир ва ёзувчилар, истеъододли олимлар чиқди.

Қирғизистон ҳалқ ёзувчиси Али Тўқамбоев бундан етмиш йилча муқаддам Алишер Навоий ҳақида илмий мақола ёзди, “Лайли ва Мажнун” достонини қирғиз тилига ўтираётган таржимонларга бош-кош бўлди. Устоз Миртемир, Султон Ақбарий, Турсунбой Адашбоев, Зухриддин Исимиддиновлар, Чингиз Айтматов таъбири билан айтганда, океанмисол “Манас” эпосини ўзбек тилига таржима қилиш ишига муносаб ҳисса қўшидилар. Илёс Муслим қирғиз адаби Қосимали Боялиннинг “Ҳожар” қиссасини, Тугалбой Сидиқбековнинг “Замонамиз кишилари”, “Тоғ болалари” ва “Тоғлар орасида” деган уч романини ўзбек тилига ўтириди. С.Эралиев, С.Жусуев, Ш.Абдраманов, Т.Қосимбеков, Мар Бойжиев, О.Ибраимов, Ж.Мамитовнинг қатор асарлари ўзбек китобхонларининг кўлига бориб етди.

Буюк адаб Чингиз Айтматовнинг асарларини ўзбек тилига ўтиришдек масъулиятли ишга Асил Рашидов, Иброҳим Faфуров, Суюн Қораев,

Абдураим Отаметов, Махкам Махмудов, Набижон Бокий, Ёкубжон Хўжамбердисев ва бошқалар муносиб хисса кўшдилар. Ўз навбатида кирғизистонлик ўқувчилар Ойбек,Faфур Фулом, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Аскад Мухтор, Миртемир, Шароф Рашидов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Носир Фозилов ва бошқа адибларнинг ижод намуналаридан баҳраманд бўлдилар. Икки эл адабий алоқаларини мустаҳкамлашда шоир ва таржимон Турсунбой Адашбоевнинг хизматлари катта бўлди.

Икки қардош мамлакатлар ўртасидаги адабий алоқалар солномасида Чингиз Айтматов адабий-бадиий меросининг ўрни катта, албатта. Адабнинг эзгу гуманистик ғоялари, турли миллат ва элатлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлашга қаратилган асарлари бугун мамлакатимизда севиб мутолаа килинмоқда. Ўтган иили бир гурух ўзбек ижодкорлари Чўлпон-ота шаҳрида ўtkазилган Иссиқкўл форумида иштирок этдилар.

Бишкек шаҳрида фаолият юритаётган Чингиз Айтматов номидаги Тил ва адабиёт институтининг директори, Айтматов ижодининг таникли тадқиқотчиси, академик Абдиллајон Ақматалиев бошчилигидаги институт олимлари адабий-илмий алоқаларни янада кучайтириш, янги илмий тадқиқотлардан баҳраманд бўлиш мақсадида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида бўлдилар, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолияти билан танишдилар. “Жаҳон адабиёти” журнали таҳририятида бўлиб ўтган сұхбатда адабий-бадиий нашрларнинг икки халқ маданий-маърифий алоқаларини мустаҳкамлаш борасидаги ибратли ишлари эътироф этилди.

Ўзбекистон Миллий университетида ўtkазилган илмий анжуманда ўзбек-киргиз адабий алоқаларининг кечаги ва бугунги ҳолати кенг таҳлил этилди, келгусида олиб борилиши зарур бўлган масалалар хусусида кенгашиб олинди. Мезбон олимлар – И.Фафуров, З.Исомиддинов, Ҳ.Болтабоев, С.Комилова, “Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон” экспозицияси раҳбари А.Мелибоев, меҳмонлардан филология фанлари докторлари А.Кадирманбетова, М.Колбаева, Г.Орозова, фан номзодлари Н.Ийсаева, Ч.Дийканова сўзга чиқиб, Ўзбекистон ва Кирғизистон раҳбарларининг яхши кўшничилик сиёсати боис икки мамлакат ўртасидаги алоқалар қайта йўлга қўйилаётганини эътироф этдилар. Шу билан бирга, бадиий адабиёт, тил, халқ оғзаки ижоди, лугатчилик, фольклор санъати ва бошқа мавзулардаги тадқиқотларни биргаликда олиб бориш зарурлигини таъкидладилар.

Халқ ичидан етишиб чиқкан ҳақиқий ижодкорлар бир миллатнинг эмас, бутун инсониятнинг маънавий мулки хисобланади, – деди ўз сўзида академик А.Ақматалиев. – Чингиз Тўракулович, шубҳасиз, шундай адабилярдан эди. Шу боисдан хам унинг асарларини дунёнинг деярли барча мамлакатларида севиб ўқишиди. Бугун мен Тошкентда чоп этилган “Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон” тўпламини кўриб, сизларда айтматовшунос тадқиқоти олимларнинг кўплигидан хурсанд бўлдим. Кирғизистонда Асил Рашидов, Иброҳим Faфуров, Сайди Умиров, Паризод Мирзаз-Аҳмедова, Аҳмаджон Мелибоев каби олимларнинг Айтматов ижодига бағишланган ишларини яхши билишади, улар ёнига ёш тадқиқотчилар кўшилгани, Миллий университетнинг хорижий филология факультетида хар йили анъанавий айтматовхонлик ўқишлиари ўtkазилаётгани, шубҳасиз, ижобий ҳодиса.

– Илмий ҳамкорлик алоқаларимиз маълум сабабларга кўра узилиб, борди-келдиларимиз тўхтаб қолган эди, кўп вакт бир-биримизнинг ишларимиздан бехабар бўлдик. Ўзбекистонда, Қирғизистонда қандай тадқикотлар амалга оширилди, қандай ечимлар топилди – буларни билмас эдик, – деди таникли олима Г.Орозова. – Кейинги икки йил ичида ҳаммаси ижобий томонга ўзгарди. Бугунги учрашуви мизда яна бир бор амин бўлдикки, биз – тарихий илдизлари, тили ва дини бир халқлар, бир-биримиздан узоклашмаслигимиз керак”.

Филология фанлари доктори А.Қадирманбетова шундай деди: “Ўзбекистонда ўзбек-киргиз алоқаларига алоҳида эътибор берилаётгани, Чингиз Айтматов ва бошқа таникли адиларимиз, санъаткорларнинг ҳаёти ва ижоди ўрганилаётганидан кувондик. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан Жиззах вилоятидаги Манас овулининг бутунлай қайта қурилиши, киска муддат ичида замонавий шаҳарчага айлантирилиши бизни чексиз руҳлантириб юборди.

Мехмонлар Ўзбекистонда кирғиз ёшлари мактабларда ўз она тилларида сабок олишаётгани, “Жаҳон адабиёти”, “Шарқ юлдузи”, “Звезда Востока” ҳамда Қирғизистоннинг “Ала-тоо” журналлари ўртасида ижодий ҳамкорлик йўлга қўйилганини мамнуният билан эътироф этдилар.

Тадбир сўнггида ўзбек олимлари Асил Рашидов, Иброҳим Faфуров ва Ахмадjon Мелибоевга Чингиз Айтматов номидаги халқаро Академия ва Жамғарманинг мукофотлари тоширилди.

Кирғизистонлик меҳмонлар Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона фаолияти билан танишдилар, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлдилар, Самарқандга саёҳат қилиб, шаҳарнинг диккатга сазовор жойларини томоша қилдилар.

Тадбирда Қирғиз Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва муҳтор элчиси И.Х. Жунусов иштирок этди.

ҚАРДОШЛАРИМИЗ ТУҲФАСИ

Кирғиз Республикаси Фанлар Миллий академияси қошидаги Тил ва адабиёт институти ижодий жамоасининг саъй-ҳаракати билан кейинги икки-уч йил ичида Чингиз Айтматовнинг ҳаёти ва ижодига доир кўплаб илмий тадқиқотлар чоп этилди. Улар орасида кариб 180 босма табоқдан иборат “Чингиз Айтматов энциклопедияси” алоҳида эътиборга эга. Шу йиллар ичида адилнинг 8 томлик тўла асарлар тўплами рус ва кирғиз тилларида икки марта нашрдан чиқди. Илмий жамоа академик А. Акматалиев раҳбарлигида Айтматов асарларининг 10 жилдлик янги нашри ҳамда 5 жилдан иборат адабий-илмий ҳамда публицистик мақолалар тўпламини адаб таваллудининг 90 йиллигига бағишилаб, мухлисларга тухфа этди. Ушбу нашрда ўзбек олимлари Паризод Мирза-Аҳмедова, Омонулла Файзуллаев, Фарҳод Ҳамроев, Сайд Шермуҳамедовнинг Айтматов ижодига бағишлиланган мақолалари ўрин олган.

Ўзбекистон Миллий университетида ўтказилган илмий-амалий конференцияда ушбу китоблар “Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон” илмий марказига совға килинди.



ХИНД ВА АРАБ ХАНДАЛАРИДАН

ИККИ БОЙҚУШ СУХБАТИ

Бирбал бир куни подшоҳ билан овга чиккан экан. Ўрмондаги бир даражатига кўнган икки бойқуш бир-бири билан “ху-ху”лашиб сайраша бошлиди.

– Эй Бирбал, – дебди подшоҳ, – сен доно маслаҳатчимсан, қани кулок тутиб айт-чи, бу икки бойқуш нима ҳақда сухбатлашишпти?

– Икки бойқуш бир-бири билан куда бўлишмоқчи, – деб жавоб килиди Бирбал. – Бириси иккинчисидан ўз қизи учун киркта вайронна сўрайти. Шунда иккинчи бойкуш: “Шунча вайронани сенга қаердан топиб бераман?” – деса, унга жавобан биринчи бойкуш: “Шу подшо омон бўлса, ҳали кўп уруш бўлиб, шаҳар-қишлоқлар вайронага айланади, шуларни бераверасан-да”, деяпти.

Бу жавобни эшитган подшоҳ ўйланиб қолибди ва вайронагарчиликларга сабаб бўладиган урушларини тўхтатибди.

ОТ КИМНИКИ?

Бир киши йўлда от миниб келаётган экан, бир жойда йўл четида турган одамни учратибди. Ҳалиги одам отлиқдан:

– Ҳой яхши одам, оёкларим оғрийди, илтимос, мени отингга миндириб олсанг, – дебди.

Отлиқнинг раҳми келиб уни отига мингаштириб олибди. Улар бир манзилга етиб келганларида отлиқ мингашган одамга:

– Мана, сен айтган манзилга етиб келдик, қани энди отдан туш, – дебди. Шунда ҳалиги одам:

– Нега мен тушарканман, от меники, сен туш отдан! – деб дағдаға килибди. Муттаҳамликнинг чегараси бўлармиди, деганлариdek, у “от меники”, деб туриб олибди. Одамлар бу жанжални қандай ҳал килишини билмай турган экан, шу пайт Бирбал келиб қолибди. Унга бўлган воқеани тушунтиришибди.

– Жанжални бас қилинглар, – дебди Бирбал, – сиз иккалангиз ҳам отни қолдириб, эртага келинглар. От кимники эканлиги ҳал бўлади.

Бирбал улардан отни олиб қолиб, подшоҳнинг отхонасига олиб борибди ва эгар-жабдугини ечиб, бошқа отлар ёнита боғлатиб кўйибди. Эртасига иккала даъвогар келибди. Шунда “От меники” деб даъво қилаётган одамга:

– Кириб отхонадан отингни олиб чиқ, – дейишибди.

Муттаҳам даъвогар отни таний олмабди. Эгаси эса юзлаб от ичидан бир зумда ўзининг отини танибди.

Бирбалнинг донолиги билан муттаҳам жазосини олибди.

РОСТ БИЛАН ЁЛГОН ЎРТАСИДАГИ ФАРҚ

Бир куни подшоҳ Бирбалдан:

— Бирбал, рост билан ёлгон ўртасидаги фарқ қанча? – деб сўрабди.

— Кўз билан қулоқ ўртасигача, – деб жавоб қилибди Бирбал. – Қулоқ билан эшитгандан кўра кўз билан кўриш афзалроқдир.

ТЕСКАРИ ҚАРОР

Бир кекса одам нимадир бўлиб гуноҳкор бўлибди-ю, подшоҳ уни жазоламоққа қасд килибди. Шу пайт Бирбал келиб қолибди. Подшоҳнинг ундан негадир жаҳҳли чикиб турган экан.

— Бирбал, сен бу ишга аралашма. Агар сен бу гуноҳкорнинг ёнини оладиган бўлсанг, сенинг айтганларингнинг аксини киламан, – дебди подшоҳ.

— Ундаи бўлса бу гуноҳкорни ҳозироқ остиринг, – дебди Бирбал.

Подшоҳ ҳозиргина Бирбалнинг айтганларини тескарисини киламан, деб сўз берганлиги эсига тушиб, гуноҳкорни оқлаб юборибди.

“БУ ЕРДА – ҲА, У ЕРДА – ЙЎҚ...”

Подшоҳ бир куни Бирбалнинг донолигини синамоқчи бўлибди ва унга:

— Бу ерда – ҳа, у ерда – йўқ, бу ерда – йўқ, у ерда – ҳа; на бу ерда, на у ерда; у ерда ҳам, бу ерда ҳам, – дебди ва: “Қани доно бўлсанг шу айтганларимга мос келувчи тўрт хил одамни олиб кел”, – деб буюрибди.

Бирбал ўйланиб колибди, сўнг чикиб бориб подшоҳнинг олдига тўрт одам – фоҳиша, зоҳид, гадой ва соғдил дехқонни олиб келибди. Подшоҳ бунинг маъносини сўрабди.

— Подшоҳим, сиз “бу ерда – ҳа, у ерда – йўқ” деганингиз мана бу фоҳиша аёлга мос келади, чунки у бу дунёда барча лаззатлардан баҳраманд бўлади, у дунёда эса ҳеч нарсага эришолмай азоб чекади. Мана бу такводор зоҳид эса “бу ерда – йўқ, у ерда – бор”, деганингизга тўғри келади, чунки у бу дунёда барча лаззатлардан воз кечиб риёзат чекади, нариги дунёда эса муносиб ажрга сазовор бўлади, мана бу гадой эса “на у ерда, на бу ерда” бўлған бандадир, чунки таъмагирлик билан корин тўйғазади, ибодатни унутади, шу боисдан унга бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам ҳаловат бўлмайди, тўртингчи одам – ҳалол меҳнати билан кун кўрувчи дехқондирки, у бу бунёда тер тўкиб бошқаларга ризқ-рўз улашади, нариги дунёда ҳам азиз бўлади, – деди Бирбал.

Подшоҳ унинг донолигига қойил қолди.

ТУШНИНГ ДАВОМИ

Подшоҳ бир куни Бирбални мот килмоқчи бўлиб:

— Тушимда иккаламиз осмонда учиб юриб бирдан ерга қуладик. Мен асал солингган ўрага тушибман, сен эса ахлат ўрага – дейди.

— Мен ўша тушнинг давомини кўрдим, – деди ҳозиржавоблик билан Бирбал. – Иккаламиз ўрадан чиққандан кейин мен сизни, сиз мени ялай бошлабмиз...

ЭШАК БОШЛАГАН ЙҮЛ

Жуҳо эшак миниб бораётган эди, унинг эшаги текис йўл қолиб ўйдимчукур ердан юра бошлади.

– Нега тўғри йўл қолиб эгри йўлдан юраяпсан? – деб сўрашди Жуходан.

– Эшак йўл бошлагандан кейин нима ҳам қила олардим, – деб жавоб килибди Жуҳо.

ГЎШТИ УЧИБ КЕТГАН ШЎРВА

Жуҳо ўрдак шўрва ичгиси келибди ва кўлда сузуб юрган ўрдакларни тутиб олиш учун уларга қараб таёк отибди. Таёғи тегмасдан ўрдаклар учеб кетишибди. Жуҳо кўлнинг сувидан ича бошлабди.

– Нима қиласапсан? – деб сўрашибди ундан.

– Гўшти учеб кетган шўрва ичяпман, – деб жавоб қилибди у.

ҲАМ ЁЗГИ-Ю ҲАМ ҚИШКИ ХОНА

Жуҳонинг томи йўқ бир хонаси бор экан. Жуҳо уни ижарага бермоқчи бўлибди.

– Хонангнинг томи йўқ-ку? – дебди ижарага оладиган одам.

– Бу ёзги хона, – дебди Жуҳо.

– Қиш келганда нима қиласиз? – дебди ҳалиги одам.

– Ташвиш килма, қишида хонани тўнтариб кўямыз, – дебди Жуҳо.

ТАОМ ҲАҚИ

Жуҳонинг қорни очиб ошхонага кирибди. Аммо таом учун тўлайдиган пули йўқ экан. Шунга қарамасдан у овқат буюриб, тўйгунча овқатланибди. Кейин ошхона эгасини чакириб:

– Мабодо бирор одам таомингни еб, ҳақини тўламаса нима киласан? – деб сўрабди.

– Юзига шапалок тортиб юбораман, – дебди ошхона эгаси.

– Ундай бўлса тезроқ тортиб юбор, шошиб турибман, – дебди Жуҳо юзини тутиб.

БИР ОЁҚЛИ ҒОЗ

Жуҳо подшохнинг ошпази экан. Бир куни подшоҳ унга ғоз пиширишни буюрибди. Ғоз пишгач, Жуҳо ғознинг бир оёғини еб қўйибди ва қолганини подшонинг олдига қўйибди.

– Бу гознинг бир оёғи кани? – деб сўрабди подшоҳ.

– Фозлар бир оёқли бўладилар-да, – дебди Жуҳо ва ўз сўзига ишонтириш учун подшохни кўл бўйига бошлаб борибди. Қарашса фозлар бир оёқдадам олиб туришган экан.

– Ана, кўрдингизми? – дебди Жуҳо.

Подшо таёқни олиб ғозларга отган экан, улар икки оёқлаб қоча бошлашибди.

– Фозлар икки оёқли экан-ку? – дебди подшоҳ.

– Ахир, подшоҳим, сизни ҳам таёқ билан кувлашса тўрт оёқли бўлиб кочардингиз, – дебди Жуҳо.

М.ХУДОЙҚУЛОВ тайёрлади

ТУРКИЯ ТАСВИРИЙ САНЬАТИ

XIX асрда Туркияда дунёвий ва диний ҳаёт орасида кескинлик жадаллашади. Бир томондан азалий урф-одатлар, иккинчи томондан янгича тараққиёт турк зиёлилари учун жамиятида кенг кўламли ислоҳотларга сабаб бўлган. Бу ўринда Султон Абдулазиз (1861–1876) санъатнинг шайдоси бўлганини, бир неча турк рассомларини тасвирий санъатдан сабок олиш максадида Францияга ўқишга юборганини тъкидлаб ўтиш даркор.

1876 йилда биринчи турк Конституциясининг қабул килиниши – мамлакатнинг сиёсий ва маданий тараққиётида муҳим роль ўйнаган. 1877 йилда ташкил қилинган нафис санъат мактабининг битирувчилари Европанинг катор мамлакатларига бориб ўзларининг касбий малакаларини оширишган.

1908 йилги буржуа инқилоби диний ва дунёвий қарама-қаршиликка чек кўйса-да, мамлакатдаги хукм барibir руҳонийлар ва маҳаллий феодалларнинг назоратида эди. XIX асрнинг ўрталаридан миниатюра ўрнини буткул европача жанрларга – манзара, натюрморт ва портретга бўшатиб беради. Бу эса Туркияning ўша йиллардаги тасвирий санъатида икки шартли ўйналишни “европачилар” ва “маҳаллийчилар”ни пайдо бўлишига олиб келган.

XX асрда турк тасвирий санъатида миллий ўзликни англашга катта эътибор қаратилади. Бунинг учун тасвирий санъат намояндалари Туркияning амалий-безак санъатидаги шонли тарихига таянадилар. Лекин халқижоди анъаналарини европача талкинда бериб бўлмасди. На маъноси, на шакли, ҳатто ишлаш техникиси бўйича ҳам икки маданият анъаналарини уйғунлаштириш кийин масала эди. Маҳаллий рассомлар ҳарчанд харакат қилишмасин, кўп ҳолларда бунинг улдасидан чикмай, бадиий савияси паст, бачкана асарларни яратиб кўйишарди. Шундай вазиятлар ҳам бўлардики, ислом дини таъсирида айрим рассомлар жонли мавжудотларни чизишдан ўзларини тийғанлар. Уларнинг асосий мавзулари – табиат, яхши кўрган жанрлари – манзара эди.

Лекин шунга қарамай айрим рассомлар, масалан Усмон Ҳамди (1842–1910) дадиллик билан инсон киёфасини тасвирлайди. Рассомнинг “Мирза (котиб) ёнида” (Туркия, шахсий коллекция), “Курол-аслаҳачи ёнида” (Лондон, Британия музейи), “Масжид ховлисидаги аёллар” (Туркия, Махмуд Жалолиддин коллекцияси), “Ҳарамдаги аёллар” каби асарларида европача рангтасвир анъаналари миниатюрага пайванд қилинган ҳолда чизилган. Усмон Ҳамди портрет жанрида ҳам баракали ижод килган. Устанинг “Араб кийимидаги автопортрети” реалистик асар ҳисобланниб, рассом майда деталларни меҳр билан тасвирлайди.

1908–1910 йилларда Туркияning кўп рассомлари нафис санъат мактабини тамомлаб, Париж ва Мюнхенга юбориладилар. Улар бу ерда им-

прессионизм йўналишида ижод қилган кўплаб рассомлар ижоди билан танишишади ва француз импрессионистларининг полотнолари туркиялик рассомларда катта таассурот колдиради. Шундан бошлаб, улар импрессионистларга таклид қилган ҳолда картиналар яратишга киришадилар. Истанбул шаҳрининг эски туманларидағи эртакнамо манзаралар, тарихий тор кўчалар четидаги қаҳвахоналар, масжидлар, ташландик мозорларнинг манзаралари импрессионистларга хос ёзувда – холст юзасига бўёкларни эркин, тартибсиз, устма-уст суртиш орқали бажарилади. Бу оқимни ўша кезлари Назми Зиё (1881–1937), Авни Лифиж (1886–1927) каби рассомлар бошқаришади. Бу жараён турк ранг тасвирида ўзига хос боскич бўлиб, айрим рассомлар, масалан, Иброҳим Чалли (1884 й.т.), Намиқ Исмоил (1890–1935) тез орада импрессионизм таъсиридан кутилишга эришадилар.

Биринчи жаҳон уруши йилларида Усмонийлар салтанати инкиrozга учрайди. 1919–1923 йилларда турк ҳалки мустамлакачиларга карши оёқка туриб, озодликка эришади ва Туркия Республика деб эълон килинади.

1920–1930 йилларда турк тасвирий санъатида йўналишлар ўзгарди. Эндиликда маҳаллий рассомлар чет эл тасвирий санъати таъсиридан чиқиб, миллий ўзлигини англаш масалаларига эътиборни қаратади. Бир томондан турк санъати Истанбул бадиий академияси ўқитувчилари томонидан илгари сурилаётган сезанизм, кубизм, абстракционизм ва бошқа формалистик оқимлар таъсиридан кутила бошлаган бўлса, иккинчи томондан Туркия тасвирий санъатига собиқ шўро тасвирий санъатининг реалистик санъати ва Фарбнинг замонавий прогрессив санъатининг таъсири орта боради. Иброҳим Чаллининг “Партизанлар” ва “Артилеристлар” картиналарида образлардаги реаллик киши эътиборини ўзига тортади. Намиқ Исмоилнинг “Охирги снаряд” картинаси жанг саҳнасини мунгли манзара фонида тасвирлаб, урушнинг аянчли оқибатларини тушунтириб беради. Халил Иброҳимнинг “Фронтдаги аёл” картинасида жангга отланган мард аёлнинг жиддий киёфадаги сиймосини кўрамиз.

Реализм нафакат уруш (баталь) жанрида ўзини намоён қилди, балки кундалик турмуш билан соғлик саҳналарни тасвирлашда ҳам етакчилик қила бошлади. Намиқ Исмоилнинг 1930-йилларда яратган “Хирмон” (Истанбул, бадиий музей) картинасида кишлоқ ҳаёти акс эттирилган. Рассом бу ишида ўз она Ватанининг бир бўлagini ранго-ранг бўёкларда, қалби шавққа тўлиб чизади. “Анқаранинг қальъа девори” (Истанбул, бадиий музей) номли иккинчи картинасида эса рассом турк манзарасининг ўзига хос жиҳатларини маромига етказиб тасвирлайди. Анатolia манзарасини эса бошқа рассом – Халил Дикман юксак дид билан яратади.

1928 йилда турк рассоми ва санъатшуноси Нурулло Берк Мустакил рассомлар уюшмасини тузди. Уюшма 1933 йилда “Д гурухи” номига ўзгартирилган. Дастилаб уюшманинг таркибига кирган аъзолар гарб академизмидан чекиниб, турк санъатининг ўзига хос жиҳатларини саклаб қолишга бел боғлайдилар. Бунинг учун “Д гурухи” ўрта асрлардаги миниатюраларнинг тасвирий анъаналарига, ҳалк амалий-безак санъатидаги образлар тизими ва накшлар жилосига мурожаат қила бошлайдилар. Умуман олганда, ушбу гурух турк тасвирий санъатида салмоқли из колдирган, десак хато бўлмайди. Бироқ 1940–1950 йилларда унинг аъзолари тўсатдан формалистик талкинда ижод қилишга ўтиб кетишиган.

Бунинг асосий сабаби, Америкадан ва Европадан турли замонавий (модерн) оқимлари кириб келишидир. Чунки, инкілобдан сўнг Туркия Фарб ва океанорти давлатлари билан якин алоқада бўлган.

1950–1960 йилларда Туркия тасвирий санъати яна иккилагерга бўлиниб колади. Биринчи гурух турк тасвирий санъатини жаҳон тасвирий санъати анъаналарига пайвандтаб, уни замонавийлаштириш устида излансалар, иккинчи тарафдагилар асосий эътиборни миллийликка каратадилар. “Европачи”лар Истанбулда ижод килса, “миллийчилар”нинг макони – Анқара шаҳри эди. Айнан улар жаҳон тасвирий санъатининг ютукларини инкор этмаган ҳолда янгича миллий турк тасвирий санъати мактабини яратишган. Уларнинг картиналарида жўшкун ҳаётнинг лаҳзалари, оддий меҳнаткашларнинг орзу-ниятлари, кундалик ташвишлари ўз аксини топган (Солих Аджарнинг, “Фаввослар”, Дурон Каражининг “Балиқчилар” картиналари).

Миллий руҳда ижод киладиган рассомлар каторида графика санъати усталари ҳам бўлишган. Улардан бири – Мустафо Аслиер. Мустафонинг ишлари нафакат ватанида, балки чет элларда ҳам қадрланган. Унинг энг сезимли мавзуси – Анатолий воҳасидаги дехконлар ҳаёти. Рассомнинг ишларидаги контур чизикларни аниқ-тиниклиги, одамларнинг киёфаларини геометрик шаклларга ҳамоҳанг қилиб чизилиши, халқ амалий-безак санъатига хос чизгилар, масалан, турк гиламлари ва кашталаридаги накшлардан кенг фойдаланиши қоғоз сатҳида бус-бутун яхлитликни ҳосил қилади. Шунинг учун графика устасининг асрлари ҳам миллий, ҳам замонавийлиги билан ажralиб туради.

Туркия тасвирий санъатининг ривожланиш йўллари ҳар вақт сиёсий-иктисодий омиллар билан ҳамнафас бўлган. У ўзида жамиятдаги ўзгаришларни акс эттирган. XV асрда турк сultonларининг саройларидаги устахоналарда аслзодалар учун яратилган китобот миниатюраларидан бошланган тасвир санъат XXI асргача тараққиёт йўлини босиб ўтди. Туркияning географик жиҳатдан Европага яқинлиги ўрта асрларданок иккита маданиятида ўзига хос алоқани ҳосил қилган: Бири иккинчисини тўлдирган, усталар ҳам миллий, ҳам европача бадий таълимни эгалланлар. Шу хусусиятлари билан ҳам Туркия тасвирий санъатининг жаҳон тасвирий санъатига ўзига хос ўрни бор.

Замира САЙДУЛЛАЕВА,
санъатшунос

ЖАҲОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ҚИСҚАЧА ҚОМУСИ

ГАБРИЕЛ Д'АННУНЦИО – итальян шоири, драматург, адаб, сиёсий арбоб. 1863 йилда Италияниң Пескара шаҳрида туғилган, 1938 йилда Гардоне-Ривьера да вафот этган. “Атиргуллар романы”, “Жованни Эпископо”, “Үлим шарафи”, “Бегунох”, “Эҳтимол, балки, йўқ” каби насрый асарлар, “Ўлик шаҳар”, “Жоконда”, “Франческа да Римини”, “Йорионинг кизи”, “Кема”, “Федра” сингари пъесалар муаллифи.

“ГАНГ ДАРЁСИНИНГ КИЗИ” – Ўзбек миллӣ академик драма театрида саҳналаштирилган спектакль. Асар 1956 йилда хинд ёзувчиси, Нобель мукофоти совриндори Робинданат Тагорнинг “Ҳалокат” романи асосида Ўзбекистон халқ артисти Александр Гинзбург томонидан саҳналаштирилган. Мазкур спектаклда асосий ролларни Эркли Маликбоева (Умеш), Олим Хўжаев (Нолинакха), Яйра Абдуллаева (Камола, Химонкори), Қудрат Хўжаев (Жоген) каби санъаткорлар ижро этган. Шу асар асосида 1961 йилда “Ўзбекфильм” киностудиясида режиссёр Ҳожи Ахмар томонидан бадиий фильм ҳам суратга олинган. Сценарий муаллифи Александр Гинзбург. Унда асосий ролларни Ўзбекистон халқ артистлари Ҳ. Умаров (Ромеш), Ё. Ахмедов (Оқхой), О. Жалилов (ОНнода бабу), З. Садриева (Химонкори) М. Ёкубова (Нобинкали), А. Орифхонова (Камола) ва бошқа актёrlар ижро этишган. Оқ-кора тасвирдаги мазкур картина ўзбек киноси хазинасидан муносиб ўрин олган.

ГАНЖАВИЙ НИЗОМИЙ – Озарбайжон мумтоз шоири, маърифатпарвар, комусий олим. Ганжавиий 1141 йилда Ганжа шаҳрида (Эрон) таваллуд топган, 1209 йилда Озарбайжонда вафот этган. Асл исми Абумухаммад Илёс ибн Юсуф ибн Закий Муайяд бўлиб, таҳаллуси туғилган шаҳри номига нисбат қилиб олинган. Ганжавиий фикх, тарих, география, фалсафа, мантиқ соҳаларида устод даражасига этишган, табобат ва илми нужумни чуқур эгаллаган. У замонавий илмлардан ташкари, юонон фалсафаси ва адабиёти, эроний халқларнинг исломдан олдинги сўз санъати, халифалик даври илмий-адабий мухити, яхудий ва насроний халқлари тарихи, Кавказ халқларининг ўтмишини ўргангандаги мурасимиётларни излабети ташкил этади. Уз даври шоирларидан тортиб, Алишер Навоийгача Низомий Ганжавиийни ўзларига устоз деб билишган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарида уни шайхлар каторида зикр этади. У хамсанависликда юксак шараф топган сўз султонларидан биридир. “Махзан ул-асор”, “Хусрав ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Ҳафт пайкар”, “Искандарнома” номли беш достондан иборат “Ҳамса”си билан Шарқ оламида шуҳрат козонган. Маълумотларга кўра, Низомий Ганжавиийнинг 20 минг байтдан иборат шеърий девони бўлган. Лекин ундан 16 та қасида, 192 та ғазал, 5 китъя, 68 та рубоий ва 17 байт бизгача етиб келган. XIV аср ўрталарида Кутб Хоразмий “Хусрав ва

Ширин” достонини, Огахий эса “Хафт пайкар”ини туркий тилга таржима килган. Ганжавий қасидалари, ғазаллари, қытъа, рубоий ва хикматларидан намуналар 1983 йилда Шоислом Шомухамедов томонидан хозирги ўзбек тилига ўтирилган.

ГАРРИ ПОТТЕР – адабий персонаж, таникли инглиз адабаси Жоан Роулинг (1965) қаламига мансуб туркум фантастик романлар бош қаҳрамони. 1997–2016 йилларда эълон килинган мазкур романлар ўн бир ёшли сеҳгар Гарри Поттер ва унинг дўстлари бошидан кечирган турфа саргузаштларни камраб олади. Образ характерининг аник протатипи йўқ, лекин муаллиф унинг ташки кўриниши ва фамилиясини эски дўсти Ян Поттердан олган. Гарри Поттер роман сюжетига кўра, оғир шароитда улғаяди ва бу унинг руҳий дунёсига таъсир этади. Образ характер жиҳатдан ижобий, довюрак, ҳаммага ёрдам кўлини чўзадиган меҳрибон, шу билан бирга ракибларига нисбатан жуда ашаддий курашчи сифатида намоён бўлади. Крис Коламбус, Альфансо Куарон, Майкл Ньюэлл, Девид Йейтс каби режиссёrlар саккиз романнинг ҳар бири асосида фильм суратга олган. “Гарри Поттер ва хикматлар тоши”, “Гарри Поттер ва маҳфий хужра”, “Гарри Поттер ва Аскабан маҳбуси”, “Гарри Поттер ва аланг кубоги”, “Гарри Поттер ва феникс жамияти”, “Гарри Поттер ва тилсим шаҳзода”, “Гарри Поттер ва ажал тухфаси” номли фильмлар шулар жумласидандир. Мазкур фильмларда бош қаҳрамон ижрочиси Даниел Рэдклиф Гарри Поттер киёфаси билан дунёга машҳур. Романлар муаллиф ва режиссёrlар номини тез фурсатда дунёга танигтан, аммо ўрта бўйли, думалок кўзойннак такиб юрадиган, пешонасида чақмок шаклии чандиги бўлган мазкур образнинг шуҳрати муаллиф номидан ҳам машҳурроқдир.

ГАРМОНИКА – эркин аерофон синфига мансуб клавишили мусика созларининг умумий номи. Атама юонча сўздан келиб чиқкан бўлиб, “уйун, мос келувчи, ҳамоҳанг” деган маъноларни билдиради. Эрамиздан аввалги 2–3 минг йилликка оид Хитой кадимий қўлётзмаларида келтирилишича, гармоник созларнинг энг дастребки тури Шэн деб аталган. Бу турдаги клавишили созлар лаб гармонлари, қўл гармонлари ва фисгармонияларга бўлинади. Лаб гармонларида ҳам клавиш, ҳам пулфлама мунштук бўлади. Аккордина, мелодика, гармонетта лаб гармонининг энг кўп қўлланиладиган турларидир. Аккардеон, баян, хромка, банданеон, концертина қўл гармоникасининг асосий турлари саналади. Ушбу чолгулар оиласига мансуб учинчи тур – фисгармониялар тузилиш ва ҳажм жиҳатидан фортепианога ўхшаб кетади. Фисгармониянинг мультимоника, оркестрион, хинд гармоникаси ва оёқ билан бошқариладиган турлари мавжуд.

Мафтуна МУҲАММАДАМИНОВА
таиёрглади

РЕЗЮМЕ

••• Майский номер журнала посвящен турецкой литературе. В нем опубликованы материалы, информирующие читателей о литературной и культурной жизни Турции, произведения известных турецких писателей, поэтов и драматургов.

••• Пьеса “Брут или убийца Юлия Цезаря” является одним из последних произведений известного турецкого драматурга Тунжера Жужен-оглы. В ней исторические события тысячелетней давности рассматриваются с точки зрения современности. На узбекский язык пьеса переведена Айбеком Вейсал-оглы.

••• В данном номере журнала опубликовано эссе Марины Цветаевой “Слово о Бальмонте”, в котором она рассуждает о значении творчества Константина Бальмонта для русской поэзии XX века, своеобразном творческом стиле автора и особенностях его личности.

••• Здесь же напечатана статья известного ученого и переводчика Мухаммадали Кушмокова “Свет творчества”. Она посвящена анализу особенностей творчества народного поэта Узбекистана Шукруллы. Автор рассказывает о процессе становления его поэзии, сложном жизненном пути Шукруллы и значительном вкладе, внесенном им в развитие художественного перевода. Опубликованы также его переводы стихов известных зарубежных поэтов.

••• В номере также опубликованы последние главы “Книги совершенного человека” Азизиддина Насафи. В простой и доступной форме автор рассуждает о таких понятиях, как сущность жизни, цель и значение морального воспитания человека, а также последовательно и обстоятельно разъясняет пути достижения духовного совершенства.

RESUME

••• This issue of the magazine is dedicated to literary of Turkey. Articles about modern Turkish literary, social-cultural life, art and modern works in prose, poetry and dramaturgy are presented in this issue.

••• One of the last plays by well-known Turkish playwright Tunger Gugen oglu named “Brutus or a Killer of Julius Caesar” was translated by Oybek Veysal oglu. This play differs from all other works about great Julius Caesar. It was written in tragicomedy genre and narrates about historical events happened two thousand years ago in a modern manner.

••• Remarkable Russian poet Marina Tsvetaeva in her essay “A Word about Balmont” wrote about influence of Balmont’s works to Russian poetry of XX century, his poetic style and personal qualities.

••• Well-known poet, literary critic and translator Mukhammadali Khushmokhov in his article “A Light of Creativity” writes about poetical style of the People’s Poet of Uzbekistan Shukrullo. The author also investigates difficult life path of Shukrullo, analyzes his influence to Uzbek literary translation. It is also published some translations by Shukrullo from the world poetry.

••• The last paragraphs from Aziziddin Nasafiy’s “A Book of Perfect Person” in which an author narrates in a simple way about methods of achievement of spiritual perfection are presented in this issue.

Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal

Навбатчи муҳаррир: М.МУҲАММАДАМИНОВА

Техник муҳаррир: Ф.ЎНАРОВ

Мусаххих: Ш.НИЁЗМЕТОВА

Компьютерда саҳифалочи: М.АЛИЕВА

ИНДЕКС 828, 829

2007 йилда №0252 раками билан лицензия олинган.

Ўзбекистон Матбуот ва аҳборот агентлигида рўйхатга олинган, №189.

Уч босма табок хажмгача бўлган кўлёзмалар қайтарилимайди.

“Жаҳон адабиёти” журналида эълон килинган асарларни кўчириб босишида
ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олиниши шарт.

Таҳририят манзили:

100066, Тошкент, Алишер Навоий номидаги Миллӣ
бог ҳудудида жойлашган Адиллар хиёбони.

Телефонлар: (0371) 231-23-54, 231-23-56, 231-23-57.

Сайт: www.jahonadabiyoti.uz

E-mail: jahonadabiyoti@list.ru

Босишга руҳсат этилди 31.05.2019 й. Бичими 70x108 1/16. Офсет көғози.


Офсет босма. Шартли босма табок 18,2. Нашриёт босма табоги 20,0.

Адади 2128 нусха. 540 ракамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компьютер марказида
терилиб, “Sharq” НМАКда чоп этилди.

Босмахона манзили:

100000, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.



ХУРМАТЛИ ФУҚАРОЛАР!

Автотранспорт олишда гаров
таъминоти муаммо бўлмоқдами?

БУНИ ТЕЗ ҲАЛ ҚИЛИШ МУМКИН.

"ALSKOM" суғурта компанияси (Бош офиси ёки
республиканинг барча вилоят шаҳарларида жойлашган)
офисларига мурожаат қилинг. Сиз танлаган шартларда гаров
таъминоти сифатида полис тақдим этилади.



Турон Энгинүгли. "Она ва бола"

ОБУНАЧИЛАР ДИКҚАТИГА!

Журналшық обуначылардың стекапшылышыда

мұалым тәніде бұлса, күйінде манасында

мурожасыт қылғын:

Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-төр құчаси.
2-үй. Тел.: (0371) 233-60-78, 233-67-98.

Мұқовамизды:

Ахмет Яшил.

"Севги диалектикасы ұақыда"